

89-25

Мурсуной
Содикова



87.7
275

Пурсуной
Содиқова

Умри мaeклари

Иккинчи нашр



TOSHKENT
«O'ZBEKISTON»
2016

TerDU ARM
№ 398138



УЎК: 821.512.133-1
КБК 87.7
С-75

Масъул муҳаррир
Ҳикоят Маҳмудова

Содиқова Турсуной

С-75 Умрим маёқлари. Эсселар: 5-жилд /
Содиқова (иккинчи напир); масъул муҳаррир
Ҳ. Маҳмудова. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –
392 б.

ISBN 978-9943-28-022-9

УЎК: 821.512.133-1
КБК 87.7

ISBN 978-9943-28-022-9

© Т. Содиқова, 2013, 2016
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013 2016

МУАЛЛИФДАН

«Дунё» деган эски бир сахнанинг четгинаси-
да нигоҳларга гоҳ илиниб, гоҳо илинмай ўтиб
борапман. Худо юрагимнинг ўртасига бир най
жойлади ва ҳаётпараст бир феъл берди. Ки
атрофдаги ҳамма нарсага соғиниб қарайман.
Одамларни ҳайрат билан кузатаман. Уларни
китобдай ўқигим келади. Биргина сўздан сафо
оламан, биргина сўздан хаволарга кўтариламан.
Китоблардан, яхши инсонлардан қанотланаман
ва ҳар сафар руҳиятим нақ бодомдай гуллаётга-
нини сезиб тураман.

Одамсиз жой йўқ, одамларсиз ҳаёт йўқ.
Биз бамисоли одамлар денгизида оқиб бора-
миз. Бу оқиб бораётган одамлар жўн ўтиб кет-
майдилар: дилингизнинг қулоқларига нимадир
деб, ақлингизнинг қатларига нимадир қўшиб,
руҳиятингизни танбурдай чертиб ўтадилар. Ай-
рим инсонлар офтобга ўхшайдилар. Ҳатто улар
ҳақида ўйласанг ҳам ҳарорат туясан. Бундай
одамлар эл учун, ватан учун, шаън ва ори-
ят учун фидо бўлиб яшайдилар, бу масъул-
ликни юракларига байроқдай қадаб ўтадилар.
Аммо умр бевафо, бу эшикдан югуриб кириб,
иккинчисидан зинғиллаганингча чиқиб кетар
экансан. Улуғлигини кўзинг кўриб, буюклиги-
ни ҳамма сезиб турадиган одамлар эса жуда



узоқ яшаши керак дея бетоқат бўласан! Ҳатто «улар ўлмаса қанийди» дегинг келади! Биздан кейин уларни набира, чевара, эвараларимиз ҳам кўришини хоҳлайсан, жуда, жуда хоҳлайсан! Эвоҳ, эвоҳ!...

Шунинг учун ҳам, умримнинг кундузларида шамсу тунларида қамар бўлган, мен билан бир замон ва бир маконда яшаган инсонлар ҳақида хотирамда кўтариб юрганларимни ёзиб қўйгим келди. Ёзмишларим кўлдан келганча бўлса ҳам, миллий маънавиятимизни таниш ва асрашда хизмат қилади, деган умиддаман... Ҳеч бўлмаганда фарзандларим учун ибрат, сабоқ ўрнида бўлсин. Бу рисолада зикр этилган инсонлар билан замондош бўлганим, «улар биздан эдилар» деб турганимга минг бор шукрлар бўлсин.



Тургун Алиматовни ёд этиб

ДУТОР НАВОСИ

Мен учун Тургун Алиматовдай инсонларга замондош бўлиш, уларни ҳайрат билан кузатишга етишиш ҳам сазоворликдир. Бу киши ҳақида кичкина кўрсатув қиладиган бўлдимۇ хонадонларига бориш насиб этди. Бошда дўппи, елкасига яланг қават тўн ташлаб олган, полвон келбатли, саксонлардан ошган бу одамнинг салобати ўзидан олдин юрар экан. Кўзингизга асло қарамай, чертиб гапириб, ўлчаб куладиган, аммо ҳамсухбатини вужуди кулоқ бўлиб тинглаётган бу одам шундоқкина Шарқнинг суврати, Шарқнинг ўзгинаси эди. Умрнинг ҳали у, ҳали бу бекатига тўхталар экан, юрагини фақат боғ қилиб ёки «оҳ» бўлиб қолган жойларинигина эслар, кам гапирса ҳам, катта руҳият билан гапирарди. Ўзбек санъатининг тирик тарихи, бетакрор хазинаси рўпарамда тургани ва бу дақиқаларнинг ғаниматдан ғаниматлигини билиб турибман. Қани энди, бу киши гапираверса-ю, бирорта сўзни туширмай ёдлаб қолсам! Аммо саволимдан илиниб, тилим билан қовун тушириб қўйишдан кўрқаман, жим-жим ўтираман... Аста юкиниб, дутор чалиб беришларини сўрайман. Чап қўл пардаларда, ўнг қўл бармоқлари ёзиқ



ҳолатда дутор иплари узра пасту баланд тебранади, «Дутор навоси» янграйди, чандон тикиламан – панжалар ҳеч букилмайди, ҳатто ипга ҳам ё тегади, ё йўқ! Аммо уй тўрғай овозига тўлиб кетади. Рухинг кўксингдан чиқиб, гоҳо отда чопаётгандай, гоҳ бамисли учаётгандай сайраётган тўрғай ортидан қувлайди, тўрғай бўзлаб чарх ураверади. Ватаннинг жами гўзаллиги бағринга кириб келаверади. Чўлпоннинг тили билан айтганда, «бидратиб чалинаётган» дутор ҳам яйратади, ҳам йиғлатади!

«Ўргилай, дутор, – дейман, – айланай, дутор! Бағримни қонатганинг учун, жон озиғи дардларимни ёдимга солганинг учун! Дуторнинг бўйнига осилиб олиб йиғлаётган юрагимни эшитиб тўймайман, шунақаям чиройли юрагим бор экан-а! Ҳар бир парда бағримнинг оғрийдиган жойини тоииб тегинади, куй теккан жойки бирдан олча бўлибми-ей, бодом бўлибми гуллаб юборади! Яна, яна оҳанг тегаверади, дардларим ифорга айланаверади. Фикратимни туртишга тушаман: бу синоат қандай бошланган аслида, куй дегани қачон пайдо бўлган, дил оғриқларига қараб куй тўқилганми ё юраклар чолғу пардаларидан ўзига ҳамоҳанглик қидирганми?... Эҳ, биродар, қушларнинг садоси учун, чолғулар навоси учун, куйларга ошно қилган дил яроси учун Яратганга шукрлар қилайлик!

«У ВИРТУОЗ СОЗАНДА!»

Магнит тасмадан «Эй, сабо» куйини эшитаман. Дуторда ҳам, танбурда ҳам, сатода ҳам Турғун аканинг ўзлари чалганлар... Ёзувчи Саид Аҳмаднинг сўзларини эслайман: «Турғун Алиматов – бетакрор истеъдод, у виртуоз созанда!»

Бир машҳур бастакор умрининг поёнида, ҳас-талиқ пайтларида атрофида қанча куй, қанча созанда турса-да, фақат Турғун Алиматов ижросидаги «Эй, сабо»ни қайта-қайта эшитаверар экан. Гарчи ҳаётда қаҳрамонимиз билан тез-тез баҳслашиб, иддао билан юрган бўлса-да, Турғун акани эшитаверар ва ҳар гал юм-юм йиғлайвераркан...

КЎКДАН ДУМАЛАГАН ОЙ

Оналари Турғун акага юклик эканлар. Оталари бир туш кўрибдилар: эмиш осмондан Ой узилиб, уларнинг дарвозахонаси олдидаги дарахт ичига тушиб кетибди. Кейин бу киши тиракка чиқиб, Ойни олибди-да, қўйнига солибди. Уйғониб, тушларини оналарига айтиб берибдилар. «Ўғлим, сиз бир ажойиб фарзанд кўрар экансиз, – дебди оналари, – у боладан бутун атроф нурафшон бўлар экан, иншооллоҳ!» Ўша туғилган гўдак Турғун ака эканлар.

РАЙҲОННИНГ ОҲИ

Турғун аканинг аёллари ҳикоя қилади: «Жуда муъжаз ҳовлимиз бўларди, шундай бўлса-да, бир



кулоч қисмига албатта райхон, жамбил экардим. Экканларим эндигина икки донадан барг чиқариб, тўрт энлик бўй чўзган. Уларни кунда кўзим билан парваришлаб, меҳрим билан суғораман. Худди шу кунларнинг бирида қизимизга совчи келди. Қоидаси билан кутдик, кузатар пайт бўлди. Меҳмон дарвозахона томон юрар экан, ногоҳ эгатчаларга кўзи тушди ва чаққон эгилиб, эндигина қулоқ чиқарган райхонни бўғзидан шартта узди-да, димоғига босди! Назаримда, менинг ҳам ичимда бир нарса узилгандай бўлди. Меҳмонни эшикдан чиқардиг-у, дадасига: «Бу аёлга қиз бермаймиз, бешафқат экан, норасида райхонга юраги ачишмади-я», — дедим. Ва шугина ҳолат сабаб бўлиб қизларини ўша ёққа бермабдилар.

Яхшиларнинг иши дилингга яхши ўйлар солади. Бевақт узилган шу гул ҳам Аллохнинг неъматиди! Унинг ҳам охи бор ахир! Раҳм-шафқатли бўлиш поклик аломатидир. Бераҳмлиқнинг, озорнинг катта-кичиги йўқ. Ким озор берувчидир — у йўқотувчи, ютқазувчидир. Балки совчи қўйгич йигит билан бу хонадоннинг қизи узукка кўз қўйгандай мос келар эди, балки улар энг яхши қудалар бўлиб сайланиши мумкин эди. Аммо эндигина қулоқ чиқарган райхоннинг охи уларни қовуштиради.

ДЎППИГА ҚЎНГАН МУСИЧА

Турғун аканинг аёллари яна ҳикоя қиладилар: «Бир куни қайнэгачим билан болохонада кўрпага пахта соляпмиз. Турғун акангиз пастда танбур



чалиб ўтиргандилар. Нима бўлди-ю, ўша томонга кўзим тушиб колди. Хайратдан қотдим. Қайнэгачимни туртиб имлайман, унинг ҳам нафаси ичига тушди – шу десангиз, бир мусича Турғун аканинг бу елкасида, яна бир мусича иккинчи елкасида, бир мусича эса дўпписида қўниб турарди! Куй чалиняпти, улар ўтирибди. Куй давом этяпти, улар хануз ўтирибди. Оҳанг тугаса нима бўлар экан деб биз бу ёқда илҳақ! Куй тугади. У киши ҳам уларни чўчитиб юбормай, деб шунчаки «динғир-динғир»га ўтдилар. Куйдан маъни чикмагач, мусичалар учиб кетишди».

«Куйдан маъни чикмагач» деган жойига эътибор беринг. Мусича қаёқда-ю, куй қаёқда-ю, маъни қаёқда! Лекин шу ўринда мусичаларнинг куй эшитгани келгани – ҳужжат! Мўъжизани қаранг, шу тобда инсон ва куш бир тилда – куй тилида гаплашди, дардлашди! Балки бу уларни бирлаштираётган илоҳий шевадир? Атрофимизда ҳаракатда турган жами тирик мавжудот бизнинг замондошларимиз. Улар билан ўзаро тақдиримизга таъсир қилиб яшаб борамиз. Яхшилаб қарасангиз, кушлар, жониворлару дарахтларнинг ўзига хос илму фалсафаси борлигини кўрасиз. Ҳаттоки уларда инсонлардан кўра ақллироқ ҳаракатларини ўқийсиз. Чумолиларнинг яшаш учун ҳаракатлари, аргимчоғини узмай кетаётган турналарнинг интизоми, ҳар йили инини адашмай топиб келаётган қалдирғочнинг хотираси нега бизни уялтирмайди? Ўз мақомида ғоят собит ва ҳалол бу майда жонзотлар биз – инсон-

лар устидан кулмаяптимикин? Тўрт тараф улкан томошахона, тўғрироғи, улкан ўқувхонадир! Ўз навбатида, бизни ҳам, инсонлардан ташқари, гир атроф кузатиб туради. Сочилиб, фаромуш, атрофга беписанд яшашга ҳақкимиз йўқ! Яна қушларнинг чуғурлари бизни қарғаётган бўлмасин!? Ҳашаротларнинг чириллашлари, дарахтларнинг шивирлари бизга айтилаётган нори-золиклари бўлмасин!?

Аллоҳ инсонни инсонлар билан бахтиёр яратган, аммо инсон инсонсиз қолган ҳолатда ҳам уни улкан елкадошлар билан ўраб, ҳимоялаб қўйган. Булар дарахтлар, қушлар ва жониворлардир. Ўшаларнинг розилиги бизнинг омонлигимиздир!

Турғун ака тушган ҳолатда ҳам илоҳийлик бор. Қўли билан ҳаракат қилиб ўтирган одамнинг бошигаю елкасига бир эмас, уч мусичанинг қўниб ўтириши ҳар доим бўладиган иш эмас. Бу — мўъжиза, бандаси бунинг сирини билишга ожизлик қилади...

Бундан йигирма беш йиллар муқаддам бу кишимнинг куйларидан таъсирланиб, бир шеър битган эдим:

*Танбур куйлар, куйки авжида,
Тўлгонганча тутар оламни.
Сеҳр оқур куйнинг мавжида,
Қайта бошдан битар оламни.*

*Қайта бошдан яралдим мен ҳам,
Бир пок нурга чулганар кўнглим.*



*Нохуш ҳислар топади барҳам,
Бир пок нурдан улғаяр кўнглим.*

*Ҳислар тошар бағримдан гўё
Тўрт девори эрир хонамнинг.
Ҳузуримга оқади дунё,
Кучгудайман бутун оламини.*

*Ташвишларим, ҳамма ўкинчим
Тарк этдилар, кетдилар мендан.
Эй, ноқобил дўстгинам, тинчи,
Бугун кечдим бари гинамдан.*

*Олисдаги дилкаш дугонам,
Келгил, яна меҳримга жойлан!
Дўстлар, сизни соғиндим бу дам,
Остонангиз ўпдим хаёлан.*

*Танбур куйлар, куйки авжида,
Бир пок нурга чулғанар кўнглим.
Сеҳр оқур куйнинг мавжида,
Бир пок нурдан улғаяр кўнглим.*

*Қўшни уйда кўринган тутун,
Тор кўчадан ўтган қадам ҳам,
Неки гўзал, неки беҳусн –
Менга бари азиздир бу дам!
Танбур куйлар, куйки сеҳргар...*



Устоз Саид Аҳмад ака

*Ўзбекистон Қаҳрамони
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

ОПАНИНГ ДАККИСИ

1966 йил эди. Университетни битириб, Андижон шаҳридаги 46-мактабда ўқитувчиликни бошлаган пайтим. У вақтлар Саид Аҳмад ака билан Саида Зуннуновалар ёз бўлди дегунча Андижоннинг Куйганёридаги дала ховлиларида яшай бошлардилар. Шундан фойдаланиб, уларни учрашувга таклиф қилдим. Келишди. Саида опа бирам босиқ, бирам камсуқум, Саид Аҳмад ака эса суҳбатга ўтин қалаб, қиздирадилар. Учрашувдан сўнг бир пиёла чой қилдик. Мен кўлга сув қуйяпман. Устоз гулдираб: «Илоҳо бахтин-гизни берсин, яхши жойлардан ато қилсин», деб дуо қилдилар. Саида опа ширингина «рахмат» дедилар-қўйдилар. Шугина ҳолатга Саид Аҳмад ака умрларининг поёнигача қайта-қайта изоҳ бериб ўтдилар. «Саидахон сизни деб менга неча бор дакки берганини биласизми, — дердилар ҳар гал, — сиз нима учун қиз боланинг бетига қараб ундай дуо қилдингиз, бечора мулзам бўлди», деяверарди.

Бу ўтар-кетар ҳолат устознинг хотирасида михланиб қолишида гап бор. У кишига таъсир



қилган нарса миллий одобимизнинг ўта нозиклиги ва уни айнан ўз аёлларида кўриб яйраганларидир. Назаримда, инсон яқин кишисини йўқотгач, хотирасидан уни қидиришга, ҳар лавҳани эслаб, ўша ҳолат билан хаёлан бўлсада, яна бир зум яшаб олишга, қонаб турган соғинчларини даволашга уринади шекилли. Саид Аҳмад ака ҳамиша эл орасида юрадиган одам, кузатувчи, ёзувчи одам. Ва тинмай Саида опани бошқаларга солиштирса керак-да. Нафсиламрини айтганда, опа ҳақиқий шарқ аёли эдилар. Туришларидан, кўзларидан овозим деворга урилиб кетмасин, нигоҳим ҳам бировга вазмин тушмасин деган ишораларни ўқиб турардингиз. Бу ойим дунёга ибo пардаси билан келиб, ибoга ўралганича кетди. Кўзини ҳам, овозини ҳам кўтармай, сўзласа ҳам ҳаёнинг ортига яшириниб туриб сўзлаб ўтди. Шунинг учун ҳам устоз у зотнинг ҳар бир айтган гапи, тутган тутумларига хумор бўлиб, бу хотираларнинг ҳар бирини умрларига тумор қилиб ўтдилар шекилли...

БИР ЖЎРА АТЛАС

Етмишинчи йилларнинг боши. Андижонда Саида опанинг эллик йиллиги бўладиган бўлди. Куйганёрда, яъни ўз ҳовлиларида. Мен мактабда оддий ўқитувчиман, холос. Ҳали мустақил китобим ҳам чиққан эмас. Таклифномани бировдан бериб юборгилари келмай, Саид Аҳмад аканинг ўзлари иш жойимга икки марта келибдилар. Шугина эътибордан ўсиблар кетганим эсимда.



Тошкентдану водийдан меҳмонлар эринмай, гуруҳ-гуруҳ бўлиб келаверибдилар. Қорадарёнинг бўйидаги у ҳовлини жаннатнинг бир бўлаги деса дегулик эди! Қизаришга бошлаган ларзон-ларзон анжир, шафтолиларнинг ерга теккудай туришларини кечагидай эслайман. Асакалик истеъдодли шоира Ҳалима Қорабоева ҳам таклиф қилинган экан, келишиб туриб, иккаламиз бирга бордик. Атрофимиз тўла машҳур кишилар, фаройиб гаплар айтиляпти. Жуда салобатли шахслар орасида Ҳалима иккимиз қимтинибгина, борган сари кичрайиб кетаётгандай ўтирибмиз. Саидахон опа миллий кўйлак-лозимларда фариштадай бўлиб, столларни оралаб, мулозамат кўрсатиб юрибдилар. Бир пайт Саид Аҳмад ака орқа томондан келдилар-да, қулочларини ёйиб, бир қўлларини Ҳалиманинг, бир қўлларини менинг елкамга қўйиб туриб, «Азиз меҳмонлар!» дея ҳамманинг эътиборини тортдилар ва Ҳалима иккаламиз ҳақимизда баланд-баланд гапларни айта кетдилар. «Яна йигирма йилдан кейин бу иккала қизимизни бутун эл севиб қолади», деб қўйдилар кўтаринки руҳда. Кейинчалик фаҳм этдим, иккимизни таклиф қилишдан бир ниятлари, йиғин баҳона бизга шу рағбатни бериб қўйиш экан. Миллатнинг ғамини ейиш, унинг болаларини йўлда-чўлда синиб қолмаслиги учун жонсарақлик кўрсатиш шу-да, у кишидан Аллоҳ рози бўлсин.

Кўп ўтмай Саидахон опа оламдан ўтдилар. (Адашмасам, эндигина эллик бирга кирган эдилар.) Ҳамиша армон қиламан, опага ҳамюрт



бўлсам-да, бирор марта ҳам яккама-якка суҳбатда бўлмаганман. Ўзим табиатан очик, дадилгина эдим, аммо устозлар қошига, газета, журнал редакцияларига бориш масаласида жуда журъатсиз эдим.

Ўшанда юбилей билан боғлиқ бир нарсадан қаттиқ таъсирланганман. Саид Аҳмад ака опа ўтиб кетганларидан кейин бир кўришганимизда «Турсуной, Саида опангизга бир ваъдам бор эди: дугонангиз Ҳалимаҳоннинг уйида бирор маросим бўлса айтсангиз, мен ҳам йўқлаб қўйсам. Ўша йиғинда опангизга Ҳалимаҳон бир жўра атлас совға қилган экан, қарз елкамизда кетмасин, бу Саидахоннинг омонат гапи», дедилар. Кейинчалик ҳам буни яна икки-уч бор эслатдилар... Бир жўра атлас учун ўзини қарздор сезган бу икки улуғликни қаранг! Аслида ким қарз? Уларнинг бизга қолдирган бебаҳо асарлари, миллат тарбиясига қўшган ҳиссалари, адабиётимиздаги ўхшаши йўқ ўринлари, келбатлари ва улардан қолган китобларнинг бундан кейин ҳам авлодимизга берадиган маънавий илмларининг баҳоси қапча? Биз уларни қай даражада рози қилолдик? Улар қошида бўйнимизгача қарзга ботиб кетган биз эмасми?! Илоҳо, мана шу қарздорлик, бурчдорлик юки елкамизни ҳамиша эзиб турсин, ҳеч йўқ улар парҳез қилган нарсалардан парҳез қилиб яшашга уриниб кўрайлик...

ОПАНИНГ ГУЛИ

Саида опанинг таваллуд топганларига етмиш йил тўлиши муносабати билан Фарғона водийсида хотира кунлари ўтказиладиган бўлди. 1996 йил майнинг боши эди. Саид Аҳмад ака бошчилигида сафар гуруҳи тузилди. Бу сафда Ўзбекистон Охунова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева ва Иброҳим Ғафуров, Мукарама Муродова, мен бор эдик. Саида опанинг кизлари Нодирахон ҳам бирга эди. Довондан боряпмиз. Тошкент вилоятидан чиқиб, Наманган ҳудудига киришимиз билан тоғ ёнбағридаги соя-салқин бир жойда тўхтадик. Бир-биримизни етаклаб, ҳали жой топиб ўтирганимизча ҳам йўқ эди, мактаб ёшига етмаган бир ўғил болача иккала қўли билан бир даста лолани сиқимлаганича биз томонга шошилиб кела бошлади. У ҳеч кимга эътибор бермай, бизни оралаб-оралаб ўтди-да, тўғри бориб лолаларни Саид Аҳмад аканинг қўлларига тутқазди ва кетига ургандай, липпасини маҳкам ушлаб югурганича, изига қайтиб кетди. Ҳамма «вой-вой» деганича қолди. Бу ҳол менга сирли туюлди. «Бу болани опанинг руҳи етаклаб келди-ёв, Саид Аҳмад ака, – дедим, – водийнинг чегарасида сизни гул билан кутиб турган бу бола эмас, опам!» Устоз бир гулга бир бизга қараб: «Илоҳо, руҳлари шод бўлаётган бўлсин», – деб қўйдилар.

ЮРАГИМГА БОСИБ ЮРИБМАН...

Ижодий сафарларнинг бирида машиналарга дам бергани йўлда тўхтадик. Холироқ жойда ўтирганимни кўриб Саид Аҳмад ака ёнимга келдилар. «Манга қайнсингилсиз, — дедилар ҳар сафаргидай ҳазил аралаштириб, — юрагимга босиб юрган бир нарсамни сизга кўрсатиб қўяй». Ва чўнтакларидан паспортларини олиб, муҳрли бир варағини очдилар. «Саидахон билан никоҳимиз муҳрини янги ҳужжатимга ҳам кўчириб олдим, — дедилар. Опангнинг олдида қарзларим кўп, уни кўнгилдагидай рози қилолмадим», — дея қўшиб қўйдилар кўзлари намланиб.

ТЎП ЮЛДУЗНИНГ БИТТАСИ

Дунё неъматларининг ранг-баранглигида, ҳар бир инсоннинг бетакрорлигида Яратганнинг қудратини томоша қиласиз. Қалам тутганки, китоб битганки одамнинг номи — ижодкор. Аммо ҳар бир ёзувчини алоҳида бир мамлакат деса бўлади. Бирини ўқисангиз ёз бўласиз, бирини ўқисангиз — куз! Кимдир қоғозга сеҳр бўлиб тўкилади, ўқиганки кишини лол қолдиради. Аммо минбарга чиқса, тўртта жумлани бири-бирига улаб кетишга қийналиб туради. Кимдир эса қоғозга ҳадеганда очилавермаслиги, лекин нутқ ирод қилаётганда булбул бўлиб кетиши мумкин. Бу ажабтовур қирраларни Ҳақ ясамаса, бандаси бундай алфозларга ўзи тушолмайди.



Йигирма ёшим билан эллик ёшим оралиғида пойтахтдан узоқда яшадим ва авжи устозлар билан дийдорлашадиган, уларнинг турфа иқлимларини маза қилиб кузатадиган ғанимат дамлар менга кам насиб этди. Аммо хаёлимда ярақлаб турадиган, ҳеч эскирмайдиган хотираларим албатта бор. Худо оҳанраболикни юқтирган, исмларини эшитса халқ ўзи тўпланиб келаверадиган инсонларни кўрдик, минг шукр!

Ул зотларнинг тенгсизи Ойбек домла эдилар: биз у кишининг гапларига зор бўлганимизда, кадрларига обдан етганимизда хасталаниб, гапиролмай қолгандилар. Бу одам сўзламаса ҳам, минбарда ўтиришининг ўзи бутун мажлиснинг посангисини босиб турар, ўтирганлару сўзга чиққанларнинг ҳар бири у кишига руҳан таъзимда турганлиги, айтаётган сўзини ҳам унинг салобати остида айтаётганлиги сезилиб турарди.

Устоз Фафур Фуломни айтмайсизми! Юз-алфози, ҳатто дўпписининг туришигача, феъл-атвори, сўз битишлари, сўз айтишлари, шарқона донишмандликка тўла фалсафаси, диду дупёкарашлари миллатнинг юзи эди, йўқ, йўқ, миллатнинг нақд ўзи эди у одам! Олтмиш йилгина яшаган Фафур аканинг ичида яна ўнта очилмаган Фафур Фулом ошкор бўлмай кетди деяверинг! Бу буюк инсон китобларга ўзини тўкиб улгурмади, юрагини сўтиб, бағридаги талай дурдоналарни элга бериб улгурмади. Қанчадан-қанча бетакрор, ғафурога гаплар устоз юрган йўлларда, чўлларда, минбарларда, чойхоналарнинг сўриларида сочилиб



кетди. Насриддин Афанди фақат тилдан-тилга кўчиб яшаб юргандай, «бир куни Ғафур ака мундоқ депти...» деб бошланадиган хикоятлар мана эллик йилки, оғиздан оғизга ўтиб келяпти.

Шу нарса ҳақиқатки, ёзувчилик, шоирлик бошқа, оғзаки нутқ, ҳозиржавоблик эса бошқа салоҳият, ҳазил-мутойибага чечанлик яна бир мустақил истеъдоддир. Ғафур ака ана шундай, бир жонида бир неча истеъдоднинг юкини кўтариб ўтган одам эди. У кишини Яратганнинг ўзи бу мақомга сайлаган, ўзи ярлакаган!

Раҳматли Абдулла Қаҳҳор ўзлари бир жаҳон эдилар. Бу устозга рўпара келишни қўйинг, эслашингнинг ўзида вужудингни ҳушёрлик қоплар, қаддингни роз тутиб, бамисоли имтиҳон олдида тургандай таранглашар эдинг. Ғафур Ғулом билан бирга чақин-довул, кулги, қарсак кириб келса, Абдулла Қаҳҳор минбарга қараб юрсалар, ҳамма жиддийлашар, пашша учса эшитиладиган сукунат бошланарди. Айрим ёш-яланг ёки бўштоброқ асар чоп эттириб қўйган ижодкорлар эса ўзларини худди тиш докторига кираётгандай ҳис қила бошлардилар. Бу одам ҳеч қачон шошилмас, ҳаяжонланмас, овозини мутлақо кўтармас, танқидий фикр айтса ҳам аста, чертиб, аммо одоб пардасига ўраб, қуйма тарзда айтардилар. Ўзим қатнашган йиғинларда бирорта одамнинг у кишининг фикрига эътирозда бўлганини эслолмайман. Абдулла аканинг гаплари охириги ҳукмдай янграрди. Ўзбек адабиётининг қаддини кўтарганлардан бири эди бу инсон!



Асқад Мухтор! Кўринишлари, нутқи, ёзмишлари, айниқса, шеъриятини ўқир эканман, шу туришида бу одам чўнг ва теран АҚЛнинг портрети дегим келаверади. Минбарда доим ёруғ, ним табассум билан турар, шеърни дона-дона, чиройли ўқир, овози ҳам оҳанраболи эди. У одамни жониқиб тинглар эдик, чунки ҳар гал сўзга чиққанда албатта янги бир гап айтарди. Ҳаммага барабар тавозели эди...

Шайхзода домла, устоз Миртемир акалар ҳам бекиёс шахслар эди. Уларнинг ҳар биттасига бир неча китоблар бағишланса ярашадиган ижодкорлардир. Санаб ўтган бу инсонларимиз XX аср ўзбек адабиётида алоҳида бир фасл, бир пайтда пайдо бўлиб, бир пайтда фалакка кўчган тўп юлдузлар эди. Уларнинг яқинларига боролмаган бўлсам-да, дийдорларига тўёлмаган бўлсам-да, аммо даврдош бўлганим, улар қатнашган йиғинларда рўбарў ўтиришлар насиб бўлганидан яйрайман, шукр қиламан. Ҳаммаларини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

Саид Аҳмад акада ўша улуғларнинг тафти, файзи бор эди. Устознинг ёшлари улуғлашган сари юрагим увишар, ўша бебаҳо давранинг ичида улар билан кўл ташлашиб, елкадош бўлиб яшаган, уларнинг таъми, хидини берадиган охирги вакил кетиб бораётганини ҳис этиб турар эдим...

ЛОЙ ЕТМАЙ ҚОЛДИ

Ғафур Ғулом Саид Аҳмад акани қалбларига жуда яқин тутар, ҳамиша ёнларида олиб юрар эканлар. Бу бежиз эмас, албатта. Саид Аҳмад ака ҳозиржавобликда, ҳазил-мутойибада Ғафур акадан қолишмас, улар қатнашган давралар гавжум ва кўтаринки руҳда бўлар, келганки одам маза қилиб кетар эди.

Саксонинчи йилнинг боши, чамаси. Саид Аҳмад ака Андижон давлат педагогика тиллар институтининг ўша пайтдаги ректори Хайитбой Азимийнинг эллик йиллиги тантанасига келдилар. Хайитбой ака ҳам кам учрайдиган инсонлардан эди. Ўзи тарихчи олим, қатор шеърӣ тўпламларнинг муаллифи, кўшиқчи шоир ва истеъдодли нотик эди. Хоҳ рус тили, хоҳ ўзбек тилида бўлсин, нутқ сўзласа, бир зал одамни ўз таъсирига чўктириб қўяр эди. Дуторни бидратиб чалар, ашулани қотириб айтар, агар у киши «Тановор»га ўйнагудай бўлса, маҳлиё бўлиб қолардингиз. Раҳбар сифатида эса одамларни бошқариш илмини олий даражада эгаллаганди. Дарвоқе, у эллик ёшигача қатор вилоят ва шаҳарларда ҳозирги ҳокимлик мақомида ишлаб ҳам келган эди. Институтда унинг иш услубига ходимлар зимдан қойил қолар, лекин ҳамма ёппасига ундан ҳайиқар ҳам эди. Мазкур институт ўша даврда бу одамнинг шарофати билан бир гуркираб, яшнаб олганлиги рост. (Аммо минг армонлар бўлсинки, у умрининг энг авж пардасида, эллик икки ёшида юрак ҳуружи билан орамиздан кетиб қолди!)



Хайитбой ака ҳазилга, аскияга жуда моҳир, Саид Аҳмад акага яқинлиги ҳам шу феъли туфайли бўлган бўлса ажаб эмас.

Шу десангиз, у кишининг эллик йиллиги-га бағишланган тантана бошланди, Саид Аҳмад акага сўз берилди. «Укажон, — дея сўз бошлади устоз, — сезасизми, йўқми, мани сизга ихлосим баланд. Шунинг учун тўйингизга ҳеч ким қилмаган совғани келтирмоқчи эдим. Яъни бюстингизни ясатмоқчи бўлдим. Яхши ҳайкалтарошни топдим ҳам, у ишини қойиллатиб поёнига етказётган ҳам эди, аммо ҳайкални олиб келишнинг иложи бўлмади, нега десангиз, нақд бурнингизга келганда лой етмай қолди!» Гулдурос кулги кўтарилди. Энг маза қилиб кулган Хайитбой аканинг ўзи бўлди. Хайитбой ака оқ-сарикдан келган, қадди-басти салобатли, келишимли одам эди. Аммо битта айбгинаси бор эди, яъни худо тўрт кишилик бурунни унинг бир ўзига бериб қўя қолганди. Юбилейни бир қизитиб бериш-ни мақсад қилган Саид Аҳмад ака аскиянинг хамиртурушини Хайитбой аканинг ўзидан ола қолди.

ОМОНАТИНИ ТОПШИРГАНИ КЕТДИ...

Нодирабегимнинг 200 йиллиги муносабати биланми, ҳарқалай, тўқсонинчи йилларнинг бошларида Фарғонада катта адабий анжуман бўлди. Бир жойдан бир жойга жиялпмиз. Ўн чоғли ижодкор аёллар «маршрутка» аталадиган кичик



автобусчага жойлашиб олдик. Саид Аҳмад ака-нинг кўзи бизга тушди-ю, жадаллаб келиб, машинамизга ўтириб олди. Чиқа солиб: «Ёпинг эшикни, яна қаланғи-қасанғилар чиқиб олмасин», — дея ҳазиллашди. Шу аснода таниқли бир шоир аллақандай қоғоз кўтариб биз томон кела бошлади. «Ана айтмадимми, — гап бошлади Саид Аҳмад ака ва унга қараб, — хой, манга қара, қаёққа кевоссан, бу даврада санга жой йўқ, жой йўқ» — дердилар эшикдан қўлларини олмай. У эса: «Сўраганларга мана бу омонат қоғозни фалончига бергани кетди, деб қўйинг» дегани келган экан. У шоир кетиши билан атай қилгандай, биров шошилиб келиб уни сўради. Шу заҳоти Саид Аҳмад ака: «У омонатини топширгани кетди, шўрлик!» — дея жавоб қилдилар... У киши учун ҳар нуктадан, ҳар нарсадан тезлик билан ҳазил ясаб ташлаш ҳеч гап эмас эди.

МАСЛАҲАТ

Саксонинчи йиллар. Андижоннинг бир чўл туманини Комсомолобод деб аталарди. Ўша ерда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги кўчма секретариат йиғилиши ўтказилмоқда эди. Бундай анжуманга, хотирам алдамаса, Тошкентдан эллик-олтмишдан зиёд ижодкорлар келар, вилоятдаги жами каттаю кичик қалам аҳли йиғилар, очиқ майдонларда минглаб халқ ушбу мушоираларда иштирок этар эди. Бундай йиғинларнинг жонига жон қўшадиганларнинг биттаси Саид Аҳмад ака эдилар.



Тушлик пайти. Икки юз чоғли кишига дастурхон ёзилган. Ҳар ким кўнгли тусаган одам билан бирга овқатланыпти. Севимли устозларимиздан бўлган Лазиз Қаюмов биз – уч-тўрт шоғирдларига бир столга йиғилишимизни тайинлаб эдилар. Домланинг самимий кулишлари, ёқимли лутфларидан яйраб ўтирибмиз. Сал наридан Саид Аҳмад аканинг овозлари келиб турибди. Мен Лазиз аканинг ўша томонга озгина безовталаниб қараётганларини сездим. «У одамга эътибор бермай овқатларингни еяверинглар», деб ҳам қўйдилар. Юраклари сезиб турган экан, у киши кутганларидай навбатдаги ҳазил тоши Лазиз домлага отилди. «Райком бува, – деб гап бошлади Саид Аҳмад ака, – чўлни бўстонга айлантириб-сизлар, шу хайрли ишларга қатнашганки инсонларга ҳамду санолар бўлсин. Энди битта ишингиз қолибди: туманнинг марказига катта панно қилинг. У икки қисмдан иборат бўлсин. Унда Комсомолободнинг ўтмишию бугуни акс этиб турсин. Бугунига жами бунёдкорлик ишларининг фотосуратларини қўйинг. «Чўлнинг ўтмиши» деган жойга кўп ҳам ўзингизни қийнамай, Лазизхоннинг портретини қўйиб, туманимизнинг кечаги кўриниши Лазиз Қаюмовнинг боши каби эди, деб қўйсангиз тушунарли бўлади қолади», – дедилар. Гурас кулги кўтарилди. Лазиз домла ораста кийиниш, чиройли кўринишни жуда ёқтирардилар ва турган гапки, сочларининг эрта тўкилиб кетганидан озурда юрсалар керак... Ҳазилга майин кулиб қўйдилару, малол олганлари шундоққина сезилди...

ТУРСУНОЙНИНГ РЎМОЛЧАСИ

Бўз тумани. Ўзлаштирилган чўл ҳудуди. Очик майдонда халқ тирбанд. Сўзловчилар ҳам, тингловчилар ҳам тик туришар, микрофон кенг давранинг ўртасига қўйилган эди. Атай қилгандай, чўлнинг иссиқ шамоли кучлироқ эса бошлади. Уч-тўрт одам сўзга чикди, аммо ҳеч ким уларнинг сўзини укмади, шамол микрофонга урилиб, нуқул «тар-р, тар-р, пар-р, пар-р» деган садо чиқарди, холос. Одамлар бетоқат бўла бошлади. Аммо бошланиб бўлган йиғинни давом эттириш керак. Унинг устига сўз мен ғоят ҳурмат қиладиган устоз адибимизга берилди. Наҳот шундай одамнинг гапини халқ уқолмай қолса, деб безовта бўла бошладим. У киши майдон ўртасига микрофонни мўлжаллаб боряптилар, менинг эса миям зўриқишга тушди. Шу пайт орқада турганлардан кимдир кимгадир «бизни тўсаяпсиз, нарироқ тулинг» деди. Бу хитобдан бошимга бир фикр урилди, «бор, таваккал!» дедим-да, тезлик билан устознинг орқасидан мен ҳам кета бошладим. Атрофдагилар ҳайрон! (Ҳар сафар ўша воқеани эсласам, юрагим орқага тортади. Кўзлаган тадбирим иш бермаса, майдоннинг ўртасида неча пуллик бўлардим?!) У киши микрофонга етишлари билан бир қадам олдинлаб, рўбарўларига ўтдим. Устоз нима бўлаётганини тушунолмади, бироз орқага чекиндилар. Мен эса шошилибгина рўмолча билан микрофонни ўраб, худди рўмолни туккандай бўғзидан тугиб қўйдим, шу заҳоти шовқин тиниб, сўзлар дона-дона эшитила



бошлади. Одамлар чапак чалиб юборди. Аммо бу ҳали қизиғи эмас. Шугинага Саид Аҳмад ака ўша куниёқ янги хангома тўқибдилар. «Фалончи ўртага чиқиб олиб гапини тополмай турганди, Турсунойнинг рўмолчасига бурни тегиши билан булбулдай сайраб кетди», дермишлар.

МАДАД

Саид Аҳмад ака ёш ижодкорларга жуда эътиборли ва куюмли эдилар. Ўттиз йил аввалги даврни эслаб турибман: Мустақиллик майдонидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биносида ҳайъат аъзолари ва фаоллар йиғилган. Беш-олти қаламкаш уюшма аъзолигига қабул қилиниши керак. Уларнинг орасида мен ҳам борман. Суҳбатга кирганларнинг бири оқариб, бири қизариб чиқиб келардилар. Навбат менга етди. Ичкарига кирдимۇ юрагим орқага тортиб кетди. Катта хона, ўртасига узундан-уzun стол қўйилган. Тўрида раис Сарвар Азимов савлат тўқиб ўтирибдилар, у кишининг чап томонларида Уйғун ака, Назир Сафаров, Комил Яшин... хуллас, жами чўнглар! Столни ўраб ўтирганлар ҳайъат аъзолари бўлса керак. Яна эллик-олтмиш одам атрофга зич жойлашиб олишган. Мен столнинг қуйи тарафида тик туришим керак экан, уч тарафим одам, ортдагиларга орқа ўгириб туришим ундан-да ёмон. Унинг устига, ўтирганларнинг бари эркак, аёллардан биргина Ўтибор Охунова ўтирардилар, холос. Савол беришни залворли овоз билан Назир Сафаров бошладилар. Эплаб



жавоб берган бўлдим. Ёши улуғлардан яна бири саволга чоғланган эди, Саид Аҳмад ака шартта турдилар-да: «Биродарлар, Турсуной битта шиғир ўқиб берсин», дедилар гулдираб. (Устоз «шеър» сўзини доим шундай ифода қилардилар, бу қадим Тошкент шеваси бўлса керак.) Бу таклифга яна бир нечалар қўшилишди. Устоз шеърдан кўнгил юмшашини, кўнгли юмшаган одам эса мени қаттиқ саволга тутмаслигини билган ҳолда шу йўлни тутганларини англадим. «Аёл монологи» деган шеърим бўлгувчи эди, шуни ўқидим. Бирдан қарсак бўлиб кетди. Устига-устак, устоз Иброҳим Фафуров шеърнинг бир мисраси ҳақида худди олтин топгандай таърифлаб кетдилар, кейин Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов фикр билдирган бўлишди. Сўнгра Сарвар Азимов «Бу мактовлардан мақсад Турсунойни уюшмага аъзо қилиш бўлса, майли аъзо бўла қолсин, нима дединглар», деди кулиб. Шундай қилиб, имтиҳондан осонгина ўтиб олдим. Ўша пайтда Ёзувчилар уюшмасида ишлаб юрган курсдошим Сафар Барно ортимдан чиқиб: «Шеър айтиб уюшмага аъзо бўлган тарихда сен биринчи бўлдинг», — деди кулиб. Мажлис тарқар экан, Саид Аҳмад ака ёнимдан ўтаётиб, секингина: «Қалай, бошладимми?» деб қўйдилар. Бизни қўллаб, йўллаб ўтганлари учун устознинг у дунёлигини Аллоҳ обод қилсин...

НАСИХАТТАЛАБ ЭЛ

Раҳматли Саид Аҳмад ака бир куни: «Турсуной, сизга битта нарсани этий, – деб гап бошладилар, – радиодаги чиқишларингизни пойлаб юриб эшитаман. Томоғида қайнаб турган булоғи борми бунинг деб қўяман. Яхши гаплар айтасиз. Аммо гапларингизнинг турган-битгани насихат бўлгани учун сағал ансам қотарди. Нага насихат қилувради-я, деб қўярдим. Лекин бир воқеа сабаб бўлиб, бу гапимни қайтиб олдим. Бир тўйнинг саҳарги нонуштасига бориб қолдим. Ёнимдаги каттагина сўрида ўн-ўн беш чоғли оқсоқоллар ўтиришарди. Хаммалари етмишдан юқори ёшдагилар эди. Сал нарида хофизлар мумтоз қўшиқларни қойилмақом қилиб ижро этиптилар. Разм солиб турибман. Хофизлар нафас ростлагани бўлса керак, тўхтадилар. Шу пайт оқсоқоллардан бири бўйнини чўзиб: «Хой хофиз болам, насихат қўшиқлардан бўлсин, насихатдан!» деди астойдил. Ё тавба, дейман. Ўзининг бир оёғи бу ёқда, бир оёғи у ёқда бўлиб турибдию насихат эшитармиш! Хўп, эшитишга-ку, эшитар, аммо у қайси чатоғини қачон тузатиб улгуради, дейман!

Аммо мен шугина манзарадан ғоят таъсирландим. Шарқнинг, унинг бир бўлаги бўлмиш миллатимизнинг буюклик белгиларидан биттаси шу: илм излаш, ўзидан қониқмаслик унинг қонида яшайди. У умрининг охирига қадар яхшиланишни, гуноҳларини ювишни истайди, шунга интилади, бу ҳаққи рост! Сизнинг нутқларингиз,

энди билсам, одамлар учун чанқовбосди экан-да», — деган эдилар.

ҚУЁШ БОБО ДЕСАМ МАЙЛИМИ?

1997 йил бўлиши керак. Дўрмонга бир иш билан бораётган қизларим Ирода ва Иқболхонларга албатта кириб Саид Аҳмад акани зиёрат қилишларини, дуоларини олиб келишларини тайинладим. Улар шундай килибдилар, икки ярим ёш набирам Нозимахон ҳам улар билан бирга эди. Аялари у-бу юмушларга уриниб, супур-сидир қилгунларича устоз набирамни гапга солиб ўтирибдилар. «Кел, кўйлагингдаги нўхатчаларни санаб чиқамиз», деганлари қизалоққа ёқиб кетганми, зум ўтмай иноклашиб, ёнларидан кетмай қўйибди. Бир пайт у Саид Аҳмад аканинг бўйниларидан кучоқлаб: «Мен сизни «Қуёш бобо» десам майлими?» — дермиш. Устоз эса: «Битта ўзим ўтирганимга шундай деяпсанми, болам?» — дебдилар таъсирланиб. Сўнгра: «Тўғри топибсан, қуёш ҳам битта, мен ҳам битта!» — дея гапни ҳазилга бурибдилар.

Бола пок, унинг руҳияти нима деса, тили ўшани гапиради. Ҳақиқатан ҳам Саид Аҳмад ака келган жойга илиқлик, харорат кириб келарди. Давра жонланар, илжаймаган чехра, маза қилмаган одам қолмасди. Бугун ўрнилари ўпирилиб, айрилиқ тоши юракларни эзиб, офритиб турибди. Бугун давралар сипо, давралар сокин. Бугунги суҳбатларнинг чақин чақади-



ган, момагулдирак ясайдиган Ғафур Ғуломлари,
Саид Аҳмадлари йўқ! Аммо бундай офтобсифат
одамларни ўз кўзларимиз билан кўрганимиз, ёз-
ганларини ўқиб яйраганимиз биз учун тансиқ
сазоворлик бўлганини энди ҳис қилиб турибман.
Уларга замондош, миллатдош бўлганимиз учун
шукр, чандон шукр! Бу улуғлардан Аллоҳ рози
бўлсин ва уларни раҳматлари билан сийласин.



Устоз Файбулло ас-Салом

*Йирик тилшунос олим,
ёзувчи, воиз,
маънавият тарғиботи даргаси*

ОҲОРИ ТЎКИЛМАЙ ЎТГАН УМР

Халқда «аслига тўғри», «айнимаган палак», «оҳори тушмаган софлик» дейишлар бор. Файбулло устоз ана шундай – миллатнинг афзалликларини, наслу насабини ўзида мужассам этган фарзанди солиҳ эдилар. Халқда яна «буюк шайхлар даъват пайтида узилади» деган гап бор. Устоз минбарда, нутқ ижро этаётиб, халқнинг кўзига кўзларини қўйиб туриб, ўзи суйган ва уни суйган ана шу халқнинг қўлида жон берди.

Бу хабардан вужудимга яшин тушди, юрагимнинг ўртасини тиг олди! Устознинг соғлиғидан ҳамиша хавотирда юрардик, аммо ўлим деган балонинг бу қадар тез келишини, воҳ, бу қадар тез содир бўлишини ким билибди, дейсиз! Вужудимга тушган ўт оғзимдан отилган каби, бир фарёд янградики! Мен отамдан кейин, онамдан кейин бу қадар гирён йиғламаган эдим! Маъни боғининг кумушранг кабутари учди-да, кетди! Самимият инжуларини ёғдириб, одамларнинг ғуборини ювадиган ул оппоқ булут олис самоларга кўчди-да кетди! Қўлидаги асо билан



қаддини эмас, орият, ғурурини адл тутган, феъли ҳалим, аслида шер эди, шундай одам ўтди-да кетди! «Дунё» дея аталган бу эски дўконнинг яна бир чети ғариб бўлди! Қалами бодомдай ғуж гуллаганда, ижоди ларзон-ларзон мевалаганда, тиллари булбулга айланганда, яъники авж пардасига етганда, биз, мухлисларнинг эса ул киши боис кўнглимиз ғоят ўсганда, Ғайбулло олимдан, Ғайбулло муаллимдан, Ғайбулло наво-создан айро тушдик!

Ғайбулло ас-Салом тилшунос, менинг эса адабиёт олаmidан эканлигим боис, ҳаёт бизни ҳеч рўбарў келтирмаган. Аммо атрофдан ва шогирдларидан у киши ҳақида кўп эшитардим. «Бебаҳо одам!» дея таърифлардилар. Республика Маънавият марказига ишга келганимдан кейин, умрларининг охирги тўрт-беш йилидагина бир неча суҳбатларини олишга муяссар бўлдим. Икки-уч бор бир гуруҳда халқ билан учрашувларга бордик.

Ҳавас билан айтиш мумкинки, устоз худо азиз қилган киши эди. Эл орасида машҳур эди, қаерда қандай гап айтса, ҳаммага манзур эди. Бу эски дунёнинг ҳамиша янги ҳақиқати шуки, ҳеч кимса Ҳақнинг амрисиз элга манзур бўлолмайди! Бўйи барабар китоб ёзиб, юз маддохга ўзини олқишлатиб, «мен фалон ихтироларни қилган фалонийман» деб кўкракка урган билан номи ўсмагай, назарга тушмагай! Аллоҳ тили билан дили монандга мўътабарлик бергай! Аллоҳ камолни камтарга бергай! Устоз умрининг сўнгигача ана ўшандай мартабада кетди.



У ҳаммадан яхшилик қидирар, яхшилик топар, зарра ютуғингизни осмонларга кўтарар, сизга рағбат, ғайрат бағишларди. Ғайбулло домла, мен ва яна икки-уч олим суҳбатда эдик. Жойи келди-ю, устоз бирдан жиддийлашди ва сўзларини ниқтаб-ниқтаб: «Биродарлар, гувоҳлигингизда айтиб қўяй, агар Турсунойхон маънавият бўйича ёзганларини тартиблаштириб, илмий иш тарзида ҳимоя қилиб қўймаса, мен бу кишидан у дунё, бу дунё рози бўлмайман!» деди. Биров учун бу қадар кенглик кўрсатишни кўринг! Домла олдин ҳам бу хусусда бир-бир гапириб ўтган, лекин мен уни лутф деб билгандим. Шугина гап юрагимни неча кунгача нурлантириб тургани эсимда... Устози азиз, бундай дилпарварликлар учун сиздан Аллоҳ рози бўлсин!

Бу одам кези келганда болаларча содда ва самимий ҳам эди. Суҳбатларнинг бирида у киши чуқур хомуза тортди-да (айтишга қийналаётгани шундоқкина кўриниб турарди), дил ёриб қолди: «Мени менга жуда қадрли бўлган кишим қаттиқ хафа қилди. Кимлиги сир. (Рўмолчаси билан кўзларини артиб қўйди.) Мен унинг бу озорига лойиқ эмас эдим. Унга талай ёрдам ва муруватлар илингандим. Бу оғриқдан ҳануз ўзимга келолмаяпман-да», — деди. Қарасам, қовурилиб боряпти. Дарҳол руҳий муолажага ўтдим: «Домлажон, шогирд сифатида сиз билан озгина мунозарага киришишга ҳаддим сиғадими, — дедим аста — наҳот даҳр ишига эътибор қилмасангиз? Бандасининг кишининг хатосидан гина қилишлари, койинишлари ўринли эмас, чунки



сизни яралаган захоти у дилозор билан Яратганинг ҳисоб-китоби очилган. Бугун бўлмаса эртага унга аталган жазо етиб келади. Сизнинг исмингиз ўртага тушиб, энди у кўргулик тортади. Бунинг устига сиз ҳам мана бундай қаттиқ гина қилиб турсангиз, Худо урганни Худоберди ҳам қўшиб уриши шу эмасми? Бу мусулмончиликдан эмас, бу — бир! Қолаверса, шогирдга қилинган ҳамма мурувват эҳсондир ва пийсабиллодир. У эсдан чиқиб кетиши керак. Биласизки, миннат — ёмон гуноҳ, «яхшиликларимни билмади» дейишингизнинг ўзида андак миннат бор-ов, дилингиздаги оғриқ шу миннат туфайли эмасмикан, домлажон!» Устоз қошларини керганча ўй суриб қолдилар... Ўша куни кечқурун уйга қўнғироқ бўляпти, гўшакда устознинг овозлари шодон янграяпти: «Баракалла, Турсунойбегим, баракалла! Неча муддатдан бери елкамни эзиб келаётган юкни шундоққина тушириб қўйдингиз-а! Сиз энг тўғри гапни айтдингиз. Бу яхшилигингиз учун худо хайрингизни берсин, назаримда дилим билан бирга дунё ҳам ёришиб кетди-я, раҳмат сизга, раҳмат!» — дердилар. Рухиятлари бамисоли ҳайитлик олган бола каби эди...

Файбулло домланинг ҳар бир иши ибрат эди, ҳикмат эди. Бир хангомани ўзлари айтиб бергандилар: устоз бир одамга, назаримда, ота ўрнида оталик қилганлар ва у деб кўп азият ҳам чекканлар шекилли. Шу йигит улғайиб, мартабаси ҳам кўп ўсибди. Йиллар ўтиб, бир куни домлани қидириб келибди. Обдан дийдорлашиб, маза қилишгач, кетар пайтда меҳмон қоғозга



ўралган бир нарсани «бу сизга» деб қолдирибди. Ортидан очиб қарасалар, бир дунё пул эмиш! Энди бу ёғини домланинг ўзидан эшитинг: «Аввалига қаттиқ орийат қилдим. Маълум муддат ўтгач, шайтон алайҳиллаъна менга таъсир этишга киришди — «ундан пул сўрабманми, ўзи олиб келди-ку, рад қилсам ҳам, зўрлаб ташлаб кетди-ку», дедим ўзимга! Бу пул меники бўлганлигига ўзимни кўндирдим. Ҳамма бало шундан бошланди! Авваллари кўчага чиқсам, бир четгинадан хассамнинг учига қараб, кўзимни ерга қадаб қадам ташлардим. Анови пул уйга киргач эса, ҳа деганда кўчанинг ўртасида бошимни баланд тутиб кетаётганимни сеза бошладим, қадамларимдан ҳам садо чиқадиган бўлиб қолди. Саломларга авваллари майингина алик олар эдим, энди овозимнинг жаранглаганини айтмайсизми?! Олдинлари яхшими-ёмонми, уйимга етиб келганимда ором топиб, роҳатланардим. Энди эса атрофим энсамни қотира бошлади. «Анови тандир мунча хунук бўлмаса, шартта бузиб, зўрини қуриш керак, пул бор-ку!» дейишга тушдим. Буни ҳам кўяверинг. Умр бўйи болачақани яёв юриб боқиб, ҳамма мушкулотимни югуриб юриб ҳал этаётганим учун, оёқларимдан минг ўргилиб яшар эдим. Буни қарангки, бир куни ичимдан: «Ҳой, Файбулла, шу ахволингга ўтиб кетаверасанми? Оёқларингга раҳминг келмайдими? Фалончилардан қаеринг кам, ахир номингни айтиб кўр, жаранглаши зўр-ку! Яхшиси, уйдаги пулга машина ол», деган овоз эшитилди! Шундагина хушёр тортдим. Ие, бу нафс-ку де-

дим! Ўзимни йиғиштирдим. Менга пул бериб, шайтонга ошно қилиб кетган кадрдонимни зудлик билан чақиртирдим. Келди. «Мени тинчимни қайтар, мана бу омонатингни ол», – дедим. У оқарди, кўкарди: каттиқ хафа бўлди, хатто кўзига ёш олди. Аммо унга «агар қайтариб олмасанг, тескари дуо қилиб юбораман», деб кўрқитдим. Кейингина, ноилож олди болафақир! Шундан сўнггина омон-эсон аслимга қайтиб олдим!» Бу гапларни устоз хандон кулгу, офтобли юз билан чарақлаб ҳикоя қилар эди...

ФАЙБУЛЛО УСТОЗ!

*Куфлаб қўймадингиз қалам, созимга,
Сиз каби ростини битмоғи учун.
Туфлатиб олмабман болам оғзига,
Сизнингдай иймонли ўтмоғи учун!*

*Асомас, сизни ғоз тутган илм эди,
Дўппингиз дўппимас, орият, гурур.
Багирда лахта қон ютган дил эди,
Сиз – шу хаста дилни сайратган сурур!*

*Китобларингизда чах-чах уради
Дилингиздан учган булбулларингиз.
Жаннатга еткурсин, Ҳақдин сўрадим,
Сизни олиб кетган дулдулларингиз!*

Эркин Воҳидовни ўқиб

«Ки бир парча этдир бадансиз кўнгил», — дейди Алишер Навоий. Дарвоқе, инсондан айро тушса, юрак бир парча эт, холос. У инсон ихтиёридагина оламдан-да катта оламга, туйғулар тилсимотига айланади. Бу тилсимотнинг калитини топиб, уни сеҳрли лавҳаларда ва сеҳрли лаҳжаларда китобхонга таржима этиб берувчи шеърятдир.

Унинг сеҳрли таёкчаси оддий нарсалардан ҳам мураккаб фалсафа ясайди: рўпарамиздаги чойнак мисолида тумшуғи кўтарилган, аммо обрўсиз манманликни-ю, пиёла мисолида эса ҳамиша оддий, ҳамиша хокисорлиги учун элнинг кўлидан тушмагувчи камтарликни кўрамиз:

*Шунча мағрур бўлгани билан
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундоқ экан манманлик нечун?
Кибру ҳаво нимага керак?*

*Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани халқим шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.*

Металлнинг бир турини «пўлат» деймиз. Шоир уни шундай таърифлайди:



*У даставвал ойболта бўлди,
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди.
Қилич бўлди, милтиқ ва наган,
У бомба ҳам бўлиб портлаган.
Лекин олди жаҳонни фақат
Перо бўлиб қуйилгач пўлат.*

Қарабсизки, биргина темир-терсакни жаҳонгир даражасига кўтаради. Буюкларнинг пўлат пероли дастхати билан битилган ғоялар дунёни забт этишга қодирлигига қалбан амин бўласиз.

Эркин Воҳидов шеърларининг ўзига хосликларидан бири шуки, унинг ёзмишларида ҳазрати Навоийдан мерос бўлиб қолган мулоҳим, илиқ туркона юморни ҳадеганда учратиб турасиз. Унинг ним кулгусию қочиримларида, сўз ўйинларида яширинган «палахмон тошлари» тўппа-тўғри нишонга тегаверади. Унинг «Бола-лар» сарлавҳали шеърида шундай жойи бор:

*Бизлар данак талашсак боғда
Хипчин олиб қувасиз бизни.
Сизлар курси талашган чоғда
Ким тургазар бурчакка сизни!*

Катталарга юмшоқ оҳангда қилинаётган танбех бу. Аммо бу танбехни ҳаргиз малол олмайсиз, аксинча дил-дилдан тасдиқлайсиз... Бу турдаги шеърларнинг ҳазм бўлиши осон. Лекин ўйлари узун, таъсири давомлидир. «Армон» номли шеърга эътибор беринг.

*Кеча керак бўлдинг
Болалик чоғим!*

*Сенга қўл узатдим,
Йўқ,
Етолмадим.
Ошкора ғирромлик қилди
Ўртогим –
Мен: бор, ўйнамайман,
Деб кетолмадим.*

Ҳазилнамо бу шеърда руҳиятимизнинг ғалат бир жиҳати чизилади: инсон билимсиз, тажриба-сиз бўлган болаликда эмас, оқу қора масаласида малакаси ошгач, ёшига ёш, ақлига ақл қўшилгач, гуноҳлар содир этади. Инсончиликнинг ажиб жиҳати ҳам шуки, ғирромлардан шартта воз кечиб ҳам бўлмайди. Яхшилик билан ёмонлик ҳамиша бир-бирига уланиб, бирини бири яратиб ва ўзаро курашиб яшайди. Юрагингга бир савол қадалади: инсон яхшилик содир этиши учун албатта ёмонликни кўриб туриши шартмикан-а?

Мана бу шеърнинг маъносига қарайлик:

*У дунёга келиб ташвишнинг
Орқасидан елиб-югурди.
На сўнгига етолди ишнинг,
На дунёни англаб улгурди.
Охир бир кун
Ақли тўлгач, у
Ўз жонининг қадрига етди,
Бор-эй, дея қўл силтади-ю,
Бу дунёни ташлади-кетди.*

Фурсат – бу тинмай югураётган соат мили, ғизиллаб балқиб ва ботиб тургувчи Ой ва Кун, кўз очиб юмгунингча алмашинаётган фасллар-

дир. Фурсат – бу кечагина кўз олдингда югуриб юрган болакайнинг бугун сочларига қўниб турган қиров. Умрнинг чархпалаги тинмай айланади, сенинг қалбинг эса тўла неъмат, аммо бировга илинишга шошилмайсан. Олам тўла ёруғлик ва нашъа – ундан баҳра олишга ошиқмайсан. Бармоқларинг камоли мўъжиза – унинг-ла заминни безаб кетмоққа тутинмайсан. Унинг ўрнига сен майда ташвишларга таланиб, дунёнинг у бурчагидан думалаб кириб, бу бурчагидан шитоб билан думалаб чиқиб бормокдасан. «Хой инсон, қани бир айт, дунёга келиб не маслак тутдинг?! Уйғон, ахир, умринг ўтиб кетяпти!» дея бир-бирингни туртгинг келади...

Шеърят шу тарзда бизни тарбиялаб боради.

Шоирнинг «Соф ҳавонинг фойдаси» шеърига эътибор қаратайлик:

...Улар гўшангадаёқ келишиб олишган – кимнинг жаҳли чиқса, тоза ҳавога чиқиб кетади. Шу ақида асосида улар умр бўйи бир-бирларини «хурматлаб» ўтиб бормокдалар... Аввалига бу шеърни сиз ғоят хушнуд ва енгил кайфиятда ўқиб чиқасиз. Кейин эса юрагингиз увишгандай бўлади. Ҳаётда бундай оилалар камми дейсиз! «Қирқ йил хотин билан яшаган бўлсам, қирқ йил соф ҳавода кечди ҳаётим», – дейди лирик қаҳрамон. Ахир, бу аҳвол беш йил, ўн йил эмас, умр бўйи давом этиши керакми! Бир томнинг тагида то ўлгунча бир-бирини уқмай, бир-биридан безор бўлиб яшашни айтинг! Оддий мусича жуфтини кузатинг – бирининг изидан бири қолмайди, тинмай ку-кулашиб роз



айтишади. Жуфти нобуд бўлган девор ковагидаги жонивор тонггача чирқиллаб йиғлаб чиқади. Инсон мукаммал яралма-ку, ахир! Уларга инсоний зако, ақл бериб қўйилган-ку! Мусичалар тил топишса-ю, одамлар бир-бирини тушунолмай ўтиб кетса-я! «Душанбагача хайр» кинофильмида бир болакай «Бахт нима?» деган саволга, «агар сени тушунишса – шу бахт» деб жавоб ёзади. Хақиқий таъриф мана шу. Тушунмасликнинг энг кичиги бир оилани нобуд қилади, катта маънодаги бир-бирини тушунмасликлар Ер шарининг ўз ўқи атрофида хотиржам айланишига хатар солиб туради.

Оила жамиятнинг жон хужайрасидир. Оилалар жамият номли денгизга келиб қўйиладиган беҳисоб булоқлардир. Денгизнинг софлиги учун булоқларнинг кўзи булғанмаслиги керак. Бу хазилнамо шеърдан юрагингиз кўчгандай бўлади, рухиятингиз оғриб кетади...

Инсоний гуноҳларнинг энг оғирларидан бири **масъулиятсизлик**дир. Унинг учун гул сўлса нима? Одам ўлса нима? Эл-юрт назари нима деган гап? Оёғи юриб, юраги уриб турса бўлди! «Сен менга тегма» дейдиган масъулиятсизлар, «сенга ҳам бўлур яхши, менга ҳам ёмон бўлмас»ни шиор қилиб олган мурасасоз тамагирлар бор жойда «тулкилар товукхоналарда кўнгил чоғлайди», «мушуклар уйқу билан, сичқонлар буғдой кемириш билан банд», «баланд сўриларни девпечаклар эгаллаган», «асал қутиларда эса қовоқ арилар ҳоким», энг даҳшатлиси – «уккилар булбулга қўшиқ ўргатади».

Алишер Навоийда шундай байт бор:

Беша шерни гар забун қилсанг

*шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ
сендай шужо.*

Нафс балосининг олдида бешта шер нима бўлибди? Бешта шерни ўлдириш ҳам ҳали қахрамонлик эмас! Мард бўлсанг, ўзингдаги нафс итини синдира ол! 70-йилларда ёзилган ва «Манфаат фалсафаси» деб аталган Эркин Воҳидовнинг бу шеъри бамисоли бугунги кунни таърифлагандай! Манфаатпарастлик бор экан, тоға жияндан фойда кутади, яхшилик пулга со-тилади, иқтидорга қараб эмас, қўлга қараб муо-мала қилинади. Қарабсизки, Окибат музлайди, Химмат карахт қотади, Миннат болалайди!

«Максим Горький билан суҳбат» шеъри ҳам собиқ Шўро замонаси зайлига қарши журъат би-лан битилган эди. Агар инсон эътиқоддан айро тушса, унинг борар йўли ваҳшийлик эканлиги тайиндир.

*Мен бугун қўрқмасман дин афюнидан,
Худоси йўқлардан қўрқаман бироқ.*


Шеърни ўқийсиз-у, хаёлан яна инсон иқлимини тафтиш эта бошлайсиз: қарангки, одамзод фақат ўлими олдидагина ҳаётнинг, ти-рикликнинг қадрига ва маъносига етаркан. Мун-чалар кеч? Унинг виждони, иймони уйғониши учун ўлим хавфининг рўкач бўлиши шартми?

Ҳамиша жаннату дўзахни эслатиб тургани, ки-
шиларни ўз-ўзини имтиҳон қилгани ундагани
учун ҳам дин ҳамма замонларда яшовчан бўлиб
келгандир?

*Имон денг, виждон денг, майли отини,
Лекин одамзоднинг Худоси бўлсин.*

Эй ҳазрати инсон деб аталган инсони Заиф!
Наҳот кўрқув ваҳшати остидагина тоза тур-
санг? Дунёни бошқаришда Ҳазрат бўлган инсон
ўзини идора қилишда ҳамиша Заиф бўлса, не
тонг?!

Одамзод энг узоғи билан юз йил яшайди.
Юз йил тарих ҳисобида кўз очиб юмгунча фур-
сат. Шоир олтмишинчи йилларда битган «Бош
тебратар соат кафтгири» шеъридаёқ инсон ум-
рининг бебаҳо дақиқалари хакида безовта куй
бошлаган эди. У шу кунгача бўлган давр мобай-
нида бу мавзуда гоҳ ширин лукма, гоҳ ширин
кочирик, гоҳ ётиқ насиҳат йўсинида талай шеър-
лар битди. Аммо унинг «Бонг уринг», «Мажлис
қилинг» асарлари ўз даври адабиётининг катта
ютуқларидан бўлди. Шоир ижодида бурилиш яса-
ган «Тирик сайёралар» китобини варақлар экан-
миз, бу шеърлардаги шоир шахсида нақ Данкони
кўргандай бўламиз: у вақт азиз, фурсат ғанимат
деб бир гапирди, икки гапирди, қўйинг-чи, ўн
гапирди. Йўқ, одамлар хануз ғафлатда! Сўнг
шоир юрагини шартта узиб, шеърига кўчирди-да,
«Боқинг, одамлар!» дея бонг урди. Қарангки,
шеърда ёнаётган шоир қалбининг алангаларидан
шууримиз ёришиб кетади. Бундоқ қарасак, умр



Белни боғланг, бу жаҳонни
 тўлдилинг қоғоз билан,
 Ўзни алданг, бўлмаганни
 бўлдилинг қоғоз билан,
 Иш билан шод этмангиз ҳеч,
 кулдилинг қоғоз билан,
 Ким қоғозбозликни суймас,
 ўлдилинг қоғоз билан,

Ўлмаса у ёки

беҳуш бўлмаса, мажлис қилинг.

80-йилларнинг бошида ёзилган бу асар дарҳол машҳур бўлиб кетган эди. Бу сатрларни ёзар эканман, ичим қайта бошдан тутаб кетгандай бўлди: ўттиз йиллар аввал мен ҳам «Қоғозбозликка» деган шеър ёзган эдим.

*«Қоғозбозликни йўқ кўргали кўзим» –
Дея ўтди-кетди кўз юмиб шоир.
Бугун тоқатимда қолмайин тўзим,
Сўзлайман худди шу хусусга доир.*

*Юрак қилмас экан уришни канда,
Ҳалол меҳнат билан бергумдир овоз.
Келажак қуришдай юмуш турганда
Қуриб кетмайдими ҳар қандай қоғоз!*

Бу шеърлар босилиб чиққандан бери, кўриб турибсиз, ўттиз йилдан зиёд вақт ўтиб кетибди. Аммо бугунги кун ўқитувчисию хизматчисини ҳам эзиб турган юк шу-ку! Бу «мажлисбозлик», «қоғозбозлик» деган вирус мунча ҳам яшовчан бўлмаса! Халқ рақнинг давосини қандай бетоқатлик билан кутаётган бўлса, юқоридаги иллатларнинг барҳам топишига ҳам ўшандай зор, интизордир...

Эркин аканинг шеърларини ўқир эканман, юрагим билан тасдиқлаб дейманки, шеър деганлари кўнгил ҳуши эмас, мисраларда чарсиллаб ёнаётган шоирнинг юрагидир.

Эркин Воҳидов Буюк Шарқнинг қуёши ва ҳавосини симирган миллатнинг устухони, жони



хамда минг бир рангли руҳиятидан яралган шоир-дир. Унинг ўйлаш тарзи, тил ва дил изҳорлари, шеърларининг шакл-шамойили нақадар туркона, нақадар сингишимли, чанқовбосди ва нақадар хуш ўқилади! Бу шеърларни фақат овоз чиқариб, яйраб ва атрофни ҳам яйратиб ўқигинг келади! Халқ шоири деганлари шу, халқчил адабиёт, яъни халқни илдизларигача ёмғирдай етиб ўстирадиган адабиёт мана шу!

Шоир халқ оғзаки ижодининг қайси жанридан фойдаланмасин нақ керакли пардага тушаверади, муродига етаверади. «Тангри ва ямоқчи» ҳикоят услубидаги шеърдир. Ямоқчи Худога «менга ҳам бир қайрилиб боқ» дея узлуксиз ёлворгани-ёлворган. Ахийри Худо ҳам бир куни раҳм қилиб: «Ол боқий умр, фаришта бўлурсан» дебди. Аммо ямоқчи кўнмасмиш: «Бир арава янтоқ берсанг, бўлди» дермиш. Тангри дебди: «Тун-кун саждалар қилиб, шунгамиди чеккан нолаю оҳинг? Нима қилар эдинг менга сизгиниб, асли аравакаш экан худойинг!» Юмор билан айтилган бу шеър ҳаргиз кулгили эмас: эҳтиёж фарзанди бўлиб қолган инсон ўзининг олий матлабларга муносиб эканлигини кўпда унутиб қўяди. Инсонни орзулар буюклаштиради. Йирик орзу йирик курашларга чоғлайди. Майдалашиб кетма, эй инсон, дея хитоб қилаётгандай бўлади шеърият.

Масал жанридаги мана бу шеърни қаранг:

*Совуқ чордоқларда қувғинди, шумшук,
Оч ўлим ваҳмида яшаб ҳар нафас.*

*Тақдирдан нолийди эгасиз мушук,
Хонаки қавмига қилади ҳавас.*

*Бу эса ухларкан тинч ва бепарво,
Бош қўйиб беканинг иссиқ тўшига,
Хаёлида кезар бўғотлар аро,
Ёввойи озодлик кирар тушига.*

Қарангки, ёввойи мушук хонаки бўлишни орзулайди, хонакиси эса ёввойи ҳаётга илинж сақлайди. Шунингдек, ўзга ерни ҳавас қилиб, бошқа ҳовлига ошиб ўтган ва у «чиройли» ерда «доно» калласидан айрилган ошқовоқ қиссасидан ҳам «ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу» деган ҳисса чиқади.

«Тоғ лочини» шеърида тонг юлдузи Зухрога етаман деб чилпарчин бўлган лочин қисмати сўзланади.

Шоирнинг мажозий образлардан ва юмордан унумли фойдаланишини кўринг: шеърнинг оти «Найнинг қисмати». У най эди. Наволари билан ҳаволарни эритган, заминни элитган най эди. Одамлар уни тиниб тинглардилар. Аммо кунлар ўтиб, у улғайди, аввалгидай куйлолмай қолди. Эътибордан андак нари бўлиб қолди. Одамлар уни чорламай ҳам қўйдилар. Барибир у бора-верди. Энди уни Сур най деб атай бошладилар. Манфаат гадоси кўнгил, шуҳрат гадоси кўнгил неларга етакламайди дейсиз. Най овоздан қолди. Қулоқлари том битди, энди уни Кар най атадилар, барибир у овоз йиртиб бўлса-да, ўртага тушаверди, тушаверди! Аслида, бу сен эмасмисан, эй Одам?! Тақдир сени най бўлишга сазовор

этди. Кишилар кўнглига сеҳр бўлиб киришни насиб этди. Мўъжизалар унган иқлимнингда манфаатпарастлик қандай жой топди? Сенга тушган эл назари бахтинг эди. Чиркин феълинг уни забун этди. Худо сенга берган неъматларни эъзозлай бил, эй инсони Заиф, деган сабоқ бор бу шеърда.

Шоир инсон оламининг энг қайғули дақиқаларини ҳам юморга йўғириб тасвирлай билади. Юморнинг шарқона рангларини, ҳа, айнан, шарқона рангларини моҳирлик билан намоёиш этади. Исбот учун «Донишқишлоқ латифалари»ни келтириш мумкин. Латифа айта билишнинг ўзи бир иқтидор. Уни ўзи тўқиб, яна шеърга солиб, шеърга солганда ҳам қўшиқдай эшитимли шакл йўниб айтмоқ икки карра иқтидордир.

Донишқишлоқ қаер ўзи? Матмуса хангомаларини ўқигач, кенгрок фикр қилсак, ҳаммамиз катта Донишқишлоқнинг минглаб матмусаларига ўхшаймиз. Бу кулгиларнинг қатига кирсангиз, суякларингизгача оғриқ туради:

*Содда деманг уларни (донишқишлоқликларни),
Улар содда бўлмайди.*

*Кулдирса ҳам сизларни,
Ўзлари ҳеч кулмайди.*

Ҳа, кулишга куч етмай қолади. Сабаби, бу латифаларда бизнинг маънавий қусурларимиз шу қадар кулгили суратларда тасвирланганки, юрагимиз йиғлаб томоша қиламиз.

... Матмуса ҳаммани қойил қолдириш учун чархпалакни тескари ўрнатиб қўяди. Бу хатони



ўнгламоқ бўлган донишқишлоқликлар гоҳ дарёни сал кўтармоқ бўладилар, гоҳ далани сал туширмоқ. Кимдир навбат билан чархпалакни тескари айлантириб турайлик деса, кимдир дарёни тескари оқиза қолайлик, дейди. Бу чаппа ҳикоя-ку, дерсиз! Йўқ сиз бунини латифа деманг, бу — ҳақиқат. Шўро даврида орамиздан битта Матмуса чиқди-да, асрлар оша авайланиб келган аёлни пўлат отга миндирамиз, ер ҳайдасин, деди. Ичу бағри тўкилиб кетгунча ишлатдик, ундан «қаҳрамон»лар ясадик. Яна биттасини чиқиб, аёлнинг қирқта жони бор, ҳуқуқимиз бир, биз билан барабар ишлаши керак, деди. Жами аёллар тонгдан қора тунгача ишлади. Уйнинг барча хизмати ҳам уларнинг бўйнида қолаверди. Қишлоқ аёлларини айтмайсизми, оёқлари эркакча этикдан чиқмай, оқ ем бўлиб, бир кўрсанг жаззоқ далада, бир кўрсанг, молхонаю қўйхоналарда тупроқ ютиб юрадилар. Боланинг касалини боқиш ҳам, уларнинг тарбияси ҳам аёлларнинг елкасида. Касалини-ку боқишни аёл уддалади, аммо бола тарбиясига вақт қани, тарбия қўлдан чиқди. Қарабсизки, дунё тескари айлана бошлади: аёллар жисмонан ва руҳан толиқдилар — улардан туғилган болалар зоҳиран майдалаша бошлади, саломатлиги ҳаминқадар. (Балки мустабид тузумнинг нияти шунга эришиш бўлгандир!) Болалар тарбиясиз қолди. Эрларнинг феъли ушоқланди, аёллари рўзғор тебратса, орланмайдиган бўлиб қолдилар. Аёлларнинг эса феълида эркакшодаликдай жароҳатлар кўпая борди. Хўш, Донишқишлоғимизнинг қайси бир

доноси ҳаётнинг чархпалаги тескари айланиб кетибди, бу хатоларни тўхтатайлик, деди?

Эркин Воҳидовнинг бу асарлари етмишинчи йилларда ёзилганини ҳисобга олсак, шоирнинг бу журъатини жасорат дейиш керак. Ўтмиш маданиятимиз, урф-одатларимиз, она тилимиз, миллий ҳуқуқларимиз писанд қилинмай турган пайтда «Донишқишлоқ латифалари» дунёга келди. Ўша туришимизда биз «Тандир кийган Матмуса» асаридаги ғофиллик эшагига миниб, тандир кийиб йўлга чиққан Матмусага нақадар ўхшаб кетар эдик!

Тандир кийган Матмуса эшак миниб бораётибди. «Эй, тангрим, эшагимга ақл бер, йўлдан адашмасин», — дея тиланади. (Ўзига ақл сўрамайди!) Аммо эшак эшак-да, гоҳ Мағрибга қараб ўтлаб кетади, гоҳ Машрикқа. Шоир дейди:

*Дейдиларки, то бу дам
Йўлда эмиш Матмуса,
Боши ҳам йўқ, чеки йўқ
Чўлда эмиш Матмуса,
Аё дўстлар, адашган
Бир мўминдан кулмайлик.
Матмусадек ўзимиз
Тандир кийган бўлмайлик.*

XX аср ўзбек ғазалчилигида қатор ғазалнавис шоирлар мисолида бирмунча ютуқларга эришилган бўлса-да, Эркин Воҳидов ҳеч ким бажармаган бир вазифани бажарди: бу давр ғазалчилигида ҳеч бир шоир ғазалларининг тили



унинг ғазалларидаги каби халқ тилига яқин турмаган. Ёрқин миллий руҳият тасвири шоирнинг, айниқса, жиддий ютуғидир. У ғазалда публицистик руҳдаги фикрларни ҳам, фалсафий, ҳатто танкидий мавзуларни ҳам жозибали тарзда қуйлай олди.

Шоир ғазалда юрак-юракдан ёзилиб, яйраб ёзади. Мумтоз шеърятнинг гўзал анъаналари шоир истеъдодининг имконлари билан қовушган ҳолда туйғулар тавсифининг ажиб бир қасрини яратади. Ғазал шаклидаги бу қаср ошиқ ва маъшуклар, кўнгли дардмандлар учун кўҳна бир макон. Унинг девор ва пештоқларига турфа маънилар битилган, битилганда ҳам ўйноқи, кўз олғич, фусункор шаклларда битилган.

*Айт, бу сочинг толасиму,
жон ипин бир бандиму,
Ёки сочинг толасига
жон итим бойландиму ...*

Яна ўқийсиз, ўқийверасиз. Мисралардаги сўз ва оҳанг ипларига аста боғланиб бораверасиз. Кекса ғазалнинг қадим оҳанглари руҳингизни қўйиб юбормайди. Сатрлардаги қуй тўлкинида шоир кўнглининг туйғу ва маъни жавоҳирлари гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қалқиб оқиб боради. Сиз уларни ҳар бор тутганингизда топилдиқ топган боладай қувониб кетасиз. Бу оҳанг, бу маъно, бу шаклдан кўнглингиз ҳам, қулоғингиз ҳам бараварига ором олади.

Регистон қурилмаси, «Шашмақом» оҳанглари, «Тановар»нинг таровати ҳеч кимга ўзбекка



азиз бўлганчалик азиз эмас! Ҳазални бор на-
фосати билан бошқа тилларга ағдаролмасак на
чора! Ўзбекчалигича яшайверсин. Таржимага
бўй бермайдиган, шарқона завқ-шавқ манбаи
ҳазал биз учун ўша Регистон, «Шашмақом» ва
«Тановар»нинг биридир!

Шоирнинг муҳаббат мавзуси учун ҳазални
танлагани бежиз эмас. Ҳазал севги изҳорининг
энг гузал шаклидир. Фарбда маъшуқа деразаси-
нинг тагида куй чалиб, кўшиқ куйлаб, изҳори
дил қилиш (серенада) русум бўлган. Ҳазал эса
ҳам созанда, ҳам хонандадир. Ўқиганингда унда-
ги маънидан, кутилмаган қиёслашлардан таъсир-
ланиш бошқа, аммо унинг оҳанги, ўқишлилиги
яна алоҳида завқ беради, худди кўшиқ куйла-
ётгандай бўласан. Балки ҳазалнинг худди шу
ҳазли уни йўқ бўлиб кетмаслик омилларидан
биридир.

Алишер Навоийда шундай байт бор:

*Ошиқ они билки, эрур дарднок,
Ҳам тилу, ҳам кўнглию ҳам кўзи пок.*

Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони ўшандай
поқдомон. Унинг табиатида юксак маънавият
мавжуд. Кўнгил изҳорлари ҳам шарқона — пар-
дали. Унга Фарҳоддан фидолик, Мажнундан
жунун мерос. У ёрга тухфа қилмоққа имконла-
ридан ортиқроқ имконлар излайди. Ошиқ «унга
(ёрга) жону жаҳонни бой бериб, оламда бой-
дурман» дейди. Муҳаббат заҳматларини давлат
деб билади. У ўз муҳаббати эвазига маъшуқадан
муҳаббат тамасини қилмайди, уни қойимай-

ди, гина қилмайди. Ошиқ юрак учун юракка ишқ тушганлигининг, кимнидир ҳақиқий севиб қолишнинг ўзи бахт! Лирик қаҳрамон муҳаббат изтиробини битмас-туганмас бойлик деб атайди:

*Сайр этарман кўча-кўйда ёр хаёли
бирла шод,
Қилмаган ҳеч ким ёнида шунча тилло
бирла сайр.*

Ошиқ маъшукага бу дунёнинг барча неъмат ва афзалликларини бахш эта туриб, қайтимиға унинг мислсиз дилозорлигини қабул қиларкан, «касби инкорлик сенгаю айбга иқрорлик манга» деб бош эгиб туради. «Дард дебои ким айтмиш они, дардларимга дори ишқ» дея бу ўтни кўксига янада маҳкамроқ босади. Навқирон умрию навқирон тилакларини ёр йўлига тиккан ошиқни дийдор илинжи қайта бутунлайди, оловлар ичидан самандардай бутун олиб чиқади. Маҳбуба эса бевафо, мағрур ва беписанд. Ошиқ шунда ҳам унинг тарафини олади. Маъшуқа феълидаги қусурларни уни яратганга тўнкайди:

*Нечун ҳусну садоқатни
эгиз туғмабди бу олам,
Табиат қасдидир ёки
бу ҳам битта хатосидир.*

Бу улӯф Навоийдан қолган ўша ҳам тил-у, ҳам кўнгли-ю, ҳам кўзи пок, беминнат муҳаббатдир.

Ҳазрат Навоий ишқ кишидаги ярамас сифатларни куйдириб тозаловчи бир ўтдир, дейди. Ошиқ бўлгич киши ҳақиқатан ўзида чексиз

саҳоватга, мардликка интилиш, рағбат сезади. Ўзининг аҳволи-ку ночор, аммо ишқ уни шундай тараддудга соладики, гўё қўл чўзса, у кўк тоқига етади, бутун мавжудотни гапиртира олади, ҳаракатга келтира олади – муҳаббат унинг учун қудрат манбаидир.

Хофиз ўз маҳбубаси илинжида «қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони» дея тантилик қилса, Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони:

*Бас, шикоят қилма, Эркин,
журъат айлаб йўлга чиқ,
Сенга бир одим Самарқанд,
сўнг Бухоро бир қадам, –*

дея азобларга беписанд ҳолда ўз суюклиси сари интилади.

*Муҳаббат оташини
Ҳар қачон дўзахга тенг қилмам,
Нечунким, менга нурли
Талъатинг жаннат билан тенгдир.
Кечиб қўй, ошиқ йлгач,
Икки олам мулкидан, Эркин,
Муҳаббат ичра барча
Заҳматинг давлат билан тенгдир, –*

дея ўқтамлик қилади. Ўзи шундай: ўққа учраган одам азобловчисини умрбод қарғаб ўтади. Аммо ишқ ўқига учраган киши эса ўз яраловчисини тобора севгандан-севиб боради. Бу қадим савдо Эркин Воҳидов ғазалларида ҳам ўз иқлимини ўзгартирмай сақлаган:



Уйғониб сўнг, майли Эркин,
Дорга оссин ёр сени,
Кўзга сурт сиртмогинию
Тиз чўкиб дорини ўп.

Шоир учун хижрон юки шу қадар даҳшатли
юкки, у «Бустун тоғини укпарча учуриб юбо-
риши», «Ер билан осмонни бир қадоқ тошча»
чирпирак қилиши мумкин. Шунинг учун:

Мен бўлай жондин жудо
Бўлгунча жонондин жудо,
Не керак жон, эса жоним
Бир умр армон юки –

дейди. Бу ғазаллардаги кўтаринки романтикадан
руҳингизга нур, енгиллик таралгандек бўлади.
Олам кўзингизга аслидан кўра бошқачароқ
кўрина бошлайди. «Кўзимни юмишим билан хаё-
лимда севикли кишим гавдаланади» деган ту-
шунчанинг дилбар сувратини қаранг:

Кўз юмар бўлсам кўзим
олдида пайдо гул юзим,
Фунча кўз очмоғи бор
булбул кўзин юммоғида.

Фунчанинг кўз очиши, кўнгилда ишқнинг кўз
очиши бор гап, аммо тонгнинг «кўз очиши»
қандоқ бўлди экан?

Кўниб гул узра булбул
ишқ китобини варақлабдур,
Юмуқ тонг кўзлари
ўтлик навосидан чарақлабдур.



Бу «тонг отди» деган сўз. Шоир назарида тонг ёришаётгани йўқ, ишқда куюётган булбулнинг ўтлик навосидан тонг сесканиб, кўзларини очиб юборди.

Яна бир ғазалда ошиқ роз айтиб шеър битмоқчи. Аммо ёр номини тилга олиши билан:

*Шеър уни ногоҳ қаламнинг
игнасидин қочадур...*

Шоир заргардай ишлайди, қайси сўзни байтнинг каерига қўйса, нафисроқ жаранглашини, қайси сўз қаерда ярқираб товланишини билади. Ва осонлик билан ўзи айтгандай «санжоб» мисралар тузади. Мен Эркин Воҳидовни «сўз жонглёри» дегим келади. У сўзларни шундай усталик билан иргитиб ўйнайдики, сўзлар унинг қўлида укпардай учади, юмшоқ ҳаракатланади. Товланиб учаётган сўзлардан нафис жаранглар тўкилиб туради. Мисралар гўё қалам остидан эмас, сеҳрли бир дастгоҳдан чиқаётгандай текис, қуйма. Бирон жойда на қўлнинг, на чокнинг изи кўринади.

Менга шундай туйилади: ҳозир шеърда ақлли гап айтишга интилиш кучлироқ. Тасвирийлик, поэтик бўёққа эса эътибор камайиб бораётгандай. Ўткир фикрли шеър яхши, албатта. Аммо унинг яланғочланган қиличдай бўлиши ҳам жоиз эмас. Ахир шеър доим дорилик учун ёки қурол ўрнида ишлайвермайди-ку. Шеър, биринчи навбатда, санъат асари, ором, завқ манбаидир. Навоийда шундай байт бор:

*Назмки, суврат эрур хуш анга,
Зимнида маъни дағи дилкаш анга.*

«Шеър санъат билан ёзилиши керак» деган тўхтам Эркин Воҳидов учун ҳам ижодий эътиқоддир. Сўзга сайқал бериш жараёни шеър битилишининг энг инжиқ, энг аҳамиятли дақиқаларидир. Мана шу жараёнда сўзлар мўъжизага айланади, оҳанг, поэтик ранг уйғунлиги вужудга келади, шакл ва мазмун бирлиги қарор топади. Сўз устида ишлаш мумтоз шоирларимиз орасида анъанавий ижодий мусобақа шакллари-дан бири бўлган. Эркин Воҳидовда ҳам шу анъананинг кўринишлари мавжуд. Дейлик, муҳаббат мавзусига бағишланган ғазал битиш. Бунда ишқ ҳам, ошиқ ҳам, маъшуқа ҳам, ишқий кечинмалар ҳам реал-конкрет эмас. Қаламга олинаётган нарсa, ҳодисотнинг ким поэтик қирраларини кўпроқ оча олса, шеърий образлилик борасида топқирлик иқтидори қанчалик баланд бўлса, ғолиб саналган.

Шоирнинг «Гуллар базми» ғазалини олиб кўрайлик:

... Шоир гулзорга кириб эди. Унинг нигоҳи ранглар талошидаю кўкси туйғулар талошида қолди. Демак, шеър яралажак, муҳаббат баҳона, шоир ташхис (жонлантириш) санъатини ишга солади-ю ... гўё ёр боғ сайлига чиқади. Маҳбуба боғ томошаси илинжида, боғ эса маҳбубанинг ҳуснига маҳдиё! Буни қарангки, санам гулзорга кирган захоти, эндигина кўз очган ғунчалар бу малоҳатни кўриб, хандон уриб очилиб кетади-

лар. «Гуллар шохиман» деб мағрурланган лоланинг кўзи ул гўзалга тушгач, шарманда бўлгани унинг қип-қизил юзидан аён бўлиб турибди:

*Карнай гулининг
оғзи очиқ, волаю ҳайрон,
Наргиснинг, ажаб,
икки кўзи санда бўлибдур.*

Бу мисраларда карнай гулининг табиий кўриниши, «хайратдан оғзи очилиб қолди» иборасига нақадар мослиги, гўзалларнинг кўзига киёс этиладиган наргиснинг икки кўзи санамга суқланиб боқиши ташхис санъати чизган қўйма бир сатрдир.

*Саф-саф тизилиб
сафсар оёгингга қўйиб сар,
Банд-банд узилиб,
жони билан банда бўлибдур. –*

байтида тавзеъ (бир хил товушлар билан бошланадиган сўзлардан фойдаланиш) ва иштиқок (ўзакдош сўзларни уюштириш) санъати гўзал бадиийлик занжирини ҳосил қилган.

*Қирқ бошларимиз,
қирқ дея, қирқ оға-уни гул,
Тигингга улар
бари сарафканда бўлибдур.*

Бу байтда ташхис ва тажнис санъати билан яратилган табиий манзарани кўриб турибсиз... Яна эмишки, ҳовузда сузаётган нилуфар гул эмас, санамга пешвоз ҳолда оқ елканда кела-

ётган хур эмиш. Лирик қахрамон ёрга шеърий гулдаста тузмоқ ниятида экан, аммо гўзалнинг пойига ўзини фидо қилган даста-даста гулларни кўриб, ўйлари пароканда бўлибдур. Ҳадсиз гўзал, сара гуллар маҳбуба қошида ўзини хокисор билибдими, билиб-билмай тўқилган шеърий гулдастага йўл бўлсин!

«Сурма» номли ғазални олайлик. Тоғ жинси сурма ва ошиқ ... Шоир орага тушгач, улар бир бутунликка айланадилар:

*Аслида ким қарарди
ётганда хор сурма,
Бўлди азиз, кўзига
суртганда ёр сурма.
Ёр кўзига етишмак
савдо экан-ку душвор,
Ёниб кўмир бўлибди
бечора зор сурма.*

Шеърият инсон билан табиатни қовуштиради. Жонсиз мавжудотга жон ато этади. Атрофимиздаги гунг борлиқ нақ инсоний лаҳжада сўйлай бошлайди. Уни тингламай иложимиз йўқ: сурмада тоғ юки, ошиқда ҳижрон юки, асрий жараёнлар натижасида сурма қора, ошиқ эса ишқ ўтида куяди, сурма куя-куя ёр кўзига етишади, ошиқ эса саргардон. Унинг сурмага қарата:

*Минг йил ётиб сенингдек
гам тоғининг тагида,
Сўнг майли бўлсам охир
тақдирга ёр сурма,—*

деганда сурманинг тоғ жинси эканлиги эсингиздан чиқиб, уни садоқат, матонат рамзи сифатида кўра бошлайсиз ва унга ҳавасингиз келади. Ишқ йўлида маломатлар ичра қолган ошиқнинг қуйидаги мурожаати сурманинг ҳолати билан нақадар мутаносиб, табиат билан инсоннинг нақадар уйғун эканлигини, буни фақат ва фақат шеърият кўрсата олишининг исботидир:

*Ўртанма, куйма ортиқ
жисмим қаро экан деб,
Ишқ йўлида қаролик
тақдирда бор, сурма.*

Ногаҳонда гўзаллар кўзидаги сурма шоирни шундай хаёлотга етаклайди. Сўз санъатларидан бири бўлмиш тажнис санъати бу хаёлотга шоирона қанот бағишлайди. Китобхон қалби эса нафосатга тўлади.

Қийғоч қошлари ўсма билан туташган, чиройли шахло кўз кизга кўзи тушаркан, шоирнинг шоирона тафаккури унинг қошу кўзини жуфт наргис узра жой олган бир жуфт баргга ўхшатади («Барг» ғазали). Қарабсизки, яна сўз ўйини бошланади:

*Икки қошинг ўсма бирла
бўлди жуфт наргисли барг,
Икки баргнинг қошида мен
титрагайман мисли барг.*

Шеърдаги жонлантириш санъатининг шарофати билан сизнинг туйғуларингиз ҳам жонлангандай бўлади. Кўз билан қошнинг наргисли баргга

Ўхшатилишининг ўзи бир сари, нозли жононнинг
чимирилиб ҳаракатда турган қошларидан барг-
дай титроққа тушган ошиқнинг ҳолати ғоят за-
миний ҳолдир. Ўсмали қош орага тушиб яралган
мана бу гўзал байтни қаранг:

*Ўсмали қош дема, зумрад
нақш этилган саждагоҳ,
Кам бу кун меҳробга ихлос,
лек бу кўп мухлисли барг.*

Бу сатрларни ўқирканман, ўйим Навоийга
кетди:

*Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз
қошигаким,
Форати дин этгали ул номусулмоним чиқар.
(«Ҳазойин ул-маоний»)*

Баргнинг қуйидаги ҳолати ошиқ қисмати би-
лан нечоғли бир хил даражада:

*Воҳ ажаб, ўз наргисига
банди бўлмиш, не илож,
Индамай киприк-тикан
заҳмин чекар номусли барг.*

Шоир ғазалнинг битилишида шеър санъати-
нинг қайси имконларидан фойдаланганини ўзи
шундай қайд этади:

*Икки барг таърифин Эркин
шеърга солса тонг эмас,
Ул бири ташбеҳли баргу
ул бири тажнисли барг.*

Навбатдаги тўхтам «Узум» ғазалига. Сиз ундаги таҳхис санъатига эътибор беринг: боғда узум етилди. Саватларга солиниб, бозорларга юборилди. Ортганлари хумларда шарбат бўлди. Ҳа, нима бўпти дейсиз. Одамий тириклик йўсини-да! Шоир эса – шоир! Бу ҳолатни у ўз йўриғича кўради. Ногаҳонда узум гулобини бир қизнинг қўлида тасаввур этадию муҳаббат тилида сўзлай бошлайди: гўё узум узум эмас – ошиқ. У ёр йўлига кўп термилди, ниҳоят уни топиш илинжида бош олиб, бозорларга кетди. Ошиқликни даъво айлагани учун уни хум ичра зиндонбанд этдилар. Кейин нима бўлибди денг:

*Хум ичинда неча йил
хун бўлмоқ эркан қисмати,
Лабларингга етди охир
бир пиёла қон узум.*

Лирик қаҳрамон бу дардли ҳикоясини тугата туриб, бир йўла ўз муддаосини ҳам изҳор этиб олади. Бу қиссадан кейинги гўзал ҳиссадир:

*Эй дилором, сенга Эркин
тутди майдек шеърини,
Дил хумида неча йил
қон бўлди бу девон – узум.*

Шоирнинг «Ҳофизга» ғазали ҳам оригинал асардир. Бунда ошиқ романтик парвоз оғушида. Маъшуқа эса қадамлари замон кафтига тегиб турган шу куннинг қизи. У билимдон ва ҳозиржавоб. Эҳтимол, Ҳофизнинг маъшуқасига «минг Самарқанд, минг Бухоро берай» дейи-

ши хуш ёққандир. Аммо бизнинг ошиқ дейдики, «...нигоримда ҳавас йўқ, мулку давлат, мол учун». Ошиқ янги ойни ёрига сирға қилиб таққиси келади, аммо фалакиёт илмидан хабари бор маҳбуба дейди:

*Зормидим жездин ясалган
ҳийлаи аъмол учун.*

Ўз паривашини ойга қиёс этиб эди, бундан ошиқ шўрликнинг ҳануз боши ҳам. Шўх ва кож ёрнинг истиғносидан ҳалак бўлгач, у пировардида машрабона нола билан «ҳажрда қаддимни дол этдинг» дегани заҳоти, бурро маҳбуба нима дейди денг:

*Ким қўйибди севгини
қадди букилган чол учун.*

Бирдан руҳингизга юморнинг яйратувчи тўлқинлари таралади. Бир зум борлиқни унутиб, ҳузурга чўмасиз. Мана шу мисра учунгина бу ғазал битилган бўлса ажаб эмас. Сўз ўйинининг шарқона ифодаси бу. Бу мисра билан маъшуқа бизнинг лирик қаҳрамоннигина эмас, ҳатто Ҳофизни ҳам сўз-ла енгди десак бўлгудай!

Эркин Воҳидов анъанавий сўз санъатидан ўта моҳирона фойдаланади. Иштиқоқ ёки иқтизоб деб аталган санъатнинг қўлланиши муносабати билан мисралардаги сўзларнинг яйрашини, чапак чалиб рақсга тушишини, қулоғингизга қуй бўлиб қуйилишини кузатинг:

*Дилга ёз дилбар сўзин,
жонон сўзини жонга ёз.*

*Куйса жонинг, жонажонинг,
шавқи жон жононга ёз.*

(«Достонга ёз»)

*Гул бўлиб, гул-гул ёниб
гулшан аро гулчеҳралар,
Гул узиб ўйнар, қўйиб
гулга бино гулчеҳралар.*

(«Гулчеҳралар»)

*Қаро қошинг, қалам қошинг,
қийиқ қайрилма қошинг қиз,
Қилур қатлимга қасд қайраб
қилич, қотил қарошинг қиз.
Қафасда қалб қушин қийнаб,
қанот қоқмоққа қўймайсан,
Қараб қўйгил қиё, қалбимни
қиздирсин қуёшинг қиз.*

Шоирнинг бу ёзмишлари гўзал ғазал қас-
рига саёҳатдир. Бу ғазалларни бошқа тилга
ўтгирсак, бир мунаққид айтганидай «ҳеч нарса
қолмаслиги» мумкин. Чунки бу ғазаллардаги сўз
«ўйини» гўзалликлари фақат ўзбек тилидагина
бўй кўрсата олади. Бу мисраларни фақат ўзбек
бўла олгангина ўқиса гашт қила олади.

Шоир, айниқса, ўз ғазалларида ҳозирги за-
мон ўзбек тилининг юксак ифода йўсинини топа
олгани, ўзи орзу қилганидай, «юксак ҳислар,
нозик санъатлар, тагдор мисралар» яратишнинг
уддасидан ўта билгани уни халқ орасида машҳур
қилди. 60–70-йиллар шеъриятида мумтоз адаби-
ётнинг ғазалчиликдаги анъаналарини давом этти-

ришда Эркин Воҳидовчалик «кўп ва ҳўб» меҳнат қилган бошқа ижодкор йўқ десак бўлади.

Халқчил асарларда ҳаёт воқеалари, халқ учун муҳим қимматга эга бўлган масалалар халқ манфаатлари нуқтаи назари асосида ёритилади. Ҳазал хусусидаги мунозараларда бу кўҳна жанр рамкасига ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг сиғиши душвор эканлиги, инсон руҳиятининг реалистик ҳолатларини бериш мушкуллиги ҳақида гап кетди. Авваламбор, бу даъвога қарши жавоб мумтоз шеъриятимиз саҳифаларини тўлдириб турибди. Қолаверса, Эркин Воҳидовнинг ҳам бундай долзарб мавзуларда битилган талай ҳазалларини учратамиз.

Шоирнинг «Даврон юки» ҳазали давр ташвишларидан, уруш ва тинчлик орасида титраб, калтираб турган замин хавотиридан нидодай янграйди:

*Ер уза юксалмиш Инсон
бир қўлида нур-чароғ,
Бир қўлида бор унинг
Маҳшар била тўфон юки ...*

Ер сийнасига «бешта қитъа, тўртта уммон юки» офирлик қилмайди, лекин кўксига томган қон юки зилдан зилдир! Замин титроғининг боиси шу! Эй табиат, эй она-Ер, Одамга инсоф тила, токи унинг бағрини виждон юки тарк этмасин ... дейди шеър.

Навоийнинг машҳур:

*Ўн саккиз минг олам ошуби агар
бошиндадир,*

*Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз
ёшиндадир, —*

байти билан бошланадиган ғазалидан таъсирланган шоир ўша баҳрда, мазкур ғазалнинг қофияларидан фойдаланган тарзда, аммо бутунлай бошқа — ахлоқий-тарбиявий мавзуда оригинал асар яратди. Хатто ғазалнинг матлаъси ҳам Навоий байтининг матлаъси билан бошланади (битта сўзи алмаштирилади, холос):

*Ўн саккиз минг олам ошуби падар
бошиндадир,
Не ажаб, чун ўғли онинг ўн саккиз
ёшиндадур.*

Бу ғазалда тўқликка шўхлик қабилидаги «бебошликлар», фарзанд тарбиясининг ота-онага боғлиқ бўлган илдизлари ҳақида аччиқ гапирилади ва ғазал қуйидагича тагдор ифода билан якунланади:

*Йўқ, ажаб, ёшликда ўғлин
ота ардоқлаб, суйиб,
Эркалаб бошига қўйди,
ул ҳамон бошиндадир.*

Ўз миллатига фарзанд шоирнинг, фарзанд бўлганда ҳам халқнинг тақдирига масъул, ориятли шоирнинг изтироблари унинг қасидаларида ҳам намоёндыр. Мумтоз адабиёти-мизда қасида аввал шоҳларга, мартабали одамларга бағишланган. Эркин Воҳидов ўзининг «Инсон», «Ўзбегим», «Қўллар» қасидаларида оддий инсонни энг улуғ, энг кодир зот деб би-



лади. Бу асарларда шоирнинг она халқи, миллатига бўлган муҳаббати умуминсоний моҳият касб этади. Шоир мушоҳадасида чегара йўқ, миллатнинг фарқи йўқ. Унинг диққат эътиборида жами инсоният учун ягона бўлган Ер шария уни тўпдай ирғитиб ўйнамоққа қодир турган Инсон сурати туради: истаса фаттон, истаса қурбон инсоннинг, истаса сиртлон, истаса жайрон инсоннинг, истаса хандон, истаса гирён инсоннинг; истаса комрон, истаса яксон инсоннинг мураккаб дунёсидан тонг қолган шоир умумбашарият ғамини еган ҳолда дейди:

*Ким фаранги, ким ҳабаш,
ирқ, қон талаш, имон талаш,
Шулми инсондек яшаш,
армон ўзинг, афгон ўзинг.*

*Мамлакатга мамлакат,
миллатга миллат бўлса қасд,
Қилгувчи сўнг оқибат
армон ўзинг, афгон ўзинг.*

*Онаизоринг — замин,
танҳо йўғу боринг — замин,
Хаста беморинг — замин,
ўғлон ўзинг, дармон ўзинг.*

(«Инсон» қасидаси)

Афлотун санъатнинг таъсир кучини катарсис — покланиш деб атайди. Юқоридаги каби асарлар китоб варақларидан одамларнинг қалби ва шуурига кўчади. Ва китобхоннинг ички оламида ботиний қудрат бўлиб яшай бошлайди.



Муҳаммад Юсуф

Ўзбекистон халқ шоири

СИЗНИ «ОФТОБОЙИМ» ДЕСАМ, МАЙЛИМИ?

Муҳаммаджон билан Тошкентда Дархоннинг ёнма-ён маҳаллаларида яшадик. Бир неча йил мен Республика маънавият марказида, у эса «Тафаккур» журналида бир бинода бирга ишлашдик ҳам. Лекин афсуслар бўлсинки, биз, айниқса мен, ғафлатда қолдик, ўзаро кирди-чикдимиз кам бўлди. Муҳаммаджон-ку кўшиқчилару шеър-парастрлар ўртасида ҳамиша хомталаш яшарди, аёли эса унинг келди-кетдиси, хизмати билан банд эди, аммо мен нега сустлашдим, деявераман. Суҳбатларига тўя олмай қолдим, ҳамшаҳар опаси сифатида ҳурматларини жойига қўя олмай қолдим! Ваҳ, бу боланинг йигит ёшида кетиб қолишини ким билибди дейсиз!

Нурлари билан руҳиятларимизни ёритиб кетган, укам! Дурдона ёзмишлар қолдириб, кўксимизни бойитиб, аммо эрта ўтиб, бизни чандон койитиб-койитиб кетган укам! Хандон отиб қулишларга, баланд овозларда шеър ўқишларга ийманиб ўтган, укам! Сизга замондош бўлганимга шукр. Бугун сизни кўриб қолган кўзларим та-



баррукдир. Сиз билан сўзлашиб қолган ўзим ҳам бугун табаррукдайман, укажон!

1992 йиллар эди чоғи. Ишда эдим, уйга чакиртиришди. Муҳаммаджон аёли ва икки жажжи қизалоғи билан меҳмонга келибди. Бошим кўкка етгандай бўлди. «Эшигингиздан бола-чақамни етаклаб бир киргим келди-да», – деди у табасум билан кошларини ёкимли учуриб. Кечгача ўтиришди. Яйраб суҳбатлашдик, мушоира қилдик. Шириндан-ширин қизлари хонадонимни тўлдириб, ўйнаб юришди.

Муҳаммаджон одамлар билан гаплашганда ёкимли лутфлар қилар, суҳбатдошини қандай яйратишни яхши биларди. Унинг устига, синиқ, ширали овози дилингизга ўрнашибгина коларди. Ўша куни ҳам йўлга қўзғалишдан олдин: «Менинг бир эрка илтимосимни қабул қиласизми, онажон, сизни «Офтобойим» деб чақирсам майлими?» – деди табассумларини чарақлатиб.

Эвоҳ, эвоҳ, дейман бугун! Бизни Офтоб сайлаб, нурларга топшириб, ўзи офтобларнинг ўрнига ботиб кетган укам!..

МАДАДКОРЛАРИМ

Такдир тақозоси билан 1996 йил биринчи январдан Республика «Маънавият ва маърифат» марказида ишлай бошладим. Оилам ҳали Андижонда, ўзим бировнинг уйида омонат турибман. Юнусободдаги тўрт қаватли уйларнинг биридаман. Рўзгорим ғарибона: битта палос, тўртта тўшак, бир хонтахтадан иборат. Шу мусофирхонамга бир кун эшик тақиллаб, Муҳаммад



Юсуф ва ҳофиз Маҳмуджон Азимовлар кириб келишди. Фаҳмлаб турибман, суҳбат давомида мени хурсанд қилиш учун дунёдаги жами яхши гапларни айтиб чиқишди-ёв! Ўша куни энг бой одам мен бўлдим.

Орадан икки кун ўтиб, ишхонада биров билан суҳбатлашиб ўтирсам, эшик қия очилиб, кимдир мўралаяпти ва мени ташқарига имлаяпти. Эътибор бериб тикилсам: Маҳмуджон Азимов! Дарҳол чиқдим. Юзлари кизариб кетган, сўрашишлари ҳам ажабтовур гуноҳкорона эди. Тутила-тутила бир илтимоси борлигини айтди. Яъники, иккалаларининг (Муҳаммад Юсуф ва у) номидан менга бир арзимаган совғалари бор экан, рухсат берсам, уйимизга ташлаб ўтар экан. Алланечук бўлдим, тунов куни аҳволотим уларга раҳмлари келадиган даражада хароб кўринибдида, деган ўй келди. «Укаларим, хавотирли ҳолат йўқ, хотиржам бўлинглар. Уй масаласи ҳал бўлса, етарли юк-тақларимиз Андижондан келиши тайин», деб тинчлантирган бўлдим. Аммо у бетоқатлик билан мени кўндирмоқчи бўларди. «Ҳеч бўлмаса, вақтинча ишлатиб тура қолинг», дерди у. «Хўп, вақтинчага бўлса, кўндим», дедим. Кечкурун келсам, унча катта бўлмаган, аммо яп-янги япон телевизорини ўрнатиб кетибди. Бу қадрли совға қаерда яшасам мен билан бирга бўлди ва ҳамиша уйимнинг тўрида турди. Ўн беш йилдирки инжиқланмай, садоқат билан хизмат қилиб келади. Телевизорни қўйдим дегунимча гўё унинг икки ёнида Муҳаммаджон билан Маҳмуджон менга қараб ўтиргандай бўлаверадилар...

МЕН ЭНДИ ЎЛМАЙМАН

Мухаммаджон вафотидан роппа-роса бир йил бурун автоҳалокатга учради. Уни операция қилишибди. Эшитдим у эски ТошМИга учдим. Бино, каравотлару чойшаблар бари уринган, тоза бўлса-да, ранги кетган. Унинг устига, ўзи ҳам дуррани деҳқончасига танғиб олибди. (Боши оғриётган экан.) Бу кулранг манзаранинг ичида қорайибгина шифтга қараб ётибди. Бамисоли лўли йигит дейсиз! Бу ҳорғин ҳолатнинг олдида нима деяримни билмай қолдим. «Будулайим, ўзимнинг Будулайим» дейман юзига юзимни қўйиб. «Кетсам шу баҳонада кетиб қолардим, тўғрими, опажон, энди ўлмайман, худо хоҳласа», деди кўзлари намлиниб. Ва воқеа қандай содир бўлгани, устоз Абдулла Ориповнинг дарҳол етиб келгани, ёнидан жилмай, парвона бўлганлари ҳақида тўлқинланиб, жуда миннатдор гапирди. Мана ҳозир ҳам унинг «энди ўлмайман, опажон» деган шикаста овози қулоғимга шундоққина эшитилиб турибди.

Ўлим қурсин, укажоним, ўлмайсиз, энди ҳеч қачон ўлмайсиз! Оёғида турганки, номингизни билганки ўзбекистонлик сизни юрагида кўтариб юради. Ўзингиз айтгандай, бағирларимизда кўнғирокдай жаранглаб яшайверасиз, қимматлигим!

АРСЛОН БИТТА ТУҒАДИ

1994 йилнинг 21 декабрида элликка тўлишим муносабати билан Андижон театрида ижодий кеча ўтказилди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар келишди. Уларнинг орасида Муҳаммад Юсуф ҳам бор эди. Сўз бердилар. Микрофонни иккала қўли билан ушлаб олиб, ёйилиб, эркаланиб гапирганларини ҳозир ҳам кўриб тургандайман... Лутфларини эслаяпман: «Мен Турсуной опани жуда яхши кўраман. Ва шу опани бир кучоқлаб, ўпсам эди, дея орзу қилардим. Бугун мана шу катта сахнада бу муҳаббатимни ҳаммага кўрсатишга муяссар бўладиган бўлдим.»

«... бу йиғинга устоз Абдулла Орипов ҳам келмоқчи эдилар. Аммо сайлов муносабати билан сафарга борадиган бўлиб қолдилар. Кетишларидан олдин менга тайинладилар: «Муҳаммаджон, бизнинг табрикларимизни чиройли қилиб етказ. Аммо ҳушёр қайна, мен сени тукқанман, арслон битта туғади. Тагин ғафлат босиб Турсунойнинг олдида шеър ўқиб юрма, шарманда бўласан», дедилар». Бу ҳазилдан ҳамманинг кўнгли яйради.

Сўзининг якунида маълум ва машҳур «Сепкил босган қиз яхши» деб тугалланадиган шеърини ўқиб туриб, охирини чапдастлик билан ўзгартирди ва

*Юзта ман-ман йигитдан
Битта Турсуной яхши, —*

деб тугатди. Ўтирганларнинг хаяжонларини кўрсангиз! Улар Турсуной Содиқовани эмас, Муҳаммад Юсуфни кўраётганлари ва эшитаётганлари учун мамнун ва бахтиёр эдилар.

ҚИЗФАЛДОҚ-ЛА БИР БОЛИШДА, ЁТТАН УКАМ...

Шоирчилик — нозикчилик, шоирчилик — қалтисчиликдир. Рухинг гоҳида ўзингдан аввал нималарнидир сезиб, башорат қилиб туради. Муҳаммад Юсуф шеърларида «ўлим» сўзи тез-тез учрайди. Бу сўз хунук сўз ва шеърга мутлако ярашмайдигандай кўринади. Аммо Муҳаммаджоннинг қаламида у ҳам чиройли бўлиб кетади, ёқимли ва ҳаётбахш жаранглайди. Бунга қойил қолмай илож йўқ. Бир жойда айтибди:

*Тошканда зўр шоир бўламан
Ё уйга қайтиб, ариқ бўйида,
Ялтизга суяниб ўлиб қоламан.*

Она уй соғинчини бундан ҳам чиройли ифода-
далаб бўладими! Нилуфар гул ҳақидаги шеърда
мана бу мисралар бор:

*Ўлсам мени сувга кўминглар,
Нилуфарнинг пойида ётай.*

Ва яна шу сўзга ёндашаверади. Хали ёш,
ўйин боласи бўлиб юрган чоғларида Асқад Мух-
тор ва Шавкат Раҳмоннинг қабрлари ёнида ту-
риб, «Орангиздан менга ҳам жой берасизми?»

деган мисраларни битган. Ўлимидан ўн йиллар аввал: «Ўлсам, қизларим ҳали йиғлашни билмайди», дейишларига нима дейсиз!

1990 йил (агар ундан ҳам аввалроқ бўлмаса!) Муҳаммаджонга атаб бир шеър ёзяман:

*Юлдузларни йиглаб уйғотган, укам,
Булбулларни бўзлаб йиғлатган, укам,
Юрагимни сўз-ла қулатган, укам,
Мен сизни хушхоним дея асрайин.*

*Куйингиздан битар жоним яраси,
Ўланларингиз-а куйлар сараси,
Андижоннинг қорамайиз боласи,
Қуёшда пишгоним дея асрайин.*

*Гўёлар тилида сўзлаётганим,
Элнинг ризолигин ҳалол тотганим,
Марҳамат томондан тонгдай отганим,
Ойлардан тушгоним дея асрайин.*

*Куйингиз куйса ҳам, кулиб жаранглар,
Кулиб туриб дилни тилиб жаранглар,*

*Ҳеч ким билмагани билиб жаранглар,
Санъатдаги шоним дея асрайин,
Қуёшда пишгоним дея асрайин,
Ойлардан тушгоним дея асрайин...*

Муҳаммаджон соғ бўлса, ўттизгина ёшида яшнаб юрган бўлса, «асрайин, асрайин» деяверишга бало борми! Шоирликда синоат борлиги ҳақ.

Энди буни эшитинг. Муҳаммаджонга 1998 йили «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берил-

ди. Табрикламоқчи бўламан, ҳеч пешини тутол-
майман. Охири, уйига хат қолдирдим. Матнни
келтираман:

*Муҳаммад уммати,
Юсуф янглигим.
Анжоним қиммати,
Шаъни – ёрлигим.
Суюнчим ёнимда
Излаб юрибман.
Ўзни «сен» деб, Сизни
Сизлаб юрибман.
Мукофот ярашган
Бўйларингиздан!
Ҳаммани эритган
Куйларингиздан!
Бутун мамлакатни
Куйлатганимсиз!
Мени хавотирда
Ўйлатганимсиз!
Билганимни ўқиб,
Сизга дам солай.
Ғуборингиз ювай,
Ғамингиз олай!
Сиз элнинг гулисиз,
Йигитнинг гули.
Конверт ичидаги
Исириқ пули.*

Нега шундай байрамда хавотирланяпман? Не-
га хаёлимга дам солиш ва исириқ деган нарсалар
қадалмокда? Бу бари синоат.

Муҳаммаджоннинг: «Муҳаммадга ишонманг-
лар, Муҳаммадга, у чин фарзанд бўлолмади

Марҳаматга. Йилда бир бор бориб кўрмас она-
сини, сувоқлари тушиб кетган хонасини. ...
Бўйлари ҳам кўринмайди ҳов далада, ўзимнинг
ҳам кўнглим қолди бу боладан», деган дилбар
шеъри бор эди. Мен эса бугун тўкилиб-тўкилиб
бу жавоб шеъримни битмоқдаман:

*Муҳаммадга ишондик биз, Муҳаммадга
У чин фарзанд бўла билди Марҳаматга.
Ковунчини алмашмади пойтахтга,
Ёғоч отда бўлса ҳамки қайтган иним!*

*Бугун сенинг изларингдан излаб келдим,
Қизгалдоқзор айвонингга тизлаб келдим,
Сен ёқтирган ялпизларни сизлаб келдим,
Ялпизларнинг орасига ботган иним!*

*Оҳ, қизгалдоқ, дея шеърлар ўқийвердинг,
Ёнингдан жой бер менга деб нуқийвердинг,
Ният кетди – Аллоҳ қисмат тўқийверди,
Қизгалдоқ-ла, бир болишда ётган иним!*

*Тош қоматинг кўринади ҳўв далада,
Энди кетмас бўлиб қолдинг бу қалъада,
Ўзбек борки, барин кўнгли сен болада,
Кўксимизда армон бўлиб қотган, иним,
Ялпизларнинг орасига ботган, иним,
Қизгалдоқ-ла, бир болишда ётган, иним.*



Муҳаммад Юсуф билан икки суҳбат

1-суҳбат

(«Тафаккур» журналида чоп этилган. 1997 й.)

– Турсуной опа, биласиз, мен ўқувчилик йилларимдан буён шеърларингиз мухлисиман. Кейинроқ, талабалик йилларим юпқагина илк китобчангизни чўнтагимда олиб юрардим. Бугун сиз элга танилган шоирасиз. Лекин жамоат ишларнда ҳам тиниб-тинчимайсиз. Турсуной опа, ҳам йиғинларда қатнашасиз, ҳам шеър ёзиш овир эмасми? Айтмоқчиманки, жонингизни койитмай, фақат ижод билан шуғуллансангиз бўлмайдими?

– Нимасини айтасиз, укам! Афсуски, жим ўтириш менинг иқлимим эмас экан. Шеърга сиғмай қолаётганга ўхшайвердим – бир талай насрий ёзмишларим дунёга келди. Улар қай сифатда битилди, билмадим-у, лекин ҳар гал ёзиб бўлгач, енгиллагандай бўламан. Гоҳида бағримда яна бетоқатлик бошланади, коғозга эмас, энди элнинг кўзига қараб деб-деб олгим келади. Қарабсизки, саноғи йўқ учрашувлар, бахсли анжуманлар содир бўлади...

Маънавият муаммоси – менинг қонаб турган ярам, бу дардни айтиб йиғлайвераман.



Баъзан унга айтиб кўриб, бунга айтиб кўриб кўзгатолмасам, шартта енг шимариб ўша ишни ўзим қилишга киришаман...

Эсингиз, кучингиз етиб турса, Аллоҳ сизга даъватчиликдай неъматни берган бўлса, сиз туфайли ҳеч йўқ бир юрак уйғониб, бир киши яхши кўчага кирса, армонсиз кетганингиз шу-да, укажон!

— Кейинги йиллар кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Мана, сиз ҳам она юртингиз Андижонни тарк этиб, «мусофир»га айландингиз. Кечаги Турсунхон Андижоний бугун бир паровоз силкиниши билан Турсунхон Тошкандий бўлиб турибсиз... Умр ўртасида пойтахтга кўчиб келишга нима мажбур қилди? Ёки адабиёт етаклаб келдими?

— Ҳазилдан ташқари айтсам, мен пойтахт излаб келмадим. Йигирма икки ёшга етгунимча мени шу пойтахтнинг ўзи катта қилган. Ички бир оғриқ билан айтаманки, ёшингиз элликка етиб, умрингиз кунботарга оға бошлагач, ортга боққингиз, ҳаётингиздан узилиб кетиб бораётган нарсаларингизнинг охирги шарпалари, эпкинларини кўриб қолгингиз келар экан... Болалигиму ёшлигимнинг ярқироқ бекатлари Тошкентда ўтган, ота-онамнинг ўттиз-қирқ ёшли навқирон йиллари Тошкентга тўкилган, пойтахтнинг қабристонларида сингилларимнинг хоки ётибди. Шуларга бир тўйиб кетай деб келгандирман балки... Ҳазил аралаш айтадиган бўлсам — андижоний феъл бу!

Қолаверса, шоир иним, бир гапни айтай: мени Андижон тукқан, демакки, Андижонийман. Ўзингизга аён, сизни ҳам бир чақирдим, юртга қайтинг деб, икки чақирдим – кўнмадингиз! Марказ сизларни севиб қолдими ё сизлар марказни-ми?.. Бу ёғига хушёр турасиз, менинг келишим бежо – кетсам, жўн кетмайман, ҳаммангизни битта-битта териб, этагимга солиб кетаман!

– Ҳаёт, шоир айтганидек, «бир бош узумни еб битирмак» каби осон иш эмас. Турмушнинг турли кўчалари бор. Бироқ, барибир, бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, ўзини савдо-сотикқа урган айрим аёлларни кўрганда одам ғалати бўлиб кетади. Умуман, савдо-сотик аёлларга хос касбми, нима дейсиз?

– «Савдо-сотик аёлларга хосми?» деб куйи-нишдан аввал жавоб беринг: рўзғор тебратишни аёлга ҳам тенгма-тенг юклаш, эркак бажарадиган ишларни, бозор юмушларини аёлига суриб қўйиш Шарқ эркагига хосми?

Авваллари эрлар бозордан у-буни кўтариб-кўтариб келиш учун еттита белбоғ боғлаганлар. Ҳозиргиларнинг топгани ялтироқ чарм сумка, уни ҳам фасонга кўтариб оладилар. Туғиб-туғиб олиб келай деса (иқтисодий тангликни ўртага солманг), хунари йўқ, ўттиз куннинг якунига мўлтираб ўтиради. Шарқ аёли ҳеч қачон бундай ер чизиб ўтириб қолган эркакни кўрган эмас!

Момикдай қўллари билан шойи галстуклар боғлагандан кўра кетмон, омбур, ранда, бигиз



ушласинлар. Юмшоқ диван, креслолар эркаклардан зада бўлди. Эркакларнинг феълидаги синиш ва ўпирилишларни тўлдираман деб аёлларда эркакча хусусиятлар пайдо бўлмоқда. Бу – кулфат!

Биз аёллар бугунлик кунда қомати, сўзи, мағзи йирик, ишлари ҳам яхлит, оилада сардор бўлишга ярайдиган, аёлини тузга ҳам зориқтирмайдиган, нафақат ўзининг оиласи, балки авлодимдан ҳам ёмон чиқмасин деб, бутун уруғ-аймоғининг орияти учун куюнадиган эркакларга зор бўлдик. Мана шундайлар ярайдилар миллат муҳофазасига. Айни даврда, қирқта жонини мингтага келтириб яшаётган аёллар масаласини эмас, ҳақиқий Шарқ ўғлонини қандай тарбиялаймиз, деган муаммо ва мақсадни ўртага қўймоқ зарур!

– Агар туғишган синглим шеър ёзиб «Ака, шуни бир ўқиб беринг» деса, рост, ансам қотади. Бундан кўра рўзгор қилишни ўрган, турмушга чиқишни ўйла дейман. Аммо шоирликни ҳавас қилган бошқа сингилларимга бундай деб айтолмайман негадир. Аксари-ят, жўнгина битилган шеърларни ҳам эгасига қайтараётиб, «ёмон эмас» деб қўяман. Қизлар шеър ёзмасин демайман-у, бу дард, агар чинакам бўлмаса, яхшиси, уй бекаси бўлишни орзу қилганлари тузукмика?

– Шоирликнинг, машҳурликнинг азобларини ўзингиз тортганингиз учун уларни аяйсиз-да! Аммо, «аёл зоти қаёққача борарди» деган озгина эркакча беписандлик аралашаётган бўлмасин



тагин! Агар аёлнинг пешонасига аёллик, оналик қисмати битилмаганда, уларга Аллоҳ «фидойилик» деган илоҳий қудратни суниб қўймаганда — Улуғбекнинг ихтироларини эҳтимол онаси яратган, Навоийнинг ёзмишларини онаси битган бўларди. Илм-закода мислсиз чўкки бўлиши мумкин бўлган аёллар рўзғору фарзанд туфайли ўзларида ким яширинганини билмай ўтадилар. Шунинг учун ҳам тарихда аёл алломаларнинг номи кам.

Шоирим, йигитларнинг йўлини Аллоҳим бирмунча текис яратган, аммо миллатнинг қизларига зийрак ва эҳтиёткор бўлмоқ даркор. Иқтидорли қизлар камоли учун елка тутмоқ миллатни кўтаришдай гап.

— Кўча-кўйда оқ рўмол ёпиниб юрган қиз-жувонларни кўрсам кўзим қувнаб, дилим яйрайди. (Дарвоқе, мана, ўзингиз ҳам «отинча» бўлиб олгансиз.) Айтинг-чи, бу бирор нимага таассубми ёки анчайин ҳавас?

— Шоирим, «Султон суягидан тонмабди» деган гап бор. Элликдан ошиб бораётган ёшнинг ярашиғи шу, бу — бир!

Иккиламчи, тўрт-беш йил аёллар қўмитасида ишлашим жараёнида минг бир тоифа билан сўзлашмоққа тўғри келди. Ҳамма даврага йўл очиб берадиган яшил чироқ шу рўмол бўлди.

Қолаверса, табиий кўркин «бевафолик» қилгач, айбингни яшириб турган нарсани асрагинг келар экан, бу — уч!

«Кўнглим каби ой ҳам яримта»...

Тунда ойга қарасам, шу сатрлар ёдимга тушади. Турсуной опа, бу шеърингизда биз билмаган, тушунмаган яна не кечинмалар бор? Қачон, қандай ҳолатда ёзилган у?

– Йигирма ёшда эдим. Бўкага ғўза чопиғига чиққан эдик. Чекка қишлоқ. Чивин шунча кўпки, ташқарида тезак тутатиб, чойшаб ёпиниб юриб жон сақлаймиз. Чироқ йўқ, яқин атрофда аҳоли ҳам яшамайди. Осмонни томоша қилишдан бошқа иш йўқ. Ўшандаги Бўка осмонининг нақадар пастлигини айтинг: ғўё бошингизга тегиб турган қора бахмалдай! Шундоққина қўл чўзсангиз, юлдузлар узилаверади! Фақат яримта ой жуда безовта – тинмай юради... Орадан икки йилча ўтди. Ўша энг яқин келган осмон бот-бот эсимга тушаверади. Ҳалиги яримта ой эса изимдан эргашаверади. Бир куни уни шеърга солдим у қутулдим. Унда шундай сатрлар бор эди:

*Қалбимдаги гашигимсимон
Аста босиб келади оқшом.
Қуёшини йўқотиб осмон,
Қора либос кийибди, боқсам.
Юлдузлардан чодир ёпиниб,
Чиқдим туннинг ҳолин сўргали,
Кўнглим каби ой ҳам яримта,
Жой излайди ўзин қўйгали...*

– Тўқсон ёшли момом бор. Сизнинг отдошингиз – Турсунбиби. Кўзойнаксиз газет ўқийди. Умрида бирон марта «Ватан» деган сўзни тилига олган бўлмаса-да, ҳеч қачон уйдан бўлак жойда тунаб қолмаган. Ҳатто ўз фарзандлари хонадонида ҳам.

**Момомдан сўраш ноқулай, иккала Турсуной
учун ҳам ўзингиз жавоб берақолинг: Ватан
нима ўзи?**

– «Ватан» сўзини айтишга, айтиб юбориш-
га менинг ҳам тилим чўчийди. Шу мавзуда
шеър битмаганман ҳам. Агар унинг отини айтиб
чақирсам, юрагимни ушлаб турган бир нарса
учиб чиқиб кетадигандай...

Ватан ҳақида гапиришдан кўра, уни томир-
томирларингиз билан туймоқ лаззатлироқдир!

Пул чўнтакни тўлдиради, омад уйингизни,
дўст атрофингизни. Аммо юракларингнинг қат-
ларигача сингиб, томирларинггача тўлиб, сим-сим
жон узатиб турадиган ёлғиз шу – Ватан! У –
пеъмат! Таърифи йўқ мавжудлик. У – илоҳий
туҳфа! Ватаннинг катта-кичиги, хунук-чиройли-
ги бўлмайди. Шунинг учун кимдир саксовул ва
кумга пешона қўйиб, ким шўр тупроқни ўпиб,
ким музларга тиз чўкиб, «Ватаним» дея бўзлайди!
Менинг ҳам қўлларим дуода, дейманки:

*... Мени шу ерда бор этди,
Ўларда шундай ўлдирсин...*

2-с у х б а т

ЮРАККА ҚАДАЛГАН БАЙРОҚ

ёки

(Шоир билан юрагимнинг суҳбати)

Муҳаммаджон, иним, Сиздан кейин китоб-
ларингизни қатор териб қўйиб, сатрма-сатр
ўқидим, обдан ўқидим. Бағримнинг сўтилмаган



чоки колмади, варақларга кулдай тўкилдим, укажон... Мени қарангки, газета-журналларда ўқибман. Сизни, радио, телевизор ва тифиз йиғинларда чиқишларингизни бир зум-бир зум эшитибман. Қўшиқларингизни тинглаб, фарах олиб, фахр туйиб юраверибман, аммо бу номард опангиз ёзганларингизни қидириб юриб, бирма-бир ҳаммасини ўқимабди, излаб юриб суҳбатларингизда бўлмабди! Фафлат босибди-да, мени! Ҳамшаҳарлигим учунми, қўйнимдаги ўз гавҳарим-ку, ҳали обдан кўражакман дебман-да! Тошкентнинг Дархонида ёнма-ён маҳаллаларда яшадик. Шунда ҳам ухлаб яшабман, жигарим! Бир нарса илинсам, совимай етгудай жойда турардингиз-ку, бирор марта ёнингизда ўтириб, бир чойнак чойни бирга ичмабман-а! Киприкларим остида турганда тўйиб олмаган фаниматим-а!

Фақат бир бора Сизни меҳмонга чорладим. Хаяллаброқ келдингиз. «Сиздай опамнинг қошига пиёда борганим бўлсин дедим, аммо қийналмай топдим, меҳрингизнинг ўзи йўл кўрсатиб келаверди», дея лутф қилдингиз. Яйраб шеърлар ўқидингиз ва кетарда яна пиёда қайтдингиз. Ўша куни Пушкин ҳайкали ёнида хайрлаша туриб, бирга кетган ҳамроҳингизга бир чапанича мутойиба қилибсиз:

– Ука, Пушкин бобо шу туришида нима деяпти, биласизми?

– Ака, нима деяётганини билмади-му, аммо кўзи сизнинг уйингизга қараб тургандай, – дебди у.

— Унга яхшироқ қулоқ солинг-а, «мана бу уйда мендан ҳам зўр шоир яшайди» деяпти, — дермишсиз.

Ўх, ўх, ботинида кимлигини чандон туйиб, зохирида эса бошини адл кўтармай сўзлашиб, овозини баландлатмай шеър айтиб ўтган синигим, укам-а! Шеърларингизни ўқирканман, ҳақиқатан ҳам Аллоҳ Сизни ярлақанига, дилингиз булбул эмас, булбулзор эканлигига, сўзларингиз атиристонлиги, мағзингизда балки ўн, балки юз шоирга етгулик таъм, ранг ва қувват мавжудлигига амин бўлдим! Менинг назаримда ҳали жуда ёшдай туйилаверардингиз ва бот-бот «ҳали у улғайсин-а, оламжаҳон нарсалар битади, худо хоҳласа» деб қўярдим. Ўзингиз ҳам «ўйин боласи бўлиб юрибман-да, ижод курсисига ҳали астойдил ўтирганим йўқ», деб ўйлардингиз, эхтимол. Сиз ҳақиқатан ҳам ёзишга ҳали муқим ўтириб киришганингиз йўқ эди. Аммо бугун юрагимга ботиб турган тугунларим ёзилиб кетди, йигит ёшингизда кетганингиз-ку чандон алам, лекин ижод бобида Сиз бир асрда, балки унданда, кўпроқда ёзгулик гўзал шеъриятни яратиб бўлибсиз. Авж пардаларга аллақачон етиб, ёзганларингизни мумтозликка сайлаб ҳам улгурибсиз.

Дарахтнинг бўйи йиқилганда кўриниши рост экан, шоирим, нақадар дуркун бўю бастингиз борлигини бугун бутун мамлакат кўриб турибди. Миллий адабиётимизнинг бир четини ўлмайдиган қилиб яшнатиб, шиғил мевали боғ қолдириб кетибсиз. Бу боғ аро юрибман-у, мана шоирнинг

ҳақиқийси қандай бўлади дейман, шу ивирсиб юришимда мен ҳам шоир бўлдимми дейман ва бу ғариб қаламимни синдириб отгиларим келди, укажон!

Сатрлардаги юрагингизни қаранг, ниятлари биллурдай тоза ва осмонча баланд, лаҳжаси нақадар оддий, изҳорлари бунчалар оромижон! Бир шеърингизда «оламини эркалаб, эрка сўз излаб ўтяпман» дебсиз. Мен аёл деган нафис зотдан бўлсам-да, бундай латиф таърифни билмабман, сўзни минг келишиқда турлаш мумкинدير, аммо «эрка сўз» бўлишини Сизда кўрдим. Ва «оламини эркалаш» деган иссиқ таърифни ҳам Сиздан топдим. Таърифлашни ҳам дўндириб қўйгансиз, укажон! Сизии, айниқса, ватанда туриб ватаннинг таъмини туймаганлар ўқисин, ватаннинг ҳидига димоқларини энтиқиб босмаганлар ўқисин! Она-Ер ҳақида гапираркансиз, юракларим ялпиз ҳидига тўлиб боради, ваҳ, ваҳ, бағрим лолазорга дўниб боради, Сизга қўшилиб капалакларни жониқиб томоша қиламан, ҳатто чумолининг бошини силаб қўйгим, лолақизғалдоқнинг пешонасидан ўпгим келади.

Мен Сизни ўқийман, Сиз мени ватаннинг қат-қатига олиб кирасиз, ҳар бир гиёҳига опа сайлатиб, ҳар жониворига эгачи тутунтирасиз, Сиз ватанни шундай таърифлайсизки, жон ип-ларим унга янада қаттиқроқ боғланаётганини сезиб тураман. Онангизга, синглингизга, болангизга ёзганларингиздан, ҳатто муҳаббат ҳақидаги хонишларингиздан ҳам ватан ҳиди анқиб туради!



У ёқда шотутлар
Тўкилар сувга.
Қовунлар ёрилар,
Сен йўл қарайсан.
Тупроқ кўчаларда,
Муштоқ кўчаларда
Ёз – мени соғиниб саргайган майса.

...
Ўксимагин о, юрак,
Бўлма хомуш, бўлма лол.
Менинг отам оқтерак,
Менинг онам – мажнунтол.

Осмонда ой ёлғиздир,
Ёлғизман мен ҳам, ахир.
Менинг опам ялғиздир,
Синглим лола қонбагир.

Тўшагим шу шўр тупроқ,
Кўрпам кўкда булутдир.
Менинг акам Улуғ тоғ,
Менинг укам бургутдир.

Табассумим чақмоқлар,
Ёмғирлар кўз ёшимдир.
Арслон мени ардоқлар...
Қоплон қариндошимдир...

Бу мисраларни ўқиркансан, бу замин менинг онам, мен унинг бағридан униб чиққан бир томирман дейсан киши, атрофдаги унганки, юрганки мавжудот бир бағирда яшаб бораётган жигарбандларинг эканлигини тан оласан!

Мана ўша «эрка» сўзларингиз:



*Ялпизлари
Кўкка туташ,
Тунлари зар,
Тонгги маржон.
Юлдузлари – қотган қуёш,
Қуёшлари куйдирмажон.
Олтин тупроқ,
Зумрад далам,
Ипак карвон,
Олмос қалъам.
Кузда кетган қушлари ҳам
Баҳор қўмсаб қайтган айвон –
Ўзбекистон, Ўзбекистон!*

Бир жойда дебсиз: «Унутманг, бу кўҳна чархи фалакда Ватандан бошқа ҳаммаси майда». Айтганларингиз нақадар ҳақ, нақадар одил! Хунук она бўлмагани каби, хунук фарзанд бўлмагани каби Ватаннинг ҳам яхши-ёмони йўқдир! Ватанни ҳам болангни суйгандай суюб, унга онангга куйгандай куясан. Аммо оналар кечирсинлар, болалар маъзур тутсинлар – Ватаннинг улардан-да қимматлиги ростдир! Онанг йўлда ўлиб беради, боланг эгасини топиб кетади, аммо фақат Ватангина товонинг тагида собит туради ва сўнгги дамингда ҳам биринчи бўлиб сенга кўксини очадию бағрига босади...

*Кўҳна тол бешикдан
Бошланар олам,
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир куни синглим деб,
Бир куни онам –*



Ватан,
Кимлигингни
Билмай севаман.
Менга еринг суюк,
Осмонинг суюк,
Боқсам тенг
Тўрттала
Томонинг суюк,
Товонимга кирган
Тиконинг суюк –
Кафтдан зиранчанг ҳам
Олмай севаман.

Чўксанг,
Тур, синглим деб,
Сочинг силайман.
Сўксанг,
Опам дейман,
Умринг тилайман.
Сендан ранжимайман,
Гина қилмайман –
Хоҳ хўмрай,
Хоҳ жилмай,
Бирдай севаман.

Ватан –
Юрагимнинг
Олампаноҳи,
Бу дунё
Букри бир
Жийдангнинг шохи!
Кўзим ёши билан

*Сугориб гоҳи,
Кўксимда ўстирган
Гулдай севаман...*

Бу тўқилган шеър эмас, бу йиғлаб айтилган
рози дил, бу фидойи, лахча чўф юракнинг са-
сидир!

Яна дебсиз:

*Сиз куларсиз, бу китобий сўзларни қўй деб,
Хитобларни тўкаверма, бола, липпангдан.
Аммо рости, лабда болдек қотиб қолган шу –
Онам сути, онам сути экан-да, Ватан!*

Ўзингиз таъбир қилган «мўмин ва соф
Ўзбекистонни» яна шундай алқайсиз:

*О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сенингдек меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга.*

*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинми мен, ё содда касман мен –
Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тандирингга алишмасман мен...*

Бу жон Ватан соясидагина ором олишини,
Ватаннинг қиммати унда она сути таъми бор-
лигида эканлигини бирданига билиб қолдим-
ку! Бу заминнинг оддий бедапояси, мунғайган
тандири ҳам юрагимнинг банд-банди эканлиги-
ни топиб олдим-ку! Оҳ, юрагимнинг қулфини

очган Муҳаммад, тугик тилларимни ечган
Муҳаммад!

*Гўёлар тилида сўзлаб ўтганим,
Элнинг ризолигин ҳалол тотганим,
Марҳамат томондан тонгдай отганим,
Ойлардан тушгоним эди Муҳаммад.*

*Куйларидан битар жоним яраси,
Ўланлари унинг куйлар сараси,
Андижоннинг қорамайиз боласи,
Қуёшда пишгоним эди Муҳаммад.*

*Оҳ урса, юлдузни уйғота билган,
Бўзласа булбулни йиғлата билган,
Кесак юракни ҳам чўғлата билган,
Сўзоним, хушхоним эди Муҳаммад.*

Ҳақиқатан шоир зоти машъал, шоир зоти
йўлчи юлдуздир. У — мураббий, жонингнинг
катларига кириб микробларингни ўлдиради, имо-
нингни уйғотади, уят, андиша уруғларини экади.
Инсон фақат билим билангина, куч биланги-
на эмас, асосан, ОРИЯТИ ва ҒУРУРИ билан
шахсга айланади. Шеърят ўша томирингни тар-
бият қилади.

*Ўпинг, кўзингизга суриг тупрогин,
Ҳар сўзин муқаддас дуодай севинг.
Қаданг юракларга миллат байрогин,
Ватанни Нажмиддин Кубродай севинг.*

...
*Кўҳинурдан кўҳлигим,
Онам Ўзбекистоним.*

*Ўзбекман, ўзбеклигим
Менинг олий унвоним, —*

деган сатрларингиз оғриган жойларимни оғри-
тадир, укажон. Тўқсонинчи йилмиди, Андижон
олийгоҳларининг бирида таниқли ўзбек санъ-
аткорининг ўғли, машхур эстрада хонандасига
«Нима учун ҳеч ўзбекча куйламайсиз?» деб са-
вол беришса, «Чунки мен ўзбек тилини билмай-
ман» деб жавоб қилди сахнадан. Йўқ, у тилни
яхшигина биларди, лекин шундай жавоб бергиси
келди. Чунки айрим имони ухлаганлар учун она
тилини унутиб, ўрисча сўзлашни қойиллатиш
ҳам бир мартаба эди.

*Кимлар учун бизлар эдик бадавийлар,
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар,
Ҳолимизни қон кузатди Яссавийлар,
Топганимиз ҳандалакдай тилим-тилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим ... —*

деганларингизни улар ўқисин-да, ишқилиб! Қиз-
лари сочини майдалаб ўришдан, ўсма қўйишдан
ор қилиб, ўғлонлари ҳеч бўлмаса, чимилдикқа
дўппи билан кирмай қўйган замонларни кечир-
дик.

Замон ёмон, замон тор эди....

*Хўш энди-чи, дерсиз, нима ғов?
Дўппи бошга ўрнашмаётгандек,
Тўним энди ярашмаётгандек,
Кийсам кулаётгандек биров, —*

сатрларингизни ўқиганда бу гапларни ўзинг айтаётгандай уялиб кетасан, заиф дунёингни биров кўриб қолгандай изза тортасан.

Гоҳида «Миллий ғоя нима?» «Миллий ғурур нима?» деб саволлар тузадилар, жавоб тарзида узундан-узун матнлар ясайдилар, жумлаларининг эга-кесимини топиб бўлмайдиган, изҳори офир рисолалар битадилар, ўқитмоққа соатлар ажратиб, талай дарсларни бағишлайдилар, аммо тингловчининг кўзи сўроқ тўла қолаверади! Менинг эса миллий ғоя, миллий ғурур мана бу бўлади деб, Сизнинг мисраларингизни ўкиб бергим келади!

*Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,
Қумлар босиб қуримасин дарёларим,
Алпомишга алла айтган момоларим
Руҳини шод этай десанг, халқ бўл, элим.*

*Кўз ёшларинг айланса ҳам денгизларга,
Қўргонингни бермай десанг Чингизларга,
Улуғбек ном қўйиб кетган юлдузларга
Юзим босиб ўтай десанг, халқ бўл, элим.*

*Гўрўглилар қонга ботса Ғиротларда,
Кўр ўғиллар юртни сотса хилватларда,
Бобуринг беҳабар ётса Ҳиротларда
Бориб мен уйғотай десанг, халқ бўл, элим...*

Халқ юрагини титратган гапга эргашади, Сиз титратиб гапирасиз, шоирим. Ору ғурурни уйғотиш мана бундай бўлади:

*Сен Машрабсан,
Халқда тумор,*

Балхда дорга осилган.
Навоийсан, шоҳ ёнида
Фақирни дуо қилган.
Яссавийсан, меники деб,
Кўринган даъво қилган,
Минг бир ёғи очилмаган
Кўригимсан Ватаним.

Сен Хўжандсан
Чингизларга
Дарвозасин очмаган.
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган.
Муқаннасан, қорачиги
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон –
Чўлигимсан Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин Курдистонда,
Бобуринг Ҳиндистонда.
Бу қандай юз қаролиг, деб
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уругимсан Ватаним...

Бу волалар шеърхонга ҳам ўтиб боради,
юракларнинг ўртасига етиб боради, вой, минг
ўлиб, минг тирик қолган юртим-а, деб инграб
юборасан, мисралар ор ва гурурингни расталаш-
да давом этади:

Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.

*Хурлигинг ҳақ – қолган бари ўтаверсин,
Бу дунёда энг ёруғ бахт эл тинчидир!
Айирмасин беминнат нон-тузингдан-а,
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!*

*Эрк водийси – заҳматларга сийловдир бу,
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловдир бу.
Ранж чекмасанг, нурли-нурли тонглар қайда,
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а!..*

Бир шеърингизда «булутларга юзимни босиб йиғладим» деган эдингиз. Сизни «ойлардан тушгоним» дея отингизни қўйдим мен. Бир жойда «кўнглим гулдай эзилиб, кўзимга ёш тўляпти. Эҳ, қуёшга осилиб, ботиб кетгим келяпти» дебсиз. Яна дебсиз: «Кўчиб бораётир бу умр карвон, кунларнинг бўйнида юрак кўнғироқ». Юрагини кўнғироқ қилиб, йўлларимизга илиб, ўзи булутлар бағрига учиб кетган, иним! Тўрғайдай чарх уриб, наволар сочиб, бизни уйғотиб, ойнинг айвонига кўчиб кетган, иним! Ватан ғамини еб, элнинг камини деб, кўкка муножотлар айтиб ўтган, иним! Охлари етмаса ул осмонга, қуёшга осилиб ботиб кетган, иним!

Дарвоқе, ёзиб кетибсизки:

*Ўлса ўзи ўлар,
Сўзи ўлмайди,
Ҳамиша барҳаёт насл шоирлар.
Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар асл шоирлар.*



Шу сўзларингиз билан Ўзингизни бизга қайтарганингиз учун Аллоҳ раҳматларини ёғдирсин Сизга! Марҳабо, юракларимизга хуш келибсиз, қимматлигим! Бугун наволарингизнинг бир пардаси ҳақида гаплашдик, холос. Ҳали Сиз бор юрагимни бағримга босганча, такрор-такрор суҳбатлар қуражакмиз, хуморларни, армонларни ёзажакмиз, ассалому алайкум, шоирим!

2004 йил



Сафар Барно

Таниқли болалар шоири, ёзувчи

ЖЎРАМ САФАР БАРНО

Табиийки, ҳар кимга ўзининг ёшлиги бебаҳо туйилади. Аммо энг бой, энг файзли ёшлик менда бўлган деб ҳисоблайман. Талабалик йилларим билан фахрланиб юраман. Ўқиш давримиз 1961–1966 йилларга тўғри келди. Биз ўшанда Тошкент Давлат университети филология факультетининг биринчи курсида бўлсак, иккинчи курсда Рауф Парфи, Ойдин Ҳожиева, Зоҳир Аълам, Абдухалил Қорабоев, Умрзоқ Ўлжабоевлар, улардан аввалги курсда эса Абдулла Ориповлар таҳсил олар эдилар. Охирги курсда ўша пайтдаги машҳур телесухандонлар: Насиба Қамбарова, Насиба Иброҳимовалар ва яна кейинчалик элга танилган кўплаб ибратли инсонлар ўқир эдилар. Айни пайтда хотирам панд бериб, ҳаммаларининг исми шарифларини келтириш қийин бўлиб турибди. Аммо ўша тенгқурларимдан миллий адабиётимиз, миллий матбуотимиз ва маорифимизнинг ўнлаб ҳақиқий жонкуярлари, фидойилари етишиб чиқдилар ва довруқ солиб ишлаганлар қаторидан жой олдилар.

У даврларда ўйин боласи бўлиб юраверибмиз-у, ён атрофимизда улкан инсонлар камолга етиб бо-



раётганини унча ҳам фаҳм этмабмиз. Факультетимиз журналистика, тил ва адабиёт бўлимларидан иборат эди. Мен адабиётчилар бўлимида эдим. Курсдошларим ғоятда қувноқ ва самимий эдилар. Энди ўйлаб қарасам, уларнинг сурати ҳам, сийрати ҳам чиройли бўлган экан. Ўғил болалару қизлар бақамти эдик, худди жигарбандлардай бир-биримизни қидириб, йўқлаб юрардик. Бу аскиячи, шум, шовқин-сурон кўтариб юрган болалар кун келиб миллатнинг илму маънавияти ривожига катта ҳисса қўшадиган энг жиддий одамларга айланишини қаёқдан билибмиз! Бахтиёр Назаров (академик), Акрам Каттабеков (фан доктори), Нўъмон Раҳимжонов (фан доктори), Саттор Маҳаматқулов (фан доктори), Эркин Жалолов (фан доктори), Пўлат Тўраев, Ортиқбой Абдуллаев, Матлуба Азимова, Тўлқин Йўлдошев каби ўнлаб фан номзодлари етишиб чиқдилар. Улар миллатимиз маънавий ҳазинасига талай асарлар тортиқ этдилар ва ҳозир ҳам илмий изланишдалар.

Журналистика бўлимимизда ҳам бетакрор салоҳиятли кишилар йиғилган эди. Ҳамдам Содиқов (фан доктори), Назира Абдуазизова (фан доктори), Саида Зоҳидова, Хикоят Маҳмудова, Азиза Муҳиддинова, Файзи Шоҳисмоил, Шерзод Ғуломов, Ирисмат Абдухолиқов, Аббосхон Усмонов, Дилбар Мўминова кабилар эл эътиборига тушдилар. Ўнлаб йиллар республика ва вилоят газеталарида бош муҳаррир, нашриётларда таниқли муҳаррир ҳамда Москва телевидениесининг махсус мухбири ва мамлакат журналистла-



рининг сардори вазифаларида хизмат қилдилар, танилдилар, ҳурмат қозондилар.

Сафар Барно ўша карвоннинг бўйи ҳаммага кўриниб турадиган ардоқли, барчага баравар севимли вакили эди. Менга алам қиладигани шуки, «кулгу инсоннинг умрини узайтиради» деган нақл Сафар ака мисолида ёлғон чиқди! Бу инсон сафимиздагиларнинг энг қувноғи, учта бўлса биттаси, битта бўлса ўзи эди. Унинг сизга берадиган саломининг ҳам чаккасига ҳазил қистирилган бўларди. Бир пайтлар қайсидир журналда бир ҳажвий суратни кўргандим. Унда бир тўп оқ халатлилар кўлларида жарроҳлик асбоблари билан тепага қараб хахолаб куляптилар, ўртада эса бемор. Расм тагига «қизикчи операция столида» деб ёзиб қўйилибди. Ўшанда, «худди бизнинг Сафар акамизга ўхшаган одам экан-да», деган гап кўнглимга келганди. Бу инсоннинг орамиздан эрта кетиб қолгани бизга поёнсиз армон бўлди. Ундан бизнинг кутганимиз кўп эди, ўзининг ҳам элгаю бола-чақасига атаганлари кўп эди ҳали. Мен бугун Сафар Барнонинг шоирлиги, адабиётдаги қадду бастаи ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. У «Болалар адабиёти» деб аталган мураккаб соҳада ўз йўли, ўз гулзори ва ўз иқлимини яратиб улгурган ижодкор. Ҳали унинг асарлари астойдил ўрганилади, у албатта катта шоир ва адиб сифатида мутахассисларнинг муносиб баҳосини олади.

Отангнинг, онангнинг хотираси умр бўйи руҳингни эгаллаб яшагани каби, тенгдошларинг ёди ҳам жонингнинг қатларига ёзилиб қоларкан.



Мен бугун Сафар аканинг ижоди эмас, бирга-бирга сўз тўқиб, қофия талашиб, аудиторияларда жой талашиб, гоҳ уришиб, гоҳ ярашиб, қирқ йилдан зиёд бир-биримизга эргашиб келган қадрдонимнинг мен учун қадри, қиммати ҳақида гапирмоқчиман.

Сафар Барно табиятан хокисор, ҳалим инсон эди. Юмшоқ овоз, юмшоқ сўз билан гаплашарди. Норозилигини ҳам шовқинсиз изҳор қиларди. Унинг бировдан гина қилганини, кимнидир ёмон кўрганини ҳеч эсламайман. Ундан дили оғриганларни ҳам билмайман.

Ёшлигимизда Сафар аканинг жами оҳанрабоси нахта терими пайтида намоён бўларди. У қаерда бўлса, ўша ерда одам тўпланаверар, гапнинг қизиги чиқаверарди. У хоҳлаган нарсасидан ҳазил ясай оларди. Масалан, ҳарфларни татарча куйга солиб хиргойи қилиб қолар, юмшатиш белгисига (ъ) келганда бир зум тўхтаб «мягкий знак!» деб оларди-да, кейинги ҳарфларни яна чўзиб куйлай кетарди. «Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек, ол домини бўйнидан, бечора экан мендек» деб бошланадиган машҳур қўшиқни татарчага айлантириб куйлашини бир эшитганингизда эди! «Сейдинг қуябер сейяд, сийяра икан миндек, ол кальцоси шейинда бидняжка икан миндек» ва ҳоказо.

Сафар ака журналистика бўлимидаги кизларнинг бамисоли отаси эди. Ҳамиша уларга қўрғон бўлиб юрар, ҳамманинг дардини эшитар, сирини ютар, маслаҳатгўйлик қиларди. Кимнидир кимдандир ҳимоя қилиб, аллакимларни яраштириб,



кимлар учундир домлаларнинг ўртасига тушгани тушган эди. Ўйлаб қарасам, ана шундай сафдошларимиз билан ёшлигимиз гўзал бўлган экан.

Ўқиш тугагач, турфа кушлардай турфа томонларга учиб кетдик. Сафар ака талабалик йилларидаёқ истеъдоди билан кўзга кўриниб қолган эди. Унга Тошкентда қолишни таклиф этдилар. Кўп ўтмай болалар шоири бўлиб танилди. Уйлик ва ҳавас килса арзигулик рўзгорли бўлди. У орамиздаги энг оқибатли дўстларимиздан эди, ҳаммамизга тинмай қўнғирок қилар, номалар юборар, қалами борларни кўпроқ ёзишга даъват қиларди. Курсдошларининг ёзганларини редакцияларга ташигани ташиган эди.

Мен учун ёқимли бўлган бу воқеани сизлар билан яна бир эслагим келди: 1967 йил эди чамаси. Андижон педагогика институтида устоз Абдулла Қаҳҳор билан учрашув бўлди. Ҳар сафаргидай ёш қаламкашлар билан алоҳида суҳбат ўтказилди. Ҳозир ўшанда ким бош-қош бўлганини эслолмайман, хулласи, орага яхши одамлар тушиб, Абдулла ака биринчи китоб учун тайёрлаган қўлёзмаларимни нашриётга ўзлари топширадиган бўлибдилар. Бундан қувончларим осмонларга етганини айтмайсизми! Аммо бир йил ўтяпти, уч йил ўтяпти, беш йил ўтяпти – китобдан дарак йўқ! Устоз қўлёзмаларни «Ёш гвардия» нашриётига топширган эканлар. Ғўрлигимни қарангки, бирор марта бормабман ҳам, суриштирмабман ҳам. Нашриётга топшириладиган китобдан кўпи бор-



ми, унинг устига ходимлар ҳам тез-тез янги-ланиб турса керак. Қўйинг-чи, қўлэзма эгасиз мол бўлиб тураверибди. Ҳатто ўша ерда иш бошлаган Сафар акага ҳам айтмабман. Айтгим келгандир балки, аммо ёзганларим китоб қилишга арзимаган бўлса-чи, деган андиша мени эзиб турарди-ёв! Бир куни Сафар аканинг ўзи қўнғироқ қилиб, «бизда қўлэзманг бор экан-ку, тезда нашриёт раҳбарига учраб кўр», деди. Бу маслаҳатни у бир неча бор такрорлади. Мен ҳадеганда боришга журъат қилавермадим. Бир куни: «Нашриёт директори сени чақиряпти, тезда етиб кел», деб хабар қилди. Учиб-қўниб келдим. Билсам, аслида раҳбар чақиртирмаган, жўрам мени шу тарзда Тошкентга келтириб, бир бало қилиб, директор қабулига киритмоқчи бўлган экан. Мен киришга кўнмадим. Шунда бир муҳаррир аёл билан икковлари мени кузатиб қўймоқчи бўлишди. Нашриётнинг узун йўлагидан келарканмиз, «Директор» деб ёзилган эшикнинг олдида келганда бир зум тўхтаб, ниманидир астойдил сўраган бўлишди. У ёғи нима бўлганини англолмай қолдим, ҳалиги аёл эшикни очганини, Сафар ака эса елкамдан бир силтаб, ўша очик эшикка итариб юборганини биламан. Биринчидан, гурс этиб, юриб эмас, сакраб киргандай пайдо бўлдимми, унинг устига раҳбарнинг столи шундоққина эшикнинг ёнида экан, урилиб кетай деб аранг мувозанатга келдимми! Буни ҳам қўйинг, ўша кезде у одамнинг оёғи (бир қўли ҳамми-ей!) гипсда экан, оёғини борича узатиб олган, ёнида қўшалок қўлтиқтаёк



тиккалаб кўйилган, елкасигача бўлган гипс оқ, сочлари оқ, кўйлаги ҳам оппоқ, салобатини қўяверасиз! Бу манзарани дарҳол тушуна қолмай, жавдираб, довдираб қолдим. Кўзимга кўриняптими дейман! Тилим калимага келмасди, ҳатто салом ҳам беролмай қолдим. Алфозимдан у киши ҳам чўчиб кетди, «Тинчликми, тинчликми?» деди шошиб. «Ҳа, ҳа», дейман мен. Иккаламиз ҳам ўзимизга келгач, ўтиришга таклиф этди. Кейин кимлигимни, қаердан келганимни суриштирган бўлди. Сўнгра ўзимни йиғиштириб, беш йил бурун қўлёзма топширганимни айтдим. Раҳбарга гапим хуш ёқмагандай туйилди. «Ёзганларингиз бекорга туриб қолмаган, бизда истеъдодли, талабчан одамлар ишлайди, ҳозир улардан ахволни аниқлаймиз» деди-да, гўшаққа «фалон бўлимнинг мудирини чакиринг» деди. Зум ўтмай остонада ўта жиддий Сафар Барно кўринди. Менга биринчи кўраётгандай қараб, «ассалому алайкум, яхшимисиз, келинг» деб қўйди совуққина. Уларнинг суҳбатини айнан келтираман:

- Сафаржон, бу меҳмонни танийсизми?
- Ҳа, бизнинг муаллифимиз бўладилар.
- Қўлёзма шунча муддат туриб қолибди, иш кўнгилдагидай эмас экан-да?
- Йўқ, устоз, Турсунойнинг нарсалари яхши.
- (Раҳбарнинг энсаси қота бошлади) Яхши бўлса, нега режага киритмадинглар?
- Икки йилдан бери режага киритяпмиз, қисқартиришга тушиб қоляпти. (Қисқартириш, ўзгартиришлар раҳбарнинг қўли билан бўлса



керак-да! Ходимининг бу дадил «бебошлигидан» рахбар росмана мулзам тортди.)

— Арзийдиган бўлса, киритинг яна режага! — деди. Овози юмшоққина эди-ю, аммо зардали эди.

... Шундай қилиб, «Куй» деб номланган биринчи китобим дунё юзини кўрди. Ва бу китобнинг чиқишида жонбозлик кўрсатган куюмлигим ва биринчи муҳарририм ҳам кўриб турибсизки, Сафар Барно бўлди.

Саксонинчи йилларнинг боши эди. Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка ўтадиган бўлдим. Қабул маросими ҳар доимгидай ҳаяжонли. Мен навбатда турибман. Мажлисдан чиққанки одам оқариб, қизариб чиқяпти. Сафар ака уюшма мажлисининг ташкилий ишларида бош-қош экан. Қандайдир қоғозларни у ёқдан-бу ёққа ташиб, суҳбатга кирувчиларни олиб кириб, кузатиб турибди. Ва ниҳоят Сафар ака менинг ҳам исмимни чақирди. Олдидан ўтаётганимда, «Қўрқма, хўпми?!» деб қўйди. Ичкарига кириб, капалагим учди. Тирбанд одам ўтирибди, ҳаммаси чўнглади! Илигинг калтирамай кўрсинчи! Сарвар Азимов, Назир Сафаров, Уйғун, Комил Яшин, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Иброҳим Ғафуров... Иштирокчиларнинг энг ёши Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар эди! Савол беришни Сарвар Азимов бошлади-лар, Назир ака гулдиратиб давом эттирдилар. Бошқаларнинг ҳам астойдил тараддудга тушганини кўриб, Саид Аҳмад ака шарт турдилар-да:



«Яхшиси, Турсуной битта шиғир ўқиб берсин» дедилар. «Аёл монологи» деган шеърим бўлгич эди, ўқидим. Ҳайтовур, шеърнинг муҳокамаси билан овора бўлиб, бошқа савол бермадилар. Қарсак ҳам чалиб қўйдилар. Хонадан чиқаётиб кўзим Сафар акага тушди. У қизариб кетган, кўзлари ғолибона порлар эди. Мен билан изма-из йўлакка чикди-да: «Ўртоқжон, уюшма тарихида шеър ўқиб аъзоликка ўтган фақат сен бўлдинг» деди ёйилиб. Билдимки, шеър ўқитиш таклифини Саид Аҳмад акага сингдирган ҳам Сафар ака бўлган...

Бахтиёр Назаров билан икковларининг республика радиоси орқали мен ҳақимдаги суҳбатларини эшитиб, яхшимни ошириб, ёмонимни яшириб берган таърифлари учун юм-юм йиғлаганларим эсимда...

Ўтганларнинг барини йиғлаб эслаймиз. Аммо Сафар аканинг ҳар бир ишини хотирласангиз юзингизга табассум ёйилади, юрагингизда офтоб балқийди. Қандоқ жўрам бор эди-я, дейман! Сунсанг тоғдай, яйрасанг боғдай эди-я!

Сафар акажон, сизни қирқ беш йилдан ортиқ танидим, лекин тўймай қолдим. Меҳру муруватларингизни обдан олдим, аммо жойини топиб, йўлингизга пешвоз чиқолмадим. Нима учун шеърлар ўқиттириб, эшитиб-эшитиб маза қилмадим-а! Маликалардай Маликангиз билан уйларимнинг тўрида ўтирганингизни такрор-такрор кўрмадим, суҳбатларингизда яйрамадим-а! Жўра бўлиб бошингизга бир дўппи кийдириб, белингизга ан-



дижонча бир қийиқ боғлолмадим. Болаларим-
га суҳбатларингизни тинглатиб, гувоҳлигингизда
уларни фарзандларингиз билан ўртоқ қилиб
кўёлмадим. Ана армону мана армон энди!..

Сизни таниганим учун бойман, жўражон!

Бу дунёингизни обод қилиб кетдингиз, Аллоҳ
у дунёингизни ҳам обод айласин!



Солижон Меҳмонов

*Ушбу рисолати
ватанпарвар ва элпарвар инсон,
йигирма йил ижроқўмга раислиги давомида
тўқайзор билан ўралган кичкина Хонобод
қишлогини деярли умумҳашар йўли билан
Ўзбекистонда ягона боғ-шаҳарга
айлантиришда етакчилик қилган Солижон ака
Меҳмоновнинг ёруғ хотирасига бағишлайман.*

АНДИЖОННИНГ СОЛИЖОНИ

Энг қисқа таржимаи ҳол

Солижон Меҳмонов: 1924 йилнинг 14 ноябрида Андижон вилоятидаги адирликлар бағрида жойлашган Хонободнинг Фозилмон қишлоғида туғилган. Отаси Меҳмонхўжа оддий деҳқон, онаси Хошияхоним илмли аёл эди. Қаноатхон исмли биргина опаси бўлган.

Солижон отасидан жуда эрта айрилди. Суяк-лари қотмай туриб рўзгор хуржунини елкасига олди. Етим болалниги уни инсонларга эрта ара-лаштирди. Туртилди, суртилди – эрта пишди. Аллоҳнинг ҳамма иши яхшиликка. Хатто етим-ликнинг ҳам шарофати бор! Кўллари эрта қадок бўлди, нон топиш, инсонларга ёқиш азиятларини суяклари қотмай туриб ўргана борди.



Ўша пайтда Ўрта Осиё учун салмоқли ўрин тутган «Тарандубитель» заводига юк ташувчи аравакаш бўлиб ишга кирди. Шу ердан Иккинчи жахон урушига кетди. Тўрт йил давомида бу ёғи Берлин, бу ёғи Курил ороллари оралиғида неча бор яраланиб, неча бор тикланиб, ўлим билан ёнма-ён юрди. Урушдан қайтгач, тирикчиликни яна ўша заводда давом эттирди. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Халқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олди. Аввал уста, кейин цех бошлиғи, 1952 йилда эса директор этиб тайинланди. Заводдаги директорлиги йигирма йил давом этди. 1972 йилдан 1993 йилгача, яъни кейинги йигирма йилда эса Хонобод шаҳар собиқ ижроқўмининг раиси вазифасида фаолият кўрсатди. Солижон Меҳмонов 1996 йили 26 августда, етмиш икки ёшида оламдан ўтди. Бор гап шу.

ОРТИДАН БОҒЛАРИ ЙИҒЛАГАН ОДАМ

Унинг таржимаи ҳоли шугина холос. Аммо 1996 йилнинг ўша машъум 26 августи нафақат хонободликларнинг, балки Хонободнинг тошу тупроғини титратди, десак ёлғон бўлмас. Ўша кундан бери бу ернинг ҳар бир қаричи ун-сиз йиғлайди. Бир-бирининг елкасига бош қўйиб адирлар йиғлайди. Солижон ака олислардан елкаларига миндириб олиб келган турфа дарахтлар уни қўмсаб, турфа тилларда бўзлаб турадилар. Ул зотдан қолган етим гуллар ҳар сахарда кўз



Ғиллари шабнамга дўниб, намланиб, ғамланиб,
аламларидан майда фавворалар каби портлаб
очилиб, сочилиб, оҳлари атиргга айланиб, Хон-
ободни тутиб ётади.

СОЛИЖОН АКНИ ШЕРГА АЙЛАНТИРГАН ҚАРОР

Собиқ Иттифок аҳамиятига эга бўлган Кам-
пиррабoт сув омбори қурилиши муносабати би-
лан тўқайзор ва тошлоқзор Хoнобoдни шаҳарга
айлантиришга қарор қилдилар. 1972 йили Соли-
жон ака ижрокўмликка сайланди. Яъни, бу де-
гани, Меҳмонознинг Хoнобoдни боғ шаҳарга ай-
лантириш учун салб юриши бошланди! Солижон
ака учун бу фаолият бамисоли ҳаёт-мамот жанги
эди! Ва бу жангу жадал беш йилмас, ўн йил-
мас, нақ йигирма йил давом этди. Бу айтмоққа
осон, холос! У одамнинг ўша пайтдаги шиддат-
ларини йигирма йил унинг ёнида юрганларгина
таърифлай оладилар, йигирма йил уни ўз кўзи
билан кузатганларгина аниқ баҳолай биладилар.
Солижон ака умрининг охиригача Хoнобoд учун
жонини балoгардон сайлади, бу ернинг ҳар бир
қаричи билан гаплашиб яшади, ҳар бир туп гул
ва дарахтнинг таржимаи ҳолини ёдлаб чиқди.
Ва йўл-йўлакай ҳар бир хoнобoдликнинг юра-
гига гул ишқи, ер ишқини экиб борди. Каттаю
кичикни боғбонга айлантирди! Бугунги Хoнобoд
сувдан, тупрокдан эмас, одамлар тўккан тердан
бино бўлди!

ХАЛҚНИ ЭРГАШТИРГАН САРКАРДА

Хонободни таърифлаш кийин. Уни фақат бориб кўриш керак... Сиз Хонободни Солижон ака тирик пайтида кўринг эди! Ҳамма жойда адир адир бўлиб яшайди, аммо бу ерда эса! Ёқангизни ушлардингиз! Бундай қарасангиз, қатор-қатор тепаликларни оқ, қизил, пушти атиргул лашкарлари ўрмалаб чиқиб эгаллаб олган. Адирлар атиристонга айланган! У ерларга сувни ҳам Солижон аканинг лойиҳаси билан олиб чиқилган. Энг баланд адир устига она ҳайкалини ўрнатганлар. «Бу – хонободликларнинг оналари рамзи. Шу ердан қараб, болаларининг яхши ишларига суюниб, ёмонига куйиниб туради», – дерди Солижон ака.

Пастдан ҳайкалгача кенг зина қилинган. Бу зина бино бўлгунча неча қурувчи, неча меъмор билан ёқавайрон тортишувлар бўлган, аммо барибир Солижон аканинг лойиҳаси ўтган. То ҳайкалга ета-етгунча зинанинг икки четига гулсафсар экканлар, ана энди уни очилганда кўринг – худди сафсар рангли кўш ариқ зиналардан сакраб-сакраб, шарқираб тушиб келяпти дейсиз.

Шаҳарнинг ичи ялпи бов. Одатда, дарахт деганлари яшил бўлгич, аммо бу ерда барглари пушти, қирмизи рангли дарахтлар ҳам бор. Хушқомат ўспиринлардай тизилишиб турган арчалар, турфа шакл-шамойилдаги гулзорлар, улардан анқиётган анвойи ислар – нақ курорт!



Бу ерда арчанинг етти хил нави, ноёб липа, дуб, оқ қайин, каштан, сосна дарахтлари онасининг уйида ўсгандай яшнаб турибди. Уларни бу ерлик қилиш учун Солижон ака Кавказ, Украина, Кисловодск томонларга ўн-ўн икки марта талаб қатнаши керак бўлди. Кўчат етиштириш дардида Қирғизистоннинг осмонўпар тоғларини кезавериб, у ердаги қирғизу ўзбеклар билан бир онадан туғилгандай бўлиб кетганди. Гуллар, буталар, дарахтларнинг 120 хили шу тарзда Хонободда макон топди.

Ноёб манзарали дарахтлар: лола дарахти, липа, магнолия, япон тути, самшит, берсклет, игнабаргли дарахтларнинг кўп турлари, ноёб гул ва буталар Тошкенг шаҳар ободонлаштириш бошқармасидан ташқарига берилмасин деган тақиқ бўлса-да, Солижон ака учун ҳамиша яшил чироқ эди. Ботаника институти тажрибахонаси, дендрарийси, Шредер номидаги Республика узумчилик ва боғдорчилик илмий текшириш институти, Тошкентдаги давлат тасаруфида бўлган декоратив ўсимликлар ўстириб берувчи совхозлар, Киевдаги декоратив совхоз (рябиначилик), қўшни Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятлари ўрмон хўжаликларида етиштирилган кўчатлар Солижон ака номидан борилса, ҳеч қандай ишонч қоғозисиз ҳам бериб юборилаверар эди.

Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Хонободда қурилган осма арқон йўли ҳам Солижон аканинг тадбиркорлиги билан бунёд бўлган.

Хўш, биродар, сиз бу ишларга кимдир жарақ-жарақ пул ажратиб берган деб ўйлайсизми?!

Бундай имкон қайда дейсиз! Ободончилик ишларининг олтмиш-етмиш фоизи ҳашар йўли билан қилинар эди. Бу осонми ахир? Иккита одамни ишга солишни, ўн кишини гапга киргизишни айтинг! Солижон ака эса юзлаб, минглаб кишиларни бирлаштириб, ортидан эргаштириб, Хонободни гулистонга айлантира олган инсон эди! Хар йили, ўн икки ой давомида бир мақсад йўлида халқни ҳамжиҳат қилиб етаклай билишнинг оти нима, биродар? Саркардалик шу-да, ахир!

ҚЎЛДА ЯСАЛГАН ШВЕЙЦАРИЯ

Султонободлик ижодкор Шамсиддин Исмон «Она замин фидойилари» номли китобчасида ёзади: 1986 йили Андижон шаҳрида «Ландшафт архитектураси» мавзуида ўтказилган анжуманда қатнашган етакчи олим, архитектура фанлари доктори Л.Соколова Хонободнинг манзарасини кузатаркан: «Хонободни дунёнинг энг гўзал мамлакатлари манзарасига қиёслаш мумкин», деб баҳо берган эди.

Сайёҳлардан бири бўлмиш италиялик меҳмон жаноб Энрикио шаҳримизни айланиб кўргандан сўнг унинг мафтункорлигига қойил қолиб: «Бу шаҳарни Ўзбекистоннинг қўлда ясалган Швейцарияси дегим келди», деган эди.

Буюк британиялик давлат арбоби Майкл Дэвид шаҳарнинг таровати ва ундаги ноёб гулу дарахтларнинг парваришини кўриб: «Наҳотки, шу нарсалар маблағ ажратилмасдан халқ ҳашари эвазига барпо этилган бўлса, бунга ақл бовар қилмайди», деб ҳайратланган экан.

ХОНОБОДЛИКЛАР СОЛИЖОН АКА ҲАҚИДА

Шаҳарнинг ёзилмаган қонунлари

Солижон ака пайтида Хонободнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бор эди. Ҳамма унга сўзсиз итоат қиларди:

- шаҳарда писта сотилмайди;
- кўчаларда, хиёбонларда писта чакилмайди;
- бош майдонда, хиёбонда папирос чекилмайди;
- гул узилмайди;
- пиёдалар юрадиган йўлакларга велосипед билан кирилмайди;
- автобуслар фақат белгиланган бекатдагина тўхташи шарт;
- одамларга ҳалақит берадиган даражада магнитофон қўйилмайди ва ҳоказо... Агар шу тартиб бузилса, жарима тўланарди.

«Нон урсин де!»

Солижон ака шаҳарнинг нуфузли курсиларига номзод танлайдиган бўлса, суҳбати қуйидагича бўларкан:

- Хонободни ориятингдай асрайсанми?
- Ҳа.
- Ёлғон гапирмайсанми?
- Йўқ,
- Пора олмайсанми?

- 
- Йўқ.
 - Аёлларга ўралашмайсанми?
 - Йўқ.
 - Юрагингдан чиқариб ишлайсанми?
 - Ваъда бераман.

Шундан сўнг у тортмасида доим турадиган қотган нонни оларкан-да, ўша одамнинг қўлига тутқазиб, «ушла, ваъдамда турмасам, нон урсин де!» деркан. Қасамёддан сўнггина ишга қабул қиларкан. Бундан ортиқ рухий муолажа бўладими?..

У ҳақиқий Данко эди

Бу одам, аввало, минг ўйлаб бир иш қиларди. Ўйлаганда ҳам жонини товада қовуриб туриб, одамларга буюрадиган ишини дастлаб ўзининг устихонида ҳис этиб, бу соҳанинг билимдонларидан обдан фикр сўраб, қайси ишни кимга топширишни пиштиб, бажарилиш дастурини бичиб, қийиб, ўлчаб, қайси йўл билан борса қандай натижа бўлишига комил ишонч ҳосил қилгачгина бу маслаҳатни тилига чиқарар ва ишга киришарди. Масъулият деганлари мана шу, биродар!

Меҳмоновнинг бир ишга киришиши паровоз жойидан жилди деган гап эди! Унинг йўлига асло чиқиб бўлмас, уни тўхтатиш паровозни қўлим билан ушлаб қоламан, дейиш билан тенг эди.

Талабчанлик, талабчанлик бўлганда ҳам одамларни зир югуртириб оёққа турғазадиган талабчанлик унинг иш услуби эди. Нафсиламрини айтганда, ҳар бир инсоннинг шайтони бор, демак, кези-кези билан ғафлатийлиги, дангасалиги бор. Моҳир раҳбар ўз одамларини ўша кайфиятга ем қилиб қўймаслиги, силкитиб, уйғотиб туриши керак.

Солижон аканинг наздида лафз инсон бўлишнинг биринчи шарти эди! Сўзида турмаган кишини у чала, норасо ҳисобларди. «Ишни ҳамма бошлаб бера олади, лекин уни мард инсонгина охирига етказди», деган гапни кўп такрорларди. Сўзида собит одамгина ўзини ишлата билади, вужудининг ҳар хужайрасида масъулият ясайди, шайтонни қувлайди, ўз томирларида очилмаган булоқларни очади. Бу эса ЭРИ-ШУВГА олиб келади. Мана шундай ҳолатдагина киши йўқдан бор қилади!

Солижон ака лафз қандай бўлишини, масъулият билан ишлашни, ўз-ўзини бошқаришнинг олий намунасини, аввало, ўзида кўрсатар эди. У эртактаги эмас, ҳаётдаги ҳақиқий Данко эди, ёнаётган юрагини қўлида машъал каби кўтариб, олдинда ўзи борар эди...

Соябон билан экилган дарахт

Солижон ака билан бирга ишлаган бир хоним ҳикоя қиляпти: «Ўша пайтда шаҳар ижроқўмида ҳисобчи бўлиб ишлардим. Аммо хонамнинг бир



бурчагида (бир мен эмас, ҳамма ходимларнинг хонасида) биттадан кетмон, белкурак доимий турарди, ҳа, кишин-ёзин турарди. Чунки ҳар дақиқада Солижон аканинг: «Қани, биродарлар, кетдик!» деб қолиши бор гап эди. Бир куни у эрталаб жамоани йиғди-да, бир талай кўчатни ва ишлаётган биномизнинг атрофидан экиладиган жойни кўрсатиб, фалон соат ичида шу иш битиши кераклигини тайинлаб, ўзи каёққадир жўнаб кетди. Энди иш бошлагандик, ёмғир бошланди. Қарасак, жадаллашяпти. Тинишини кутишга қарор қилдик. Ёмғири қурғур ҳадеганда тинмасди. Бирдан «Меҳмонов қайтяпти!» деган хабар келди. Сакраб туриб кетдик. Ким белкурак, кимдир қўлига тушганини кўтариб, ташқарига отилди. Ёмғир куйяпти, биримиз кўчат экяпмиз, биримиз унинг бошига соябон тутиб турибмиз. Четдан қараган одамга аҳволимиз кулгили кўриниши аниқ. «Дарахт экиш буларга ҳаётмамот масаласими, нима балo!» деган бўлиши ҳам мумкин. Аммо Солижон аканинг айтганини бажармаслик биз учун ҳамма нарсадан хунук эди! Унинг норози нигоҳига виждонимиз тоб беролмасди!»

Дарвоқе, «виждонимиз тоб беролмасди» деган гап айтилди. Солижон ака қирқ йил давомида одамларга ўзи билмаган ҳолда лафзда туриш, ишончни оқлаш, бошлаган ишини охирига етказиш илмини, яъни ВИЖДОН тарбиясини сингдириб борди. Ва атрофидагиларнинг ҳам худди шу феълларига суяниб туриб, ўхшани йўқ боғшаҳарга асос солди...

Бир туп ниҳолни қизганган раис

Туманларнинг бирида савдо ташкилотини бошқарган одам ҳикоя қилади: «Биз йўл бўйида ободончилик ишларини ташкил қилиб юргандик. Катта йўлдан ўтиб бораётган Солижон ака бизни кўриб тўхтади. Атрофни биргалашиб назардан ўтказди-да: «Сизга ўн туп мажнунтол бераман, мана шу ерга (жойини кўрсатиб) экиб қўясиз», деди.

Мен пулдор икки йигитни Хонободга жўнатдим ва ўша мажнунтолни йигирма туп қилиб келишларини тайинладим. Аммо улар ўн донагина олиб келдилар. Айтишларича, қўшимча кўчат ҳақида сўз бошлаган эканлар, Солижон ака: «Ваъда ўн тупга бўлган, тамом!» деб гапни кесиб қўйибди. Яна қизиғи шуки, у шунча ходими туриб, кўчатларни ўзи ковлаб чиқарибди, битта-лаб санабди, юклангандан кейин машинага чиқиб олиб яна санабди. Бир ингичка кўчатча илашиб қолган экан, уни эринмай олиб қолибди».

Ватанни тишида тишлаб асраш деб шунини айтадилар! Жимжилоқдай ўша ўн биринчи кўчат Хонободдан чиқиб кетса нима бўлибди? У пайтлар бу ерда кўчат қаҳатмиди? Ер кўчат, осмон кўчат эди! Аммо Солижон ака бутун Хонободни бир рўзғор деб билар, бу ернинг бир чўпини ҳам аягиси келар, озгина йўқотиш ҳам унга хонободликларнинг ризқини қийишдай туйилса керак эди.

Ё худо, дейман! Ватан, миллат мулкини мана шундай – орийат каби сақлайдиган ўғил-



қизлардан кўп-кўп бер! Бу тупрокда авлоду аждодимизнинг хоклари сочилиб ётибди, улар савобимиздан яйраб, гуноҳимиздан қақшаб турганлари аниқ. Ўтганларнинг васиятини бажарадиган, энди туғиладиган ва шу заминда яшаб қоладиганларнинг ғамини ейдиган фарзандлар ўстириш қўлимиздан келсин! Илоҳим, биздан тарқайдиганларнинг назарларини тўқ ярат! Нафсларини йўқ ярат! Улус мулкани кўзларига мукаддас кўрсат!

Бир сафар чоғи Ўзбекистондан чиқиб, Чимкент томон кетиб боряпмиз. Икки йўлнинг ўртасида бир пайтлар кета-кетгунча ям-яшил дарахтлар бўлар, солланиб, кайфиятингизни кўтариб турарди. Энди эса улардан пасту баланд тўнкаларгина қолибди, холос. Ёқилғи масаласи қийин келгани учун одамлар дарахтларни ўғринча ташиб кетибди эмиш. Беихтиёр Солижон акани уларга солиштираман. Унинг бир синдирилган ниҳол тепасида «вой болам»лаб йиғлаганини кўришган экан! Биродар, ўзгаларнинг, давлатнинг дарахтларию нарсаларини чумолидай ташиб кетадиганлар бизда йўқми? Тошкент–Андижон оралиғида қатнар эканман, Ангренда эгалари кетиб, бўшаб қолган уйларнинг эшик-ромларигача суғуриб кетилганини кўрасиз! Бу нафақат ўғрилиқ, бу бировнинг молига тажовуз-ку, ахир!

Эккан бошқа, суғорган бошқа, қурган бошқа, пули кетган бошқа! Яна у улусга аталган, элнинг ҳақи! Унга қўл чўзган, индамай ўғирлаб кетиб, жонидан бўлган боласини ўғрилиқ молга исинтирган, ҳаром пулни едирганнинг оти ким,



биродар?! У – худосиз! У ҳаром-ҳалолни ажратолмайдиган зотдан бино бўлган бетайин! Нафас олиб, яшнаб, яшаб турган нарсани ўлдирган қотил у! Хўш, унинг ҳалқуми ҳаром бўлган боласи шу ватанда яшайдими? Бундай боланинг отини «ҳаромхўр» дейдилар! Бу боладан нимани ҳам кутасиз, биродар?!

«Вой гулим!...»

– Бир кун кетиб боряпман, – деб ҳикоя қилади бир ойим. – Гуллар шунақа очилибдики, беихтиёр биттасини узиб ҳидлагим келди. Узиб димоғимга олиб келишимни биламан, осмондан тушгандай Солижон ака пайдо бўлди! «Бу қандай бераҳмлик?!» дея хитоб қилди у. Дарҳол ўтиб-кетиб турган йўловчиларни тўплади-да, таъна, дашномлар билан менга юзланиб: «Ҳозир чўккалаб, «вой гулим»лаб йиғлайсиз!» деди. У шундай вазоҳатда буюрдикки, агар айтганини қилмасам, Солижон акага бир гап бўладигандай эди. Қўрққанимдан «вой гулим»лаб йиғлашга тушдим ...

* * *

Бундай йиғлашнинг яна бир тарихи бор. Солижон ака бошқа вилоятдан ўйнагани келганларнинг гул узиб тургани устидан чиқиб қолади. Уларга ҳеч нарсa демайди, шартта тиззалаб ўтириб олади-да, айтиб-айтиб йиғлай бошлайди: «Бевақт ҳазон бўлган, вой гулим! Очилганда жони узилган, вой гулим! Сени экканлар-



нинг меҳнати нобуд бўлди-ку! Сени парвариш қилганларнинг умри зое кетди-ку! Сени хор қилганларнинг ўзи хор бўлсин, вой гулим-о, вой гулим». Униси, буниси келиб: «Солижон ака, нега бундай қияпсиз, туринг энди» деса: «Ахир, гулни узганлар меҳмон бўлса, меҳмонни сўкиб бўлмаса, бу гуллар гул бўлгунча азиятини тортганларнинг бири бўлсам, ўзимнинг қадримга ўзим йиғлаяпман-да», деган экан. Ва меҳмонларга бир оғиз сўз айтмай кетаверибди, гуноҳкорлар эса бир замбил лой бўлиб қолаверишган экан...

«У ё фаришта, ё инсу жинс!»

Халқнинг орасида шундай гап юрарди: Солижон ака ё фаришта, ё инсу жинс — каерда хато бўлса, ўша ерда пайдо бўлади. Бир куни бир йигитнинг хотини туғиб, сахар соат 5 бўлиб-бўлмай туғруқхонага кетаётган экан. Ўртоғи: «Қара манови гулларни, битта гулдаста қилиб олмайсанми?» дебди. «Йўқ, Меҳмонов келиб қолади», дермиш у. «Э қизиқмисан, Меҳмонов қотиб ухляпти ҳозир!» — дебди ўртоғи ва гулзорга энди эгилган экан, «Ҳой, нима қияпсан?» деган гулдурос овоз янграбди. Қараса, орқасида шифтдай бўлиб Солижон ака турган эмиш!

Йигит узр сўради...

Шамсиддин Исмон ҳикоя қилади: «Бир гуруҳ ёшлар гулзор оралаб борар эдилар. Атрофга мафтун бўлган бир йигитча саралаб-саралаб гулдаста



ясай бошлади. Ҳар сафаргидай, Меҳмоновнинг елиб келаётган машинаси пайдо бўлди! Қўрқиб кетган йигит гулларни шошиб улоқтирди. Солижон ака уларга яқинлашди-да: «Шаҳарга келиб дам олишингларга хайрихоҳман, аммо ҳозир бу гулни ким узганини менга айтасизлар», деди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Уларнинг юзида ҳам хижолатчилик, ҳам қўрқув бор эди. «Хўп, майли, айтмасангиз, урфу одатларимиз бўйича иш кўрамиз, ҳой биродар, илтимос, анови нонвойхонадан битта нон олиб келинг, буларнинг қўлига нон ушлатиб гапиртирамиз!» дея буюрди бир одамга. Гуноҳкор йигит дарҳол ўртага чикди ва узр сўради.

«Писта» деса сесканаман...»

— Халатимнинг чўнтагига пистани тўлғазволиб, астойдил чақиб кетаётгандим, — дейди яна бир хоним. Бир пайт не кўз билан кўрай, рўпарамда Меҳмонов турибди-да! Шу десангиз, у бор овози билан атрофга қараб бақира бошлади: «Ўв одамлар, мана бу аёлни қаранглар, тоза жойларимизни ифлос қиляпти! У бизнинг меҳнатимизни ҳурмат қилмаяпти! Бу иши билан болаларимизнинг тарбиясини бузаяпти! Бу аёл уялмай шу ишни қилибдими, сизлар бундай қилишдан уялинглар, қарғишга қолманглар!»... Пушаймондан, уятдан ерга кириб кетай дедим. Шу-шу «писта» деса сесканадиган бўлганман.

Бу ёғини сўрасангиз, биз, хонободликлар, ўша пайтда бу тартибга шундай кўниккандикки,

бошқа шаҳар, бошқа туманларга йўлимиз тушиб қолса, кўча-кўйларда pista нўчоқ кўрсак, малол оладиган, ғашимиз келадиган бўлиб қолганди.

«Уларнинг Меҳмонов тоғаси йўқми?»

— Синглим ва унинг беш ёшли қизчаси билан Андижон шаҳрига боргандик. Айланиб юрган пайтимизда бемалол pista чақиб келаетганларга кўзимиз тушди. Уларни кўриб жияним: «Аяжон, қаранг, қаранг, ановилар pista чақишяпти, уларнинг бу ерда Меҳмонов тоғаси йўқми?» дейди хайратланиб.

Беш яшар қизча шундай деяптими, демак, Хонободнинг ҳар бир хонадонида кичикларга шаҳар тартибини ёдлатилар экан-да!

Баққол чол

Солижон ака шаҳар айланиб юриб, баққол чолнинг ёнидан ўтиб қолибди. У ман қилинишига қарамай, pista сотиб ўтирарди. Ғазабланган ижрокўм бир халта пистани анхорга тўктириб юборибди. Тўктириб кетиб, кўп ўтмай яна қайтибди, халтадаги pista неча пул бўлишини сўрабди ва чолга ўша пулни бериб, бошқа бундай қилмасликни қаттиқ тайинлаб, қайтиб кетган экан.

Эълон тахтасидаги буйруқ

Дарвоқе, Солижон ака заводда директорлик қилиб юрган пайтлари ўзининг аёли ҳам ўша



ерда ишлар экан. Бир куни фалокат босиб, ишга беш минут кеч қолибди. Эртасига не кўз билан кўрсинки, эълон тахтасида уни ишдан бўшатиш ҳақида директорнинг, яъни умр йўлдошининг буйруғи турган эмиш! Бунинг отини «адолат» дейдилар...

Халққа яқинлашишнинг йўли

Солижон ака заводга директор. Ташвиши мингта! Аммо одамларнинг эътиборини ўзига қаратиб туришни, уларнинг руҳиятига кириб боришни ҳам энг зарур иш деб билади. Бунинг учун нималарни ўйлаб топмасди дейсиз! Гоҳ-гоҳ завод аҳли тўпланган жойда ўз ишчилари билан курашга тушиб қоларди. Бу ҳам сеvimли бўлишга бир ҳаракат-да!

Гапни гапир уққанга...

Халқ бекорга бундай демайди. Имони басаломат одамгина инсонни эътибор билан тинглайди. Бировни бефарқ эшитиш ёки эшитишни истамаслик унинг кўксини босиб ўтиш билан тенг. Солижон аканинг бағри тўла юксак маданият эди. Одамларни тинглаганда у ўзининг эхтиросли, шовқин-суронли, тезоб феълени жиловлай билар, суҳбатдошини астойдил тинглар эди. Хузурига келганлар дардларини ёзилиб айтардилар, қониқиб суҳбатлашардилар.

Режага суянган Солижон ака

Солижон ака одатда бажаражак ишларини ёзиб олар экан. Ён дафтари ёзув-чизувга тўлиб кетар, ишнинг зарур ва мундоқроқ зарурлигига қараб рақамлаб қўяр, бу дафтарини ёнидан ҳеч қўймас экан.

У меҳнат таътилига кетаётганда хаммани йиғар ва ҳар бир ходимнинг бир ойлик ишини биттама-битта ёзиб, қўлига топшириб кетаркан. Таътили тугагунча идорага ҳеч келмас, бирор марта қўнғироқ ҳам қилмас, ҳеч кимни чақиртирмас, ҳеч бир ишни суриштирмас экан. Ўзи қандай дам оларди, Худо билади, аммо у шу тарзда, яъни бошқаларга йигирма тўрт кун Меҳмононсиз, бемалол яшаб олишга имкон бераркан, шекилли!

Мезбоннинг ҳийласи

Хонободнинг таърифи тилга тушибдики, меҳмон аримайди. Уларнинг нозиги бор, ҳурматлиси бор дегандай... Бир ёғи ўзбекчилик. Унинг устига, ижроқўм деган оти бор. Худонинг эса куни кўп, тинмай есанг, тоғ ҳам нураши аниқ! Бу ернинг энг оромижон жойи Хонтоғ деган тепалик эди. Азиз меҳмонлар ўша ерда кузатиларди.

Солижон ака ҳар ойлик олганда чойхоначига бир неча ошлик харажатга пул тўлаб қўяр экан. Тезда-тезда «қанча ошлик» қолди деб «ревизия» ҳам ўтказаркан. Қизик жойи шуки, битта меҳмон келса ҳам, саккизта меҳмон келса ҳам



650 грамм гуруч дамланар экан. Солижон ака нима қилар экан денг?! Оз меҳмон келса, аввал ош торттириб, кейин мева қўйдиаркан. Меҳмон кўп бўлса, «қани, қани иссиқ нонлардан олиб келинг, қани қовунни сўйинг, иссиқ нонга роса ўқийди-да» дея, ҳазил-ҳузул билан обдан нон билан ҳўл мевага тўйдириб, кейингина ош суздираркан. Қарабсизки, ош ҳаммага етиб, ҳатто ортиб ҳам қолар экан!

КЕЛБАТЛАРИ КЎЗИМДА ҚОЛГАН СОЛИЖОН АКА

(ёки фильм баҳона дийдор ганимат бўлгани)

Яхшилар ҳақида гапириш керак, яхшиларнинг ишларини одамларга тинмай эслатавериш керак. Биринчидан, уларни ўлмасликка сайлаш шу! Қолаверса, уларнинг издошлари, ҳавасмандларини кўпайтиришнинг йўли шу! Яхшининг шарофати деб худди шуни айтадилар. Бундай одамлар қанча кўпайса шунча кам, улар мамлакат тараққиёти учун, нафақат мамлакат, Ер шарининг мувозанатда туриши учун суҳаводай зарурдирлар.

Солижон ака билан уч-тўрт мартагина суҳбатлашганман, холос. Ўшанда ҳам умрининг охириги ўн йилида. 1995 йилнинг охири 1996 йил бошларида Солижон акани саратон касалига йўлиқибди, деб эшитдим. Тошкентга эндигина хизматга келган пайтим эди. Бетоқат бўлиб қолдим. Шундай одам ўтиб кетаверадими дейман! Худди ундан қарзим борга ўхшайверади.



Ҳечкурса озгина бўлса-да, хурсанд қилиш керак эди, деган гап юрагимга қадалиб қолди. Аллоҳ ишимни ўнглаб, нақ ўша кунлари республика телевидениесидан муаллифлигимда кўрсатувлар тайёрлашни таклиф этиб қолдилар. Дарҳол рози бўлдим. Номини «Меҳр қолур» қўйдик, ҳар бир вилоятни алоҳида олиб чиқадиған бўлдик. Биринчисини Андижондан бошладик. 40 минут Солижон Меҳмонов ҳақида, 30 минут «Андижон полькаси» йигитлар рақс ансамблининг раҳбари Ғаффор ака Қодиров ҳақида кўрсатув тайёрладик. Аллоҳ раҳмат қилсин, Ғаффор ака ҳам ўша кезлари қаттиқ беморликка учраған, мақсадимиз унинг ҳам кўнглини олиш эди.

Шу фильм ҳаракатида февраль ойида Хонободга келдим. Ўзим кутганимдай бу келишимдан Солижон ака хурсанд бўлмади. Чунки у доим ҳаммага бирдай: «Агар ҳақиқий яйрашни хоҳласангиз, Хонободга баҳорда ё кузда келинг», дея тайинларди. Боиси, ана ўша пайтларда бу ер чиндан ҳам жаннатга, эртакка айланарди. Аммо баҳорни кутишга сабр қани, унгача бир гап бўлса-чи, деган хавотир мени бетоқат қилиб қўйганди...

Қарангки, февралда ҳам Хонобод ям-яшил эди! Совуқлигига қараб қиш дейсиз, атрофни кўриб туриб ёз дейсиз! Солижон ака касал бўлса-да, баланд бўйлари, устидаги пальтоси уни соғлом, басавлат кўрсатарди. Қўлларини шиддат билан силкиб, эҳтирос ва муҳаббат билан атрофни таништирарди. У шундай суюниб, яйраб, эриб гапирардики, гўё бу ерларда яна минг йил

яшайдигандай! Водариф!.. Бу ғанимат дийдорлашув учун, шундай одам билан мириқиб гаплашишга етказгани учун Яратганга хануз шукрлар келтираман!

Мансабдорнинг хижолатчилиги

Солижон акани тинглайман:

– Бир куни вилоят партия кўмитасининг иккинчи котиби келди. Иккаламиз шаҳар ўртасидаги хиёбонда гаплашиб турган эдик. Меҳмон ёнидан папирос олиб энди тутатишини билади, бир ўқувчи пайдо бўлиб, қўлини чаккасига қўйганча: «Кечирасиз, амаки, сиз тартибни бузаяпсиз, бизда хиёбонда чекмайдилар!» – деди. Котиб ҳайрат билан менга қараган эди, мен ҳам жиддийлик билан «Худди шундай!», дедим. Меҳмон шоша-пиша папиросини чиқинди қутига ташлаб келди.

«Ўғлимни қаматиб қўйдим»...

«Бир куни ўғлим машинасини пиёдалар ўтадиган жойга қўйиб қўйибди, – хикоя қилади Солижон ака, – милицияга айтдим-да, уни шартта ўн беш суткага қаматиб қўйдим. Бир маҳал келиним телефон қияпти: «Дада, тўртта боласи бор ўғлингизни ҳам шундай қиласизми?» – дейди. «Аввал бола-чақага ўрناк бўлиши керак, тўрт болани берган Худо ризқини ҳам қўшиб берган, ўзим боқиб тураман», – дея гўшакни қўйиб қўйдим. Эртасига нуфузли икки жўрам кириб келяпти.

– Э Солижон, жуда хунук иш бўпти-ю!

– Хўш, нима бўпти?

– Ўз ўғлини қамаб қўйиш хунук-да!

– Ие, мен тилимни етти қарич қилиб тартиб ўрнатсам, ўғлим ижроқўмнинг ўғлиман деб, нотўғри иш қилиб юрса хунукмас-у, тартибга чакириш хунукми?! Ётади!!!

Шундай қилиб ўғлим таъзирини егунча ётиб чиқди.

«Жиннимисан, Солижон?!»

Неча йил ижроқўмга раис бўлган бўлсам, ўшанча йил тонгги бешдан еттигача шаҳарни пиёда айланиб чиқардим. Бир уйқусиз кампининг ҳам саҳарлари дарвозасининг тагида ўтириш одати бор экан. Кампир мени бир кузатибди, икки, уч кузатибди, бу ҳол такрорланавергач, ахийри бир кун: «Ҳой, Солижон, бу сенмисан? Жиннимисан, нима бало, қишин-ёзин каллаи саҳарлаб нимани қидирасан-а?!» – деди. Бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Уйга келиб аёлимга: «Менга қара, мен жиннига ўхшайманми?» дедим. «Вой, дадаси, – дейди хотиним, – жинни бўлсангиз майлийди, уларни тузатса бўлади, аммо сиз тузалмайсиз-да!» (Солижон ака хандон отиб куларкан, ўрисчалаб бир сўкиниб қўйди!)

Юраги қулфланганлар

Бир куни қараб турсам, – дейди Солижон ака, – йигит билан қиз кетиб боряпти. Яна гулзорнинг ўртасида! Гиламдай чаманзор уларга,

улар эса чаманзорга ғоят ярашиб туришарди. Чандон термуламан, тўхтаб гулларни томоша қилишармикан деб! Йўқ, улар тинмай гаплашар, аммо оёқларининг тагига қарамас эдилар! Гуллар ахир уларни олқишляпти, минг бир кайфият узатиб турибди, бошларидан ифор қуйяпти, улар эса буни кўрмай, туймай боряптилар! Менинг эса, «Хой болалар, пастга эгилсангчи, гуллар билан саломлашсангчи, нега шундай мўъжизаларни кўрмай ўтяпсан?! Юрагинг қани, қалбинг қани?» дея хайқиргим келди. Тупроқ минг бир рангга, тошлар гулга айланиб, пойингга сочилиб ётса-ю, кўзинг очик туриб сен уни кўрмасанг! Ишонаверинг, мен уларга жуда ачиhib кетдим, шундай гўзалликни кўрмаяптими, демак, уларнинг юраги қулфланган!

Арчага ўғри тушди!

— Ноёб бир туп арчани ўғирлаб кетишди. Шаҳардан излаб топмадик. Қирғизистонга кетадиган катта йўлнинг бўйига стол-стул қўйиб ўтириб олдим. Қандай машина ўтса тўхтатаман ва эълон қиламан: «Бизнинг мана шунақа арча-миз йўқолиб қолди. Ким топиб келса, энг янги моделдаги мотоцикл билан мукофотланади!..» Уч-тўрт кун ўтар-ўтмас арча топилди, қаранг! Ваъда бўйича одамларни йиғиб, арчани жойига ўтқазиб, керакли гапларни айтиб, энг қиммат мотоциклни эгасига топширдим. (Солижон ака-нинг ишларини ўйлаб кетаман: «совриндор» аввал ўғрини, кейин арчани топган бўлса-ку май-

ли, аммо ўғри ўзи бўлса-чи? Ана сизга рухий муолажа! Ҳам арча топилди, ҳам ўғри сазойи бўлди!)

«Ҳужжатингиз борми?»

Аллоҳ бандасига ҳамиша ёрдамга келади, фақат шарти шуки, ниятингиз яхши бўлиши керак, — дейди Солижон ака. — Киевдан 300 туп четан дарахтини олиб келадиган бўлдик. Совхоз директори аэропортгача ўзи транспорт қилиб берди. Аммо субутсиз бир кимса панд бериб, дарахтларни самолётга юклаш учун рухсатнома ҳал бўлмай қолди. Вақтни бой бериш эса асло мумкин эмас. Таваккал қилдим-да, йигитларга: «Қани, аэропортга юравер, биз бу ишни халқ учун қиялмиз, йўлимизни Худонинг ўзи очади», дедим. Аэропортнинг назорат нуқтасига етганда текширувчи: «Ўртоқ, бу юкларингизнинг ҳужжати борми?» деб сўради. Кўзига астойдил тикилиб: «Бор!» дедим жон-жаҳдим билан. Худонинг ёрдамини қарангки: «Қани?» демади!

Солижон ака шундай қувониб ҳикоя қилардики, гўё дарахтларни самолётга ҳозир юклагандай!

Аллоҳга таваккал қилишдан яхшиси йўқ. Ҳадиси шарифда ҳам: «Менга таваккул қилган бандамга мукофотларим кўпдир», деган илоҳий калом келтирилади. Аммо шарти шуки, Солижон ака айтганидай, ниятинг яхши бўлиши керак!

Солижон аканинг «хитрлиги»

Шаҳарнинг ўзи-ку боғ. Унинг ўртасида катта кўли билан яна бир боғ ташкил қилинган. Эшитдимки, ижроқўм бува уни фақат ҳашар йўли билан яратган экан. Бунга қандай эришганини билгим келиб, саволга тутаман.

– Боғнинг ўртасида кўл бўлишини, кўлнинг ўртасида музқаймоқхона бўлишини, Хонободнинг болалари бир яйрашини орзу қилардим, – дея эслаб кетди у. – Ке, бир айёрлик қилай дедим. У пайтлар ижроқўмлар ихтиёрига сотиш учун енгил машиналар бериларди. Шаҳарда бир экскаваторчи бўларди. Унга: «Мен сенга давлат баҳосида енгил машина бераман, эвазига сен хонободликларга бир яхшилик қиласан», дедим ва мақсадни тушунтирдим. Хурсанд бўлиб, рози бўлди. Ҳар куни ишдан қайтгач, кўлни ковлашга тушади. Ва ниҳоят, кўл тайёр бўлди. Энди навбат музқаймоқхонага. Ишчи кучи керак, темир-терсак, труба, тош-ғишт дегандай. Яна хитрликни ишга солдим. (У чарақлаб кулади. Солижон аканинг битта қусури – ўрисча сўзни кўп аралаштирарди.) Кўл остимда ишлайдиган, аммо ишим тушиши мумкин бўлган идора бошлиқларини ҳаргиз кабинетимга чақирмасдим, кўнғироқ ҳам қилмасдим. Хокисоргина бўлиб, иш жойига ўзим кириб борардим. Банд бўлса, қабулхонасида ройишгина кутиб ўтирардим. Бошлиқ меҳмонини кузатаётиб бундай қараса, остонасида мен ўтирибман! Бу «камтарлигим»дан ҳаяжонланиб, чокидан чиқиб

кетай дерди! Қарабсизки, бир нарса ўрнига икки нарса ундириб чикардим. Бу жойлар шу тарзда бино бўлди-да, кизим, бизни аслида худонинг ўзи қўллади!

Уни тинглаб туриб, «каловини топсанг, қор ҳам ёнади», деганлари шу-да, дейман...

Қўлбола лойиҳа

Бир адирнинг пойида турибмиз. Солижон ака кулочларини ёйиб тушунтиради: «Хўв ўша ерга сув олиб чиқиш шарт бўлди. Тегишли идораларга мурожаат қилдим. Гап пулга келиб тақалди. У бели оғримаганларнинг гапини эшитиб, юрагим ёмон бўлай деди. Улар айтаётган пулга яна битта Хонобод курса бўларди! Сўнгра ўтирволиб лойиҳани ўзим чиздим, ана шарқираб сув кўтариляпти!» деди.

Ким тез қарийди?

Бу одамни биринчи кўрганимда 50–55 ёш берган эдим. Ўшанда 65 да экан. Баланд бўйли, елкадор, асло қорин солмаган, юзи суякдор, ияклари кенг. Қалин сочлари жингалак ва деярли оқармаганди. Қарашлари шижоатли, гапирганда қўлларини силтаб-силтаб гапирар экан, қўлларки, ховучига икки коса сув сиққудай!

«Ёш кўринишингизнинг сабаби нимадайкин?» – деб сўрайман.

– Ёш кўринишнинг сирини айтсам, – дейди у нимтабассум билан, – ҳаётда шундай одамлар



бор: «Шу касбнинг ёки шу меҳнатнинг орқасида касал бўлдим, сочим оқарди, шу ишни деб асабим тугади», деяверадилар! Ишонаверинг, уларнинг бу гапи ёлғон! (У қўлларини мушт қилиб столга уради.) Одам ўз ишини севса, пухта билса, ихлос билан, виждонан меҳнат қилса, у одамлардан раҳмат олади, раҳбарларидан мактов олади! Маза қилади! Бу унинг кўнглини кўтаради, ёшартиради! Агар у дангаса бўлса, нўноқ бўлса, унинг устига, енг ичида чатоқ ишлар қилса, тинмай сўкиш эшитади, асаби қақшайди, хатоси очилиб қолишидан қўрқиб, еган-ичгани ичига тушмайди. Бундай одам албатта қарийди-да! У хароб бўлмай, ким хароб бўлсин?!

Жавобнинг зўрлигини қаранг, биродар!

«Мен мажлисбозлик қилмадим...»

Шунга амин бўлдимки, ташкилотчилик ҳам шоирлик каби туғма бўлар экан. Шоир-ку бир парчагина юрагини бошқаради, холос, эл бошқариш, уларни қовуштириш эса худо юқтирган иктидорларнинг энг каттасидир. Бунга шогирд тушиб, китоб ўқиб эришиб бўлмайди, бундайлар онасидан шу феъл билан туғиладилар! Солижон акани худо шундай яратган эди.

У заводга директор бўлган пайтларини эслайди:

– Сайланганимда завод ўтириб қолган эди, – дейди у, – аммо мен режа деб дағдаға солмадим, мажлисбозлик қилмадим. Ишни завод худудини тозалашдан бошладим. Одамлар ўтадиган йўлчаларга, ошхона, таҳоратхоналарга эътибор



бердим. Дарахтлар эктирдим, тўрт тарафни гулзор қилиб қўйдим. Ишонасизми, иш ўз-ўзидан юришиб кетди. Йигирма йил давомида режа бажарилмаган йил бўлмади! Бунинг сири қайдалигини айтайми?! (Солижон ака роҳатланиб, ёруғ кулиб қўяди.) Инсон ҳамиша гўзалликни соғиниб турар экан. Ёкимли муҳит инсон боласига рағбат берар экан. Бир жойда ўқиб қолдим: Америкада қолоқ бир цехни яхшилаб таъмирлабдилар, натижада иш унумдорлиги қирқ фоиз ортибди. Қўшни цехда эса йигирма фоизга кўпайибди. Улардан: «Нариги цехдагилар-ку хурсанд бўлиб яхши ишладилар, сизлар-чи?» дейишса, «Навбатдаги таъмирлаш бизда бўлар экан-да», деб жавоб беришган экан. Мен ҳам одамларда ўшандай кайфият уйғотишга ҳаракат қилдим. Бор-йўқ сир шу!

Катта келган телпак

Фильмни суратга олиш учун шаҳар айлан-япмиз. Йўл-йўлакай Солижон аканинг тез-тез телпагини тўғрилаётганини сездим. У телпагини яна бир кўтарди-да: «Чёрт побери, янгироқ деб ўғлимникини кийгандим, катталик қияпти», дея ғудраниб қўйди. Бу гапдан юрагим алланечук бўлди. Умр бўйи Хонободнинг чиройини ўзига либос билиб, она шахрининг ҳар бир тошига сайқал бериб, ўз бошини унутган одам бу!

Ишдан олинган ижроқўм

Солижон аканинг ижроқўмга раис бўлганига ўн саккизинчи йил эди. Хонобод бўстонга айланиб бўлган, тўрт тарафга довуғи кетган пайт-



лар. Ўзингизга маълум, одам қиёфасидаги шайтонлар хамиша бор. Ўшандайларнинг биттаси: «Бир одам бир мансабда ўн саккиз йил ҳам ўтирадимиз? Қиладиган ишини қилиб бўлибди, энди бошқаларга ҳам навбат берсин-да!» деган «буюк» ғоя берди. Бу гап аста газак олди-да, бир беҳосият кунда партбюро бўлиб, Солижон акани ижроқўм раислигидан олдилар ва шаҳар коммунал хўжалигининг раҳбарлигига тайинландилар.

Ўйлаб қарасангиз, уни ўн саккиз йил кўтариб юрган боласидан жудо қилдилар. Ахир, бу шаҳар Солижон аканинг қўлида дунёга келди. Солижон ака уни кафтларига, елкаларига, бошларига қўйиб, юрак қони билан суғориб катта қилди! Шу шаҳарни «отам» деди, «онам» деди, «болам» деди!

Бошқа одам бюродан кейин абгор бўлиб қоларди, эҳтимол. Аммо не кўз билан кўрсинларки, у эртасига саҳар ўнта кетмончини ёнига олиб, гул экиб юрибди эмиш! Шу эшитганларимдан тонг қолиб, Солижон акага савол бераман: «Шунча йиллик курсингизни бериш оғир келмадимиз, ишдан бўшашнинг эртасигаёқ гул экиш кўнглингизга қандай сиғди?» дейман. У эса: «Жуда қийинчилик билан олиб келган кўчатларим эди, ўша куни экмасам сўлиб қоларди-да!» дейди! Бу самимиятни қаранг! Унинг учун ўзининг юраклари чилпарчин синса майли экан-у, фақат гуллар сўлимаслиги керак экан! Шу ўринда мен бўлсам, ўзимни қандай тутардим, деб қоламан. Сиз-чи, биродар, сиз бўлсангиз-чи?!

Бу – илм, кенглик илми, покиза масъулият илмидир!

Ҳақ азиз қилган инсон

Шу воқеадан кўп ўтмай шаҳар сессияси бўлади. Ижроқўм раислигига икки номзод қўйилади. Номзодларнинг иккаласи ҳам етарли овоз ололмайди. Вилоят раҳбарларидан бири кейинги сессияда: «Келинг, биздан нима кетди, янги рўйхатга оксоқолнинг номзодини ҳам қўшиб қўяйлик, кўнгли кўтарилади» деб овозга қўйиб юборди. Қарангки, Солижон ака 94 фоиз овоз олади! Шундан кейин яна икки йил ижроқўм бувалик қилади.

Ўша тўқсон тўрт фоиз овоздан айланай! Ўша тўқсон тўрт фоиз овозга раҳмат! Бу овоз эмас, виждонлар садоси эди! «Ҳақ азиз қилган кишини бандаси хор айламас», деганлари шу...

«Менинг дуом нима бўлибди?!...»

Солижон акадан фильмга интервью оляпман.

– Сиз туну кунингизни хонободликларга бағишлаб, ўзингизни ерга, Хонободни кўзга қўйиб ўтгансиз, уларга қандай дуолар берган бўлардингиз? – деб сўрайман.

– Менинг дуомни қўя турунг. Уларни Аллоҳнинг ўзи кўриб турибди. Дафтарига ёзиб турибди. Йилнинг тўрт фасли борки, Худо хайрингни бергурлар, кетмон, белкурак кучоклаб юради. Якшанбада ҳам ишлайди, беякшанба ҳам ишлайди! Каттаси ҳам ишлайди, кичиги ҳам! Каттароқ



қор ташлаб кўйса, ярим кечада сўйил кўтариб, бир-бирини уйғотиб, уйларида чикиб келаверадилар, эрталабгача дарахтларнинг қорини қоқиб, синиб кетишдан асрайдилар. Номи хонободлик борки, гулчи, боғбон, умри ер таталаб ўтпти. Меҳнатига яраша Худо уларни албатта ярлақайди, иншооллоҳ! – дейди у кўтаринки рух билан.

Солижон аканинг излари

Кўрсатувнинг охирги кадрларини суратга оляпмиз. Солижон ака қорни «ғарч-ғурч» босиб, катта-катта одимлаб боради. Операторга нукул «изларини олинг, изларини!» дея имлайман. Қор эриси, излар эриб кетади-ку, дейди юрагим йиғлаб! Дарҳақиқат, қорлар эриди, излар ҳам кетди. Аммо Солижан акадан унинг исмини жаранглатиб яшайдиган шаҳар қолди! У қурдирган йўллар, эккан дарахтлари унинг ҳақиға дуо қилиб, салавот айтиб турадилар. Солижон ака Хонободни тўлдириб сочиб кетган гуллар унинг номини айтиб кўпайиб, исмини ифор ўрнида таратиб, у ўтган йўлларни чаман қилиб яшайверади. Ғафлатийлар битта чиқар, дейлик ана, юзта чиқар, аммо жами хонободликнинг ғафлатда қолиши мумкин эмас! Уларнинг кўзи ўзлари яратган гулдай Хонободга ўрганиб қолган, энди улар бошқача яшашга кўнмайдилар, иншооллоҳ! Сўлиса бир гулзор, хўп ана, битта кўчанинг гули қурир, аммо бутун Хонободнинг чаманларини, солижоний ўрмонларини қуришиб бўлмас!



Уларнинг куриб кетишига хонободликларнинг жимгина қараб туришига ишониб бўлмас!

Солижон ака уни биладиганларнинг меҳри, муҳаббатида ҳамиша яшайдиган кўчмас мулкидир.

Саломлашмоқ учун халқ навбатда турди

Фильм ширингина чиқди. Бир ишни қойиллатиб қўйгандай дарҳол юзланмайин деб, яна бир томондан фильм ёққан-ёкмаганлигидан чўчиб ҳам Солижон ака билан хабарлашмай турдим. Чамаси, бир-икки ой ўтди ҳам шекилли. Хонободда эса кўрсатувдан кейин Солижон акадан хабар оладиганлар кўпайгандан-кўпайиб кетибди. Борган-келганлар бемордан: «Бизга нима хизмат?» деб сўраса керак, у кишим эса нуқул: «Турсунойни олиб келинглар» деяверар эмиш. Шу орада ўзим ҳам бориб қолдим. Бир ярим ой аввал ёнимда баҳодирлардай қадам ташлаган одамни икки кишилашиб суяб олиб чиқдилар. Озиб кетибди. Мунча тез, мунчалар тез орқага қайтмаса!!

Мени кўриб, йиғлаб дуо қилишни бошлади. «Сиз мени машхур қилиб юбордингиз, 9 май куни мени шаҳар марказига олиб чиқдилар. Машинада ўтирдим. Халқ мавзолейга навбатда тургандай тирбанд бўлиб, мен билан сўрашгани келди! Наҳотки, мен шундай ардоққа лойиқ бўлсам деб йиғладим, раҳмат сизга, раҳмат сизга!», дея кўз ёшларини йиғиштиролмасди...



Мен эса бўлганимча бўлиб ўтирибман ва ичимда айтаман: «Сизни Аллоҳнинг ўзи азиз қилган Солижон ака! Ҳали одамларнинг дуолари икки дунёингизни тўлдириб туради. Сизни кўрганлар неvara-чевараларига кўрганларини айтадилар, кўрмаганлар эса сиз ҳақингизда эртақлар, афсоналар айтиб юрадилар»...

Солижон ака нега хомуш тортди?

Қозоғистонлик бир нуфузли киши хизмат йўли билан Кампирробот сув омбори қурилаётганда бу ерларга бир келиб кетган экан. Шу бўйи 1996 йили келибди. Атрофни кўриб, ҳайратга тушибди. Ҳув ўша қишлоқ қани дермиш нуқул! Кейин унга чорак асрлик тарихни, Солижон аканинг таърифини бирма-бир сўзлаб берибдилар. У тездан Солижон акани кўришни истаб қолибди. Унинг бемор ётганини айтган эканлар, зудлик билан зиёратига борибди. Қарангки, у Солижон аканинг қўлларини кўзига суртиб, раҳмат айтармиш...

— Орадан кўп ўтмай, бир юк машинаси келди, — деб ҳикоя қилади Солижон Меҳмоновнинг аёли, — ўша қозоғистонлик киши номидан битта катта қўй, қопларда ун, гуруч, картошка, пиёз келтирибдилар...

Бу суҳбат бўлаётганда Солижон ака ҳаёт эди, фақат тўшакдан туролмай қолганди. Аёли гапиряпти-ю, у хомуш ҳолда билинар-билинемас бошини сарак-сарак қилди, лекин сўз айтмади. Кўзи бир нуқтага мунглигина тикилиб турарди...



Хануз кўнглим ғашланади. Нега у бошини надомат билан тебратди? Кутилмаган одамлар келиб, кутганлари келмадими экан? У умрини сарфлаб, Хонободни яшнатиб ўтди. Кетар чоғида унинг кўнглини яшнатадиган одам бўлдим, бўлмадими? Ёнидан оққан арикнинг қадрига бу дунёда ким етибдики, биз ғофиллар етсак?! Ё тангри! Энди унинг у дунёлигини Ўзинг обод қилажаксан!

Дуоларга суянар эди

Бировга дуо илинмоқ ҳам, дуога эҳтиёжмандлик сезиш ҳам имондандир. Кимнидир астойдил дуо қилаётган одамнинг дили пок, чунки ўзига тилаганини ўзгага ҳам қизганмай илиняпти. Бу — сахийлик. Киши қачон сахий бўлади? Қачонки, Яратганнинг неъматларини таниганда ва баҳосини билганда! Ва рўпарадаги ҳар бир инсон мўъжиза ва азиз эканлигини англаб етганда! Сахийлик билан тилак билдираётган одам атрофидаги ҳамма яхшиликни сақлаб қолишни хоҳлайдиган, сақлаб қолишга ўзини жавобгар сезадиган одамдир, нафақат бу, балки ҳамманинг равақини, униб-ўсишини истайдиган одамдир.

Солижон ака шундай инсон эди. Дуога сидқидилдан ишонар, суянар ва ўзи ҳам ўзгаларни тинмай дуо қилар эди. Отадан у жуда эрта айрилди, аммо таянчи, суянчи бўлмасида, отасидан қолган ақчаси, ризқ ундиргудай боғчаси бўлмасида, билиб юридики, у ота дуо-си билан ўлмай тиккаланди, яхши йўлларга



тушди. Етимликнинг елвизак урган бекатларида онасининг дуолари уни синдирмай асради. Уни «Солижон Меҳмонов» қилиб танитган бу забардаст қўллар, бу собит оёқлар, лочиндай бу қарашлар, етмиш икки томирига сиғолмай тугён ураётган бу ғайратлар элнинг дуосидан узатилаётган қувват эканлигини руҳан ҳис этиб яшарди! Унинг ақлига учқурлик берган, қулфи дилини очган ҳам одамларнинг дуоси бўлган бўлса ажаб эмас!

*Солижон ака ижроқўм раислиги даврида
шаҳарга бош архитектор бўлган
Омаджон Ўринбоев ҳикоя қилади:*

Меҳмонов штрассеси

Андижон сув омбори қурилиши, Бутуниттифок зарбдор қурилиши деб эълон қилинганди. Шунинг учун собиқ Иттифокнинг ҳамма тарафидан олтмиш саккиз миллат вакиллари келиб меҳнат қилардилар. Буларнинг уч мингдан зиёди турли миллатга мансуб бўлиб, турфа сабаблар билан судланиб, қамалиб, меҳнат-тузатиш колонияси орқали озодликка чиқарилган кишилар эди. Аммо ҳаммалари шаҳарнинг темир тартибига бирдай риоя қилардилар. Автобус, такси ва бошқа транспортлар фақат белгиланган бекатларда тўхтар эди. Борди-ю, бирор марта бекатлар оралиғида тўхтагудек бўлса, дарҳол Солижон аканинг қулоғига етар, албатта, қоида бузувчи топиб келтирилар ва у билан тарбиявий соат ўтказилар эди.



Бу тартиб-қоидаларнинг довуғи кўшни вилоятларгача етиб борган, улар Хонободга келгудай бўлсалар, албатта амалдаги қоидаларга бўйсунар эдилар ва ҳар қадамда Солижон ака билан тўқнаш келиб қолишни ҳисобга олиб турардилар. Кўп миллатли тўғон қурувчилари эса Хонободнинг катта кўчасини ўзларича «Меҳмонов штрассеси» дея атардилар.

Ўзига хон шахар

Фарғона воқеаси содир бўлган вазмин кунлар. Ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Ҳамма жуда хушёр, зийрак ишлаб турибди. Ҳар эҳтимолга қарши ҳар бир автомашина текшириб ўтказиляпти. Аммо ўшанда ҳам хонободликларни тўсмас эдилар, «сизларда шундоқ ҳам йил ўн икки ой ҳарбий ҳолат, биламиз», дея ҳазиллашиб кўярдилар...

Уйнинг тўрига ўтмаган ижроқўм

Солижон Меҳмонов ғоят камбағалпарвар эди. Айниқса, камхарж кишиларнинг тўйларига албатта борар ва ҳамма қатори ташқарида ўтириб оларди. Ичкарига чандон қистасалар ҳам кирмасди. Биринчи бўлиб ўйинга тушишни бошлаб берар, ана ўшанда унинг адл бўйларига ярашиб тушган чиройли ҳаракатларини кўринг эди! Лекин ҳаргиз унга пул қистиришларини хоҳламасди. Тўй эгасига ўзининг алоҳида тўёнаси бўлар, уни хурсанд қилгач, тўй эгасидан ҳам кўра ўзи кўпроқ ҳузурланар эди!



Фақат югуриш керак

Солижон акага Худо қоматни ҳам қизғанмай берганди. Оёқлар ҳам оёқмисан оёқ эди. У одамлар орасида бир калла баланд турар, агар ёнма-ён йўлга тушсангиз, унга етиб юриш учун фақат югуриш керак бўларди.

Сахийга ахий эди...

Ўзингизга маълум, сўраганингни бергани сахий дейилади. Агар сўрамаганингни ҳам берса, унинг номи ахийдир. Солижон ака ихлос билан ишлагани, меҳнатсевар инсонларни ўтказгани жой топмасди, минг бир ишора билан тақдирлашнинг, хурсанд қилишнинг пайида бўларди. Агар ҳурмат қилиб юрган кишиси бирор нарсани илтимос қилиб қолса, боладай қувониб кетар, ошириб-тошириб хурсанд қиларди. За-рурат бўлиб, бир ёки икки кунга ишдан жавоб сўрасангиз, икки кунмас, уч кунга жавоб бериб юборарди.

«Ёр-ёр» кўрмай ўтган йигитлик...

Солижон ака иш билан тез-тез Тошкентга борарди ва ҳар доим «Тошкент» меҳмонхонасида тўхтарди. Бир куни уни уч-тўрт нафар хонободликлар йўқлаб келишибди. «Тошкент» ресторанининг тепасидаги очик жойда овқатланишибди. Вақт тунги 10 экан. Улар такси бекатига тушсалар, борти очик УАЗ машинаси турибди эмиш. Солижон аканинг имоси билан ҳаммалари ма-

шина кузовига чиқиб олишади ва хайдовчидан тунги Тошкентни томоша қилдиришни илтимос қиладилар. Уларнинг завқидан ўзи ҳам завқланиб кетган хайдовчи «хўп» дейди-да, шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб кета бошлайди. Солижон ака эса: «Қани, йигитлар, ёр-ёр айтамиз», — дейди ва биринчи бўлиб ўзи бошлайди:

*Хай-ҳай, ўлан, жон ўлан,
Ўланчи қиз, ёр-ёр.
Ёр-ёро ўланчи қиз ёр-ёр.
Ваъдасида турмаган
Ёлгончи қиз ёр-ёр,
Ёр-ёро ёлгончи қиз ёр-ёр!..*

Солижон ака «баландрок, яна, яна баландрок айтинглар» дея ҳайқирар, чапак билан жўр бўлганча авжини ўзи олар эди. Машина ҳар тормоз берганда бир хохлашиб олишар ва яна «ёр-ёр» айтишда давом этишарди...

Солижон ака халқимизнинг тўй қўшиқларини ажабтовур яхши кўрар эди. Байрамларда ҳам ҳадеганда аёлларга «Бир «ёр-ёр» айтмайсизларми?!» дея интиқ бўларди. Ҳар гал «ёр-ёр» ижро бўлса кўзларига нам тепчирди. Менинг кўнглимга эса бир андуҳ қадалади: бу кўз ёшлари балки унинг армон ёшларидир, дейман. У бир эркак сифатида бахтли яшади, Валерия хоним уни кўз қорачиқларида асраб ўтди, қўша-қўша ўғил-қизли қилди. Аммо йигит бўлиб чимилдиқ кўрмагани, куёвнавкарларнинг «ёр-ёр» садолари остида куёв бўлмагани Солижон аканинг кўксига бир умрли оғрик бўлиб ўтди чамамда...

Қаловини топиб қорни ёндирарди

1970 йилларга келиб Солижон ака нафақат Андижон ва қўшни вилоятлар, балки Тошкент ва Москвадаги айрим министрликларда ҳам танилиб қолган эди. Шаҳар янги ташкил топгани учун унинг инфраструктурасини яратиш бўйича тегишли вазирликларнинг рухсати ва амалий ёрдами керак бўларди. Айниқса, шаҳарнинг коммунал, савдо соҳалари бўйича Андижон сув омбори қурилиши бошқармасига бўйсунганлиги, бошқармани пул билан таъминлаш эса Иттифок ва Республика сув хўжалиги вазирликлари орқали молиялаштирилиши бир томондан яхши эди, чунки қаловини топсанг, шаҳарнинг анча мунча камини уларнинг қўли билан битказиб олинарди. Ёмон томони ҳам йўқ эмасди, яъни кези келганда эгилмаган бўйнингни эгишинг керак бўларди. Аммо худо раҳмат қилгур Солижон ака бунга ҳам санъаткорона йўл топар, шаҳар тақдири учун ноимконлар ичидан имкон топишга эришар эди...

«Тила тилагингни» дедиртирарди!

Сув омбори қурилиши бошқармаси бошлиғи ўша пайтда Олий Совет депутати Виктор Данилович Медведев деган киши эди. Ва у катта шахс ҳисобланарди. Солижон ака унинг ҳузурига киришдан аввал, ҳар сафаргидай, шаҳар муаммоларининг қулочдай рўйхатини қилар, сўнгра уни обдан чизиб-ёзиб энг зарурларини саралар, ўттизта илтимосни беш-олтитага келтирар эди. У



ҳеч қачон кўчадан кела солиб, раҳбар ҳузурига кирмасди. Котибанинг «марҳамат, киринг» дейишига ҳам қарамай қабулхонада атайин кутиб ўтирарди. Шу ўтиришда у ишнинг юришишига замин тайёрларди: айна пайтда, бошлиқнинг кайфияти қандай эканлигини аниқларди. Ичкарида мунозарали суҳбат ёки мажлис бўлмаяптими, агар шундай вазият бўлса, гап сиғмайди, кирмаган маъқул. Бу орада котиба хижолатчиликдан ўтиролмай қолар ва каттасининг ёнига кириб: «Ижроқўм раиси Меҳмонов келганига талай вақт бўлди, киринг десам кирмаяпти», деб чиқарди. Солижон акага эса худди шу ҳолат керак эди. Ижроқўм раисининг талай вақт кутиб ўтириши бошлиққа албатта ижобий таъсир қилар, хижолат бўлиб унинг қошига ўзи отилиб чиқар, узр айта-айта, хонасига етакларди. Бундай кайфиятдаги кишининг эриб туриши ва «тила тилагингни» деб юбориши ҳеч гап эмас эди. Қарабсизки, бошлиқдан мўлжалдаги нарсанинг камида саксон фоизини ундириб чиқарди...

«Биз, пайғамбарлар, халойиқнинг ақлига қараб гапиришга буюрилдик», – деган экан Исо пайғамбар. Рўпарангдаги одамга сингиб туриб, унинг руҳияти билан ҳисоблашиб туриб мурса қилиш ҳам Аллоҳнинг инояти. Одамларга ихлос ва холислик билан хизмат қиладиганларни Яратган шу феъл билан ярлақаса керак. Солижон ака ана шундай – ўтқир психолог эди. Мулоқот қилаётган кишисининг руҳиятини пианинодай чала билар, ҳар қандай одамни осонгина ўз йўлига юргиза оларди.

Кўнгилга йўл

Солижон ака ҳамишалик ғайратда турар, сўйиб, совиб қолиш унга бегона эди. Бир иш битгач, иккинчисини занжирсифат улаб кетаверар, вақтни ҳаддан ташқари тежар, ҳаракати ҳамиша авж пардада бўларди. Ҳар бир иш охирига етгайда чунон яйрар ва усталарга, у бир киши бўлса ҳам албатта «сюрприз» қиларди, яъни ўзи келиб шахсан раҳмат айтар, 50 ёки 100 граммдан коньяк қуйиб бериб, кўнгил оларди. Катта амалдордан бунақа илтифот кутмаган ишчи бундан буёғига ҳам Солижон аканинг хоҳлаган ишини бажаришга тайёр кайфиятда бўларди.

* * *

У меҳнат қилган одамни ғоят севарди. Отидан тушиб, машинасидан тушиб, ишлаётган одамнинг олдига бориб, унинг тупроқ, лой қўлларини кафтлари орасига олиб, елкаларини эъзоз билан қоқиб кўришарди.

Ҳашарга чиққан мактаб болаларининг олдига ҳам албатта бир-икки келиб, «ҳорма-бор бўл» қиларди.

Ишини тоза ва ўз вақтида бажарганларни дарров илғар, жойини топиб мактаб, мактовнинг ҳам кифтини роса келиштириб, ўша одамнинг бошини осмонга етказар эди.

Омаджонни тинглар эканман, беихтиёр эсладим. Фильм олиш жараёнида йўлда кетаётсак, Солижон ака тўсатдан машинани тўхтатишни сўраб қолди. У шошиб тушди-да, йўл бўйида



турган бир мўйсафидга қараб юрди. У билан кучоклашиб кўришди, кучоклашиб бўлиб ҳам қўлларини қўйиб юбормас эди. Солижон аканинг имлаб гапиришидан билдимки, у кишининг қулоғи оғир шекилли. Маълум бўлишича, у Исмоилжон ака бўлиб, Солижон ака билан бир умр бирга-бирга боғ яратиб келган одам экан. Солижон ака унинг ҳурматини бошида кўтарар экан.

* * *

Ҳақиқатан у кўнгилларга осон йўл топарди. Катта йўл қуриш учун айрим нарсаларни қурбон беришга тўғри келади. Масалан, яхши дарахт кўчанинг ўртасига тўғри келиб қолади. Эгалари кесгани тихирлик қиладилар. Шунда Солижон ака тушунтира кетади: «Биродар, дейлик, сиз чиройли одамсиз. Сизга бир қараб кишининг кўнгли ёришади. Аммо сизнинг битта ўғри тишингиз бор, табассум қилгудай бўлсангиз, ўша битта тиш ҳамма чиройингизни йўқ қилади. Йўлга чиқиб қолган дарахт ҳам ўғри тишдай гап! У ҳамманинг кайфиятини бузиб туради, бу бир. Йўл ҳаракатига ҳалакит беради, икки! Нахот шу хунуклик сизга ёқса!»

Суҳбатдоши дарҳол юмшаб қоларди.

Армон

Солижон ака Украинадан аввал 300 туп, кейин яна 600 туп четан дарахтини олиб келди. Аммо қизил бодрезак (калина красная) ва шу-



мурт (черёмуха) деганларини Хонободга келтира олмагани унга армон бўлиб қолди.

Унинг яна битта армони жаҳон андозаларига тўғри келадиган беш юлдузли санаторийнинг қурилишини кўриш эди. Адир тепасида қад кўтариши керак бўлган бу ажойиб иншоот Солижон ака вафотидан кейин бошланди. Аммо молиявий сабабларга кўра поёнига етмай турибди...

Солижон Меҳмоновнинг бу санаторийга боғланган кўп ширин ниятлари бор эди: у санаторийдан ён-веридаги адирларга осма сим йўлаклар қилдирмоқчи бўлганди.

Ғоя бўлоғи

Солижон ака ғоя бўлоғи эди. Унинг юрагида турли-туман режалар тахланиб ётар, имкониятнинг ўлчанганлиги, жонининг битталиги ва атрофидагиларни шерга, лочинга айлантиришнинг иложи йўқлиги уни бетоқат қилар, бўлаётган ишлардан ҳеч қоникмас, ўзига сиғмай турганини шундоққина сезиш мумкин эди. Ҳар куни янги бир иш топиб, одамларни тингани қўймас эди.

«Эшак парки»

У «Тарондубител» заводини бошқараётган пайт. Бу заводнинг асосий хомашёси тарон ўсимлиги бўлиб, унинг илдизидан чармга суртиладиган суюқлик олинарди. Тарон Қирғизистон тоғлари ёнбағрида ўсарди. Бир жойдагини йиғиштириб бўлгач, иккинчи, учинчи ва ҳоказо



жойларга сурилиб боришга тўғри келарди. Йиғилган тарон имкони бор жойда машинада, бўлмаса аравада ёки отда ташиб келтириларди. Шундай жойлар бўлардики, одамлар чиқишга чиқиб олардилар-у, от-улов билан тушишлари мумкин бўлмай қоларди. Солижон ака бунинг ҳам йўлини топди: тоғ билан қабул пунктлари оралиғида қатнайдиغان махсус эшаклар «тайёрлаттирди». Ноқулай жойлардан йиғилган таронни бир гала эшакка юклайдилар-да, қўйиб юборадилар, «тайёргарликдан ўтган» сардор эшаклар эса поданинг олдида кетадилар ва уларни тўғри қабул пунктларига бошлаб келадилар. Шундай, биродар, Солижон ака даврида машина, трактор паркларидан ташқари, «эшак парклари» ҳам бор эди...

Олтмишта оқ қайин

«Оқсоқол ўзи олтмишга тўлган куни ёнбағирликдан жой танлаб, олтмиш туп оқ қайин экди». Омаджондан бу гапни эшитиб туриб, бу кишининг дунёга қарашлари, яшаш тарзидан завқланиб кетаман: туғилган кунингда сенга эътибор қиладилар, кайфиятингга айланадилар, борлигингдан севинганларини изҳор этадилар. Солижон ака деганлари эса, бу дунёга келгани учун, одамлар каторида одимлаётгани, яъники битта инсоннинг ўрнини эгаллаб, ризқини еб тургани учун замину замондан ўзини қарздор сезаверади. Йўл очаверади, гул экаверади, дарахт ўстираверади ва ҳар доим бу ишларини оз санаб, бетоқат бўлаверади. Ҳеч бўлмаса туғилган

кунида ёнбоши ерга тегиб тин олмабди, ўзидан кейин қоладиганларга, уни мутлако танимайдиганларга, қўлларида бир пиёла ҳам чой ичиш насиб этмайдиганларга олтмиш туп дарахт экиб қолдирибди...

«У болаларча қувонар эди»

Боласини чиройли бежантириб, ясантириб, олдига солиб кетаётган ота-она қандай яйраса, одамлар унинг қошу кўзи, сўзига эътибор бериб ҳавас қилсалар, лутф айтсалар қандай маза қилса, Солижон ака «Ҳонобод» сўзига ким урғу берса, дову дарахтларидан ҳайратланса, тўхтаб гулларни томоша қилса, худди ўшандай қувонар, чок-чокидан чиқиб, яйраб кетарди. Баъзан кетиб борарканмиз, мени нуқиб шивирлайди: «Қаранг, қаранг, анови инсонлар гулларга маҳлиё бўлиб қолишди, анови болалар роса яйраяптими!» дея севиниб, яшнаб кетарди.

Фурурланиш

Баъзан хизмат юзасидан Андижон шаҳри, Қўқонга борамиз. Албатта у ернинг истироҳат боғига кирамиз. Солижон ака менга «қани, ўлчанг» дейди. Боғнинг энию бўйини қадамлаб ўлчаб чиқаман, Самарқанд, Бухорога борсак ҳам худди шундай қиламиз.

- Ҳўш, Омаджон, қанча экан? – сўрайди у.
- Ўн гектар атрофида, – дейман мен.
- Самарқанд, Бухороники-чи? (Аллақачон ўзига маълум бўлса ҳам, қайта-қайта эшитгиси келаверади!)

-
- Улар ҳам тахминан шу катталиқда.
 - Бизнинг боғимиз-чи?!
 - Ўн саккиз гектар.
 - Ана, кўрдингизми, бизнинг аҳолимиз ўттиз мингта, уларнинг аҳоли сони биздан ўн барабар кўп! Лекин боғи бизникидан кичик! Мана шу ишимиз зўр бўлган-да, Омаджон! – дерди юзлари алвонланиб.

Дипломат шунчалик бўлади-да!

Москванинг тўхтаи билан Ўрта Осиёнинг бир жойига кабель заводи қурилиши керак экан. Қўриб чиқиб водийни танлайдилар. Ўша пайтдаги обкомнинг биринчи секретари, раҳматли Солижон Меҳмонов москвалик меҳмонни Хонободда бирор кун дам олдириб, баҳонада янги битган Кампирравот сув омборини ҳам кўз-кўзлагиси келади. Узоқни кўрадиган Солижон ака эса бу фурсатдан фойдаланишга аҳд қилади. У меҳмоннинг ёнида ўзини шундай тутардики, ё тавба, бу бошқа Солижон аками дердингиз! Атроф билан таништириш, дастурхонга бош-қош бўлиш, меҳмоннинг кўнглини олиш ишларига ўзи балогардон эди. Ўрисча лутф ва ҳазил-хузулни-ку қўяверинг, қотириб ташларди! Хуллас, у шундай қилдики, меҳмоннинг назари унга тушди. Солижон ака тўғон битаётгани, қанча мутахассис бекор қолаётганини унга аста сингдириб айтди. Завод учун 40 гектар ер керак экан, Солижон ака ерни топиб берадиган бўлди. Меҳмон Москвага қайтгач, комиссия юборди.



Ижроқўм бува ваъда қилган 40 гектар ерни ҳал қилгунча совхоз директори билан бўлган мунозараларда она сути оғзига келди. Чунки у одам Солижон акадан ҳам бадтар қайсар эди!

Шундай қилиб, Хонободда Солижон аканинг шарофати билан бутуниттифок аҳамиятига эга бўлган кабель заводи қурилди.

* * *

Хонободда узоқ йиллар «Фотон» заводи ишлаб турди, ўшанча йил бу завод шу ерлик халқнинг белига қувват бўлди, унинг бу ерда қурилишига ҳам Солижон ака сабабчи бўлган эди.

«Сизни саркардаларга ўхшатдим»

Киев кўчаларидан бирида Солижон ака билан кетаётсак, бир одам уни тўхтатиб: «Ўртоқ, мен ҳайкалтарошман, сиздан чизги олишим керак», — деб илтимос қилди. Солижон акага бу хуш келмай турибди. «Биласизми, сизда Юлий Цезарь, Македонскийларнинг сифатлари бор экан, буюк одамларни ишлашимда сиз жуда қўл келасиз, 4 сеанс оламан холос, йўқ деманг», — дерди нуқул. Ва бир бало қилиб Солижон акани устахонасига қатнашга кўндирди.

Ўйлаб қарасам, бу инсон эл етаклаш, иш юритиш сирларини аллакимдан ёки аллақаердан ўқиб ўрганмабди, бу одамни Тангрининг ўзи шу сифатда яратиб қўйибди экан. Бундай инсонларнинг қоматини ҳам ички дунёсига мослаб

кўярканми дейман! У уйга кирса уй, кўчага
чикса кўчалар тўлиб кетарди! Билиб кўйдим,
саркардалик сифати ҳам инсончиликда туғма
воқелик экан...

Кўнгилдаги Каъба

Солижон ака ҳамиша Тангрини ёдда тутарди.
Мажлисларда ҳам нукул «Хўв, биродар, ишингни
табиат («худо» дейишга чўчиган кўринади!) кўриб
турибди, у бир куни сени сўроққа тутади!» дея
танбех берарди.

* * *

У дуони, инсонларнинг назари, розилигини
муқаддас санарди. Суюқ-саланг, ўғри-каззобларни
суд, прокурорга эмас, халққа тўғриларди. Оло-
монни йиғиб, жойида муҳокама қилар ва:
«Қани, биродарлар, омин денг, бунинг жазо-
сини худонинг ўзи берсин!» – дея тескари дуо
килдирарди.

Жўмардлик

Рисоламизнинг бошидан сизга маълум бўлдики,
ўн саккиз йил ижроқум раиси бўлиб ишлаган
Солижон ака ишдан олинди. Ўша машъум маж-
лис тугади. Бир-иккита одамни ҳисобга олмаган-
да, хамманинг юраги вайрон! Солижон аканинг
туриши гўё бир тантанали йиғиндан чикаётгандай
бошқача. Ташқарига чиққан оқсоқол олазарак
бўлиб кимнидир изларди. Шунда узоқдан мени
кўзи билан топди-да, бу ёққа келинг, деб имла-

ди. Дарҳол келдим. «Охирги марта кабинетимга кириб қўйинг», – деди у. Айтганидай қилдим. Солижон ака: «Омаджон, шунча йил бирга ишладик, бу дегани шунча йил менга чидаб ишладингиз. Худо хайрингизни берсин! Аммо бирор марта дурустроқ илтимос қилмадингиз, мен ҳам сизни ёлчитиб хурсанд қилолмадим. Энди, ука, ариза ёзсангиз, мен сизни битта машинали қилиб кетай», – деди. Менинг кўнглимга сиғмай турган машина бу одамнинг ҳозирги кайфиятига қандоқ сиққанига лол ва яна лол бўлиб турганимда, «Қани, қани бўлинг!» деди шиддат билан!..

Шундай одамнинг ёнида узоқ йиллар юриш, қилган ишлари, тутумларини кўриш насиб этганига кўплаб шукр келтираман. Дарвоқе, ўша ёдгор жигулини ҳозиргача боламдай асраб олиб юрибман...

*Солижон акага, яъни ижроқўм раисига
муовин бўлиб ишлаган
Эрматжон Тўрахонов хотиралари*

Ижроқўм буванинг йиғиси

Бир куни эрталаб Солижон ака кўнғирок қилиб, хонасига киришимни сўради. Кирсам, ёнида телогрейка кийган, ёши 45–50 лар чамасидаги бир киши ўтирган экан. Солижон ака: «Бу киши ўзганлик Соғинбой ака. Тоғ-адирларга йўл очадиган моҳир бульдозерчи» деб таништирди. Ва бугундан бошлаб, икки ҳафта давомида биргаликда Хонтоғдаги ўзлаштирилмаган уч-тўрт



адирни серпантин қилиб, арча экишга жой тай-ёрлашимизни тайинлади.

Биз бу ишни бир ҳафтада битказиб қўйдик. Кейин шу имкониятдан фойдаланиб қолайлик дедим-да, қабристонга ҳам йўл очишни бошлаб юбордик. Бир маҳал биз томонга Солижон ака чиқиб қолди. Ва машинасидан туша солиб, бизга караб ваҳимали важоҳатда югуриб кела бошлади! Кела солиб тракторнинг моторини ўчиришни буюрди. Биз трактордан тушишга улгурмай олдимизга етиб келди-да: «Сизлар нима иш қияпсизлар, сизларга бу ишни ким буюрди?!» деб бақира кетди. Сўнг икковимизни кучоқлаб, ўкириб йиғлаб юборди. Биз эса кўрқиб қотиб қолгандик! Солижон ака: «Агар юрагингизга худо солмаса, сиз шу ишни қилмасдингиз. Худо дилингизга солган! Мен бу ишни бажаришнинг иложи йўқ деб ҳеч кимга айта олмай юардим. Худди шу ердан йўл чиқаришни орзу қилиб юардим!» дея, йиғлаган кўйи иккаламизни узундан-уzun дуо қила кетди.

Эртасига эрталаб ижроқўмнинг мажлислар залига ҳаммани тўплаб, бизни обдан мақтади. Ва келажакда бу адирларда жуда катта ишларни амалга ошириш кераклиги ҳақида Солижончасига нутқ сўзлади.

Ушалган ният

Ўша йили хашар йўли билан қабристонга автомашина борадиган эни олти метрли бетон йўл, эни уч метрли Хонобод томонидан чиқиладиган



зинали бетон йўлак, қабристон жиҳозлари сақланадиган бино ва бошқа иншоотларни қуриб битказган эдик.

Бу кўнгилдир, бу кўнгил...

Солижон ака кимга қандай иш топширган бўлса, ўша иш битгач, у ерга ҳаммани тўплаб, натижани кўрсатар, мохиропа сўзлар билан мактаб, тақдирларди. Кўнгил деганлари фақат меҳрдан, сўздан сув ичар экан! Инсончилик-да, бир томондан топширилган ишнинг масъулияти бўлса, иккинчи томондан эса, Солижон акадан эшитажак илтифотлар илинжида ҳам биз кечаю кундуз фақат ишни ўйлар, топширилган вазифани ўз вақтида ва чиройли бажаришнинг ҳаракатида бўлардик.

Ўзи ёзганини ўзи ўқий олмаган ижроқўм

Худонинг берган куни Солижон ака, мен, бош архитектор Омаджон спорт кийимларини кийволиб, эрталаб бешдан еттигача шаҳар бўйлаб югурар эдик. Бунинг оти «физкультура» бўлса-да, Солижон аканинг асл мақсади «обход», яъни шаҳарни кунда бир кўриб қўйиш эди. У югуриб бораркан, йўл-йўлакай қаерга сув қуйиш керак, қаерга кўчат экиш кераклигини ён дафтарига ёзиб кетарди.

У жуда бадхат эди. Баъзан ўзи ёзган ёзувни ўзи ўқиёлмай қоларди. Сўнгра хуноб бўлиб, «ўқиб беринг» деб мени чақиртирарди. Ёзувини гоҳида мен ҳам ўқиёлмасдим ва эрталабки югу-

риш пайтида унинг қаерда нима деганларини эслаб туриб, ёзганларининг ярмини уқиб, ярмини тўқиб ўқиб берардим. Солижон ака шунга ҳам севиниб кетарди.

Кун билан тунни аралаштирган раис

Бу одамга кеча билан кундузнинг фарқи йўқ эди. Баъзан тунги икки-учларда қўнғирок қилиб қоларди. Раиснинг бу феълини билганим учун телефонни ёстиғимнинг ёнига қўйиб олардим. Гўшакни кўтараман, Солижон аканинг овози жаранглайди: «Мана сиз ҳам ухламай ўтирган экансиз. Узр. Калламга бир фикр келиб қолди: фалон жойни мундай қилсак, Тошкентдан, Избоскандан ёки Қорашуродан фалон нарсани олиб келиб эксак, қандай бўларкин», деб сўрайди. Мен эса уйқусираган ҳолатда, «албатта яхши бўлади», деб қўяман. Эрталаб кабинетиде учрашган маҳал ҳар доим ҳам тунда қандай суҳбат бўлганини эслолмай қолардим. Хижолатдан кизариб-бўзариб ўтирсам, бу ҳолатдан раиснинг ўзи чиқариб оларди: «Телефондаги фалон иш сизга ҳам маъқул келди, энди ўшани мана бундай қилиб бошлайверамиз-да», деб ишни бошқатдан тушунтириб кетарди.

Солижон аканинг Москвада милицияга тушиши

Ижроқўм буванинг Россия, Украинада кўп-лаб қадрдонлари бор эди. Бир йили Москва ВДНХсининг раҳбарият ходимлари келиб Хон-



ободда меҳмон бўлиб кетишди. Анча вақт ўтгач, Солижон ака, мен ва архитектор Омаджонга ВДНХнинг Бутунжаҳон ландшафт архитектура-си анжуманига таклифнома келди. Кўрсатилган муддатда Москвага етиб бордик. ВДНХнинг меҳмонхонасига жойлашдик. Шу десангиз, кечки овқатланиш учун «Россия» меҳмонхонасининг ресторанига кетаётган эдик. Тротуарда одам гавжум, Солижон ака кўтаринки руҳда бизни Москва билан таништириб боряпти. Шу пайт у шартта тўхтади-да, бир ёнига қирғийдай тикилиб қолди. Ва жаҳд билан иккита рус қизнинг қўлидан тутиб тўхтатди. У қизлар (ғафлат босиб!) писта чақиб кетишаётган экан! Бундай ҳолатда Солижон ака жим туради дейсизми, улар табиатни ифлослаётгани, қолаверса, пистанинг зиёнлари ҳақида баланд овоз билан хайқириб гапира кетди! Атрофимизга дув этиб одам тўла қолди. Ва шу заҳоти ҳуштагини чалиб, икки милиция ходими ҳам етиб келди. Одамларни тарқатиб юбориб, учовимиз ва ҳалиги икки қизни шу орадаги милиция бўлимига олиб келишди. Йўлда Солижон ака менга:

– Бизни ростдан ҳам милицияга олиб кетяптими? – деб сўрайди.

– Бу ер бошқа юрт бўлса, сиз ҳам ошириб юбордингиз, – дейман мен.

– Москвалиги асло ёдимда йўқ! – дейди у бироз афсусланиб.

Бизни навбатчи милиционерга топширдилар. У эса йўлакдаги ўриндикда индамай ўтиришимизни, савол берилсагина жавоб беришимизни уқтирди.



Берилаётган саволларга фақат Солижон ака жавоб берар, жавоб берганда ҳам ҳадеганда ўрнидан туриб кетар, қизишиб гапирарди. Пойтахтдай жойда фуқаролар писта чақиб юрса-ю, ҳеч кимнинг иши бўлмаса, дея жаҳл ва эҳтирос билан сўзлаётганда, орқа томондан бир милиция майори келиб, Солижон акани бирпас тинглаб турди-да, сўнг навбатчи милиционернинг ёнига келиб, иккала қизни чиқариб юборишни, бизни қайсидир хонага олиб киришни буюриб, ўтиб кетди. Солижон ака эса баттар таранглашиб: «Йигитлар, булар бизни қамаб қўймоқчимиз?!» дерди нукул. Бир хонага олиб кириб қўйдилар. Қисматимизни кутиб ўтирибмиз. Шу пайт ичкари хона эшиги очилиб, ҳалиги майор чиқиб, бизнинг рўпарамизга келди ва қўлларини ёзганча «Солижон ака!» дея оқсоқолни маҳкам қучоқлаб олди. Ана хайрон бўлиш?! Ҳаммамиз қотиб қолганмиз!

Бу йигит аввал Фарғона шаҳар милициясида ишлаган, уч-тўрт йил бурун Москвага мавқеи кўтарилиб келган, ўзи татар миллатидан бўлган бола экан. У ҳеч қачон Солижон акани кўрмаган, аммо у ҳақда жуда кўп эшитган экан. Бу тасодифдан яйраб кетган Солижон ака бизни ташқарида кутиб туришимизни тайинлаб, ўзи ичкарида қирқ минутлар чамаси ушланди. Сўнг майор билан биргаликда чиқиб келди ва улар қуюқ хайрлашдилар...

Москвадаги нутқ

Эртаси куни ВДНХ семинарида қатнашдик. Маърузалар тингладик. Семинарнинг иккинчи куни Солижон аканинг доклади қўйилган ва унга 20 минут вақт ажратилган эди. У эса ҳеч қандай қоғозсиз нақ 50 минут гапирди. Зал унинг нутқидан ҳаяжонга келди. Унга гулдурос қарсақ чалаётганлар ичида жуда кўп чет эллик олимлар ҳам бор эди ва улар ҳар хил саволлар билан Солижон акани минбардан тушгани қўймасдилар. Солижон ака эса саволларга бурро-бурро жавоб берарди...

Уйга қайтпмиз-у, бизга етадиган одам йўқ. Гўё ўзимизни рингда ғолиб келгандай сезардик...

Бегона жигули воқеаси

Ўшанда апрель ойлари эди. Сахарлаб яна Солижон ака, Омаджон, мен навбатдаги югуришга чиққанмиз. «Йигитлар, бугун Хонтоғнинг экин экилган ёнбағирлари бўйлаб югурамиз», деди Солижон ака. Аммо «Космос» ресторанининг орқасига ўтишимиз билан маршрутни ўзгартирди ва «менинг ортимдан!» деди-да, катта тезликда ижроқўмнинг дачаси томонга югуриб кетди. Ёмғир севалаб турарди. Бундай ҳавода Солижон аканинг машинаси ҳам ортимиздан аста эргашар эди. Дачага етгач, Солижон ака эшикни очиб киришга ҳам тоқат қилмай, панжара тўсиқ устидан сакраб ўтди, ўтаётиб шимини йиртиб ҳам олди. Лекин шу ҳолда ҳам югуриб борарди.



Боғнинг эшигидан биз ҳам кириб боряпмиз. Шу пайт унинг: «Йигитлар, каллаи саҳарлаб анови жигули бу ерда нима қияпти?!» деган овози эшитилди ва машинага етиб тўхтади. Ўш вилоятига қарашли бу машина яп-янги бўлиб, икки орқа эшиги ланг очик ҳолда турарди. «Э ошиқмошиқ бўлган сенларни қара! — дея ҳайқирди раис, — аҳмоқчилик учун шу ерни танладиларингми?! Туш, машинадан, бор иккаланг ҳам анови ховузда ювиниб кел!!» дея чунон ўшқирдики, хатто биз ҳам серрайиб қолдик! Бу орада Солижон аканинг «Волга»си ҳам етиб келди. Ювиниб, ўзларини тартибга келтириб олган йигит билан қиз бир четда шумшайиб, чорасиз аҳволда туришарди. «Бу ёққа келинглар!» деб буюрди Солижон ака. Келишди.

— Сиз, йигит, Ўшдан келиб бизнинг азиз жойларимизни ҳаром қилдингиз. Кўринишингиздан пулдор йигитга ўхшайсиз. Мана бу машинангиз неча пул туради? — деди у.

— 5 300 сўм, — деб жавоб қилди йигит.

— Сиз ҳозир шунча пулни берасиз. Ўшандагина милиция чақирмасдан, қизингиз иккалангизни қўйиб юборамиз. Биз бу пулга Хонтоғнинг бутун майдонидан ярим метр чуқурликдаги тупроғини чиқариб, пастга — сойга олиб бориб кўмамиз. Пастдан эса тоза тупроқ олиб чиқиб ўрнига соламиз, тушунарлими? — деди.

Йигит ўйланиб ҳам ўтирмай, машинасининг қутчасидан қоғоз ўрамини олди-да, машина капоти устига қўйди ва: «Ака, мана шу 5000 сўм», деди. Солижон ака хайдовчисига: «Ўринбой, кўринг-чи,» — деди. Ўринбой пулни очиб кўрди-



да, ўшанчалигини тасдиқлади. Солижон ака бу пулларни ўзининг хизмат машинасига солиб қўйишни буюрди. Гуноҳкорларга қараб: «Сизлар энди машинангларга ўтириб кетаверинглар. Аммо сиз, йигит, бугун туш пайтида албатта келинг, ҳалиги ишларни ташкил қилганимизни ўз кўзингиз билан кўришингиз керак!» деди. Улар жўнаб кетдилар.

Фавқулодда топшириқ

Ортларидан Солижон ака: «Бугун югуриш буюрмади, ҳаммангиз машинага чиқинг», деди ва идорага тушиб келдик. Сўнг ўзи телефонда бўлим бошлиқларини бирма-бир идорага чақирди. Соат еттилар чамаси ҳамма йиғилиб бўлди. Солижон ака топшириқ бера бошлади:

– Эрматжон, биринчи, сиз автобазага тушиб, 500 та самосвал олиб, Хонтоққа чиқаринг.

– Сиз Омаджон, қурилиш ташкилотларидан соат саккиздан кеч қолмай, 20 та экскаватор олиб келинг.

– Сиз Маннобжон (рахматли молия бўлимининг бошлиғи эди), Қорасувга бориб, иккита катта қўй ва бошқа майда-чуйдалар олиб келинг. Тўртта катта қозон олиб чиқиб, 2000 кишига иссиқ овқат ташкил қилинг.

– Сиз Зикрилло (уни ҳам худо раҳмат қилсин), ҳамма ташкилотлардан 2000 ишчи кучи йиғиб, кетмон ва белкураклар билан Хонтоққа олиб чиқинг...

Шу тарзда бошқа бўлимларга ҳам ўзларига монанд юмушлар юклатилди. Ҳамма хайрон.

«Нимани нима қилмоқчимиз ўзи?» деб сўрай-
диган юрак йўқ. Раиснинг вазоҳати хунук!
Дамимиз ичимизда, топшириқ бўйича индамай
тарқалишдик. Шундай қилиб, кутилмаганда
адирга юриш бошланди!

Режада йўқ ҳашар

Соат 9 гача 200 та машинани автобаза дар-
возаси олдига чиқариб турсам, сув омбори
қурилиши бошлиғи В.Д.Медведев етиб келди.
«Эрмат Хўжамович, нима қияпсизлар ўзи?
Қурилишнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат, 200 та
машина ҳам Хонтоққа сифмай кетади, ахир, 500
та дебсизлар-а! – деди бўғилиб, – Солижон ака-
ни хафа бўлмайдиган қилиб кўндириб беринг!»
дея илтимос қилиб кетди. Мен ўзимнинг маши-
намда Хонтоққа чиқиб кетаётсам, пастда 50–60
та машина йўлга тикилиб турибди, яна 20–30
таси тепадан тупроқ аралаш шағални пастга
олиб тушиб, пастдан қора тупроқ юклаб тепага
ташияпти, ГАИ ходимлари машиналарни йўлга
солиш билан овора.

Шу пайт Ўш номерили бир автолавка келиб
тўхтаб, милициядан Хонтоққа чиқишга рухсат
сўрай бошлади. Бирдан ҳайдовчининг ёнидаги
йигит мени кўрди-ю, туша солиб ёнимга югу-
риб келди: «Ака, мен эрталабки жигулида кел-
ган йигитман, айтинг, ўтказиб юборишсин», –
деди. Мен ҳам дарҳол танидим ва уларни бир-
га олиб чиқиб кетдим. Автолавканинг Хонтоққа
чиқаётганини нариги адирдан кўрган Солижон
ака миниб олган отини елдириб етиб келди-да,



хайдовчи билан уриша кетди. Биз апил-тапил вазиятни тушунтиргач, «Ҳа, майли, меҳмонни бирга олиб чиқиб гаплашиб ўтиринглар, тушликда кўришамиз», деб отини бошқа қирга учуриб кетди. Унинг алфози тоғни кесиб, сув чиқаришга отланган Фарходнинг ўзи эди!

Тепага чикқач, ақлим шошиб қолди! Бу томонда карнай-сурнай адирни бошига кўтариб ётибди. У томонда оркестр гумбирлайди. Ҳамманинг кайфияти байрамона. Дошқозонлар қурилган, қўйлар сўйилган! Адирнинг бир неча жойида юзлаб одамлар чумолидай ҳаракатда. Хонтоғнинг тепасидаги 200–300 квадрат метр ажриқ ўсиб кетган шағал аралаш тупрокни аллақачон экскаваторда юклатиб пастга тушириб, ўрнига пастдан чиққан қора тупрокни солиб бўлишибди. Хулласи, юрагинг ҳапкирадиган ҳаяжонли кўриниш.

«Солижонча» феъл!

Тушликда оқсоқол ўшлик йигитни алоҳида ҳурмат билан тўрга ўтқизиб қўйди. Қорасувга бориб бозор қилиб келган Маннобжонга: «Бугунги ишдан кўнглим жуда тўлди. Даврадагиларни хурсанд қилгани бирор яшик арақ-парақ олиб келганмисиз?» деб қолди. Шу пайт меҳмон даст ўрнидан туриб: «Солижон ака, мен ўшдан сув-пув олиб келгандим» деди. Кейин билсак, у 20 яшик арақ, 40 яшик Жалолободнинг минерал сувидан ва 10 коробка армян коньяги олиб келган экан. Раис 1 яшик арақни ва сувлардан столга қўйдирди-да, қолганини яна автолавкага юклаб, ўшга олиб кетишини жиддий тайинлади.



У йигит: «Ҳаммасини шу ердаги одамлар учун олиб келганман, ҳеч нарсани қайтариб олиб кетмайман», деб туриб олди. Шунда Солижон ака хайдовчисига пастга тушиб ОРС ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи ва бош ҳисобчини бу ёққа олиб чиқишни буюрди. Улар келгач, бу нарсаларни «приход» қилиб расмийлаштириб олишни топширди.

Тушлик ҳам поёнига етди. Раис хашарчиларга тушдан кейинги меҳнатлари ҳам баракотли бўлиши учун дуо қилиб берди. Хашарчилар яна ишга тушдилар. Раис ижроқўмнинг бўлим бошлиқларини олиб қолиб, ўшлик йигитнинг рўпарасига қатор ўтқазиб қўйди. Ва ўзи меҳмонга бирма-бир ҳисобот берди: «Сиз, ука, ҳақиқий ўғил болалик қилдингиз. Эрталабки пулингиздан шу улкан ишимиз учун жами 857 сўм сарф бўлибди, мана бу қолган пулингиз, энди уни ўзингиз билан олиб кетасиз», – деди. Йигит қатъий рад қила бошлади. Оқсоқол эса мажбурлаб, пулини қўлига тутқазиб қўйди...

Шу воқеадан кейин у йигит ҳар йили келиб, Солижон ака билан дийдорлашиб юрди.

Қорашуро воқеаси

Кеч куз эди. Қорашуродан қарағай кўчатларини олиб келадиган бўлдик. Учта «Камаз», прицеппи машина, кетмон, белкурак ва қозон-товоқ юкланган бир юк машинаси, катта автобусда 60 га яқин одам (улардан 35 нафари ўзганлик қирғиз ишчилар), колонна бошида эса



Солижон ака «Волга»си билан йўлга тушдик. Қорашурога 5–6 километр қолганда шлагбаумга дуч келдик. Забардаст, бўйи 2 метр келади-ган қирғиз – карантин инспекциясининг ходими ўтказмайман, деб туриб олди. Солижон ака сўз билан кўндиришнинг ҳамма усуллари қўллаб кўрди, ҳеч кўнмайди! Оқсоқолнинг ҳам феъли тутди: автобусдаги қирғиз йигитларга: «Ановини қўл-оёғини боғлаб, машинага юкланглар», деди. Бир зумда йигитлар худди ўшандоқ қилиб инспекторни прицепга юклашди. Йўлда давом эта бошладик. Ҳалиги йигит эса тинмай додлаб бор-япти! 500–600 метр юрганимиздан кейин Солижон ака ҳаракатни тўхтатиб, уни қўйиб юборишни буюрди. Йигит қўл-оёғи ечилган заҳоти ўзини машинадан ёнбағирликка ташлаб юборди ва 30–40 метр пастликка думалаб боргач, тура солиб сой бўйлаб келган томонимизга югура қочди.

Биз эса ҳаракатда давом этдик. Манзилимизга етиб, кўчатларни чиқара бошлаганимизда ёғаётган ёмғир қорга айланди. Чиқарилган кўчатларни 200 метрча наридаги автомашинага ташиб бориш керак эди. Хўлгарчилик туфайли ҳар бир кўчат жонивор 30–40 кило бўлиб кетган! Солижон ака бизни солдатлардек тизиб қўйди, шу ҳолда кўчатларни бир-биримизга узата бошладик. Ҳамма лойга беланиб кетган. Ҳаво жуда совуқ. Одамлар шамоллаб қолмаслиги учун оқсоқол урушдаги услубни қўллайди: йўлакчанинг энг баланд жойига туриб олган, бир қўлида газак, бир қўлида арақ! Ҳам кўчатларни

санаб туради, ҳам йигитларни навбати билан ёнига чақириб, бир хўпладан «қизитгич дори» ичириб туради.

Соат 9 ларда юкларни юклаб бўлдик. Сойга тушиб, қўл-бетларни лойдан тозалагач, йўлга тушдик. Бизни тўсган ҳалиги шлагбаумга келсак, ваҳима! 5–6 та автомашинада 20 чоғли милиция ходими бизни кутиб турган экан. Оғзимизни ҳам очирмай, колоннамизни қуршовга олиб, Ўшга олиб кетишди. Соат чамаси 12 ларда вилоят милицияси ҳовлисига машиналаримиз билан қамаб қўйишди. Бирданига автобусдаги қирғиз йигитлар (кайфи бор эмасми!) тўполон қилишни бошлашди. Солижон ака бирпасда уларни тинчитди ва бир хушёр пойлоқчини уларга масъул қилиб қўйди. Шу орада Солижон ака ва уч-тўрт кишини ичкарига олиб киришди. Кирсак, 15–20 га яқин инспекция ходимлари тизилишиб олган. Ва уларнинг ёнида шлагбаумдаги бўйи икки метрли инспектор ҳам ҳамма ёғини боғлаб-танғиб ўтирибди. Сўроқ-саволни вилоят милицияси бошлиғи, генералнинг ўзи олиб боришга тушди. Солижон ака у киши билан яқин қадрдон эди. Аммо у суҳбатда оқсоқолга жуда қаттиқ тега бошлади. Ишимизни судга оширишини, ҳатто қаматишгача боражагини айтди. Генерал инспекция ходимларини батамом ёқлаб гапириш билан уларни тинчлантирди ва соат 2 ларда уйларига кетишга кўндирди. Унгача Солижон ака жайра қиёфасига кириб олган, генералга ташлашнишга тайёр турарди. Бир вақт генерал икки-уч ёрдамчисини қолдириб, қолганларни чиқариб



юборди-да: «Солижон ака, мени танимади деб аччикланиб ўтирибсиз-а, вазиятни кўриб турдингиз, менга ҳам бу ҳолатдан чиқиш жуда қийин бўлди!» – деди ва бутунлай бошқа оҳангда сўзлаша кетди. Зудлик билан Солижон аканинг одамларига иссиқ овқат беришни буюрди. Соат тўртларда иккита ГАИ машинаси бизни Хонобод чегарасигача кузатиб қайтдилар.

*Ижроқўм фаоли бўлган
Собиржон ака Садиров хотиралари*

От минган ижроқўм аъзолари

Бугун ижроқўмнинг тўққиз кишидан иборат янги таркиби сайланган бўлса, эртасига эрталаб Солижон ака тўққизта от келтиртирди. Тўққизталамиз отда шаҳарни қадамма-қадам айланиб, ишларни белгилаб олдик. Шу кундан бошлаб, кети кўринмайдиган жангу жадал бошланиб кетди, яъни бу Хонободни боғ шаҳарга айлантириш учун халқ юриши эди.

* * *

Ижроқўм аъзоларидан бирортамиз қалам тутиб, қўйғироқ кутиб идорада ўтирмасдик, кўчат экканимиз эккан эди.

* * *

Тошкентдан, Бишкекдан кўчатлар келтириб, пешма-пеш ҳовузга тўкиб кетамиз. Эртасига яна кўчат олиб келгунча уларни экиб бўлишади.

* * *

Бир куни дарахт экаётган эдик. Узоқдан Солижон ака кўринди. У биз томонга шошиб келар ва: «Тўхта, тўхта деяпман сенга!» дея бақирар эди. Етиб келди-да: «Нега бундай эжяпсизлар, кун чиқиш томонини кун чиқишга тўғриланг!» деб аюҳаннос солди. Кўчат экишда ҳам кўн сир борлигини, боғ яратишнинг зеру забарларини Солижон ака шу тарзда ҳаммамизга сингдириб борди.

* * *

Бирор жойда гул ёки бошқа нарсa экаётган бўлсак, ишонаверинг, Солижон ака ўн марта келиб хабар оларди. Эртасига яна борарди. Одамлар бир томондан раиснинг камчилик топиб қолишидан безиллаб, ишларини тиштирноқлари билан ёпишиб, берилиб бажарсалар, иккинчи томондан ижроқўмбуванинг гулдуросли мактовларидан астойдил яйраб кетардилар.

* * *

Солижон ака одамларда кайфият уйғотиш йўллариини обдан биларди. Бир инсонда икки инсоннинг кучини кўзгата оларди, ишонаверинг! Фозилмон отанинг сувини тепага олиб чиқиладиган бўлди. Қувурлар шай, ҳашарчилар йиғилган. Эрталаб карнай-сурнай садолари остида иш бошланди. Ҳаммада тўй кайфияти, одамларнинг завқу шавқ билан ишлашини кўрсангиз! Қарангки, ўша куни тушгача ҳашарчилар ишни битириб бўлдилар!

*Солижон ака билан узоқ йиллар бирга
ишлаган, оқсоқолнинг қадрдони,
бульдозерчи Ҳошимжон Мамадалиев
хотиралари*

Иш, иш!

1972 йил. Шаҳрихонсой ҳашар йўли билан бетон килинаётган кизгин паллалар. Кампир-равот сув омборининг ишлари авжига чиққан. Шунингдек, сув омборидан чиқаётган сувни суғориладиган ерларга узатиш учун дарё, каналларни бетонлаш ишлари бошланган эди. Колхоз-совхозлардан келган ёрдамчилар сув омбори ишчилари билан ёнма-ён меҳнат қилишарди. Мен автогрейдерда ишлар эдим. Иш уч сменада олиб бориларди. Ҳар бир сменанинг бошлиғи, прораби бошқа-бошқа бўларди. Ҳар учаласи уларнинг навбатида ҳам ишлаб беришимни илтимос қилишар, мен эса йўқ дея олмасдим. Машинамни бошликлар, умуман, каналдан чиқаришмас, ишнинг думини думига улаб, шанба, бозор куни ҳам қолиб кетардик. Ҳатто рулни бошқариб туриб, ухлаб қолган пайтларим бўлган. Мен темирмас, одамман деб ўзим айтмайман, бошлиқларнинг эса иши битса бўлди, ишлатаверардилар!

«Мен боламга кимман?!»

Бир дам олиш куни бетон заводи бузилиб қолиб, тушгача бетон келмади. Бир рус ишчи нима дейди денг: «Бугунлик куним бекор ўтди, уйда бўлганимда фарзандимга ҳеч бўлмаса бит-

та сўз ўргатардим». Бу гап менга жуда таъсир қилди. Хўш, мен ҳам отаман-ку, менинг болам худога нима ёзибди?! Мендан, онасидан бошқа боламнинг уқтирадиган, ўргатадиган кими бор, ахир? Нима учун иш биринчи, ўзимдан тарқаган тирик инсон — болам охирги ўринда бўлиши керак!

Бирмунча муддат ўзим билан ўзим шундай гаплашиб юрдим...

Солижон ака ёқамдан олди!

Бир куни Солижон аканинг ҳайдовчиси Ўринбой бир хат олиб келди. Ўқиб кўрсам, автовокзалнинг атрофидаги уйлар бузилибди. Тезда бориб ўша ерни текислаб беришим сўралган экан. Раҳбаримга айтсам, иш кўп деб рухсат бермади. Бир ҳафтадан кейин Ўринбой яна келди. Бу гал шаҳарда гул экиладиган ерларга ишлов бериш керак экан. Бу сафар ҳам мастерлар: «Бетон қуйяпмиз, сиз кетиб қолсангиз ҳамма иш ўлади», деб юборишмади.

Шу орада апрель келди. Каналнинг белги-ланган бетони қуйиб бўлинди. Мени каналдан чиқариб, Шахрихонсойнинг икки бетини текислайсан дейишди. Сув омборининг атрофларини тозалаттиришди. Тушликка уйга кетаётсам, бир оқсоқол одам йўлнинг ўртасида ётган йўғон толни эшигининг ёнига суриб беришимни сўраб қолди. Савоб бўлар, деб энди шу ишга уринаётсам, Мехмонов келиб қолди. Машинасини тўхтатиб, мени чақирди. «Ҳа, нима



киляпсиз?! – деб сўрокдан бошлади, – бу тоға пул беради, биз бермаймиз-да, а? Бизнинг илтимосни шунинг учун бажармайсиз-да, а?!» – дея бакира кетди. Тушунтиришимни, оғиз очишимни хохламайди. Кўйлагимдан ушлаб «Водный узел» (Сув тақсимоти) идорасининг олдиғача етаклаб борди. Бу алфозда ҳозир тарсаки кўйиб юборади-ёв, деган хаёлда турибман. Гулдурос овоз билан идора раҳбари Ваҳобжонни чақирди, у чикқач:

– Мана бу Ҳошимжон қанақа бола?! Ё маҳалла оксоқолларини чакириб сўрайми? – деди.

– Яхши бола, нима иш буюрсам қилади, – деди Ваҳобжон.

– Нима иш қилди, айтинг! – деди Солижон ака.

– Боғимиздаги барча ариқларни грейдери билан чиқариб берди, йўлларини текислади, – деди у.

– Бизнинг ишимизни ҳам қилиб турарди, ҳозир қилмай кўйди. Гап бундай, бугун ишдан кейин паркка боринг, архитектор Омаджон кутиб туради, бирга ишлайсизлар, – деди Солижон ака. Сўнггина кўйлагимни кўйиб юборди.

Кеч соат 5 яримларда шаҳар паркига бордим. Омаджон билан парк йўлларини чиқардик. Бир пайт товоқда ош келди. Меҳмононов: «Келинг, Ҳошимжон, бу – яраш оши», – деди. Мен автогрейдердан тушмай турволдим. Омаджон кўлимдан тортиб туширди, ошни бирга едик. Шу-шу у билан дўстлашиб кетдик...

Тўрга ўтган тракторчи

Шундай қилиб, мен шаҳарнинг хизматига тез-тез келиб турардим. Қаер гавжум бўлса, мен ўша ерда ишлардим. Солижон аканинг хайдовчиси Ўринбой эса мени ҳар гал олиб кетар, боғда, Фуломжоннинг чойхонасида биргалашиб ош ер эдик. Ўринбой алоҳида овқатланар, мен оддий тракторчи бўлсам ҳам, ижроқўм раиси ва унинг муовинлари билан бирга ўтирардим. Эҳтимол, Солижон ака мана шундай йўллар билан кўнглимни кўтаришга урингандир...

Режани бузган ёввойи олча

Меҳмонов менга шаҳарнинг ўртасидан катта йўл курамыз, деб тушунтирди. Эски Хонобод йўли қинғир-қийшиқ, пасту баланд эди. Катта ва кенг йўлга мўлжаллаб қозиқ қоқдик. Мен йўлнинг икки чеккасидан ариқ чиқаришни бошладим. Аммо нақ бузиладиган жойда йўғон ёввойи олча ўсиб турарди. Уни чиқариб юборишдан аввал Солижон акадан бир оғиз сўрайлик, дедим. Яхши ҳам сўраганимиз, сал бўлмаса бошимиз балога қоларкан: Меҳмонов дарахтга тегдирмади. Катта йўл ўша ерга келганда қийшайиб, олчани айланиб ўтишга мажбур бўлди.

Назардан қолиш ёмон...

Собиқ «СССР 50 йиллиги» деб аталган бу йўлнинг ўрни совхоз ерлари эди ва у ерга пиёз экилганди. Энг ёмони, шу пайкалларни бузишга тўғри келди. Солижон ака билан архитектор



пиёзнинг ичида юриб, қозик қоқиб, йўл бел-
гилашди. Мен грейдерим билан шу мўлжалда
ер суришни бошладим. Совхоз сувчиси пайдо
бўлдию менга ёпишиб олди: «Ёш пиёзни жу-
вонмарг қиласанми?» дея жанжал киларди. «Бу
иш давлат қарори билан бўляпти, халққа йўл
ҳам керак-ку, йўлдан ташқари жойга яна эка-
диганингизни экаверасиз», десам ҳам кўнмайди.
«Сен ёш пиёзни тепаладингми, илоҳим, бада-
нингни ёнғоққа ўхшаган бўртик босиб кетсин»,
деб қарғаб юборди. Мен топшириқни бажаравер-
дим, аммо биласизми, кўп ўтмай аъзойи бада-
нимга ёнғокнинг катта-кичиклигида аллақандай
безлар тошиб кетди! Аранг даволандим.

Ўшандан бери қарғиш деган нарсадан кўрқиб
қолдим...

«Нима бўлсам мен бўлай!»

Шаҳарнинг ўртасида, шундоққина катта йўлга
қадалган эски қабристон бор эди. Қабристонни
бошқа муносиб жойга кўчириб, ўрнини дарахт-
зор қилинадиган бўлди. Суяклар кўчирилгач,
ўрнини текислашни Солижон ака менга буюрди.
Мен кўрқиб, икки кун бу ишга қўл урмадим.
Шунда Меҳмонов: «Агар сиз қўрксангиз, ол-
дингизга мен тушиб тепалаб бераман, бир нарса
бўлса мен бўлай, сиз мендан кейин юринг»,
деди. Ва автогрейдернинг олдига тушиб, оёғи
билан ерни депсиб, эзғилаб кета бошлади. Сўнг
мен бу ерда ётганларнинг ҳақиға бир қарра
Қуръон тушириб, дуо қилиб, кейингина иш бош-
ладим...

«Гапимни ерда қолдирмади!»

Хонтоққа турли-туман дарахтлар эдик, айниқса, арча жуда кўп экилди. Солижон акага бир куни: «Мени кечиринг, таклиф киритсам майлими, бир чеккага ёнғоқ ҳам экиб қўяйлик», дедим. Гапимни ерда қолдирмади. Канат йўлининг бир ёнбошига қатор ёнғоқ эктирди. Ҳозир улар шиғил мева бериб ётибди...

Халқдан ҳол сўраш

Солижон ака кутилмаганда хонадонларга кириб борар, ҳол-аҳвол сўрар, уй шароитлари билан танишиб, маслаҳатлар берар эди. Бир куни бизникига ҳам кирибди. Онам билан сўрашиб: «Мени танияпсизми, шаҳар ҳокимиман, қандай ўтирибсиз, камчиликлар борми?» деб сўрабди. Ҳовлини айланиб: «Мана бу ерга икки туп хурмо экинглар», деб чиқиб кетибди. Ҳокимнинг гапи билан уч туп хурмо эккан эдик, икки тупи кўкарди. Ҳозир маза қилиб мевасини еяпмиз...

«Мажлис ёпиқ, тарқалинг!»

Тополина йўлининг чеккасида озгина бўш ер бор эди. 1972 йили у жойни суриб, ер қилиб, ариқдан сув чиқариб, йўлнинг тагидан қувур ўтказиб, атрофини ўраб фойдаланаётган эдим. 1978 йили «Водный узел» одамлари индамай келиб, ўша жойга эллик туп ёнғоқ экишибди. Бир куни ерни ҳайдаб қўяй, деб трактор олиб борсам, ёнғоқлар экилиб ҳам, сувсизликдан қуриб ҳам бўлибди. Мен у ерни бошқатдан ҳайдаб,



яна экин экиб кўйдим. «Водный узел» ходимлари эса экилган экиннинг устини от билан борона қилиб беда сочиб кетибдилар. Ва: «Мамадалиев Ҳошимжон эллик туп ёнғоқни ўлдирди. Ё тўласин, ё уни судга берамиз», деб устимдан шаҳар ҳокимига хат қилибдилар. Мени чақирув қоғози билан ҳокимиятга чорладилар. Келдим. Менга аталган мажлис бўлмоқчи экан. Бир пайт Солижон ака ҳам кириб келди ва муҳокама бошланди. Меҳмонов менга қаради-да: «Мамадалиев Ҳошимжон сизмисиз?!» – деди. Ҳар куни бирга бўлсак ҳам, Солижон ака фамилиямни билмас экан. У мажлис қоғозларини кўлига олиб кўздан кечиргач: «Мажлис ёпиқ, ҳамманглар тарқалинглар», деди. Мажлис раиси: «Солижон ака, сиз бу кишига тегишли қоғозга – прокурорга берилсин ё пули ундирилсин, деб имзо чеккан эдингиз», деди. «Мен адашибман!» деди у ва телефонда «Водный узел» бошлиғи Ваҳобжонни чақирди. У бирпасда етиб келди. Меҳмонов Ваҳобжонни сўроққа тутди:

- Бу йигитни танийсизми?
- Ҳа, танийман.
- Ишга буюрсангиз ёрдам қиладими?
- Ҳа, ҳар доим ёрдам қилади.
- Танисангиз, нима учун бунинг устидан хат қилиб юбордингиз?! Ўғрилар, безорилар қанча, уришган-хулиганлар қанча! Шуларни ёзмайсизми?

– Кечиринг, мен бу хатдан беҳабар қолибман. Бу бир-икки тушунмаган ходимларнинг иши, Ҳошимжон, кечиринг, – деди Ваҳобжон.

Ҳеч кимга малол келмаган инсон

Инсоф – Солижон аканинг шиори эди. Унинг буюрган иши ҳеч кимга малол келмас, чунки жуда зийрак йўл тутар, айтганини минг рози бўлиб адо этардингиз. Бир куни шошиб кетаётсам, Солижон ака йўлимни тўсиб чикди.

– Қаёққа кетяпсиз, – деди у.

– Мол соғамиз-у, қаймоқ емаймиз. Жалол-ободга сепаратор сотиб олгани кетяпман.

– Ўринбой! – ҳайдовчисини чақирди у, – Ҳошимжонга сепаратор сотиб ол-да, уйига олиб бориб бер! – деди.

Мен 52 сўм пул бердим. Ўринбой менинг ишим билан кетди. Ўзим эса боғнинг ичида Солижон ака айтган юмушни минг розилик билан бажариб бердим.

Худо берган қўриқчи

1978 йилнинг феввалида уч кеча-уч кундуз қор ёғди. Биз икки кеча-кундуз ухламай, сув омбори ва Тополина йўлларини қордан тозалаб турдик. Солижон ака ҳар икки соатда бизни текшириб турарди. Атрофдаги қишлоқ, туманларни қор босиб, ҳаракат тўхтаган, бизда эса пиёдалар ҳам, машиналар ҳам боягидай қатнайвердилар. Мактаб, боғчалар ҳам бирдай ишлайверди.

Солижон ака Хонободнинг ҳеч қачон тинмай-диган, ҳеч қачон ухламайдиган, худо берган қўриқчиси эди...

У ҳисобли дўст эди...

Меҳмононов бир куни Тополинага келиб, одамларни йиғиб гаплашди. Шаҳар олдин қандай эди, бугун қай даражага эришди, биргалашиб эслашдик. Бу кунга етиб келгунча хонободликларнинг қилган ишларини Солижон ака биттама-битта санаб берди. Бу шаҳарнинг одамларидай меҳнаткаш, ватанпарвар инсонлар кам бўлишини эҳтирос билан изҳор қилди, раҳматлар айтди. «Биз ҳам бундай одамларни қадрлашга имконият етганча ҳаракат қиламиз», деди. Ва кимда қандай илтимослар борлигини сўради. Одамлар арзи ҳолини айта бошлади. Оқсоқол «ёзинг» деганини ёрдамчиси хатга тушириб турди. Мен ҳам: «Томимизга қора қоғоз ёпганимга олти йил бўлди, менга шифердан ёрдам қилсанглар», дедим, Солижон ака «ёрдам қиламиз» деди. Шу аснода бир қўшним ўрнидан туриб: «Ҳошимжон билан ўттиз уч йилдан бери қўшничилик қиламан, у менга нима яхшилик қилди?» деб қолди. Солижон ака ноҳуш бўлди. Ҳалиги одамни ёнига чақирди ва: «Оқсоқол, ёшлигингизда касбингиз нимаиди? Худо сизни нега бундай тор қаритди?!» деди. Ўрнидан турди-да: «Бундай қилсанглар келмайман!» деди ва кетиб қолди. Одамлар ҳалиги одамни ўртага олиб, танбех берганларича қолишди.

Лекин ижроқўм менга 200 та шифер ёрдам қилди, томимни ёпиб олдим...

Қадрингга етганнинг садағаси бўл!

Қайси бир йилнинг кузи эди. Ҳамма шолисини ўриб олди. Мен эса давлатнинг иши кўпайиб, шолимга ортинолмаяпман. Иш, иш! Прораблар икки соатга сўраб, тўрт соат ишлатадилар. «Стадионни тозала», уни тугатмай туриб, «Кабель заводига бор», «Товуқхонага бор», у охирламасдан янги буйруқ келади: «Йўлга асфальт ёй!»

Шоли эса ётибди! Бир кун Солижон акага: «Ҳамма шолисини йиғиштириб бўлди, менга таътил беришмаяпти, шолимни ҳайвонлар еб ётибди, нима қилай?» деб маслаҳат солдим. Солижон ака дарров «Водный узел» бошлиғига қўнғирок қилди. «Тезда ишчиларингиздан Ҳошимжонга ёрдам қилинг», — деди. Уч киши чиқиб, бир кунда ўриб берди.

Отам ҳам яхшилик қилса, шунчалик қилардида, ахир!

«Сизга туя беришим керак эди!»

1981 йилги шаҳар юбилейида Меҳмонов менга соат совға қилди. Орқасига: «Ҳошимжон, яхши ишлаганингиз учун мен сизга туя беришим керак эди, ҳозирча соат тақдим этдик», деган сўзлар ўйиб ёзилган экан. Бу эътибордан мен нақ туя олгандай бўлдим...

Менинг меҳр изҳорим

Автобаза ёнига уйлар қура бошладик. Солижон ака: «Шу уйлардан битта коттежини олинг, хоҳлаган шаклингизда қуриб берамиз», — деди,



унамадим. «Ариқ бўйидан чек олинг», деди, унамадим. Беш қаватли уй қурилди, шундан олинг деди, кўнмадим. Бола-чақа катта бўлар экан, ҳозиргидай, уй-жой танқислиги бўлар экан, энди гоҳо аттанг ҳам қилипман. Аммо юрагимга кулоқ солсам, мен ўша пайтда у инсондан барибир ҳеч нарса сўрай олмасдим. Солижон акани дилдидан хурмат қилар, яхши кўрардим. Унинг айтган ишини дарҳол ижро қилишим менинг унга меҳр изҳорим эди.

Қўчқор совға қилдим

Хонобод юкумли касалликлар касалхонасини қура бошладик. Янги маҳалла лойиҳаси бўйича йўл чиқардик. Асфальт қилдик. Қаттиқ ишладик. 1983 йили ижрокўм менга умр бўйи чанг ютиб, кесак чангаллаб келаётганингиз учун деб ўз баҳосида ГАЗ – 24 берди! Мен эса шаҳарга бир қўчқор совға қилдим! Уни бозор билан ҳунар коллежи ўртасидаги йўл ҳашарига сўйиб, ҳашарчиларни меҳмон қилишди.

Дунёда Солижон акалар кўпайсин!

Орадан йиллар ўтди. Кейинчалик бизнинг идора (СМУ-2) Қорасувга кўчиб кетди. Бу орада Солижон ака ишдан бўшаб, иккинчи марта қайта сайланди. Қайта сайланганининг иккинчи йили оқсоқол ортимдан бориб, мени раҳбаримдан сўраб, шаҳар коммунал хўжалигига қайтариб, ишга олиб келди. «Ҳошимжон, ўзингиз қурган шаҳар, ўзингиз эккан кўчат ва гулларингиз,

суғориб, сув сепиб юрасиз. Сизга янги «Т-40» русумли трактор келтириб қўйдим, шунда ишлайсиз», — деди.

Эрталаб соат бешда махсус захирадан сув тўлдираман. Шаҳарнинг ҳамма йўлларини, ижрокўм биносининг олдиларини ювиб чиқаман. Белгиланган ерларга сув сепаман. Кун қайтиши билан бочкага сув тўлдириб, сув етмаган кўчатларни, гулларни суғориб чиқаман. Меҳмонов питомника бориб ер ҳайданг ёки чизил қилинг, гул уруғи сочамиз деса, тракторнинг орқасига бочканинг ўрнига агрегатларни ўрнатиб, қандай иш буюрилса, шуни қилавераман.

Қишда тракторнинг олдида отвал-қор курагини иламан. Қор ёғди дегунча ҳамма тайёргарликларни қилиб, уйга бормай, ижрокўм биносининг орқасидаги махсус хонада фавқулодда топшириқни кутиб ўтираман. Қор икки энли бўлиши билан Меҳмонов: «Чиқинглар, йўлларни, майдон-хиёбонларни тозаланглар», дейди. Кечасию кундузи қор тозалаймиз. Қор тўхтаса, мактаб стадионларининг қорини курашга тушаман. Қишин-ёзин шундай, зерикиш йўқ. Кун қандай ўтганини билмай қолардим.

Меҳмонов билан ишлаган кунларимни эласам, кўнглим нурланади. Бор-йўғи оддий тракторчи бўла туриб, шаҳар ҳокимидай инсоннинг ишончига, ихлосига сазовор бўлганим, давраларнинг тўрида у киши билан ёнма-ён ўтирганим, қўлларида раҳматномалар қабул қилганим оилам олдида, ҳамшаҳарларим олдида бўйимни қандай ўстирганини билсангиз эди!



Солижон акадай одамлар дунёда яна бор-
микин, ишқилиб, бундай инсонлар яна ва яна
туғилаверсин-да!

Хаётимнинг энг мазмунли қисми Солижон
ака билан бирга ишлаган пайтларимдир. Уни
Аллоҳ раҳмат қилсин!

Хонободликлар кўк кийсинлар!

Сухбатлашиб ўтираркаимиз, хонободлик бир
ойим кўз ёшларини пешма-пеш артар экан,
ҳазинлик билан деди: «Хонободда бирор дарахт
кесиладиганини кўрсам, менга худди Солижон
аканинг оёқ-қўли кесиладигандай туйилаверади,
ўзимни тутолмай қоламан!»

Аёлнинг бу гапидан мен ҳам ўзимни тутол-
май қолдим. Кўзларимни аччиқ куйдириб нам
келди. Аллоҳ «мен инсонга бошқа ҳеч қайси
мавжудотга бермаган имкониятни, яъни йўқдан
бор қилишни бердим», деди. Демак, йўқдан бор
қилиш банданинг қўлидан келадиган, Аллоҳ
юқтирган эп, уддадир! Солижон ака ўшандай —
худо эп юқтирган инсон эди.

Инсонга қодирлик берилди! У бор жойда, де-
мак, нималардир яралиши, барпо бўлиши, бино-
га келиши керак. Инсон табиятан вужудга кел-
тирувчи, уюштирувчи, ташкил этувчидир. Аммо
тарихда қанчадан-қанча шаҳарлар, иншоотлар,
ихтиролар, китоблар худди шу инсоннинг қўли
билан яксон ҳам қилинган.

Биродар, борни йўқ қиладиганнинг оти ни-
ма?! Менимча, «бадбахт»! Уларга бошқа ном

топа билмадим! Бундайлар қандай отадан тарқалади ўзи? Онаси қарғиш олган боладангина шу юзи қароликни кутиш мумкин! Бордан йўқ қилишнинг оти УВОЛ, ИСРОФ! Азиз китобхон, бир-биримизни огоҳ қилайликки, агар сизу мен инсонлар яратган ёки Аллоҳ берган жонлиқ жонсиз неъматларни увол қилсак, исроф қилсак, бу етти сулоламизнинг омади, баракотини пайҳон қилибмиз деганидир!

Ростини айтсам, Солижон акадан кейинги Хонободни мен чарчоқ кўрдим. Қурий бошлаган арчаларга кўзим тушди, юрагим сидирилди. Солижон ака одам билан тиллашгандай сўзлашиб, бағрига босиб, силаб-сийпалаб улғайтирган талай дарахтлар кесилиб кетибди. **Бу хонободликлар кўк кийса бўлгудай мотам ҳолатидир!** Бу ердаги ҳар бир туп дарахт, ҳар бута бу ерликларнинг фарзандидай гап. Вақтлар бўлган, ўз болаларига ёлчителиб қарамасалар-да, бу дову дарахтларни астойдил парвариш қилганлар, иссиқдан, совуқдан сақлаганлар! Ўғил-қизларининг бошларини силаш кўнгилларига сиғмаса ҳам, бу гулларнинг ҳар бир тупини ўпиб асраганлар! Хонободда дарахт ўринсиз кесилса ё қуриса дарахтга эмас, хонободликлар шу дарахт билан бирга кесиб ташланаётган ўз умрларига йиғласинлар! Ва тасаввур қилсинлар, Хонободнинг бугунги қуриётган ҳар бир дарахти, эътиборсиз қолаётган ҳар парча жойини кўрса, Солижон ака қай аҳволга тушарди, нималар деб дод соларди?! У бекордан-бекорга битта синган гулга одамларни «вой гулим»лаб йиғлатмаган! Бу гуллар гул-



га айлангунча Солижон аканинг умрлари кулга
айланиб кетди-ку! Уруғ излаб, кўчат дараклаб
шахарма-шахар кезиб юришлар, кимгадир ўзини
«оға» сайлаб, кимгадир «кулчилик» қилиб, минг
хил ранг, минг оҳангда гапириб, тош одамлар-
ни эритиб, илон кимсаларни зарарсизлантириб,
гоҳ самолёт, гоҳ поезд, гоҳ аравада, йўл йўқ
жойларда эса от-уловларга юклаб Хонобод учун
чумолидай нарса ташишларнинг баҳоси қанча
туради?!

Биродар, одам билан одамни солиштирайлик.
Уларнинг аълоларини табаррук билайлик, ўлмай
туриб, ёнимизда турганда азиз кўрайлик, тавоф
қилайлик! Улардан ўрганадиган, оладиган ибрат-
ларни олиб қолайлик!

Худо берган хосият

Дунё мўъжизалари инсон қиёфасида ҳам
намоён бўлади, ўшаларнинг биттаси Солижон
Меҳмонов эди! У нима учун бундай ёниб, бетоқат
яшади? Мукофот учунми? Ёки бу боғларнинг бир
чеккасидан боламга жой қилиб оламан дебми?
Ё дарахтлари етилганда аста-аста сотиб ейман
дебми? Асло! Асло! Тама, моддиюнга хирс деган
нарсани у одамга елимласангиз ҳам ёпишмас
эди. У халқнинг кайфиятини кўтариш учун яша-
ди, одамларни гўзаллик яратишга, уни асрашга
ўргатиш учун нима бўлса бўлиб меҳнат қилди.
У ўз халқини гулларнинг орасида, боғларнинг
орасида, роҳатнинг бағрида яшашини кўргиси
келди, шуни жуда-жуда хоҳлади!



Бошимга бир савол урилаверади: Солижон ака нега меҳнат деган нарсага, яшиллик деган нарсага бу қадар мубтало бўлиб яшади? Балки битта етимнинг қўлидан нималар келишини синегиси келдими ёки ўксик болалигининг армонларига қасдма-қасд катта ишларга, катта орзуларга етишмакни астойдил орзу қилганмикин?

Балки Иккинчи жаҳон урушининг у бошидан кириб, бу бошидан чиққунча неча ўлиб, неча тирилгандир. Ўз ерининг, ўз тилининг, ўз халқининг соғинчида «ўлмай юртимга қайтсам, она тупроғимнинг фидоси бўлиб хизматини қилай» дея йигитчасига қасамёд қилгандир!

Балки уни шундай пийсабилло меҳнаткаш, яхшиликпараст қилиб қўйган унинг қонидаги тоза зотидир, отасининг ижобат бўлган васиятидир.

Баъзан эса, у эмас, бу эмас, у инсонда сизда, бизда йўқ бир хосият бор эди, дегим келарди. Мана бир суҳбатдаги гапларини эслаяпман: «Гоҳида қоронғи азонларда бу дарахтзорларни ёлғиз кезар эканман, юрагимни кўрқув босгандай бўлади! «Хўв, Солижон, жонинг битта бўлса, оға-ининг бўлмаса, Бутун Хонободни бошингга кўтариб тўполон қилиб, ҳаммани оёққа турғизиб, нечтасининг гашига тегиб юрибсан. Тинчи бузилган кимсалар бир куни хилватга тортиб ёқангдан олса, нима қилоласан?!» дейман ўзимга. Шунда атрофимдаги дарахтлар тилга киради, ҳа, ҳа ишонаверинг: «Кўрқма, асло кўрқма, биз бормиз, бизнинг қадди-бастимизни кўрмаяпсанми, биз сенинг ҳимоячингмиз» деган овозларни эшитаман».



Мен у кишини телефильмга оляпман. Ок қайинзор оралаб юрибмиз. Солижон ака мени мутлако унутиб юборгандай атрофга термулар, гўё нигохлари билан ҳар бир дарахт билан сўрашар эди. «Турсуной, синглим, мана бу гўзалликни кўринг (дея у бир оқ қайинни икки қўли билан астойдил ачомлаб олди-да, кўзларини сурур билан юмди) сиз ҳам уни бағрингизга олинг-а, унинг юрак уришини эшитасиз», — деди...

Шундай, биродар, унинг юрагининг қулоғи бор эди — табиатнинг биз эшитмаган садоларини эшитар эди. Унинг инсоний тилидан бошқа яна бир тили бор эди — гуллар, дову дарахтлар билан гаплашар эди! Бу унга худо берган ишқ, худо юктирган хосият эди! Эҳтимол, унга жами ғайрат, шиддатни узатиб турган ҳам шу хосиятдир...

Уларнинг Солижон акаси йўқ энди...

Мазкур рисолани якунлаш олдидан Хонободнинг боғида айланиб юрибман. Меҳмонов даврида шаҳар бош архитектори бўлиб ишлаган Омаджон менга ҳамроҳ бўлди. Аста кезар эканмиз: «Мана бу жойга 360 туп оққайин эккан эдик. Солижон аканинг шахсан ўзи кадамлаб юриб, «бу ерга, энди бу ерга экасан», деб кўрсатиб турган. «Кўрасиз ҳали, бу ер «берёзовая роща» деб аталадиган, гўзал қайин ойимлар яшайдиган макон бўлади!» — деган эди дейди Омаджон. Лекин мен у қайинзорни кўра олмадим. 360 туп оққайин азим мажнунтоллар соясида қолиб кетибди. «Мен мажнунтолни ёмон кўриб



қолдим, опа, – дейди Омаджон, – мана шу мажнунтолларни Солижон ака билан бирга экканмиз. Оққайин бизнинг иссиққа чидамайди, улар куч йиғиб олгунча толлар уларни жазирамадан химоя қилиб туради, деб ўйлагандик. Ёнидан ариқ ўтгани учун аксинча, толлар даҳшатли ўсиб кетиб, оққайинларимиз нурдан айрилди. Унда Солижон ака ўтиб кетганди, бошқалар толларни кесиб, оққайинларни қутқаришга қунт қилмадилар».

Чандон бўйнимни чўзсам ҳам қайинларни кўра олмадим. Ё улар йўқ бўлиб кетган, ё тепадан уларни мажнунтоллар босиб турибди. Олд томондан эса мен отини билмайдиган дову дарахтлар ўсиб, тўқай ҳолатини олган, унинг ичига одам тугул ит-мушук ҳам кира олмайди. Қулоғимга эса оққайинларнинг охи келади! Энди уларнинг чорловларини эшитадиган, уларга йўл топа биладиган Солижон акаси йўқ! Уларни «вой боламлаб» қутқарадиган Солижон боғбони қани энди?! Бағирларига бош қўйиб, юрак уришларини эшитадиган Солижон ошиғи йўқ энди уларнинг!!

Мени Хонтоққа олиб бормадилар

Китобни якунлар эканман, жуда ҳам Хонтоққа боргим келди. Унинг устига мен суҳбатлашган ойимлардан бири: «Болаларим билан айланиб чиқсам, меҳмонлардан бир тўпи Хонтоғда Солижон аканинг хақиға Қуръон тушираётган эканлар», деб қўйди, юрагим бир орзикди! Хонободга кела солиб ўша ёққа олиб боришларини сўрадим.



Чунки Солижон ака ҳақидаги суҳбатларнинг аксариятида «Хонтоғ» деган сўз кўп эсланар эди.

Солижон Меҳмононов заводга директор бўлгач, биринчи бўлиб шу тепаликни ўзлаштирган экан. Яъники, завод ишчилари учун бу ерни дам олиш маскани қилишни режалаштирган. Профилакторий қурган, унга емакхона, чойхона дегандай ором олиш, дам олиш иншоотларини улаб бораверган. Қарангки, Солижон ака худонинг берган кун ишчиларини автобусларга ўтказиб, тушликка шу ерга олиб келар экан. Врач, ҳамширалар хизматларига шай турар экан. Қирғизистоннинг аллақаерларидан шифобахш лойгача келтириб қўяркан. Ишчилар бу ердан ҳам тушлик қилиб, ҳам даволаниб, ҳам дам олиб ишга қайтар эканлар. Ижроқўмга раис бўлгач, бу ерни янада обод қилади, қарабсизки, энди Хонтоққа бошқа вилоятлардан ҳам дам олувчилар кела бошлайди...

Менга ҳамроҳ бўлган Солижон аканинг сафдоши, шогирди, ўша пайтларда Хонободда бош архитектор бўлган Омаджон мени Боғибаландга, «хонободликларнинг оналари ҳайкали» турган жойга, жаҳон андозаларига мос келадиган беш юлдузли санаторий қурилишига, шаҳар боғига олиб борди. У деб, бу деб чалғитди-ю, лекин Хонтоққа олиб чиқмади. «У ёққа чиқмай қўя қолайлик, чарчаб қолдингиз, опа», – деди... Ўзи ҳам хомуш эди. Шоир юрагим билди: бу ерда бир гап бор! Агар чиққудай бўлсам, йиғлаб ётган Хонтоғни кўрсам керак! Мен ҳам йиғи солиб юбормаслигим учун Омаджон у ерга олиб чиқмади шекилли...

Боғни асраб қолинг, хонободликлар!

Боғнинг ичида, биллурий ариқлар бўйида зич дарахтлар ўз ҳолича ўсиб турибди. Худди анвойи гулларга печак илашса, ўраб-чирмаб, барг ёзгани қўймагани каби, махсус ҳисоб-китоб билан экилган ҳар бир ноёб дарахтнинг ёнида ўн ёввойи, тасодифий дарахтлар ўзича жойлашиб олган. Уларнинг орасида Солижон ака Украинадан елкасида ортмоқлаб келтирган, аммо санокли қолган қимматбаҳо липалар ҳам бор. Улар қанот ёзолмай, ингичка, узун кўринишда, оҳини осмонгагина айтиб сўппайиб турибди. Агар ён-веридаги кераксиз дарахтлар олиб ташланса, битта липа юз кишига соя берадиган шаклга кираркан. Қойил қолиш керакки, боққа кирсангиз, ҳавонинг ширинлиги ва тозалигидан димоғингиз ёрилай дейди. Боғнинг шу туришида ҳам одамлар соғиниб, талпиниб келяптилар экан, биз жуда кўп сайр қилиб юрган кишиларни кўрдик. Боғ маданий кўринишдан ёввойи кўринишга ўтиб қолибди. Нега уларга бу боғнинг асл тиллоларини ажратиб, жаранглатиб кўрсатмаймиз? Чакалакзорларни йўқотиб, дарахтларнинг орасини очиб, ёлғизоёқ йўллар солиб, ўриндиқлар қўйиб, нега бу ноёб, мазорбосди дарахтларни одамлар билан кўриштирмаймиз?!

Хамма Солижон ака бўлолмаслиги тўғри! Ҳашар деган нарса хонободликларнинг жонига тегди ҳам дейлик! Майли, адирларни янги-янги ўрмонзорларга айлантириш қийиндир! Аммо давлатнинг бир тийини ҳам сарфланма-



ган, фақат хашар йўли билан, Солижон ака-нинг қоврилишлари, халқнинг салб юриши билан бино бўлган боғнинг орқага кетишига қараб турган хонободлик хонободлик эмас! У ўз тузлуғига тупураётган номақбул фарзанд! Ахир, катта-катта шаҳарларга насиб этмаган ноёб боғ уларнинг қўлида турибди, уларнинг исмида турибди. У қўлингизда туриб айниб кетса, нураб кетса майлими, ахир?! Ҳеч қачон бу боғларда подшолар келиб елпиниб ўтирмайди. Ҳокимлар салқинлаб юрмайди. Сизнинг болангиз, набирангиз, соф ҳавони дори билган ота-онангиз келиб дам олади. Ҳамма жойда боғ боғдай яшайди, аммо Хонободнинг боғи шифохона, Солижон ака эккан ҳар бир дарахт – доктор! Сиз уни ташлаб қўёлмайсиз, хунуклашиб кетишига йўл қўёлмайсиз ахир! Ўз пешона терингиз, ўз қўлингиз билан яратган қўлбола боғингизни асрай олинг, хонободликлар!

Тошкентдаги Ҳазрати имом мажмуасига йўлингиз тушгандир. Бу гўзал майдонга турли юртлардан турли кўчатлар келтирилибди. Боғбонларининг лаҳжасига қулоқ тутаман: «Ҳали бу ниҳоллар улғайса, бу ерлар эртакка айланиб кетади», – дейишади сурурланиб. Хонободга эса булардан-да гўзал дарахтлар аллақачонлар келиб, улғайиб, камолга етиб бўлган! Хонободликларнинг нақд бойлиги у! Фақат улардан хабардор бўлиб турилса бўлди! Шу бойликлари қўлларидан кетиб қолмаса бўлди! Бу ерликларнинг болаларидан илмилар, омадлилар кўп чиқсин. Бола-чақаларидан

ортиниб, ҳамюртлари, она маҳаллалари, она қишлоқлари, Хонободларига ҳимматлилар кўп чиқсин! Ғайратини белига боғлаган, ўзини Алпомиш чоғлаган, чўнтагида олтини бўлмаса ҳам ориятини олтиндай асраган юртпарастлар ярашади Хонободга!

Хонободнинг уфқига ботган қуёш

*«Солижон» деб имзо чекди-ю,
«Хонобод» деб қўйди сарлавҳа*

Бир барги хазон учса, юрагинг зил кетади. Кечагина ҳаёт тўла куртак эди-я, дейсан. Бу ёғига ҳисобсиз баҳорлар келаверишини, гуркираган барглар унаверишини ва яна айланиб сонсиз кузакларга таслим бўлаверишини, аммо қўлингдаги сарғайган баргнинг айнан ўзи энди ҳеч қачон такрорланмаслигини билиб турасан, ичинг узилади.

Айвонингдаги қалдирғочлар учиб кетса, юрагинг хувиллайди, гўё у энг ширин бир нимангни олиб кетгандай... Осмондан тизилишиб турналар ўтса, гўё улар эмас, сен кетаётгандай тўкилиб видолашасан...

Хонободдан эса киру адирларни титратган, ҳамшаҳарлари қалбида тоғдай обрўга эга бўлган, сояси бутун Хонободни салқинлатган, Алпомиш десанг дегудай инсонмисан инсон кетди, қайтмас бўлиб кетди! Унинг феълида Мажнуннинг жунуни, Фарҳоднинг фидойилиги, Алпомишнинг келбати, шижоати ва тоймасликлари бор эди. У тириклигидаёқ у ҳақида афсоналар юрар эди.

«Солижон ака яна бир иш қилибди...» деб бошланадиган хикоялар кунда, кун орада бўлиб турарди... Андижоннинг Солижони битта эди, битта жони доим ўтда, ўтда эди...

Ҳовлисига тўрттагина кўчатни ярашадиган қилиб эколмаган қанча! Экса-да, уни куришиб ўйнаган қанча! Гул билан қорин тўядими, аввал емиш керак деганлар қанча! Остонасидан шарқираган сув ўтиб турса ҳам, дарвозахонаси саҳройи кабир бўлиб ётадиганлар қанча! Солижон Меҳмонов эса битта ҳовли, битта кўча ё биргина боғ эмас, бутун бошли БОФ-ШАҲАР яратиб кетди. Эртаклардагидай бу шаҳар Ўзбекистоида ягонадир! Солижон ака элга, Ватанга фарзанд бўлиш илми қандайлигини ўргатадиган мактаб қолдириб кетди! Эркин Воҳидовда шундай шеър бор:

*Уфқларга қўйиб гулдаста,
Тоғ ортидан кўтарди-да бош,
Аста боқди чўққидан пастга
Олтин қалам тутган бир наққош.*

*Ҳар нуқтага сайқал бериб у,
Водий узра чизди зар лавҳа,
Сўнг Қуёш деб имзо чекди-ю,
Тонготар деб қўйди сарлавҳа, –*

деган жойларини «Солижон» деб имзо чекди-ю, «Хонобод» деб қўйди сарлавҳа» дея айтгим келаверади.

Бизнинг заифлигимиз шундаки, унинг тириклигида ўз баҳосини ўзига айтолмадик, бўйларини бутун Ўзбекистонга кўз-кўз қила олмадик! Ҳали

вақт ўтган сари хуморлари тутади, ҳозирданок ўрнилари ўпирилиб турибди! Солижон акалар хизрнамо воқеликдир – учраганга учрайди, камдан-кам бинога келади! Бундай одамлар тарихнинг олтин varaқларидир!

* * *

Фильмга олишни якунлаган кунимиз кун кеча ўғил уйлаган фаол аёл Мавлудахоннинг келинчагини қутлаб ўтгани кирдик. Солижон аканинг кириб келаётганини кўриб, уй эгаларининг бошлари осмонга етди. Таомилга кўра келин саломга чиқди. Солижон ака келинчакнинг пешонасидан ўпиб, дуога қўл кўтарди. Алланечук бўлдим! Хонободнинг тарихи билан келажаги кўришиб тургандай!

Солижон ака овоз чиқариб, Тангридан бу оилага толе тилайди. Мен эса юракларим ивиб, овоз чиқармай, дилим билан келинчакка мурожат қиламан: Келин ойим, келин бегим, келин болам! Чиллали остонангда туриб тилайин – рўпарангдаги одамнинг дуоларини юрагингга бос, шарофатли изларини кўзингга сурт, илоҳим, тану жонинг соғ бўлсину Хонободга, Андижонга, Ўзбекистонга, миллатга Солижон акадай ўғлонлар тортиқ эт, увишиб турган юракларимизни яна кўкартир, отлар ўрнини тойлар боссин!...

Хўшлашиб чиқар эканмиз, Солижон ака менга «ана у ёққа қаранг» деди. Шом туша бошлаган, яримта олтин товоқдай куёш Хонободнинг уфқига оловланиб ботиб борарди.

Бу жуда гўзал якун эди...

Сўз охири

«... Яхши фарзанд қолдирган инсонларнинг номаи аъмоли ёпилмайди» деган Ҳадиси шариф бор. Бу дунёси ҳаммага армонли: ақлинг тўлиб, пулинг кўпайиб, яхши-ёмонни ўлчайдиган тарозинг тўғри ишлай бошлаганда, имонинг уйғониб, савобингдан гуноҳларинг кўп эканлигини тан олганингда ва қарзларингни узмоққа бел боғлаганингда, бундоқ қарасанг, онанг аллақачон тупроққа кириб, отанг аллақачон кўмилиб бўлган бўлар экан. Аммо ҳадис уқтирмакда: бандаси ўлгач, унинг савобу гуноҳлари ёзиладиган дафтар ёпилади. Лекин кишининг ортида қолган фарзанди яхши ишлар қилса, яхшиларнинг ишларини давом эттирса, элдан дуо олиб яшаса, солих фарзандлари туфайли уларнинг номаи аъмоллари ёпилмай, савобларига савоб қўшилиб турар экан. Шу тарзда биз ота-онамизнинг у дунёси роҳатли бўлишига сабаб бўлишимиз мумкин экан!

Инсон бўлиш қарздор бўлишдир. Биз атрофдан, яъни сувдан, ҳаводан, қуёшдан, тупроқдан, одамлардан, отамиз-онамиздан олган неъматлар эвазига ўлмай, синмай, камолга етиб борамиз. Нималарнингдир йўқ бўлиши ҳисобига биз бор бўлиб яшаймиз. Бу буюк қарздорликдир! Бу қарзлардан узилмагунча ўлолмаймиз. Илоҳим умр берсин, ўлмай турайлик, бурчларимизни адо этиб қолайлик, йўқса, жавоби оғир келади!

Биродар, ота-онамизнинг ҳам ўз қарзлари бўлган бўлиши ва қанчаси бўйниларида кетган



бўлиши мумкин. Хўш, уларни бу юкдан қутқазиш мумкинми? Мумкин. Фақат орқаларида қолган яхши фарзандларнинг яхши ишлари билангина!

Онамизнинг киндик қони тўкилган, болалиги ўтган жойларга икки туп терак экиб келдикми? Отамизни ўстирган маҳалланинг тупроқ кўчасига бир машина шағал тўкиб қўйдикми? Амаки-тоға, амма-холаларимизни ёлчитиб йўқлаяпмизми? Ўшаларнинг ҳаммасида ота-оналаримизнинг қарзи турган бўлса-чи?! Ўзимизнинг қарзларимизчи? Ҳарф танитган мактабимизнинг ҳеч бўлмаса ариқларини тозалатиб, ақалли дарвозасини мойлатиб қўйдикми? Ва ҳоказо! Солижон ака эса хонободлик минглаб фарзандларнинг қарзларини узишга қасд қилган солиҳ зурриёд эди. Яна: «Сизга нима берсак, касбу корингиздан берурмиз», деган ҳадис бор. Ўзи шуғулланиб турган ҳунари, мансаби, вазифасини сидқидилдан адо этиш ҳам ибодатдир! Солижон Меҳмонов дастлаб заводда аравакашлик қиладими, директор бўладими, ижроқўмнинг раиси бўладими – ихлос билан, демакки, имон билан хизмат қилди. Тангри унинг меҳнатларини ибодат ўрнида қабул этсин, охиратини обод қилсин!

Яқингинада Хонободга бориб бир ҳолатдан кўнглим таскин топди: вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов Хонободга беш-олти марта устма-уст келибди экан. Шаҳарни бошдан-оёқ пиёда айланибди. Туман ҳокимлиги билан ўттиз беш вазифадан иборат режа тузилибди. Фаолларни йиғиб, худди Солижон ака давридагидай қатъий сафарбарлик билан юмушлар тақсимланибди.



Минг шукрлар бўлсинки, Хонободнинг чиройи очилиб, одамларининг юзлари ёришиб қолибди. Миллион-миллион пуллар яна сув чиқариш, ободонлаштиришга сарфланяпти экан. Бу ишлардан миннатдор халқ вакиллари мени кўярда-қўймай Боғибаландга олиб чиқишди. Ета-етгунча зиналар таъмирланган, чор атрофга янги ёғоч ўриндиклар қўйилган, кўкка етгудай чархпалак одамлар тўла айланиб турибди. Халинчақлар аввалгидай ишлаб, ёнбағирликда отўйинлар айланыпти. Осма арқон йўллар дам олувчиларни адирлар узра сайр эттириб, учуриб юрибди. Меҳмонлар кетма-кет келяпти, одамлар гўзал қўшиқлардан роҳатланиб, музқаймоқлар еб ўтирибдилар. Сувларнинг шарқираб оқиб ётишини айтмайсизми! Атрофга қараб туриб, ёпирай, дунёнинг томига чиқиб олибманми дейсиз! Тўрт тараф кафтингизда тургандай!

Вилоят ҳокимлигининг, қолаверса, уларнинг топшириқларини чиройли адо этган туман ҳокимлигининг худо хайрларини берсин. Бу элнинг дуоси! Улар дуо олиб, аввало, ўз фарзандларининг йўлларини очмоқдалар, оналарининг иккала дунёси учун савоб йиғмоқдалар, қолаверса, ўзларининг фарзандлик, инсонлик, йигитлик қарзларидан фориғ бўлмоқдалар. Одамзоднинг қидирган ва топган асл бахти ҳам шу. Ўзбекистоннинг камоли мана шундай фарзанди солихлар қўлидадир.

2008 йил

МЕН КИМНИ СЕВДИМ?

*Ушбу рисола
отам Абдурахим Муҳаммадсиддиқ ўғли,
онам Эргаишхон Абдужаббор қизининг
руҳи покларига бағишлайман*

Муаллиф

ЖОНИМНИ ИВИТИБ ЙИҒЛАЙМАН ...

Ёшинг улғайган сари бир дард кучайиб бораркан: вақт сени чангаллаганича визиллаб учиб бораверади. Атрофинг тўла етишган орзуларинг, бола-чақанг дегандай, боқиб тўймайдиган бир ҳолат! Аммо, аммо юрагинг мўлтираб орқага қарайверади. Ўзинг-ку яшин тезлигида кетиб боряпсан, лекин эллик-олтмиш йил бурунги болалигинг – эрта баҳорингни эслайверасан, хотирангни тинмай вараклаб, хаёлингни зир югуртираверасан. Нега шундай экан? Ўттиз, қирқ ёшим ҳам энг гуллаган даврим эди-ку дейман. Йўқ, мен айнан ўша ялангоёқ юрган кўчаларимни кезгим келаверади. Ё ўзим билмаган ҳолда у ерлардан йўқотган дуру гавҳарим – онамни, отамни қидираманми, ё у давр кўз очиб кўрганим – бу ёруғ оламни илк бор танитгани учун ҳам ўта қадрлими? Билмам нега, аммо мен ўша пайтларни жуда, жуда соғинаман. Ҳар соғинганимда



юракларим эриб, окиб бораётгандай, қаддимни кўтаролмай қоламан. Билсангиз, ҳар сафар йиғлайман, кўз ёшларим кўзимга эмас, ичимга оқади, жонимни ивитиб, оғритиб, сим-сим йиғлайман...

Ижара ҳовли

Тахминан икки ёшларимдан бошлаб Тошкентнинг эски шаҳарида катта бўлганман. Чорсудан трамвай йўли бўйлаб Чақар томонга ярим бекат юрилса, бизнинг маҳалла эди. Бир томонимиз Кўкмачит, бир томонимиз Қўшмозор деб аталадиган жойлар эди. Биз «Коллективная» дея номланган халта кўчанинг (биз «жин кўча» деб атардик) 6-хонадонида Обид ака деганнинг шаҳар ҳовлисида ижарада турардик. Ҳаникли (анжончасига «обрезли»), токчаларга тўла, каттагина, аммо жуда эски бир уй, бир айвон бизга тегишли эди. Дадамжоним кейинчалик фанерсанерлар билан тўсиб, бу айвонни ҳам уйсифат қилиб қўйганди. Уч сўтихча келадиган ҳовлининг яна икки уйчасида наманганлик Тўхтамурод ака Вера исмли рус аёли билан яшар, яна бир уйда Обид аканинг Фароғат деган бева синглиси ҳам истиқомат қиларди. (Бу аёлни негадир кўни-қўшниларининг болалари ёппасига «амма» деб чакирардик.) Яна омборхона вазифасини ўтайдиган қатор бостирмалар ҳам бор эди. Менинг гавҳар болалигим шу тўкилибгина турган, саҳнида бир туп ҳам дарахти йўқ, одмигина ҳовлида ўтган.

Томдаги баҳор

У пайтлар ҳамманинг томи лойдан бўлгувчи эди. Ва яна шундай эдики, эски шаҳарнинг уйлари бир-бирига занжирдай уланиб кетган, томма-том юриб у маҳалладан бу маҳаллага ўтса бўлар эди. Баҳор келганини бўғотдаги лолакизғалдоқлардан билардик. Томнинг сувоғини янгилашга қурбимиз етмаган бўлса керакки, баҳорда кўкатлар тиззага етгудай ўсиб кетар, менинг яшил майсазорим, бола дилим яйрайдиган маскан шу – уйимизнинг ям-яшил томи эди. Унга чиқиб атрофга қарасангиз, тўрт тарафингиз лолазор, агар шу илонизи лолайўл билан кетаверсангиз, охирига бориб шундоққина зумрад осмонга чиқиб олса бўлгудай туйилар эди. Бу менга чексиз ҳайратлар берарди...

Симфоник оркестр

Уйимизга ёмғир ёққанда кириб кўринг эди! Том сувалмагани боис шунақанги чакка ўтар эдики, эски одеялни тўрт қозиққа тортиб, соябон қилиб, остида отам, онам, мен жон сақлар эдик. Кигизларни (тошканчасига «наमत»ларни) йиғиб қўйиб, сув томаётган жойларга турлитуман идишларни қўйиб ташлардик. Ана ўшанда улардан таралаётган турфа овозларни эшитинг эди, бамисоли симфоник оркестр!

Лекин, сизга айтсам, ўша одми яшашдан, ўша хокисор шароитдан бир умр миннатдорман. Чунки ана ўша кечмишлар сабабли бу ёруғ дунё

неъматлари мен учун кадрли сайланди. Ҳар бир эришув – қувонч, ҳатто чит кийсам-да, кайфиятим байрамона бўларди. Умрим бўйи исмим Шукрона бўлди, рўпарамдаги ҳар неъматни мукофот деб билдим. Гоҳида «Яшасин эҳтиёж!» дегим келади, чунки у мени ҳаётдан хузувланишдай бахтга жуда эрта сазовор этди...

Қўшни опоқилар

Уларни шунақа кўп эслайманки! Эвоҳ, эвоҳ, эшитишимча, барчалари ўтиб кетибди экан. Илоҳо, мазкур ёдлашларим руҳларини шод этаётган бўлсин! Тожи опоқи, Кимё опа, Ҳикоят кеннойи, Ўғил опоқи, Ҳалима опоқи, Башорат опоқи, Қумри кеннойи, Меҳри хола, Қундуз опоқи, Ҳабиба опоқи... Уларни ҳар сафар она-жонимнинг юзидай аниқ-тиниқ эслайман ва жуда кўргим келади! Бу опоқилар ҳаммаси туб тошкентликлар бўлиб, бежалган-тежалган рўзгорли, ўзларига тинч хонадон бекалари эди. Улар қадимий Тошкент анъаналарига жуда содиқ, бир-бирларига юмшоқ манзиратда бўлишар ва ўта тартибли хонадон эгалари эди. Шевалари ҳам бугунгилардан андак фарқ қиларди. Масалан, «кейин» деган сўзни «сигин» ёки «инайсигин» тарзида ишлатишарди ...

Бола эмасмизми, кўча чангитиб ўйнаганимиз-ўйнаган эди, ҳамиша уларнинг оёқлари остида ўралашиб юрардик. Аммо бирор марта ҳам бизга танбех берганлари, дилимиз оғриганини эслолмайман. Яқин қўшнилариим ичида фақат икки



хонадонда телевизор бор эди (1957–1958 йиллар), ўн нафардан ортиқ бола худонинг берган куни Қумри кеннойининг уйига тўпланиб олардик, соатлаб ўтирардик. Уларнинг бирор марта бизни малол олгани, хўмрайиб қараганини билмайман. Бола бўлиб бирор қўшнимизнинг бошқаси билан айтишгани, аразлашганини кўрмаганман. Келинлар ўта одобли, уларнинг ўзлари ҳам, шарпалари ҳам кўчага чиқмасди. Қайноналар сирлари билан турардилар... Ҳозир ўйлаб қоламан, бу хонадонларда ҳам бола-чақа, қайнона-келинлик можа-ролари бўлган бўлиши керак, аммо на кўчадан, на онамнинг оғзидан бу хусусдаги «деди-деди» ларни эшитмаганман...

Кичик болалигимнинг катта армонлари

Мен уйда онамга яхши ёрдамчи эмасдим. Ўлмай қолган биргина фарзанди бўлганим учунми, мени уй ишларига унча мажбурламасдилар. Кўнглим тусаб қолсагина ёрдамлашардим, холос. Аммо еттинчи синфдан бошлаб, тўн қавиш ва битган чопонларни Хастимом (Ҳазрати имом) бозорига олиб бориб сотиш, менинг зиммамга ўтган эди.

Бир нарсалар яшаш, тикишни жуда хоҳлардим. Ҳабиба опоқиникида бир кекса жухуд аёл ижарада турарди. У айлана ёғочга сурп маҳкамлаб, рангли ипларда шунақа чиройли гуллар тикардик, унинг ёнида соатлаб қолиб кетардим. Қўшни Ўғил опоқининг қизлари ироқи дўппи тикарди-

лар. Уларга сурканиб юриб, сафларига қўшилиб олдим ва бу ишга ҳам ҳар холда қўлим келиб қолди.

Ўз ҳовлимиз йўқлигидан юрагим ич-ичидан зил кетиб юрар, атрофдагилар каби бежовлик уйларда яшаш мен учун қўл етиб бўлмас орзудай эди. Ўн икки ёшга кирганимда укам Охунжон, ўн тўртимда эса Олимжон туғилди. Ва эшитиб қолдимки, оилада учинчи бола туғилса, ҳукумат 20 сўм суюнчи пули берар экан. Шуни пайига тушгим келди. Онам қатъий рад этдилар: «Худо менинг болаларимни учтага етказиб қўйса-ю, сен шукрини қилмай, текин пулни ўйлаяпсанми?» дея уришиб бердилар. Мен эса барибир яширинча сўраб-суриштириб, идорама-идора юриб ва ниҳоят ўша пулни олдим. Ўша кунгача уйимизда дадамнинг эски ён соатидан бошқа соатимиз йўқ эди. Биринчи олган нарсам токчада турадиган қўнғироқли соат бўлди. Янги ука туғиб бергани учун онамга бир кийимли батис ва донаси 1 сўм 20 тийин турадиган олтита хитой пиёласидан сотиб олдим. Бу ўша пайтдаги энг қиммат пиёла эди. Онам бу ишимдан жуда таъсирландилар, чамамда, йиғладилар ҳам. «Бу қизи тушмагурни қаранг, мактабига бир сўмлик ҳам нарса олмай, пулнинг барига буюм олиб келибди-я», деганларини эшитиб, яйраганларимни кўрсангиз!

Қизиги шуки, бу суюнчи пули сабабли менинг бола армонларим андак ушалди, уйимизга чиройли нарса кирди: ҳалиги пиёлаларни ҳар куни ҳар хил токчага қўйиб кўраман. Ҳар хили-

га олиб тахлайман. Хали у ёқдан, хали бу ёқдан ўтиб томоша қиламан, кўзим қувонади...

Бундай ўйлаб қарасам, мен гўдаклигимдан бошлаб қиз болалардай кийим-кечак, зебу зийнат ҳавасида бўлмаган эканман. Қачон ва қандай қилиб уйли бўламиз, қандай қилсам оиламга тўрт танга ёрдамим тегади деган ўй мени яйратгани қўймас, ичим ҳамиша ғамга ботиб юрардим. Қиз бола бўлганимдан жуда афсус чекардим. Ўғил бола бўлишни, рўзғор юкини тезроқ зиммамга олишни, онамнинг камлари тўлишини, дадамни рўзғор хижолатчилигидан тезроқ қутқаришни жуда-жуда хоҳлардим...

Дадажоним

Мен муштдеклигимдан онамдан кўра дадамга яқинроқ эдим. Чеки йўқ тантиқлик ва эркаликларимни факат дадам кўтарар эдилар. Ўн-ўн икки ёшли даврларимни эслайман. Баъзан: «Ҳовли супур, сув олиб кел», каби топшириқларни малол олсам, дадам дарҳол: «Онаси, келинг энди, Турсунбиби чарчаб турибди экан, шу ишни халироқ қилсин», деб қутқариб қолар, умуман, дадам онамнинг жазоларидан асрагувчи доимий ҳимоячим эдилар. Гоҳида кўчада ўйнаб юрган жойимдан: «Юринг қизим, янги кино келибди», деб етаклаб кетар, кокилларим пахмоқ, ялангоёқ ҳолатда чопқиллаганимча олдиларига тушиб кетаверар эдим. Чорсуда «9 май» номли ёзги кинотеатр бўларди. «Тарзан» ва Раж Капурнинг дастлабки фильмларини ўша ерда дадам билан



бирга кўрганман. Бешинчи-олтинчи синфлигим-
даям кўчадан кириб келар эканлар: «Қани, қани,
қизим, орқамга опичинг-чи, сизни бир кўтариб
қўяй», дея елкаларини тутар ва опичганларича
ҳовлини бир айлантириб қўярдилар.

Дадамнинг термулгани, қувонгани, суянгани
мен эдим. Кўзлари менга тушди дегунча: «Тур-
сунбиби, Турсунбиби, худо берган қизим, Аллоҳ
берган қизим», деган сўзни хиргойидай такрор-
лардилар... Кунда саҳарлаб Кўкча бозоридан
сут, қаймоқ келтирар, кунора бир донадан бўлса
ҳам менга атаб уйғурларнинг седанали кичкина
ғиждасидан ва ширмой нон олиб келардилар.

Айниқса, қишни эслайман: сандалнинг тепа-
сида ноз-неъматлар доимий турарди. Булар ўрик
қоқи, шафтоли қоқи, олма ва қовун қоқи, май-
из, жийда бўлгучи эди. Икки кунда бир эрта-
лаблари бир бўлаккина сариеғ келтирардилар.

Дадам китобхон одам эдилар. «Юсуф ва
Зулайхо»ларни дастлаб дадамдан эшитганман.
Китоблари арабча ёзувда бўларди. Энди билсам,
кўпроқ Рабғузидан ўқиб берарканлар.

Математика ва физкультурадан нўноқроқ-
лигимни ҳисобга олмаганда, мен мактабда яхши
ўқирдим. Ташкилотчигина эдим. Еттинчи синф-
дан то ўнинчи синфни битиргунимча дружина
советининг раиси бўлганман. Аммо уйимдагилар
кўнглим учун ҳам мактабингда нима бўляпти,
деб сўраб қўймасдилар. Ўн йил давомида бирор
марта ҳам ортимдан боришмаган. Лекин дадам
мактабга бир мартагина, ўшанда ҳам мени урган
боланинг адабини бериб қўйгани боргандилар.

Дадам билан шивирлашганим-шивирлашган, кўчага отланди дегунча эргашганим-эргашган эди. Иккаламиз бир болишда ухлаймиз, деб турволардим, дадам эртак айтиб бермагунлари-ча ухламасдим. Шунака кезларда онам: «Мунча ёпишасан шу дадангга, туғилганингда суюнчи ҳам бермаган!» деган гапни никтаб кўярдилар. Менгача уч акам кетма-кет, бири туғилгач бири ўлиб қолаверган экан. Уларнинг ўрнини босиб қолар деб ўғил кутган дадам мен туғилгач бир неча кун бурчак-бурчакларда йиғлаб юрган эканлар. Бундан онамнинг диллари қаттиқ оғриган чамаси, ўша берилмаган суюнчини умр бўйи писанда қилишни ҳеч қўймадилар.

Кокилим Ўш пиримга ниёз қилинган эди. Кокил кестиргани Ўшга борганларимизни эслайман. Демак, ўшанда ёшим еттида бўлган. Чойхоналарда ўтирганларимиз, аллақайда ошқовок солинган сутли овқат тановул қилганларимиз ёдимда...

Мактабгача пайтимда дадам қайга борсалар: тўйгами, чойхонагами, меҳмондорчиликками, эринмай мени етаклаб олардилар. Бир неча йил дадам Чорсуда, полиз маҳсулотлари дўконида сотувчи бўлиб ишлаганлар. Ўшанда ҳам муси-чадай чўққайиб ёнларида ўтирардим. Ҳар сафар таниш-билишларига: «Худодан тилаб-тилаб олган қизимиз Турсунхон шу-да», дея таништирардилар.

Қўл кўтаришни қўйинг, дадамнинг менга овоз кўтариб танбех берганларини билмайман.



Лекин бир гал қаттиқ ғазабланганлари эсимда: тўққизинчи синфдалигимда маҳалламиздаги чеварлик курсига қатнадим. Натижаси ўлароқ ҳаворанг гулли читдан ёқаларига оқ сурп қўйиб, сиқма белли қилиб ўзимга қўйлак тикдим. Бу русча русумда биринчи қўйлак кийишим эди. Чорсуга тушаверишда дадамга тўқнаш келиб қолдим. Ўша қўйлак эгнимда эди. Дадам мени кўриб, қотиб қолдилар, рангларида ранг қолмади: «Қани, уйга юринг-чи», дедилар ва шунақанги шитоб билан олдиларига солиб келдиларки, энди мени урсалар керак, деб ўйладим. Ҳовлига кира солиб онамга: «Кўзингиз очик туриб бунини шу кўринишда кўчага чиқариб юбордингизми?!» деб дағдаға қилдилар. Уни ўзим тикканимни эшитиб, кечга томон бироз юмшадилар. Шундай бўлса ҳам, узоқ вақт бу қўйлакни кийишга журъат қилолмай юрдим.

* * *

Бизнинг авлодда шарқона удумлар маҳкам ушланар, қиз боламисан, сенга ота-онанггина эмас, амаки, тоғанг ҳам кўз-қулок бўлиб туришарди. Қариндошларимиз ичида менгача бирорта қиз бола ўрта мактабдан кейин ўқимаган эди. Мен таваккал қилиб, уйимдагилардан яширинча Тошкент Давлат университетининг филология факультетига хужжат топширдим. Охирги имтиҳон куни онам билиб қолдилар. У манзара кечагидай кўз олдимда турибди: мен имтиҳонга чиқиб кетяпман, онам эса ҳовлида чўккалаган ҳолатда худди хамир муштлагандай ерга мушт-



ларини тираб: «Худоё «икки» олиб келгин!» дердилар йиғламсираб. Менинг эса омадим келиб, ўқишга кириб қолдим. Фақат Тошкент шахридан бўлганим ва меҳнат стажим бўлмагани учун сиртқи бўлимга қабул қилдилар. 1961 йил 26 август куни мандат комиссияси бўлиб ўтди. Ҳаманикида байрам, бизникида мотам. Онам мени ҳамма келишикка солиб гадабляптилар. Дадам эса жим. Ажабтовур камгап бўлиб қолдилар. Орадан ўн кун ўтмай, «Бугун кечаси машина келади, Андижонга кўчамиз», дедилар. 5 сентябрь куни тунда ғарибгина кўчимизни тепасига брезент қопланган юк машинасига ортиб, Андижонга қараб кетдик! Ваҳоланки, минг саргардонликдан сўнг пешонамизга катакдай бўлса ҳам эндигина шу ватан битган, менинг қувончларим чексиз эди. Унда бир йилгина яшадик, холос. Қойил қоладиган жойим шуки, ўз ҳовлимизга эга бўлиш дадам учун жон масаласи билан тенг эди, аммо она шахрига меҳри, садоқати ундан ҳам юксак эди. (Менинг андижонпарастлигим ҳам дадамдан ўтган бўлса керак!) Битагина қизим ўқиш баҳонаси билан Тошкентда қолиб кетса-чи, деган ўй олдида зўрға олган ҳовлимиз ҳам кўзларига кўринмади. Андижонда эса, бу ҳовлининг пулига жой олишнинг иложи бўлмади, қарабсизки, она шахримизда ҳам бировларникида омонат яшаш бошланди...

* * *

Вилоят газетасининг хатлар бўлимида кичик бир ходим бўлиб ишлай бошладим. Мен

17 ёшдаман. Атрофимдагилар эса ҳаммалари бола-чақали одамлар. Уларнинг суҳбатлари ҳам, ўзлари ҳам менга ғалати туйилаверар, наҳотки, мен умрбод уларнинг орасида қолиб кетсам, деб юрагим сиқилаверар эди. Уйда эса бешбаттар манзара: ўн беш кунгина Тошкентга қишки сессияга бориб келдим. Онам: «Қиз бола нарса ҳар кетганингда ўн беш кунлаб йўқолиб кетасанми, бу бизнинг шаънимизга тўғри келмайди, ўқишни ташлайсан», деб туриб олдилар. Сўнг мен ўзим ўзимга ақл бўлдим: кейинчалик болачақамга ўз тақдирим учун курашмаганман, лапшайиб ўқимай қолиб кетаверганман дейманми? Кучим етганча уриниб кўрай дедим ва ТошДУ ректори раҳматли Обид Содиқовга етти варақли хат ёздим. Буни қарангки, тездагина «бир келиб кетинг» мазмунида мактуб келди. Бордим, факультет декани муовини Анвар Шомақсудов билан бирга бош бинога келдик. Мени котибанинг олдида қолдириб, ўзлари ректорнинг хузурига кириб кетдилар. У ерда узоққина ушландилар, сўнг чикдилар-да, юзлари ёришган ҳолда «сизни кундузги бўлимнинг иккинчи курсига ўтказамиз, аммо ётоқ ҳам, стипендия ҳам беролмаймиз» дедилар ва факультетга қайтишимизни айтдилар. (Мен масаланинг бундай тез ҳал бўлишини кутмаган эдим. Ростини айтсам, масаланинг бундай ҳал бўлишидан кўрқиб кетдим. Чунки у хатни кейинчалик тақдирим учун курашмаганман деб афсусланмаслик учун ёзган эдим. Бундан бир иш чиқишига ишончим деярли йўқ эди.) Домла билан етаклашиб, трамвай бека-

тигача пиёда келдик, сўнгра трамвайга чиқиб, Хадрага қараб жўнадик. Мен эса ажабтовур ҳолатга тушдим, тинмай йиғи келади, ичимда, «энди нима қиламан, энди нима қиламан, дейман нукул! Домла: «Нима бўлди?» дейдилар. «Домлажон, – дейман мен, – сизларга хат ёзганимни уйдагилар билишмайди, мен армон бўлиб қолмасин деб ҳаракат қилгандим. Ота-онам барибир мени ўқитишмайди, мен уларни норози қилиб ўқий олмайман, энди нима бўлади», деб ҳиқиллаб йиғлайман. Домла ҳайратланадилар. «Ота-онангизга чиройли хат жўнатамиз, хотиржам бўлинг», деб юпатган бўладилар. Хулласи, ета-етгунча «ундоқ бўлса-чи, бундоқ бўлса-чи» деб, гоҳ йиғлаб, гоҳ юпаниб, тинмай ғужурлаб келдим. Факультетга келиб, деканатга киришимиз билан домла мени ҳайратга солиб, котибага: «Мана бу қизни кундузги бўлимга ўтказишга, ҳам ётоқ, ҳам стипендия билан таъминлашга буйруқ тайёрланг», дедилар.

Уйга қайтдим. Август бошланди, тугади, сентябрнинг ярми бўлди ҳамки, Тошкентдаги ишларни уйдагиларга айтишга қўрқардим. Лекин охириги пайтларда онам жуда асабийлашадиган бўлиб қолдилар. Дадам эса, аксинча, ўйчан ва хомуш эди. Бир куни ишдан келсам, дадам: «Турсунхон, сен Тошкентга бориб шундай иш қилиб келибсан-да», деб гап бошладилар ва кўзларида ёш билан юракларидагини тўкиб солдилар. Хулласи калом, қариндошу кадрдонларининг олдида бошларини ҳам қилмаслигим учун мен ўқимаслигим кераклигини ўтиниб илтимос



қилдилар. Қарангки, деканат ортимданоқ кундуз-
ги ўқишга қабул қилинганим ҳақида телеграмма
юборган экан, онам уни ёқиб юборибдилар. Сен-
тябрь бошлангач, яна хат келибди, онам яна ёқиб
юборибдилар. Охири дадам ўзлари ёрилиб, узил-
кесил тўхтамларини айтиб турган жойлари экан.
Шунда мен таваккал қилиб, яна бир ҳаракат
қилдим: кечаси билан йигирма варақли хат ёзиб,
ишга кетиш олдидан дадамга бериб кетдим. Бе-
ришга бердим-у, аммо кечгача уйга қандай ки-
ришни ўйлаб, қўрқиб юрдим. Чунки мактубда да-
дамнинг кўнглини оладиган талай гаплар айтган
бўлсам ҳам, мазмунида «мен албатта Тошкентга
кетаман», деган аҳд бор эди. Кечки пайт онам
мени еб юборгудай қараш билан қарши олдилар.
Дадамнинг эса ранглари сарғайиб кетибди, сокин-
гина «келдингми» деб қўйдилар. Чучвара тайёр
экан, ташишга ёрдамлашдим. Онамнинг косалар-
ни хонтахтага чайқаладиган даражада дўқиллатиб
қўйишларидан билдимки, вазият жуда чатоқ.
Индамай овқатландик. Дадам ҳар сафаргидай
астойдил тамаддиланиб, нон бўлаги билан ко-
сани тозалаб, бир четга сурдилар-да: «Хў-ў-ш,
борсанг, ётоқ жойинг қандай бўлади?» дедилар.
Демак, дадам рози! Кутилмаган бу гапдан салкам
довдираб қолдим. Онажонимни-ку, асти қўйинг.
Ғазабларини қандай изҳор қилишни, кимга аввал
ташланишни билмай, важоҳатлари хунуклашди.
Дадамнинг бир қаттиқ қарашларидан сўнг жим
бўлдилар. Менинг эса кўзимда бир, кўнглимда
минг бир қуёш порларди! «Ўзимнинг ҳар доим-
гидай жоним дадам!» дейман ичимда.

Ўқишга пахта мавсумидан кейин борсам ҳам бўлаверади дейишимга карамай, «домлалар сенга шунчалик эътибор қаратишибдими, сен ҳам уларнинг ҳамма топшириқларига шай тур» деб, ўша куннинг эртасигаёқ мен билан бирга йўлга чиқдилар. Ва мени Бўка туманида пахта тираётган янги курсдошларимнинг тўпига қўшиб қайтдилар...

* * *

Дадамнинг ҳеч ўзгармайдиган, бебаҳо бир феъллари бор эди: одамларга жуда ишонардилар. Умрлари давомида талай бебурдларга йўлиқиб чув тушган бўлсалар-да, барибир ҳаммага самимият билан муносабатда бўлардилар. Энди билсам, бу у кишидаги художўйлик экан, ҳар бир инсонни Аллоҳнинг неъматидеб биларканлар, банданинг бандага гумон билан қараши дадамнинг наздида қаттиқ гуноҳ эди. Улар балки покиза авлоднинг насли бўлганлари учун ҳам шундай эдилар. Дадамнинг оналари Хадича энам эшонзода бўлганлар ва Қуръон илмини чуқур билганлар. Она томонидан боболари Иброҳим ҳалифа машҳур исломшунос файласуф, руҳшунос бўлганлар, тоғалари Мухаммад Сиддиқ Мавжий туркий ва форсийда бирдай ижод қилган етук сўфий шоир ўтганлар. Ўтгизинчи йиллардаги қатағон сабаб бўлиб, умрларининг ярмини Қошғарда ўтказганлар.

Ҳар сафар дадамини ўйлаганимда уларнинг хотираси олдида юракларим билан тўкилиб таъзим қиламан. Чунки мана етмиш йилга яқин



яшаб қўйдим, аммо отам, онам каби юриш, туриши фақат шукронадан иборат бўлган, назари тўқ, моддийонга бепарво, орият ва андишада беназир инсонларни жуда кам кўрдим. Уларнинг ўша феъллари оиламизни ва биз – болаларнинг, ҳаётини жуда кўп марта шайтоннинг ҳамлаларидан, балолардан асраб келгани аниқ...

Гапни дадамдаги самимиятдан бошлаган эдим. Улар менга шу қадар ишонар эдиларки ёки мени шу қадар ҳурмат қилар эдиларки, мактаб пайтиму талабалик йилларим давомида бирор марта ҳам «тўғри юр, қаерга бординг, қаердан келясан ёки ўртоқларингнинг ҳаммаси тўғрими», деган писандаларни қилмаганлар. Хавотирларини бирор марта ҳам тилларига чиқармаганлар.

* * *

Бир китобимда келтирилган мисолни яна такрорлагим келди: бир куни Андижон шаҳридаги катта бир анжуманда сўз айтдим, шеър ўқидим. Кутилмаганда зал жуда кўтаринки руҳ билан қарши олди. Қучоғимга гулдаста сиғмай кетди. Шайтон бор-да, бундан анчайин ғурурландим. Уйимдагиларга бир мактангим келди. Келиб дадамга бор тафсилотни ошириб-тошириб гапириб бердим. Эшитишга завқ билан эшитдилар, қувондилар ҳам. Аммо кетар пайтимда: «Турсунхон, – дедилар хомушгина, сен шу шеърингни ёзмагин, ёзишга берилганингдан бери бошинг оғрийдиган бўлиб қолди-да, қизим!» Фақат отанггина айтиши мумкин бундай гапни, фақат онанггина қилади бу ғамхўрликни! Болангга



химоя бўлганинг учун кераксан, шогирдингга илминг учун, мухлисингга ижодинг, жуфтингга маҳрамлигинг учун, дўстингга корига яраганинг учун, қўшнингга ҳамсоя бўлганинг учун кераксан. Фақат ота-онанг учун сен тирик бўлсанг, бас экан! Сен ўлмай юрсанг бўлди экан! Уларга на мартабанг, на орден-медалларинг ва на машхурлигингнинг қизиғи йўқ, бу дунёда бор бўлсанг бўлди!

Мансаби мENDАнгина иборат бўлган, дадажоним! Матлаби менинг тирик юришимни кўриш бўлган, дадажоним! Атрофим одамга тўла, аммо сиздан кейин сиздайин беминнат, фидойи хари-дорни топпадим, тополмадим....

* * *

Тўртала фарзандим ҳам қишда туғилган. Жуда қаттиқ қишлар бўлгучи эди. Одатда туғруқхоналарга фарзанд кўриб ётганларнинг оталари кам борадилар, аммо менинг дадажоним етмишдан ошган бўлсалар ҳам кунда шунда бўлардилар. Овозларини эшитишим билан деразага югурардим, маҳсиларининг кўнжигача қорга ботиб, юқорига термилиб турган бўлардилар. Кўрдим дегунча йиғлайверардим. «Турсунбу, яхши овқатлан, икковингизнинг ҳам мижозингиз яхши бўлади, яхши е!» деб тайинлайверардилар. Ундан бери қирқ йиллар ўтди, ҳадеганда совуқларда қорга ботиб, деразага мўлтираб турган дадам кўзимга кўриनावеради. Ундай йўкланишлар қани энди!...

* * *

Болаларим майда. Шахарнинг нариги бошида турамиз. Дадам канда қилмай тўрт-беш кунда бир набираларини кўргани келардилар. Дадажоним катта харажатларга қодир эмасдилар. Ҳар сафар қўлларида чоққина қоғоз халта бўларди. Унда анор ва бир сиқимдан майиз, жийда, пиширилган нўхат, қурут, ёнғоқ, ерёнғоқ бўларди. Уларни столга ёйиб бериб, болаларимнинг ейишини завқ билан томоша қилардилар. Уларни бирпасгина атрофларида ғужурлатиб, гапиртириб, бош-қўзларини силаб, дарров яна йўлга тушардилар. Чой-пойимга ҳам қарамасдилар... Ўша кириб келишларнинг баҳоси қанчалигини мана энди билияпман, водариғ, водариғ!

Бир пайт шундай шеър ёзган эканман:

*Кун қиздирар ёмон-ёмон,
Ҳамма ўтар соя томон,
Тақиллайди шул дам эшик,
Биров келди терлаб, пишиб,
Терлаб-пишмоқ кимга зарур,
Болам, худди бобонг келур.*

*Ёмғир қуяр челақ-челақ,
Ҳатто бошин эгмиш терак,
Елкасида сувли осмон,
Биров келар бизлар томон,
Югурақол, ойим қизим,
Ивиб келган бобонг ўзи!*

*Қор ёғади қуюн-қуюн,
Қор ёғади уюм-уюм,
Киприккача босиб қиров,*

Биз томонга келар биров,
Ким ҳам йўқларди бу пайтда,
Болам, бобонгдир албатта.

Шақшақ ҳакка шақиллайди,
Меҳмон бор деб маъқуллайди,
Келақолсин ўнгдан тушим,
Дарвозада қолди ҳушим,
Ўзим пешвоз чиқа қолай,
Бобонг келадир, ҳойнаҳой!

Тугиб бувинг кулчаларин,
Тўлдирганча кўчаларим,
Елкасига қуёш қўйиб,
Хонамизга нурдай тўлиб,
Онангизни этиб масрур,
Болаларим, бобонг келур.

Ирода қиз тўшак солсин,
Иқбол парқув ёстиқ олсин,
Илҳом болам, ҳап тур бир дам,
Тиззадан туш, Баҳром, сен ҳам,
Бугун кўнглим аниқ билур,
Болаларим, бобонг келур.

Қанийди, қанийди, ўша келишлар яна бўлса!
Дадаи жонимни дарвозаларни йиғиштириб, очик
остоналарда кутиб олмасмидим! Аркону давла-
тимни, жами йиғинганларимни кўлларига тутиб
яйрамасмидим! Кўлларимни бўйниларига осиб,
юзларимни юзларига босиб, симобларга айланиб
кетмасмидим! Мен «Дадажон!» десам, сиз «Лаб-
бай, Турсунбу!» десангиз юракларим мушакларга
айланиб портламасмиди! Қанийди бир келсангиз,
бир зумга келсангиз, бир зумга, холос!...

Дадам 1986 йил киш охирлаганда 86 ёшларида қазо қилдилар. Енгил учиниб-қоқинишларни ҳисобга олмаганда дадам умрида касалхона юзини кўрмай, бирор марта ҳам игна санчишга иши тушмай ўтди. Сўнгги кунда ҳам эрталаб гузарга чиқиб, соч-соқолларини олдириб келибдилар. Ўша куни онам қаттиқ шамоллаб оғриб, иситмалари тушавермагач, дадам мени чақиртирибдилар. Келсам, онам иситманинг зўридан алаҳлаб ётар, дадам эса қаттиқ изтиробда ўтирардилар. Дадамнинг кўзларига осонликча ёш келмасди. Мени кўра солиб: «Турсунхон, онангга бир гап бўлса, мен...мен кўтаролмайман», деб йиғлаб юбордилар. Биз онамнинг иситмасини тушириш билан овора бўлиб кетдик. Дадам деворга суянганларича ўтирардилар. Мен тушда келган бўлсам, кечга томон дадамнинг ранглари кетиб, ётгилари келиб қолди, хомуш тортиб, безовта бўла бошладилар. Онам ҳануз кўзини очмай ётар, аммо мен дадамдан кўпроқ хавотирга тушиб қолган эдим. Ногоҳ қараб қолсам, менга термулиб турган бўладилар. Дадамда бундай тараддудни ҳеч кўрмагандим. Менга билдирмай, ўғил укаларимга: «Дарвозахонага қараб қўйинглар, Даминжон оқсоқолни хабардор қилсангиз, дарҳол ҳамма ишни тушунтиради», деган гапни ҳам айтибдилар. Кечасига бориб, худди бурови тугаган соатдай дадажонимнинг юраги тўхтади-қўйди. Онам эса иситманинг ичида салкам олтмиш йиллик жуфтининг узилганини билмай ҳам қолди.

Ахир, оғриётган онам эди, дадам соппа-соғ эди. Ишонаверинг, эру аёлни бир-бирига Аллоҳнинг ўзи боғлайди. Рўзғор деганлари илоҳий уюшма! Умр йўлдошлар орасидаги муҳаббат осмоний бўлмаса, бандаси жони узилар даражада жуфтидан хавотир оладими?! Агар уларнинг орасидаги заминий муҳаббат бўлса, бир-бири учун ёниши мумкин, куйиши мумкин. Ўта берилса, эрга тегмай ёки бошқага уйланмай ўтиши мумкин. Аммо дадажоним онам учун жонини бериб қўйди-ку!..

* * *

Укам Олимжон дадам ўзи эккан, қора-қизил очиладиган атиргулдан бир тупини қабристонга олиб бориб, дадамнинг оёқ томонига экиб қўйди. Ишонаверинг, синоат юз берди: на атрофида сув бор, на бирор одамга тайинламаганмиз. Фақат борганларимизда суғориб қўямиз, холос. Мана йигирма беш йилдирки, баҳордан кузгача кучок етмас гулдастадай очилиб туради, бўйи одам баравар. Хиди эса атрофни тутиб ётади. Мен дейманки, бу гул эмас, ховлимиздан бу ерга қўчиб келган, атиргулга айланиб олган дадам бу! Димоқларимга урилиб турган гулнинг ифори эмас, дадамнинг иси бу, дадамнинг бўйи!...

Тангрим, илтижо қиламан, осмондай покиза, заминдай хокисор дадаи жонимни яхши кўрган бандаларингнинг қаторига қўшгин, омин.

*«Ёрилтош»ни айтинг, дадажон,
Айтинг, тошлар кетсин ёрилиб.*

*Қизин топсин дадаси омон, –
Деб қўймасдим ҳар тун ялиниб.*

*Ҳар тун шундай бошланар эди,
Жим тинглардим дадамни қучиб.
Эртақларда тош ёрар эдик,
Эртақларда юрардик учиб.*

*Дадажоним, бугун мен нолон,
Дада, оғир кунлар бошланди.
Сиз ётасиз тош ичра бу он,
Мен айтаман «Ёрилтош»ларни.*

*Кўкка етди «ёрил, тош» ларим,
Сизга етмас, энди не этдим!
Ёлгон чиқди эртагим маним,
Айтавериш суякка етди...
Дадажоним, эртақчи дадам,
Эртақларга айланиб кетди...*

ЖАННАТИМ ОНАМ

Дебоча ўрнида

Ич-ичимдан сас келади:
«Ваҳ, онам-о-о-ов, онам»лаб.
Осмон кўчиб паст келару,
Йиғлар ёнимда саннаб.

Йиғлаб толди осмонларим,
Дунёларим ғарибдир.
Тўкилар устухонларим,
Вужудим мунгайибдир.

Ўнта ўғил бўлса нима?
Ўнта қиздан юпанч йўқ!
Улар – яхши, ёмон демам,
Аммо асил қувонч йўқ.

Бир армоним бордир мани,
Бордир битта фарёдим:
Топиб беринг, онам қани,
Унга ҳали тўймовдим!

Тутай сизга, бергум сизга,
Бу бўш, совуқ оламни.
Ёш боладай бўзлай, тизлай:
Топиб беринг онамни!

Топсам, жонда асрар эдим,
Қарогимга жойлардим.

*Саноги йўқ қарзларимни,
Узмоққа бел бойлардим!*

*«Узмоқ» эмиш! Узиш душвор,
Яшасангки асрлар!
Жазо келса, мени шу ор,
Шу қарз учун осурлар!..*

*Шу тарз бўзлаб ўлтирардим,
Битта ношир келди-ю,
Ёзиб беринг фарзанд дардин,
Китоб қилай, деди у.*

*Кўндим, уни жондан ясай,
Дедим, тилаб дуолар.
Жамлаб, териб, эриб ёзай,
Қилмайин иддаолар.*

*Дуо айланг, китобхоним,
Онам яйраб ётсинлар.
Фарзандлардан топмаганин,
Дуолардан топсинлар!*

* * *

Билиб юрибман, кейинги пайтда «она» деган сўз тилимга бот-бот келаверадиган бўлиб қолди. «Жаннат оналар оёғи остидадир» деган ҳадисни кўлимга оляпман-у, талқинда аввалги айтганларимни такрорлаб қўйсам-а, дея хавотир-даман. Шунда миямга бир ўй урилди: менгининг баҳоим билан она таърифини адоқ қилиб бўларканми?! Агар минг йил умр кўрсам, онаижоним, онаижаҳонимнинг яна минг жиҳати айтилмай, минг иқлими ёритилмай қолиши аниқ!



Она борки, чарақлаб турмайди, яраклаб юролмайди – алвон рангларини боласига бериб, нурсизгина кўринишларини унинг панасига олиб туради. Аёл она бўлгач, баланд пардаларда жаранглаши тўхтайди – жами кўнғироқларини боласига илиб қўяди-да, бутун вужуди кулоққа айланиб, уни тинглагани тинглаган! Фикрати битта дуода михланиб қолган: «Илоҳим, боламни асра, боламни асраб берсанг бўлди!» Жисми-жони шу жумлани туну кун шивирлаб яшайди!

Бағрини ёриб ям-яшил майсага айланаётган бошоқ мағзини боласига бериб, пўчоққа айланаётган ОНАдир. Булоқ булоқ бўлибдики, кўксидан сизиб чикқан, турли томонга тарқалиб, орқасига қарамай, чопқиллаб узоқлашиб бораётган ирмоқлар кетидан термилганча кўз ёшларини тўкиб ётади. У шу туришда фарзандларини ҳали келинга, ҳали куёвга, ҳали набираларга, яна минг бир яхши-ёмон харидорларга бой бериб, нима бўлаётганини ўзигина билиб турган ОНА-ИЗОРдир!

...Ўшанда онамнинг кунботарига бир ҳафтагина қолган экан. Эсимни танибманки, у кишини жисмонан инжиқ кўрмаганман, бақувват, ҳаётбахш феълли эди. Охирги икки йилда иситмали дард илашди-ю, онам орқага кета борди. Тўртта боламнинг олди энди дастёр бўлган, этаги ҳали майда. Уларнинг кунда юз хил юмуши чиқади, унинг устига ишлайман, ишки, иш эмас, қон қиладиган қоғозбозлик! Онам эса ётиб қолди, кунда бир термилиб кетмасам, чақалоғини ташлаб қўйган одамдай бетоқат бўламан! Сездирмай



келган ўлим ҳам бир ҳисобда дуруст экан. Онадай азизингнинг кўз ўнгингда шамдай липиллаб ўчаётганини кўриб туришдай залворли оғриқ йўқ дунёда! Ҳар куни қуёшнинг ботиши сен учун даҳшат! Эртага яна офтобинг чиқади ми ё йўқ?! Тақиллагани учун эшикни, жиринглагани учун телефонни кўргани кўзинг йўқ! Ота маҳалламга кирар эканман, кўчамиздан чиқиб келаётганки одам мен учун юрак ўйноғи! Тишининг оқини кўрмагунимча, тиззамдан жон чиқиб бўлади. Биринчи берадиган саволим: «Яхшимисиз, омонмисиз?» эмас, «Бизникилар тинчми?!»

Ишим, уйим ва она ҳовлим шаҳарнинг уч тарафида. Ҳар куни шу учлик орасида танда қўяман. Миям машинадай ишлайди – нима олиб келсам онамнинг оғзига ёқадию қайси дўхтирни чақирсам, мени юпатадиган гап айтади! Ва кечки овқатим бугун нечада пишадию қачон болаларнинг оғзини ёпаман?! Ўзимнинг мисолимда ўшанда билиб қўйганман – инсон дегани шу қадар яшовчан бўлишини! Узилай-узилай дейман-у, яна чопиб юравераман, илжаяман ҳам, сўниб бораётган онамга ҳар куни ҳар хил ҳазиллар ҳам топаман, бунинг устига, юрагинга ўқ отиб турадиган «дўст»у душман ҳамиша бор!

Бир куни чарчоқ жонимга косага тўлган каби тўлди-ю, ишдан кейин уйга бориб икки соатгина чўзилиб келай, деган ғафлат босди мени! Кўзимни очсам, қозон осар пайт бўлибди. Онамнинг теграсида укаларим бор-ку, саҳарлаб етаман дедим-да, бормадим. Ўша кунни умрбод лаънатлайман! Шайтоннинг гапига кирган ку-

ним ўша! Демак, шу кун бу югуришлар менга малол келган! Демак, онамдан жоним ширинрок туюлган! Балки, қайсидир дақиқада «онам соғ юганда, мен шунчалик уриниб кетмасдим», деган надомат ҳам ўтгандир дилимдан!

Эртасига учиб келдим. Онам, онамжоним эса... «пастлаб» қолибди. Бошини буришга холи йўқ. Мен томонга кўзининг ёни билан, узоқкина тўхталиб қаради, аммо индамади. Онам ҳеч қачон бундай қарамаган эди. Онамнинг кўзи ҳеч қачон бунчалик тагдор гапирмаган эди! Йўқ, у гина эмас эди! Унинг бу туришига араз сиғмасди! «Охирги табассумларимни кўролмай қолдинг», дер эди у кўз! Икки кун аввал тузалишга умиди бор, савол-жавоблар кўнглига сиғиб турувди. «Ўша туйғу ҳам бахт экан, кетарим аниқ бўлиб қолди, жоним менга сиғмай боряпти-ку, энди кандок қиламиз», дерди у қараш! Бир кечалик ғафлат уйқусини деб, онамнинг ҳаётбахш руҳини охирги марта туя олмай қолдим, кўзларининг чарақлаган олови билан видолашолмай қолдим! Унинг нигоҳидан ҳаёт кетиб бўлибди! Уч-тўрт кун ўтгач, онамни жойига қўйдик. Мана ўн йилдан ошдики, ўша нигоҳ мени тинмай таъқиб қилади... Ва тинмай у кўзлардан узр сўраб, йиғлаганим-йиғлаган!...

Ўйлар эдим, қўл-оёғимни боғлаб турган — онам, у кишидан кейин ҳамма ишларга чандон улгурсам керак, юрагимниғижимлаб турган хавотир чангаги қўйиб юборади-ку, деб. Тамоман акси бўлди! Дунёмни тўлдириб турган ҳаёт қўнғироқлари такка тинди! Чеки йўқ ва



оғир сукунатнинг дастидан кулоқларим оғрийди. Икки қўлим шалвираб қолган, тўрт томоним елвизак! Ҳамма калавамнинг учи йўқолган, бамисоли эмизикли боламдан айрилгандай! Гўё ҳамма зарурим онам билан кетдию қўл уришга арзимайдиган нозарур ишлар ўраб қолган каби эдим! Ана энди сал нарсага чарчашлар, арзиманган ташвишга оғриб қолишлар бошланди. Онаминг, онажонимнинг бемор ётишлари ҳам менга қувват экан! Ахир, югуриб юриб, ҳамма нарсага улгурар эдим! Ҳар куни минг иш бодрокдай пайдо бўлар, шунга лойиқ мингта жонни ясаб олаверардим!... Энди-чи? Оламимнинг ярми бўш, ярмида бола-чақа ва бошқаларим дегандай, ғимирлаб юрадилар. Мен онамдан қолган дунёмнинг ўша бўш қисмида хатоларимга бош уриб, армон кўйлакларини судраб яшаб боряпман. Онамдан сўрайдиган саволларим роса-роса кўплигини энди бияпман! Онамга айтадиганларим юрагимда қолиб кетганини энди англаяпман! Онам керак бўладиган даврлар энди бошланганини суякларим билан мана энди туйиб турибман! Э воҳ, э воҳ...

Жаннатга зор бўлиш ҳам шунчалик бўлар-да! Онам — таъмлари оғзимда, ифорлари димоғимда қолган жаннатимдир! Худо берган бу жаннат бағрига тўйиб-тўйиб қолмаган гумроҳ мендирман! Этагидан ушлаб қололмаган «она» деган давлатимнинг иси келади деб, ҳали остонани, ҳали укаларимнинг юзлари, ҳали кўшнининг қўли, ҳали девор, ҳали устунларни ўпиб юрган девона ўзимдирман!

Борсам онам: жонимга жон қўшгани
Турсунжоним келибди деб яйрарди.
Мен эсам-чи, ташиб қўша-қўш ғамни,
Нуқул болам ташвишида сайрардим,
Жонингизга жон бўлмадим, онам-а!

Дер эдингиз: чўнглар ичра чўнгимсан,
Турсунхон деб атанг менинг боламни!
Салтанатим бугун синди чўпмисол,
Султонлигим етимликка таланди,
Сиздан кейин хон бўлмадим, онам-а!

Тевараги тўкис болам, бой болам,
Турсунбойим дея алқаб ўтдингиз.
Минг бир камим теграмда чарх урса ҳам,
Юрагимда тоғлар бино этдингиз,
Сиздан кейин бой бўлмадим, онам-а!

Истарангни нурдан қилди худойим,
Турсунойим, ой боламсан, деддингиз.
Ул тўкислик бугун қани, ойимим,
Нур узатгич қуёшим сиз эдингиз,
Сиздан кейин ой бўлмадим, онам-а!

Сиздан кейин ой бўлмадим,
бой бўлмадим,
хон бўлмадим,
Харгиз бутун жон бўлмадим,
Онамў-ў-ў-ўв, онам-а...

* * *

Икки баҳор, икки кузак аввали,
Кетди онам дунёимнинг сарвари.

Икки йилки сел қуйилар кўзимга,
Лек жон кирмас забонимга сўзимга.

Йиглаб келиб, йиглаб кетар баҳорлар,
Қалдиргочлар йиғи солар наҳорлар.

Онам учун бўзламаган қолмади,
Фақат тилим лол маним-эй, лол маним!

Ўрик гуллар кўзим уни кўрмайди,
Эшитгум йўқ на дуторни, на найни.

Онажоним, дунёларим торайди,
Ҳамма ранглар бир хил бўлди – қорайди ...

Кокил қўйиб боққан ёлғизингизман,
Фақат сизга ёққан ёлғизингизман.

Сиз яширган хатоларим топилди,
Бугун армон дорларига тортилдим.

Тавбаларни кимга айтай энди-я!
Афсусларни қайга отай энди-я!

... Эргахоним эди оти онамнинг,
Бардошданми эди зоти онамнинг.

Умри ўту оташ бўлган онам-а,
Оташларда одош бўлган онам-а.

*Икки йилдир дунё қаро кўзимга,
Икки йилки, келолмасман ўзимга...*

1991 йил

* * *

Хамманинг онаси ўзига чиройли! Ҳар бир инсон ўз онасининг кудрати, қувватига ўзи гувоҳ. Менинг кўча кўрмагангина, соддагина онамнинг сувратини чизмоққа шоирлигим етмай турибди, фикратларим ожиз турибди. Ҳар бир онада бетакрор минг бир мўъжиза! Уларни жамлаб кўринг, бу мўъжизаларнинг кучини чамалаб кўринг! Ахир ёруғ оламнинг дукурлаб турган юраги-ку она! Инсоният томирини ушлаб турган табибдир у! Тадбир тузиб, дунё дилин хушлаб, келажакни қўлларида ушлаб турган ҳабибдир у!

Бу китобнинг каму кўстини маъзур тутинг, бир юрак бўшатгим келди-да, дардларимни гиряларга ўхшатгим келди-да, ёздим! Кўзим тугул суякларимгача намлаб ёздим, онам ҳақида айтганларимни йиғиб, жамлаб ёздим! Мен фақирнинг битикларин назарга илсангиз зора! Мени ўқиб онамни дуо қилсангиз зора! Онамга Аллоҳдан хайрлар сўраб беришни муддао билсангиз зора!

* * *

Онамнинг исмлари Эргашхон, оналари Тухфахон отин, оталари Абдужаббор бўлган. Бобом темирчи эканлар, отлар учун сувлуқ, юганжабдуқ ясарканлар. Бугунги кунда ҳам онамнинг ягона жигари Абдуқаҳҳор тоғамнинг Соҳибжон



исмли ўғли ўзи катта доктор, аммо кам-кам бўлса-да, отасининг ва бобосининг ёди ҳурмати шу ҳунарни давом эттириб келяпти. (Аллоҳ ундан рози бўлсин!)

Онам отасидан эрта етим қолган. Тухфахон энамнинг қатор-қатор болалари қазо қилган, бари бойлиги тоғаму онам ва Қундузхон исмли қизидан ёдгор набираси Мунисхон бўлган. Кўнглига қараб ўстирилган онам эрка ва шўх экан. Қизлар билан ўртоқ бўлишга орият қилар, бирга ўйнайдиган жўралари нуқул ўғил болалар бўларкан. Турган гапки, феъли ҳам шунга ярашалиги аён. «Болалар билан далага гўза илдизларини тергани чиқардик. Қопларимиз тўлгунча терардик. Кейин ошиқ отиб ўйнардик, мен бу ўйинга жуда уста эдим, ошиқ ўйнаб, ҳар гал ўғил болаларнинг терганларини ютиб олаверар, ялинтириб-ялинтириб кейин қайтиб берардим», дердилар. «Янги ўйин бошлайдиган ҳам, уришганни яраштирадиган ҳам, ҳаддидан ошганни қулоғини чўзиб қўядиган ҳам мен эдим», деб қўярдилар кулиб.

* * *

Онамнинг ўғил болача қувлик-шўхликлари бутун умрлари давомида бирга-бирга яшайверди... У кишим ўн етти ёшларида келин бўлибдилар. Ва ўзлари тушган маҳалла келинларидан бир давра тузибдилар, турган гапки уларга ўзлари бош эканлар. Бу келинчаклар кункунора тўпланиб (у пайтлардаги қайноналарнинг юраги дарё экан-да!), чилдирма чалиб ашула-



ўйин қилишар, ўтирволиб дўппию қийик (андижонликлар «чорси» дейишади) тикишар ва маҳалла четидан оқадиган анҳорнинг буталар билан тўсилган холи жойида ўн-ўн бешта бўлиб чўмилишар экан. Онам эса худди шунақа пайтларда уларнинг кўзларини шамғалат қилиб, кийимларини беркитиб қўяр ва ўзи қочвораркан! Ҳеч нарса бўлмагандай уйига келиб юмушларини қилаверар, ҳалиги шўрликларнинг уст-бошлари топилгунча аллавақт кетар, қайноналаридан гап эшитиб, бўлганларича бўлар экан. Ва улар, ўз навбатида, онамнинг қайноналарига, яъни Хадича энамга шикоятга чиқар эканлар. Хадича энам онамни ҳеч ювоштиролмас, ҳар сафар: «Жон болам, ўйнасангиз, шўхлик қилмай, тўғри ўйнаб келинг», деб ёлворар эканлар.

* * *

Бу ўттиз учинчи, ўттиз тўртинчи йилларга тўғри келади. Замон алғов-далғов. Ҳар куни «кимнидир олиб кетибди, кимнидир қайгадир чақиришибди» деган гаплар тез-тез бўлиб турган пайтлар. Ёлғизгина ўғли билан яшайдиган, жуда соддадил қўшни аёл бор экан. Қувгина онамнинг шу аёл билан жуда ҳазиллашгиси келибди. Анзиратхон исмли қўшни келин билан иккалалари йигитча кийинишиб, уйғур телпакларни бостириб олиб, қош қорайганда ҳалиги аянинг эшигини тақиллатишибди ва биринчи бўлиб онам дағдағага ўтибди: «Нима учун ўғлингизни яшириб ўтирибсиз, фалон идоранинг номидан келдик, уни олиб кетамиз». Ҳалиги аёлгинанинг



ўтакаси ёрилиб, ялинишга тушибди: «Жон, ўғлим, раҳмингиз келсин, шугина боламдан бошқа ҳеч кимим йўқ, хатингизга туширманг!» Буларнинг «раҳми келиб, кўнгандай» бўлишибди. Хола эса топган-тутганини тугиб, қўлларига тутқазибди. Онам хузурланиб, бу воқеани қайноналарига айтган экан, энам мустарлик тортиб, холанинг тугунини қайтариб олиб чикибдилар. У бечорагинанинг боши осмонда эмиш: «Шу десангиз, кеча чиройли икки йигит келиб, ўғлимни хатга ёзамиз деди, ёзманглар деб сўранувдим, ёзишмади, барака топкурлар», дея мактанармиш...

* * *

Ўша йиллари «саводсизликни тугатиш» ҳаракатлари авж олган бўлса керак, онамларни ҳам мажбурий курсларга аъзо қилибдилар. Тенгтўшларининг ҳаммаси рисоладагидай бориб, рисоладагидай келар экан. Аммо онамнинг бир соатлаб қимирламай ўтиришга ҳеч тоқатлари етмас экан. Мударрис булардан кичикроқ йигит экан. Онам эса ўша дамларда юкли эканлар, баҳона қилиб, нақ дарснинг ўртасида: «Хой, муаллим, дарсни тугатсанг, тугат! Йўқса, ҳозир шу ерда тугиб қўяман!» деб кўрқитарканлар. Шўрлик ўқитувчи ҳар куни онам кўринди дегунча: «Жон Эргашхон опа, бугун дарсда жим ўтиринг», дея юкинаркан.

* * *

Тут фарқ пишган, онамнинг ой-кунлари етиб турган пайт экан. Ҳовлига чиққан Хадича энам



қай кўз билан кўрсинки, келини қаппайган қомати билан тутнинг қил учида турганмиш! Тутки – азамат! Кенг ҳовлининг ярмини эгаллаган! «Ҳой, болам, бу нима қилганингиз? Вой мен ўлай, вой мен ўлай!» дермишлар мадорлари қочиб. Қўшни дарчага югурармишлар: «Ҳой, отинча, шўрим қуриб қолди, бу ёққа чиқинг, анови болани энди қандай тушириб оламиз?» дея кўзлари бежо бўлармиш. Онам эса шодон кулар, бўйи баравар майда сочларини силкита-силкита шохдан-шоҳга ўтиб, тут ейишда давом этармишлар... «Бувижон (Андижонда онани «буви» дея атайдилар), этак тутсанглар, сизларга ҳам қоқиб бераман», дермишлар яна ўктамлик билан!

* * *

Тошкентдаги болалигим ўтган маҳалламизни эслайман. Қўшни Ўғил опоқиникида, ҳовлида бир тўп қизлар дўппи тикиб ўтирардик. Шу хонадоннинг қизи Муқаддам опа уйга кирдию дод солиб қайтиб чикди. «Илон, илон!» дерди зўрға тили айланиб. Қарасак, уйнинг ўртасида бир қулоч келадиган сариқ илон бошини роз кўтариб ўтирибди. Ҳамма карахт. Бирдан онамнинг: «Ёшлигимда илоннинг боласини ушлаб олиб, болаларни қўрқитардим», деганларини эслаб қолдим ва чопганимча онамни чақириб чикдим. Онам кулибгина кирдилар-да, ҳаммага бир-бир қараб: «Вой бў-ў-ў, аҳволларинг чатоқ-ку, шунга шунчами?» дедилар ва илон тарафга бир қараб қўйиб, курак ё белкурак сўрадилар. Сўнгра уйга дадил кириб, майин овозда: «Ҳа



жонивор-а, адашиб чикиб колдингми, кўркма, кўркма», дея белкуракни илоннинг тагига суриб боравердилар. Шундай қилдиларки, илон ўша ўтирганича белкуракка кўчиб ўтди. Онам куракни аста кўтардилар-да, уйдан чиқдилар, илонга наст овозда нималарнидир сўзлай-сўзлай зиналардан тушдилар, аста дарвозахонага юрдилар-да, уни кўчага олиб чиқиб, эски девор ёнига секин туширдилар. Илон шоша-пиша девор ковагига кириб кетди.

* * *

Онам шиддатли аёл эдилар. У киши бир куни маҳалладагилар билан бир жойга таъзияга борибдилар. Раҳматли узумни хомток қилаётиб, сўритокдан тушиб кетибди экан. Онамнинг юраги шиф этибди. Чунки дадам саксондан ошган бўлсалар-да, ҳа деса сўритокка чиққанлари-чиққан эди. Бундан доим биз ҳам хавотир олардик. Онам ҳовлиққанларича уйга келсалар, не кўз билан кўрсинларки, дадам мусичадай бўлиб, сўритокнинг устида ўтирибдилар эмиш. «Ҳой, мусулмон, мен ҳозир таъзиясига борган одам худди сиз ўтирган ердан тушиб кетиб ўлибди, эшитяпсизми, ўлиб қопти, ахир!» дея бўғила кетибдилар. Ва жаҳд билан аррани излаб топибдилар-да, бошларидаги ёпинчиқни ҳам олишни унутиб, узумни тагидан арралай кетибдилар. Арра тортар эмишлару тинмай жаврар ҳам эмишлар. «Шу узумни емай ҳасратда ўта қолай, шу узум жувонмаргни деб бу одамни бошида ўтириб қолмай яна, мана сизга узум, мана узум», дермиш-



лар нукул. Дадам сўритокнинг тепасида хангу манг, аввалига ҳазил қилиб кўрибдилар, кейин пўписага ўтибдилар, онам эса хануз арралашда давом этармиш. Дадам ерга тушгунларича банди йўғонгина узум тагидан узилиб бўлибди. Қўлида арра, хансираганча тап этиб ерга ўтириб қолган онамга қараб туриб, дадамнинг қотиб-қотиб қулишдан бошқа чоралари қолмабди...

* * *

Онамнинг ўғил болача дангаллиги, эркалиги умрларининг охиригача сақланиб турди. У киши ўзи билган айримларнинг лозимандасига берадиганини бериб, ўзи чиқмай қўя қоларди. «Шу хотиннинг тўйига кирмай ҳасратда ўта қолай, уй тутишни билмади, билмади! Кўрпачасига ўтирсанг, тагингга ёпишиб қолади-я», дердилар иддао билан.

Тўй-маъракаларда ўзларига маъқул келмаган одам ёнларига ўтириб қолса, шартта бошқа ёққа ўтиб оларканлар.

Бир гал қимматгина матодан кўйлак тиктириб бердик, жуда ярашди, севиндилар ва бир қариндошимизнинг тўйига кийиб кетдилар. Қайтишда авзойилари чатоқ келди. «Қарасам, нусханг кургур Фалончи худди шу кўйлақдан кийиб, рўпарамда ўтирибди!» дедилар. «У кийган кўйлақни мен асло киймайман!» – дея, еча солиб ирғитдилар.

Яна, чиройли одамларни яхши кўрардилар. Баъзан ўтган-кетган ёш-ялангни тўхтатиб: «Сени туққан онангдан айланай, болам, кўзимни қувон-

тирдинг, кўп яша, — дея алқаб қўяр, сочи кўп келиндан: Хой, Фалончи, шунча сочни турмак-лаб чиритиб юборяпсан-ку, бошингни ювиб чиқ, ўзим жимирлатиб ўриб қўяман», — дея астойдил сўранардилар.

* * *

Яхшиликни сиз одамларга талпинган, одамларсиз туролмайдиган кишидан кутинг. Аллоҳ суйган бандасини одампараст қилиб қўяди...

Ота-онамни йўқлаб борардим, кўпинча дарвоза ҳам, уйларнинг эшиги ҳам ланг очик, онамни эса албатта ён қўшниникидан топиб чиқардим, ҳамиша хандон уриб чақчақлашаётган бўлардилар. Бировларни йўқлаб, бировларга лутф қилиб, бировларнинг хожатини чиқариб толмас эди онам, онамжоним!.. Бир шеъримда айтибман:

*Онам битта калом айтса, ки юз
жонда баҳор эрди,
Онам лутфи жаранг берса, дутору тор
хор эрди,
Қўшилса у, ҳамма бедор, ўтиб тун,
тонг отор эрди,
Онамдай суҳбати дилкаш зотимда йўқми,
бор энди?
Боламнинг феълида Аллоҳ онамни
уйғотиб бергин...*

Эллигинчи йиллар. Тошкент. Бир уй, бир айвонимиз бор холос, рўзгоримиз ғоят камтарин. Аммо қўшни аёллар кечалари нуқул бизникига



тўпланардилар. Уларга кўнгил яйратар дастур-хон ҳам ёзилмасди. Ташқарида лопиллатиб қор ёғар, сандал (танча)нинг устига ўнинчи лампали керосин чироқни кўйиб олишар, тунги 11–12 гача қолиб кетишарди, онам чопон қавир, бир кекса хола чолларнинг ироқи дўпписини тепчир, Кимё опа ва Фароғат опокилар эса уларга суҳбатдош бўлиб ўтирардилар... Мана шу ўтиришларида улар бир жамоат эди. Қандай ўйлайсиз, бу жамоадошлик уларга нима берарди? Онам «одамнинг тафтини одам олади» деган нақлни кўп айтарди. Одамлар билан суҳбатга эса вақт кетади. Аслида, вақт онам учун жуда керак эди, чунки тирикчилик шуни тақозо қиларди. Аммо қирғоқка чиқиб қолган балиқ сувга қандай талпинса, онам одамларга шундай интиларди. Ўша кез қатор сингилларим қазо қилган, дадамнинг ишлари орқага кетган, бир ёғи мусофирчилик. Лекин бу йиғинларда онам ҳеч кўз ёши қилмас, аксинча, ичак узди аскиялар айтар, фаройиб хикоятлар билан атрофидагиларни мамнун қилиб ўтирарди. Хўш, бу ўтиришлар унга нима берарди? Жамоат – тарозу, дарду ғамингни бошқаларга солиштириб беради, бирини кўриб фикр қиласан, бирини кўриб шукр! Эҳтимол, бу аёлларнинг ичида онамдан ҳам абгорлари бўлгандир. «Йиғлама, биродар, менинг бағрим ҳам мана бундоқ ярадор» деган бўлса, онажоним шайтонга даф бериб, «бу аёл шунча ғами билан тикка яшаб юрибди-ку», дея шу тарзда ўзини синиб қолиш, ётиб қолишлардан асраб юргандир балки!

Онам беназир эди... Болалигимни эслайман. Биз яшайдиган ҳовлида яна бир оила ижарада турар эди. Эри ўзбек, аёли рус – Вера опа дердик, Россиянинг Куйбишев тарафидан эди. Мен ёлғиз бола, укаларим кетма-кет қазо қилган пайтлар. Онажоним бу ўрис келинга (онам уни шундай атарди) эринмай гоҳ ўзбекча гапиришни машқ қилдирар, гоҳ чопон қавишни ўргатар, гоҳида юртини, онасини соғиниб йиғлаб қолса, у тушунса, тушунмаса, астойдил сўзлаб, юпатишга тушар, гоҳо ўзи ҳам биргалашиб йиғлаб ўтирарди.

Вера опа ўғил кўрди. Дадам унга «Баҳодир» деб исм қўйдилар. Шу болачага чилласи чиқар-чиқмас бир яра тошдики, баданининг соғ жойи колмади. Агар елкасидан сиксангиз, тирсагидан йиринг чиқар, тирсагидан ушласангиз, билагининг пастидан яна шундай бўларди. Ёш она шўрликнинг боласини кўлга олишга кўркаётгани, тепасида юм-юм йиғлаётганини кўрган онам болани шартта кўтарди-да: «Болангга мен қарайман, деразани тақиллатсам, эмизгани чикиб турасан», деб бизникига олиб чиқди. Оҳ, онажоним-а! Ўша ҳаракатларини ҳозир кўриб тургандай эсла-япман. «Художон, шу мусофиргинага раҳм қил, боласини асра, фарзанд ўтини мен кўряпман, бошқалар кўрмасин-эй!» деб бўзлаганлари қулоғимга шундоққина эшитилиб турибди!

Онам ярага беланиб ётган боланинг ҳали у ёғини-ҳали бу ёғини сесканмай ушлаб, қандайдир сувларда чўмилтирар, нималардир сепар, суртар



ва ўраб-чирмаб, ёстикқа ётқизиб, оёқларида эр-талабгача тебратиб чиқарди. Онаси хадеганда деразадан мўралайверса, «Бор уйингга, ухла!» дея ҳайдаб берарди. Шу тарзда онам Вера опанинг Рустам, Аҳмаджон, Раҳматжон исмли болаларини ҳам ёнида туриб, катта қилиб берган...

Бошпанасиз қолган Зайнаб опа исмли нўғай аёлни уйимизга олиб келиб раҳнамолик қилганлари, «Сизни ҳунарли қиламан, йўлингизни топиб кетасиз», деб чопон тикишни ўргатганлари, кейин лойиқ-қобил одам топиб, турмушга берганлари, «опам-опам» деб, топганини унинг орқасидан ташиб юрганларини эслайман.

Мавжуда исмли бир тошкентлик аёл бўларди. Ўзи бева бўлиб, боласи ҳам йўқ эди. Бизникига тез-тез келар, у келганда онам негадир ҳазилкаш, ҳангомачи бўлиб қолар, «Мавжудахон, Мавжудахон»лаб, ўтқазгани жой топмас, албатта ётиб қолишга ундар, унга ёкадиган бир нарсаларни пишириб-куйдиришга тушарди. Гоҳида, у кетгандан кейин маъюс тортиб қолар, «Дунёга келиб, нима кўрди, шу шўрлик», дея кўз ёш қилар эди...

Онамнинг бу феълларида ҳикмат бор экан. Сиз ўйламангки, гўё бизникида тўкинлик эди ва ошиб-тошиб кетганлари учун шундай ҳиммат қилар эди деб! Аксинча, уйимизда энг мўл нарса эҳтиёж эди. «Эплаб бугунни ўтказиб олайлик, эртага ё Раззоқ!» деган шиор ота-онамнинг бир умрлик ҳамроҳи бўлди! Менгача ва мендан кейин туғилган қатор болалари ўлган онамга Аллоҳ шу



феъллари учунми, 43,45 ёшида икки ўғлон берди. Минг шукрки, улар омон қолдилар. Уларнинг роҳатларини кўриш ота-онамга ҳар қалай насиб этди.

Ҳикмат шуки, бу болалар бирор марта ҳам касалхонага тушмай, онамни кийнамай катта бўлдилар. Феъллари ҳам макбул бўлди. Ота-онам кета-кетгунларича улардан фахр ва ризолик билан ўтдилар. Буни онамга Аллоҳнинг қайtimi деб биламан. Мен ҳам бугун биргина даврага маъқул келиб, бир тўпгина китобхондан дуо ололган бўлсам, бу онамнинг оппоқ дили, одамларга кўрсатган ҳимматлари жавоби эканлигини уқиб тураман...

* * *

Ёшлигимда онамни «замонавиймас-да, ўқи-маган-да» деб пинҳона ўксиб юрган пайтларим ҳам бўлган. Ўзим хур фикрлиг-у, онам гўё колоқдай туйилаверар эди. (Нодонлигимни қаранг!) Аммо улкан андозам, буюк билимдоним, ҳамма хатоимни ислоҳ қиладиган тузатгувчим, қора кунларимни-да ёруғ қила биладиганим, халоскоримдан жудо бўлганимни онамдан сўнг билдим, ёшимга ёш қўшилган сари чунон билдим, чунон биляпман!

Оналар ўтиб кетсалар ҳам, фарзандларини тарбиялашда давом этадилар. Тириклигида қулоғингга олмаган насиҳатларини улардан сўнг биттадан эслаб, ёдлаб, бўйнингга тумордай илиб оласан ва амал қилишга тушасан. «Бу тутумларингиз эскича» деб сен назарингга илмаган

ишларини улардан сўнг муҳаббат билан бажаришга, йиғлаб юриб болаларингга ҳам ўргатишга уриниб қоласан...

* * *

Ойижон, баҳорлар гуллайверади,
Мен эса сиздан сўнг гулламай қўйдим.
Кўксимга қамалган булбулларимнинг
Чах-чахлаб сайрашин тиламай қўйдим.

Ойижон, ҳаваслар ўчди мисли чўғ,
Керик қошларимдан ўсмалар ўчди.
Синоат юз берди – ўзимда мен йўқ,
Суврату жонингиз жонимга кўчди.

Ўзим нақ ўзингиз – ҳамиша кулган,
Одамлар ичида тўлиб юраман.
Аммо дилда доим сизни кемирган,
Фариб ёлғизликни кўриб тураман.

Ўғил-қиз савдоси – тегирмон тоши,
Менинг ҳам қаддимни этмоқда букр.
Аммо сўзингиздир сўзимнинг боши,
Неники кўряпмиз барига шукр!

Шукр шу паришон туришимга ҳам,
Қайтарди ўзимга сизни худойим.
Ойнакка қарасам мўлтираб турар,
Оқ рўмол ўраган Эргашхон ойим!

Ўзи меҳрибондир бизга худойим,
Топиб олдим сизни, анжонлик ойим!

1995 йил

* * *

Аввалги бир китобимда ҳам келтирган эдим, онамжоним етти йилгача фарзанд кўрмайди. Табиийки, жигарлари дадамнинг бефарзанд ўтишини истамайдилар ва оилада яхши-ёмон маслахатлар бошланади. Ниҳоятда азият тортган онаизорим ўт устида бир номакбул ният қилиб қўяди. «Эй Худо, шу «туғмас» деган номдан қутқар, бола берсанг бўлди, кейин қайтиб олсанг ҳам майли!» деб юборади. Ният – қалтис! Ва онамнинг қисмати айнан шундай бўлади: олти нафар ўғил-қиз кўради, аммо улар бирин-кетин ўлаверади!

Онам умрининг охиригача: ҳар қадамда ҳар биримизга: «Ниятни бутун қил, фарзанд сўрасанг, умри билан, ризқи билан, хусну чиройи, эс-ақли билан, ота-онаси, жигар-бағирларининг бикрлиги, бахту тахти билан бер, деб тилагин», дея надомат билан бўзлаб ўтди.

* * *

Ҳали тувакда ўтирган боласини: «Буларни қайси уйга жойлайман, қандоқ уйлантираман», дея минғирловчилар бўлади. Болангиз улғайиб, йигирмага киргунча балки сиз ҳозиргидан йигирма баравар ортиқроқ бойиб кетарсиз! Қайдан биласизки, балки сиз ўзингиздан ортиниб, бошқаларнинг боласигача уйлаб-жойлашга қодир бўларсиз!

Ўзимдан бир мисол айтай: ота-онамнинг бағирлари кабоб бўлиб тилаб етишгани – катта укам эндигина ўн саккизга кирган. Бу пайтда онам олтмиш, дадам етмиш беш ёшга бориб



қолгандилар. Ҳали укам ёш, тўйга тайёргарлик тугул, сандикда бир кийим мато йўқ, аммо онам ҳадеганда «боламни уйлантирамиз» деяверади. Бу ҳам етмагандай, совчиликка номи баланд хонадонларнинг отини айтаверади! Тўй қиладиган дастёр эса мен. Ҳолим ўзимга маълум! «Она, тўйни нима билан қиламиз, шошилмай туринг», – дейман. «Сен тўй қиламан деб ният қилавер, у ёғини Аллоҳ беради», – дея ғазабига олади онам! Менинг эса юракларим йиғлайди: «Аллоҳ осмондан ташлаб берармиди, буларнинг бундай соддалигига яраша қўлим ҳам узунроқ бўлмади-да», дейман ўксиниб. Аммо гумроҳлик қилган эканман, онам ҳар сафаргидай ҳақ чиқди. Ният астойдил бўлса, чигилларинг ўз-ўзидан ечилаверар, у ёғини Ўзи ўнглар экан. Тўй қилдик, ширингина ўтди, мазаси оғизда қоладигангина қудачилик бўлди...

* * *

Онам ҳаётлигида қаердадир лат еб, оёғи қингир бўлиб қолган мусича бўларди. Ҳар ер-ҳар ерга ўшанга атаб дон сепиб қўярдилар. Бизга ҳам писанда килардилар: «Бу ўзимизнинг мусича, чўчитманглар!» дердилар. Бир кун-ярим кун кўринмай қолса, бетоқат бўлардилар. Пайдо бўлса, одам билан гаплашгандай, росмана гаплашардилар: «Келдингми, кадрдон, кам кўп демай, шу ерда юриб тургин. Мушук-пушук еб қўйдим деб хавотирингни олдим», – дердилар. Мусича ҳам этакларига теккудай бўлиб, атрофларида айланиб юраверар эди. Юраклари халим онам...

* * *

Онам дадамнинг кетидан мусофир бўлди, азият тортди. Кўрган-кечиргаии кетма-кет келган фарзанд доғи бўлди. Тошкенту Андижоннинг мозорларида онам шўрликнинг болалари сочилиб ётибди.

Сизга айтсам, онамнинг бир иқлими, бир дунёсини сингдиrolмай хануз хайратланаман: буни қарангки, жуфтига жону жаҳонини бағишлаган онажоним кўшни бева аёлга бир неча бор совчи бўлиб чикибди. Кимга денг! Дадам учун! Чикиб нима дермиш: «Синглим, шу амакингга теккин, биттагина туғиб берсанг бўлди, итинг бўлиб хизматингни қилай, токи мендан кейин Турсунойим ёлғиз бўлиб қолмасин», дебди. У аёл дод солиб бергачгина, онам шаштидан қайтган экан... Аёл ким ўзи? Онамнинг бу иши унинг қаҳратоними ёки баҳорими? Буюклигими ёки хокисорлигими ёки аёлликнинг юрагини босиб, янчиб турган Оналик устуворлигими?

* * *

Ким ўзи аёл? Кенгликда осмонми, чексизликда денгизми?.. Онамнинг исми Эргашхон бўлса ҳам, хужжатларда Хосиятхон ёзиларди. Шу тарзда етмиш тўрт йил яшадилар. Дадам ўтганларидан кейин бир ҳақиқатни билиб қолдим ва юрагим хайратдан увишиб кетди. «Хосиятхон» онамнинг кундошининг исми экан. У киши фарзанд кўришда қазо қилган, иккинчи турмуш бўлган онам ўша аёлнинг паспорти билан юраверибди.

«Ойижон, нега ундай қилдингиз? Бир умр бировнинг исми билан ўтибсиз-а?» десам, «Ҳай-



хай, ундай дема! Ўзи ўлиб кетибди, номи ҳам ўчиб кетсинми?» деб узун тин олди-да, секин кўшиб кўйди: «Дадангнинг кўнгли учун шундай қилдим, нима бўлганда ҳам, кўз очиб кўрганида!» деди...

* * *

Биз одмигина яшардик. Дадам мулла одам эдилар, аммо ўзларини ўтдан-чўққа урадиган уддабурон эмасдилар. Онам чопон тикардилар. Оиламизда ғамлаш, тўплаш имкони бўлган эмас. Аммо дадам қоплаб нарса келтирмасалар ҳам, ҳеч қачон рўзғорга пахта ёғи аралаштирмаганлар, «Онангга ёқмайди, кўй ёғи қувват бўлади», дердилар. Онам юкли бўлса, тинмай сут-қаймоқ ташир, «Сут онанинг ҳам, боланинг ҳам мижозини тозалайди», деб таъкидлаб қўярдилар.

Эсимни танибманки, қиш келса, чўян печка ишлатардик. Саҳарлаб олов ёқиш, кўмир келтириш, тутантирик тайёрлаш каби ишларни ҳеч қачон онамга бермаганлар... Рўзғорнинг жами ўпирилган жойларини дадамнинг меҳр-садоқати тўлдириб тургани учунми, онамдан бирон оғиз ўксиш, армон сўзларини эшитмаганман. Аксинча, ҳамиша: «Бугунги кун яхши ўтди, эртага ё Раззоқ!» деяверардилар. Болага онанинг тафти жон озиғи бўлгани каби, аёлга жуфтининг меҳри бамисоли соф ҳаво экан...

* * *

Кўли юпқагина дадам билан онам гўё давлатманд эди. Дадам ҳаётдан кетди-ю, гўё онамнинг



салтанати ҳам кетди. Тўрт тарафни тўлдирган, бир гапириб, ўн куладиган онам тиниб-тиниб қолди, гўё унинг бари шодмонлиги ҳам дадамга эргашиб кетди. Онам кўз ёш тўкиб йиғламади, «оҳ, отанг ундоғ эди, бундоғ эди», деб саннамади ҳам. Жимиб қолди, холос. Биз онамнинг мазорларга чироқ ёқиб, тиланиб топган, жонча суйган болалари бўлсак-да, дадамнинг ўрнини босолмадик. Кўп ўтмай, ҳеч кимга маслаҳат солмай, дадамнинг орқасидан онамнинг ўзи ҳам кетди. Гўдак каби эргашиб кетди...

* * *

«Ипак бирлан пўлатданми қуймиш бизни табиат», деб ёзгандим бир шеъримда. Эллик йилдан зиёдки, ўзимни кузатаман. Аёл бўла туриб, ҳануз аёллик оламининг тилини тушунолмайман. Баъзан ўз гапим, ўз ишимдан ўзим ҳайратланаман. Бошқа аёлларни ҳам завқ билан кузатаман. Эртага яна нималарни содир этаркинман, деб ишқибоз томошабиндай янги кунимни кутиб яшайман. Аёлки ўзини тушунолмай тангми, яна ҳам эркаклар бизни уқолмай гангиб қолмас экан-да, дейман ўзимча! Нафсиламрини айтганда, аёлнинг камалакдай феъл-атворини маза қилиб томоша қилишни билган эркак бахтиёр эркакдир! Аёлнинг ҳар бир бармоғи гуллайди. Гул бўлганда ҳам, бугун бир турда гулласа, эртасига бошқача! Аёл бугун ипак бўлса, эртага олов, унинг вужуди иштиёқ, у изланувчан жон — ҳар куни ҳар хил нарса ўрганаётган бўлади!



Бу зот ким?! Онам фарзандлар доғини, умр саргардонлигини филдай кўтарди. Пўлатдай маҳкам онам дадам ҳаётдан кетиши билан чирт узилди. У асли барги хазон каби мўрт экан. Онамни фил қилиб турган отамнинг **МЕҲРИ** экан. Аёлнинг мўъжизаларга тўла оламга айланиши учун жуфтининг унга озгина меҳри бўлса бўлди экан!

* * *

Ҳадеганда боласи ўлавериб, ҳисобдан ўчиртириб келавериб, адойи тамом бўлган отам-онам менга туғилганлик гувоҳномасини олмаган эканлар. Ўн тўрт ёшга кирганимда махсус вакиллар эшикма-эшик юриб, уруш пайти ва урушдан кейин туғилган болаларнинг ҳужжатларини тиклашга киришдилар. Шу баҳонаи сабаб билан онам билан дадам гувоҳномага борибдилар. «Қизингиз неча ёшда», деган саволга дадам: «Ўн тўрт», деса, онам: «Ўн олти ёш», деб жавоб қилармиш. Дадам: «Нега икки ёш қўшиб айтяпсиз, ундоғ деманг», деб танбех берса, «Ҳечкурса ўн беш денг бўлмаса, ҳарна бир ёш қўшилгани!» дермиш онам нуқул.

Мана энди таҳлил қиляпман: онам шўрлик катта бўлаётганимни ишониб-ишонмай кузатар, мени йилдан-йилга ўтказиб олгунча зор қакшаб турар экан. Яхши ният қилай, ҳеч бўлмаса қоғозда икки ёш улғайиб турсин, дея турган жойи экан онажонимнинг!

* * *

Эру хотин бирга яшайверса, бир-бирига қовур-гадай пайваста бўлиб кетар экан. Отамдан кейин жимиб-жимиб қолган онам баъзида тиззасига бир шапати урарди-да: «Вой, ўлмай ўлсин отанг-а!» деб қўярди.

У шундоқ деркан, кўзига ёш келмас, аммо ичи қовжираб, тутаб турганини шундоққина кўрса бўларди. Водариғ, дейман бугун. Бу: «Сенсиз қандай яшайман энди», дегани экан. «Мана, изингдан кетар бўлдим, нега мени эргаштириб кетяпсан», дегани экан! «Сен ўлмасанг, мен ҳам ўлмасдим», деб бўзлаб бораётган онам экан у.

Ўғли эргашмади отамнинг кетидан, бир дона, суюмли қизи — менинг қўлимдан келмади эргашиб кетиш! Фақат онамгина кета олди...

* * *

Аёллик дунёси ажойиботхона — ёқангни ушлаб томоша қиласан.

Турмай-турмай турган бола бўлсам ҳам, эслаб кўрсам, онам мени ҳеч қачон эркалаб суймаган, кучоқлаб ўпмаган экан. Гоҳи-гоҳи ўксиган пайтларим ҳам бўлган... Оилада катта фарзанд бўлганим боис, катта боламиз ўғил бўлмади, дея ота-онам ўксимасин учун, ёшлигимдан ўғилнинг уддасини кўрсатмоққа, дадамнинг юкини ўғлонларча қўлидан олмоққа уриниб, ўғил фарзанд мағзини берай, деб тиришиб-тирмашиб ўтдим. Бу атрофга ҳам сезилса керак, бир куни қўшни Саодатхон ая: «Болани сиз туғибсиз-да, Эргашхон ая, қанийди меникиларнинг ҳеч бўлмаса



биттаси шу кизингизга ўхшаса», деди. Онамга бу гап ёқмади. Бир норози қараш қилди-да: «У бизга нима қилиб қўйибдики, шундай дейсиз?» деди қовоқларини уйиб. Юрагим музлаб қолди. Изза тортдим. Онам менинг шунча яхшилигимни билмас экан-а, деб бир қанча муддат оғриниб юрдим...

У ҳолатнинг мағзини энди чақяпман. Онам табиатан жуда болажон эди. Қўни-қўшниларининг болаларини юраклари яйраб суяр, байтлар тўқиб эркалатар эди. Олти боласи кетиб, ўлмай қолган бир донаси бўлсам-у, мени яхши кўрмасмиди дейсиз! Ўпиб-кучоқлагиси, фарзандининг хиди билан яйрагиси келмасмиди дейсиз?! Энди билсам, жуда-жуда хоҳлар экан, фақат ўзини тийиб яшаб ўтибди. Кўзини кўзимдан, ўзини ўзимдан олиб қочган онажоним, мени тил келиб эркалатса, Аллоҳнинг қаҳри келадигандай, Иброҳим Адҳам қиссаси бошига тушадигандай, биттагина боласидан ҳам айрилиб қолаётгайдай бўларкан. Шунинг учун ҳам биров мени мақтаса безиллар, кўз тегиб қолмасайди, деб қоврилиб турар экан.

Ўлганларига-ку, хўп куйди, тирик қолганига ҳам суюнишга ҳадди сифмай, оналикда онадай яйрамай ўтган онам-а!

* * *

Укаларимга мурувват қилганим сари, онам росмана койинар ва қаттиқ оғриниб: «Унақа бошвоқсиз бўлмагин! Эртага ҳам кун бор, бир этак боланг бўлса! Эсингда бўлсин, жигар

жигардир. Асли вафо боладан онага, онадан болага!» дерди.

Одил онам, адолатли онам! Ахир берсам, унинг боласига беряпман-ку! Ўзига керак ва ёқиб турган нарсадан мени деб воз кеча олган, ўзи тўймаса-да, мени тўқ бўлишимни истаган онам!

* * *

Онам узилиш олдидан беш дақиқача тилдан қолди. Шу орада менга кўзи билан ненидир бетокат ишора қиларди. Охири тушунгандай бўлдим: «Куёвингизни чақирайми?» дедим. Онамнинг юзи ёришди. У ҳам дарҳол онам ёнига чўкди. Онажоним қўлларини юзига олиб бормоқчи бўлади, қўлидан ҳол кетган, кўтарилмайди. Билдимки, умр йўлдошимга дуо бермоқчи. Лаби қимирлай олмас, кўзининг икки четидан тинмай ёш оқар, аммо нигоҳи унга термулганча нималардир дерди. Кўзида илтижо мўлтиради. Бу — ризолик сўраш, бу — қарздорлик, бу — узр видолари эди эҳтимол! Онам менга, ўғилларига ундай қилмади, фақат кўзлари билан охирги гапини куёвига айтди!

Онам чарақлаб юрган пайтларда ҳам тезда-тезда: «Хой қиз, агар шу етимнинг дилини оғритадиган бўлсанг, у дунё, бу дунё розимасман», деб қўяр, қайнона-куёв ҳамиша бир-бирини ёқлаб муносабатда бўлишарди.

Онамга ёққани, унга малҳам бўлгани учун ҳам, умр йўлдошимнинг изларию озорларини кўзимга суртиб юргандирман балки...

Сиз аёлнинг пичирлаб турган жонига кулок
тутинг, биродар:

*Сен мени совутгил, Аллоҳи қодир,
Совутгил ўзимни босайин пича.
Менда бор ўгил-қиз ҳаммада бордир,
Ҳамма аёлда бор оналик бурчи!*

*Мени ё совутгил, ё қирқта жон бер,
Битта бош ечолмас мушкулларимни.
Ташвишлар лашкари синдираман дер,
Чарчоқ узай дейди мускулларимни.*

*Жонлар қўш жонимга, қилгил мурувват,
Токи битта жонда боламни суяй,
Биридан Тин олай, биридан Қувват,
Берида Соғинай, берида Куяй!*

*Бир жонни ажратай Хавотир учун,
Тўрт жон тўрт боламнинг ёнида юрсин.
Юрагим яшаркан Ер шарин қучиб,
Олдида бир жоним ухламай турсин!*

*Эҳ, қирқмас, мингта жон камдир санасам,
Аёлликнинг азоб, роҳатларига.
Яхшиси Сабот бер, ўзимни босай,
Тўзим бер, Аллоҳим, тоқатларимга!*

*Кўнглимнинг дунёлар сиққан бағрига
Ўзим сигмас эдим, сигдирай энди.
Бас энди, жонимнинг синиқларидан
Битталаб ўзимни қидирай энди!
Тўзим бер, тўзим бер тоқатларимга!*

* * *

Москванинг бир хужжатли фильмини кўргандим. Ўнта ўғли урушга кетиб қайтмаган аёл ҳақида эди. Ўғлонлари ўлди, уруш тугаганига ўттиз йилдан ошди. У эса тирик, у ҳамон тирик. Бир фарзанд доғиинг ўзи онанинг адо бўлишига етади, ўнта бола-я! Ахир бу ўт нечун ёндириб юбормади уни, нега куйдириб юбормади!?

«Шошмай тур, — деди ажалга аёл, — сенга ўнта боласини берган мардман мен, менинг жоним жон эканми, фақат ҳозир ўлдирмай тур», деди. «Ўлиб қолсам, болаларимнинг чироғини ким ёқади», деди. Ўлолмайд юрди. «Уларнинг дуосини ким қилади», деб ўлмай юрди! Ўзини зўрлаб юриб ўлгани қўймади... Аёл ким ўзи?

* * *

Кўп йиллар бурун бир шеър ўқигандим: она бемор, ҳолати тобора орқага кетмоқда, сўнаётган шам каби жони липиллаб турибди. Биттагина фарзанди бошида мўлтираб ўтирибди, мизғигани кўрқади, кўзини юмса, онаси узиладигандай! Аммо ғафлат устун келди, ўғил онанинг кўксига бошини қўйганича, бир зум пинакка кетди. «Шунда, — дейди шоир, — боласининг уйқусини бузиб юбормаслик учун она ўз юрак уришини тўхтатди!»

Юрагингнинг ўртасига бир нарса санчилади! Нафасинг ичингга ютилиб қолади! Шоир бу гапни тўқиб айтди, аммо шундай айтдики! Бир жойда ўқигандим: «Адабиёт ёлғон гапиради, лекин у ҳақиқатнинг ўзидан кўра роҳроқдир»,



деб. У ёлгонмас, у фарзанд учун онанинг жисмида кўпчиб турадиган минг имконнинг биттаси, холос. Бундай имконнинг борлигини унинг ўзи ҳам билмайди. Бу қудрат керагида пайдо бўлади, уни худо беради! Юрий Андреевнинг «Бахтли бўл, ўғлим» китобида боласини ҳалокатдан қутқариш учун жон-жаҳди билан урилиб, елиб келаётган юк машинасини ағдариб юборган аёл ҳақида гап боради...

Ваҳ-вах! Она ўзи ким? Аёл қандай мавжудот?!

* * *

Олой маликаси дея эъзоз этилган, «генерал» унвонига сазовор бўлган Қурбонжон додхонинг ўғлини осиб ўлдиришга ҳукм этдилар. Дор қурилган, ҳеч йиғилмаган оломон йиғилган, хамманинг ҳолатида мувозанат йўқ, додхонинг ҳоли энди не кечади деган ўй!

Шу пайт узоқдан чанг кўтарилиб, бир отлик учиб кела бошлайди — Қурбонжон момо! У нафаси ичига тушган оломонни ёрганча, тўғри дор остига келди ва жиловни аранг тортганча, боласига юзланди: «Ўғлим, шахид кетиш бизга меросдир!» деди ва отнинг бошини шарт орқага бурди-да, қандай келган бўлса, майдондан шундай елиб чиқиб кетди.

Ё раб, уни недан яратдинг?! Бу кичкина жон бу қадар қодирликни қандай кўтарди? Бу зотни кўряпсизми? Дор остидаги боласининг кўзига қараб туриб, ризолик беролган аёл бу! Бўйнида арқони билан жавдираб турган фарзандига орқа



Ўгириб кетолган, юрагини у ердан портлатмай олиб чиқиб кетолган аёл бу! Қўли жировни қўйиб юбормаган, дўст-душманнинг олдида отдан йиқилиб тушмасликни уддалаган аёл бу!

Бу ирода, бу орият, бундай шижоатни унга Аллоҳ берган! Бу неъмат азиз — ҳазрати Онадир!

* * *

Ҳамма замонларда ҳам зинокаш эркагу аёлнинг юзи қаро бўлган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил лаънатланади. Аммо одиллик билан айтганда, шу кўйга тушганларнинг эркагидан аёли дурустроқдир. Чунки айниган эркак топганини кўчага сочади, аёл эса болаларига олиб келади! Бу билан унинг гуноҳи енгилламайди, ҳаром едириб боласини заволга қўяди, аммо шу ерда ҳам оналикнинг фидойилиги бўй кўрсатиб турибди. Аёлнинг мартабасини улуғ қилган шу — баҳоси йўқ ОНАЛИКдир.

* * *

Аёлни аёллик юки қадамида ер тишлатиб қўйиши мумкин эди, аммо уни Яратгanning ўзи асраб туради... Бу ёруғ дунёда ҳеч бир ғазот аёлнинг она бўлиш дақиқаларидай оғир кечмагай. Фарзанд дунёга келар экан, онанинг жисмига ўт тушади. Жон таслим қилаётган кишида нафас қандай бўғзига тиқилиб келса, кўзи чаноғидан чиққудай бўлиб, бу дунё билан у дунёнинг ораси қилчалик қолса, янги инсоннинг туғилиши худди шу тарзда кечади.



Аммо бир синоат юз беради: бу ғазот азобини Яратган бамисоли компьютердан ўчиргандай аёлнинг хотирасидан ўчириб юборади! Агар шундай бўлмаганида, ҳеч бир аёл боласини қўлига олмаган, бетига карамаган, орқасига ҳам бурилмай кетворган бўларди!

Аллоҳ ичингдан фарзанд деган тиконни олади-ю, ўрнига тирноғингнинг учигача тўлдириб Оналик меҳрини солиб қўяди. Шу бир парча эт дунёингга айланади. Ҳамма ипингнинг учи шугинага боғланиб қолади. Мен бола билан жон ҳам кўчади-ю, онанинг кўзи ёригач, яна изига қайтади, деб таърифлардим. Бекор ай-тибман. Бола билан бирга жон ҳам чиқади. Сенинг ҳаракатдаги лошинг қолади, холос! Энди жонинг – шу бола! Шу бола оғриси оғриб, йиғласа йиғлайсан. Семирса семирасан, озса оза-сан! Аввал жонингни қовурғаларингнинг орасида беркитиб сақлардинг, кўнглинг тўқ эди. Энди у тўрт томонидан шамол уриб турган ерга тушди. Оҳ, уни асраш нақадар оғир!

...Эсламайди эмас, бола топишдаги оғрикни аёл эслайди, фақат бир ҳолатда – қачонки, фарзанди уни куйдирса! Ўшанда ҳам: «Сен туғилмай қўя қолсанг бўлмасмиди?!» демайди, «Сенинг ўлганинг яхши эди», демайди. «Сени туғмай мен ўлай!» дейди. «Ўша тўлғокнинг ичида ўлиб кетаверсам бўлмасмиди!» дея фарёд солади.

Суякларимиздан синдириб ўғил ясадик, ўғлонларимизга инсоф бер!

Этларимиздан узиб бино қилдик – қизларимизга тўзим бер!

* * *

Аёл – мисли гўдак! Ёлғондан юпатсангиз ишонади. Бир ширин гап билан бахтиёр бўлади. Бола онасиз жавдираб қолгани каби, аёл ўз боласига, жуфтига, уйига шундай мубтало бўлиб яшайди. Унинг учун ҳамма муаммолар кейинги ўринда: дунё тинч бўлса, жуфти омон-эсон ишдан қайтса бас, фаровонлик шу. Жой-жойида ухлаб ётган болалари жисми-жонини яйратган сурурдир! Шугина давлати бор бўлса, қора жуфтини оппоғим деб, содда рўзгорини салтанатим деб, бағрига босиб ўтаверади. Бир шеъримда шундай мисралар бор экан:

*Истайманки, мен хотиржам
нонлар ёпай тонг маҳал,
Остонамдан узилмасин
менга азиз қадамлар.
Керак эмас менга олқиш,
керакмас олтин ҳайкал,
Фақатгина хавотирдан
халос қилинг, одамлар!
Токи фақат бугдой ноннинг
ҳиди тутсин оламни,
Токи яйраб суя олай
бағримдаги боламни!
Юрагимни хавотирдан
халос қилинг, одамлар!*

* * *

Биродар, онангиз қўлингизга омонат қўниб турган кабутарингиздир. Онангиз сизнинг сул-

тонлигингиз, шоҳлигингиздир. У сизнинг бутун юрагингиз, мувозанатингиздир. У – дунёнинг жами оғриқларини баданингизга ўтказмайдиган иммунитет, дуолари сизга келган балоларни қайтариб турадиган кўрғонингиздир! Оналар – сиз симириб кўрган ҳаволарнинг энг тозаси. У, сув – энг ширин, энг шаффоф, энг тиланилган сув! Онадан сўнг вужудингизда шунақанги қурғоқчиликлар бошланадики! Излаб қоласиз-ов, бўзлаб қоласиз-ов!..

Бир томондан ота-онанг кексаяверар экан, бир томондан тирик ота-онангдан маза қилиш ўрнига кечалари сени ухлатмайдиган титроқ хавотир пайдо бўларкан. Кулганинг, юрганинг, ҳатто бола-чақанг кўнглингга сиғмай туради, еган-ичганинг ичингга тушмайди, уларга мўралайверасан, термулаверасан: «Ана қариб қолди-я, мана қариб қолди-я», деяверасан.

*Қўш каптарим, отам-онам
Ғу-ғулашиб ўлтирар.
Кўзларимда эса мудом
Хавотирим мўлтирар.*

*Мўлтираган хавотирни
Ёзай десам, сўзим йўқ.
Бу қўшалоқ жавоҳирга
Жим боқмоққа тўзим йўқ!*

*Ортиқ боқсам кўзим теккай,
Ўз кўзим ҳам ўгайдай.
Ишонмасман еру кўкка,
Энди қайга қўйгайман!*

Олиб юрсам қани эди,
Қўндирволиб бўйнимга.
Яширайин қайга энди,
Беркитайми қўйнимга.

Қўйнимдаги каптарларга
Жон ипларим бойланган.
Учиб кетса, тушгум жарга,
Дунё чоҳга айлангай!

Кумуш патли каптарларим
Хазинамдир ёнимда.
Сурур ортар кўрган сарим,
Бир хавотир жонимда!

Қўшалогим, отам-онам
Ғу-гулашиб ўлтирар...

1982 йил

* * *

Онангизнинг умрини тиланг, онангизнинг умрини узайтирадиган дори бўлинг! Бу чархи фалак айланаверади, атрофингизда қизу ўғил, бойлигу пул айланаверади, фақат Онангиз, Отангиз даврадан бир чиқса, қайтиб кирмайди! Йўлини қилинг, дилини топинг, тилини топинг: уларнинг кўпроқ яшашига Аллоҳ сизни сабабчи қилсин! Аёлпараст, эрпараст бўлманг, болапараст, рўзгорпараст бўлманг, қаранг, қаранг ахир, биттагина онангиз, биттагина отангиз сиздан кетиб боряпти! Бир ойга бўлса ҳам, бир йилга бўлса ҳам тўхтатинг уларни, қанийди ўн йилга тўхтата олсангиз, қанийди! Кейинчалик армонларда куйиб

кул бўлмайин десангиз, қуйида айтажакларим-
ни қулоғингизга олинг, уларга ҳимматингизни,
меҳрингизни жадаллатинг.

* * *

Йигитларжон, дейлик, аёлингиз онангиз ёки
ака-синглингизни қаттиқ ҳақоратлади, аммо
қорнингиз оч пайтда оғзингизга ёққан таомни
тайёрлаб олдингизга қўйди, сиз эса илжайиб
тушираверасиз, гинангизни унутасиз. Аёлингиз
яхши билади – бундан кейин ҳам яқинларингизни
у хоҳлаганча атаб чақиравериши мумкин, чунки
битта ширин овқат билан ғазабингизни даф қилса
бўлади. Шу ўринда сизга аёлни таққослайман:
сиз қайнонангизни ёмон кўрар эдингиз, дей-
лик, ўн йил деганда тушундингиз, унга мурув-
ват қилгингиз келди, катта оқибатлар кўрсатиб,
аёлингизни ҳам зарга ўрадингиз. Аммо лол
қоладиган ҳолатни кўрасиз – аёлингиз кўзи тўла
ёш билан миннатдорчилик билдиради. Аммо шу
миннатдорчиликнинг ичида қулоғингизга алам-
ли тарзда: «Ўн йил бурун онамни нималар
дегансиз-а!» дея пичирлаб олади. Қойилмисиз,
бу билан у: «Онамнинг дилини оғритадиган
бўлсанг, бошимдан тўккан зарларинг бекор», де-
ган ишорани бермоқда. Сиз бу ёғига муомалани
эҳтиёткорлик билан қиладиган бўласиз. Аммо
ўзингиз аёлингиз онангизни қақшатганда: «Нима
учун яқинларимни ундай ҳақоратладинг, бор
овқатингни ўзинг е», дея олмадингиз. Агар бир
марта важоҳат билан шундай норозилик бил-
дирганингизда аёлингиз ўрмалаб чиқиб, елкан-



гизга бундок ўтириб олмасмиди, юраги синган онангизнинг ҳам беш кунгинага бўлса-да, умри узаярмиди...

* * *

Бизнинг ўзгартириб бўлмайдиган, насл белгисига айланиб қолган феълларимиз бордир. Уни тил келтириб айтмайдилар, қоғозга битмайдилар. Бу феъл қонимизда айланиб юради. Яъни: ота-онага, жигарларга садоқат борасида киз бола ўғил болага нисбатан бир неча бор устувор эса-да, гарчи унинг умр деган мураккаб юкни тортишдаги сабру қаноати, чидамлилиги йигитлардан кучли бўлса-да, ўзбек барибир ўғил фарзандни аъло кўради. Ўғил кўрган куни томирларининг жами чигили ёзилади, ўпирилиб турган кўкси тўлади. Ўғил кўрдим, энди номим ўчмайди, дейди у. Кун келиб, қазоим етса, мени ўз қўли билан жойимга қўядиган эгам келди, дея кўнгли тинчланади. Ўғилнинг қўлидан ейдиган нонини энг беминнат деб билади. Ўғил туғилиши ота-онанинг кўксига умид дарахтини экади — энди эшигим ёпилмайди, чироғим ўчмайди, энди қизларимнинг йўқловчиси, набираларимнинг ҳимоячиси бор, деб жони яйрайди.

* * *

«Ўғил» деган сўзда умрбахш хосият борлиги ҳаққи рост: еттинчи синфдалигимдан бошлаб қўлимдан игна кириб, игна чиқиб, ота-онамни хурсанд қилишга интилардим. Бироз улғайгач, умр йўлдошимнинг бақамтилигида уларга қўй



сўйибу тўйлар қилибу уйлар солиб берган пайтларимиз ҳам бўлди. Аммо ота-онам бунни очилиб-сочилиб эмас, ҳазинлик билан қабул қилдилар. Мен кутгандай яйрамадилар. Лекин ўғил укагинамнинг дастлабки маошига олиб келган бир килограмна гўштини дадам бир ой таърифлаганлари эсимда. Онамнинг юзларидан куёш чиқиб кетгани, ўғилгинасини чаппар уриб эркалатганлари шундоққина эсимда! Демак, қиз боланинг минг сўмидан ўғил боланинг бир сўми сингишимлироқ ва татимлироқ бўларкан. Элнинг «ўғлим берганини ўйнаб ейман, қизим берганини ўйлаб» деганининг маъниси шу экан.

Бундай қарши олишлар сенга муборак бўлсин, ўғлоним! Ота-онанг ўғил сўраб, ўғилга етдилар, илоҳим, энди улар ўғилдан кутган ниятларига ҳам етсинлар!

* * *

Бу — дунёи шитоб, дунёи омонат, ўғлим! Ота-онангни сенга боғлаб қўйган эмас. Қирққа кирган ота-она ҳам умрининг ярмини яшаб бўлган одам, уларнинг топганини еб эмас, уларга топганингни едиришга улгуриб қол!

Ота-онанинг қолдирган моллари тоғ эса-да, баракоти бўлмас ва ҳамиша хомталашдир. **Катталарингнинг борида белингни тиккала, албатта, бир касбнинг устаси бўлиб ол.** Эҳ, болам-а, ота-онадан кейин ҳеч ким сенга уларчалик харидор бўлмас ва қисматинг учун жон куйдирмас! Сенга яхшилик қилиш хоҳишлари бўлса-да, ўзларидан ортинолмаслар! Суягичларинг борида ғоз туришни билиб ол, азизим!

* * *

Ота-онанг сени фақат бахт учун, бахтга атаб дунёга келтирганлар. Сени сувда эмас, дуоларда чўмилтирганлар, исмингни ҳам Бахтиёр, Комрон, Зафар, Дилшод, Хушнуд, Омад, Максуд, Умид деб кўйганлар! Шу исмларга муносиб умр кўришингни худойимдан туну тонг йиғлаб тилайдилар. Илинж ила эҳсонлар қилиб, элдан дуо йиғадиладар. Ўқитадиладар, хунарманд қиладилар. Сени бахтли кўрай деб, сочлари оқариб, тишлари тўкилгунча куймаланиб ўтадиладар... Ўзингни йиғиштир, уларни ноумид қилма, **шу икки буюк харидоринг учун бахтли яшаб бергин, ўғлоним!** Агар астойдил хоҳласанг, бу сенинг қўлингдан келади.

* * *

Ота-онани тезда қаритиб ёки ёшартирадиган нарса фарзандларнинг муносабатидир. Ўйин боласи бўлиб юрганинг чимилдиққача, ўғлоним! Оилали бўлдингми, тамом, буқаламунга айлансангда айлан, аммо шу уйдагилар рози бўладиган муомала топ! Аёлинг билан ҳам, онанг билан ҳам ўзларининг тилида гаплаша бил. Жуда кўп ҳолатларда қайнона билан келин орасининг бузилишига куёв боланинг зийракмаслиги сабаб бўлади.

Кўчадан кираркансан, сўзинг билан ҳам, кўзинг билан ҳам аввал онангни изла, отангни зиёрат қил, аҳволларини сўра, сўнггина аёлингни кўр ва болангга эътибор қил. Билгинки, ота-онангнинг битта иши қолган, у ҳам бўлса, кунда



сенинг эсон-омон ишдан келишингни кутиш! Сен эса кела солиб, аёлингни сўрадинг ёки болаларингни алқашга тушдинг. Шугина хатоингнинг касрини кўр: кўзим тегмасин деб, сени ҳатто ўзидан қизганиб ўтган она сени бутунлай эгаллаб олган келиндан қизганмайдими?! Мувозанат шундан таранг тортади, қайнона-келин можаролари шундан бошланади.

* * *

Қайнона бўлган оналар ҳам икки хил бўлгич. Бағри кенги айтади: «Худога шукр, энди болам кўчадан келса, кутиб оладиган аҳли аёли, овунтирадиган болалари бор, хавотир олмасам ҳам бўлади. Ҳузуримга унча югурмаяптими, демак, болам менсиз яшай олади, энди менинг тирговчулигимга эҳтиёжи қолмабди» деб ўзини овунтирган бўлади. Болам мени камроқ ўйлаб қолди деган даҳшатли фикрни ўзидан ҳайдашга уринади. Ва ғаш кўнглига: «Ҳадеганда касал бўлиб, уни ҳам чиқимдор, ҳам безовта қиялпман. Бу боламга жабр, аста кетиб қўя қолсам, унга енгилроқ бўлармиди» деган дилгир ўйлар келади! Эй бепарво болам, бола-чақаси билан ўралашиб, онадай ғаниматидан четлаб қолган ўғлон, кўряпсанми, волиданг минг ризолик билан ўзига ўлим сўрай бошлади...

Энди бағри тор онани эшит: «Бу келиннинг иши! Кеча келиб, бугун ўғлимни хушидан жудо қилди, ўғлимнинг овзидан оти тушмайди-я, бола туғиб бердим деб, боламни эгаллади қўйди!» дея отига тескари миниб олади. Қарабсанки,



келиннинг ҳамма иши ёмонга чиқаверади. Бу ҳолатнинг муаллифи эса сен!

* * *

Хайит-арафаларда сахармардондан биринчи онангни йўкла, кейингина қайнонанг ва бошқаларга бор. Чўнтагинг кўтарган энг яхши нарсани ота-онангга тортиқ қил. Онанг асло совға сўрамаса ҳам, совға келтирмасликни таъинласа ҳам, ҳеч қачон ҳузурига қуруқ борма! Боланинг қўли узатган неъмат ота-онага жаннатий роҳат беради.

* * *

Ота-онанг қай аҳволотда бўлишидан қатъи назар, атрофдагилардан орият қилма, бағрингга бос. Бемор бўлса, ҳеч кимга ишонма, ўзинг емак бер, ўзинг покизала! Қўлларингга кўтариб юр, кулиб гапир, кулиб эшит. Уларнинг бу дунёда фарзандларидан, яъни сендан бошқа харидори йўқ! Дуо қилишни билмайдиган ота-онага ҳам муҳаббат кўрсатавер, сени Яратганнинг ўзи қўқларга кўтаради. Кимки кам бўлмапти, кимки азизу мукаррамдир – ота-онасидан дуо олган инсонлардир. Ота-онангни кафтингда тутганингни болаларинг кўриб турсин, жавобига, ўғлоним, улар сени бошларида кўтарадилар!

* * *

Анови бола эмизиб ўтирган жувон шунчаки бир инсон эмас, сизнинг авлодингизни, умрингиз давомини, икки дунёингизни обод қиладиган



зурриёдингизни дунёга келтирган Аллохнинг мўъжизасидир! Унга осмон бўлиб бошида паноҳлик қилинг, замин бўлиб, уни ўстиринг, кўкартиринг! Чунки у шу туришида юз фоиз СИЗ УЧУН заҳмат чекапти. **Кўксида боласи бор аёлнинг ёмон-яхшиси йўқ! Ахир у ўзидан ОДАМ яратяпти, унга кўмак беринг, уни қўлланг, қўлтиқланг! Ундан нуқсон қидирманг, ўзингизга номуносиб сайламанг! У сизнинг ниятингиз, савоб ва гуноҳларингиз, атрофингиздан олган дуо ёки норозиликлар эвазига тақдирингизга битилган улуш! У — қисмат! Сиз шунга муносибсиз.**

Юкли ё чақалоғи бор келинни ўқситмангиз, дилини офритмангиз, то боласини кўкракдан ажратгунча, кирпи бўлса-да, юмшоғим деб турингиз.

Бола эмизаётган аёл бировдан кўркмасин, чўчимасин. «Ана, ҳозир бир нарса дейди, мана айбимни айтади ёки бугун ҳам ичиб келса, нима томоша кўрсатар экан», деб ваҳима ва хавотир ичида яшамасин. Алқисса, боласи хуркак, журъатсиз ва кўркоқ бўлиб улғаяди. Бу зотнинг айнишидир, биродар!

* * *

Бола эмизиб ўтирган аёл дунёда энг бахтли аёлдир. Дарвозадан кириб келаётган эркак аёлнинг жуфти эмас, мисли йўқ толеидир! Берилиб кўйлакча тикаётган, куймаланиб кулча ёпаётган аёлнинг наздида ўзидан саодатмандроқ киши йўқ. Аёл атрофидагилардан катта харажат, улкан фи-



дойиликни сўрамайди: унга меҳр билан тикилиб қўйсангиз ва «борлигинг қандай яхши-я», деган лутфни астойдил деб қўйсангиз бўлди.

* * *

Аёл чор тарафга меҳрини, меҳнатини, хуснини, жонини аямай сочиб боради, аммо ҳаргиз таъна қилмайди, қайтим сўрамайди. У бутун дунё унга мукофот тутиб турса қарамаслиги, унинг шаънига олтин ҳайкаллар ўрнатсалар севинмаслиги мумкин, аммо у юракларининг ўртаси билан фақат жуфтидангина совға кутади, битта тароқчалик бўлса-да, эътибор кутади. Эркагининг қўлидан совға олаётган аёл, ҳайитлик олаётган боладан-да бахтиёрдир! Аёлига битта дурра ёинки арзон кавуш бўлса-да, совға қилган эркак унга жаҳон банкини берган каби ризолик олади.

* * *

Унинг исми ва мижози аёл, унинг бахти ўша иқлимни асрай билишида. Дунёга аёл бўлиб келиб, аёлдай яшаб ўтишида! Тани-жони соғ бўлса, олов ёқадиган ўз ўчоғи, бошидан чакка ўтмагудай ўз бошпанаси, бир кафт бўлса-да, унга ненидир илиниб, унга интилиб эшикдан кириб келадиган эркаги, қиздир, ўғилдир, ёқасига чирмашиб турадиган бир жон парчаси бор бўлса бўлди, аёлнинг вужудини тўлдириб, тиндириб турадиган бахти шу! Аллоҳ ҳар бир аёлга шундай яшаб ўтиш имконини берсин!

* * *

Аёл аёл эмас, рўзгор деган юр ичида, оила аталган довулли, чақинли фасл ичида ҳамиша титраб тургувчи, шунда ҳам муаттар бўйларини сочавергувчи, тўрт томонга эгилиб, букилавергувчи, аммо негадир ҳеч синмагувчи бир гулдир! Харгиз «керак эмассан» дея кўрманг унга! «Ким бўлиб колибсан?» деб юборманг! Қадди ниҳоли билан пойиигизга чаман файзини тўшаб турибди, ногаҳонда товонингиз билан эзиб қўйманг уни! Сизнинг хатоларга тўла шу туришингиздан бахт куйини яратаман деб қошингизга келди, унинг янгроқ торларини узиб қўйманг яна! «Мен чиройлимасман, бегим», деса, ёлғондан бўлсада, «ундоғ дема, Ойимсан», денг! «Сизни рози қилолмаяпман», деб уқаланса, «Йўқ, аввал мен сен рози бўладиган ишлар қилай», дея фидойи кўрсатинг ўзингизни! Унинг дунёга сиғмас бахти шу! Унинг сиздан сўраб тургани шугина, холос! Шундай, азизим, АЁЛ ўзининг асил баҳосини билмай ўтаётган БУЮКЛИКдир...

* * *

Аёл борки, она бўлишни орзу қилади. Оналик эса биттагина юмушдан иборатдир. Яъни у – мураббийлик. Оналикка сайланган одам умрининг охиригача шу касби корга ҳам сайланади. У нафақат боласига, балки жуфтига ҳам мураббийдир. Жуфти билан фарзандига керак бўладиган атрофдаги ҳамма одам ва ҳамма нарсага мураббий ва химоячидир! Оналик унвони ва салтанатига эга бўлгач, аёлнинг юраги қайта



яралади, жами фаолияти, фалсафаси шу салтанатнинг иқлимига мослашади. Аёл она бўлгач, ўзини унутади, ўзини қатордан чиқаради. Хатто унинг ўзида ўзи учун жой қолмайди: хаёли боласида, кўзи фақат уни кидиради, тилида фақат у, дилида фақат у, кўли доим унга нимадир ясайди, оёғи боласининг ташвиши билан у ёқдан-бу ёққа югургани югурган. Ақли расо аёл борки, оналикнинг йўлида биттагина умрини курбонликка қўяди! Бу мўъжиза зотни Яратгувчига ҳамду санолар ва тасаннолар бўлсин!

Аёл борки, онасининг тутумини тутади. Эркак зоти борки, умрининг поёнигача онасининг дамлаган чойи, пиширган овқатини қўмсаб ўтади. Онасини йўқотган одам борки, то етган жойигача унинг насихат ва васиятларига амал қилишга ҳаракат қилади. Бундоқ ўйлаб қарасанг, бу дунёнинг асосий тарбиячиси ОНАИ МУХТАРАМАЛАРдир! Уларнинг пойи қадамларига минг тасаддук бўлайлик!

* * *

Онамдан айрилганимга ўн саккиз йил бўлди. Аммо онамнинг худди ўзини чизиб берадиган ўн саккиз қатор нарсга ёза билмадим, ёза олмадим! Мени шоир қилиб тукқан онам одамларнинг оғзида қоладиган битта ёниқ китобга ё оташин бир шеърга арзимасмиди?! Шоирлигим неча пуллигу ёлғиз қиз сайланганимнинг баҳоси канча?!

Биродар, мен ҳам сизнинг бирингизман. Ҳаммага вақт топиб онамга вақт топмаган, болаларимни ўн қатор кийинтирганда онамни бир



катор кийинтиришни ҳам ёлчитмаган, катта йиғин — давраларда, дала-тузларда, мени бир кўриб қайта кўрмайдиган етти ёт бегоналар ҳузурида қумридай сайраб, кўнгилларини олиб, аммо онамни ярим соат эшитишга, унинг кулокларига беш дақиқагина тиланган сўзларини айтишга ярамаган фарзанди ғофил мен бўламан-да!!! Ўзбекистоннинг ҳамма бурчагига поезддаю самолётларда етиб, ёнгинамда яшайдиган, пиёда юрибгина ўтиб қўйсам бўладиган жойда кўз нурларини йўлимга тўкиб ўтиргувчи онамни — жонимни соғинтириб ўтган арзон дилбанд мен бўламан-да!!!

Сиз менинг хатоимни такрорламанг. Фарзанд бўлишга шошилинг! Онангизни рози қилиб, саодатманд бўлишга шошилинг! Бу ёруғ дунёни онамизнинг этакларидан тушиб топдик. Асалу болини тотдик. Онамиз ҳориб қолса, онамиз толиб қолса, биз ҳам дарҳол этакларимизга солиб олайлик уни! Елкаларимизга қўндириб олайлик! Армонларимиз кўпайиб кетмасин, гуноҳларимиз тўпланиб кетмасин, онангизга шошилинг-эй, онангизга шошилинг...

* * *

*Онажоним кетди-ю, қолди етим дил ўртада,
Онажонимсиз сағир ўтди талай йил ўртада.*

*Ҳар баҳордан изладим, ҳар бир
кузакка бўзладим,
Сизсизин ҳолсизланиб, бўлди кўнгил
қил ўртада.*



Осмонга етди-ку, армонларимнинг оҳлари,
Силкинар тавбам юкидин бул замин
зил ўртада.

Кўз ёшим Нил ўртада, синдим-ку
чил-чил ўртада,
Ҳолатим айтур «онамлаб», бўзлаган
тил ўртада.

Яхшиям Ҳақ ёр эрур, ки тўлдиран
кўксимга нур,
Кунда қаддимни тутар бардош деган
фил ўртада.

Яхшиям Ҳақ бор эрур, ҳар кун дилимни
гуллатур,
Ўлгани қўймас мени фарзанд деган
гул ўртада.

Гоҳи кўкка чоғланиб, гоҳо заминга боғланиб,
Турсуной исми билан сўзона булбул ўртада.



Умр йўлдошим

ТАРОЗИБОНЛИК

Хар биримиз зоҳиримиз ва ботинимиздан иборатмиз. Бизни бошқариб турадиган ва биз бошқарадиган ҳамма нарсамиз: руҳимиз, тафаккуримиз, азобимизу роҳатимиз, боримиз ва йўғимиз шу икки иқлимга, яъни зоҳиримиз ва ботинимизга жойлашган. Бу икки иқлим эса КЎНГИЛ деган оламнинг ичидадир. Кўнгилга иши тушмаган одам йўқ. Инсон борки, ўз кўнглига ўзи хомталаш бўлиб дунёдан ўтиб кетади. Мен ҳам бу бир олам юкни олтмиш саккиз йилдан бери елкамда ортмоқлаб келаман. Эллик йилги тарозибонман: бу яширин ва ошкор бисотларим – ботиним ва зоҳиримни тарозуга қўйганим-қўйган, солиштирганим-солиштирган! Ўзимни-ўзим ўлчашда одил қози бўлишга бир умр уринганим-уринган! Таҳлилнинг борлиги қандай яхши! Ўзингни назорат қилиш, ёмон-яхшингни санашнинг ўзи сени қанча илмли қилар экан.

ЗОҲИРИНГ

Зоҳирингда инсончилик қонунлари қўлини бигиз қилиб туради, зоҳиринг – бу рўзгоринг, касбу коринг, бу эл олдидаги ҳаммага кўриниб турган амалларинг. Сен ўзингни кузатиш-



га, тартибга солишга мажбурсан, яъни тинмай ўзингни қайчилаб, андавалаб, рандалаб турасан! Ўз олдинга бу талабларни тинмай қўяверсанг, қўяверсанг, охири жонингу боринг бунга кўнади, мослашади ва Аллоҳ рози бўладиган амаллар сенинг кундалик ишинга айланиб қолади. Бу сени мукофотлар кутадиган йўлдир. Чунки ҳамма амалларинг яхши ният билан бошланмоқда, буни Яратган кўриб туради! Ботинингдаги нафс томирларини, хоҳиш томирларини оғритиб туриб узиб ташлашга кучинг етди, буни Яратган билиб турибди! Энди биласанми нима бўлади? Тангри энди сенга сен сўрамаган нарсаларни ҳам беради: улғайиб, қувватинг тугаганда руҳингни тетиклаштиради, ҳуснинг кетганда сеvimли сайлайди, ишга яроқлилигинг қолмаганда ғойибдан ризқлар ато қилади, фарзандларингни омон сақлайди ва мушкулларини осон қилади, мана-ман деган кучлилар чўккалаганда сени адл кўтариб қўяди! Сен инсончилик қонунларига риоя қилганинг учун, яъники атрофингдагиларни РОЗИ ҚИЛИБ яшаб келганинг учун сенга шундай сазоворлик насиб этади. Эшитяпсанми, дўстим, сен Яратганинг бошқа бандаларини аяб ёмон амаллардан ўзингни тийганинг учун БАХТЛИ сайланасан.

БОТИНИНГ

Ботининг эса ўрганиб, тушуниб тагига етиб бўлмайдиган жой. Сенинг бот-бот танобингни тортиб, ҳушингни жойига келтириб турадиган Байтуллоҳинг ҳам шу ерда. Аммо умр бўйи ях-



шингни йўқотиб, ёмонингни оширишга ҳаракат қиладиган шайтонхонанг ҳам шу ботинингнинг бир хилватига жойлашиб олган. Сен ҳамиша шайтонни енгишга ҳаракат қиласан. Зоҳирингдаги талай савоб ишларинг бунга мисол. Аммо ичингда, ўша шайтон яшириниб олган жойда бир НАЙ бор! Ҳар сафар: «Худога шукр, қилган ишларим учун хижолатли эмасман», деб таскин топганингда у най бир нолишга тушадики, у бир саннаб йиғлайдики, ивимаган томиринг, оғримаган хужайранг қолмайди. Жами йўқотганларингни хотирангга солади, жами етишолмаган нарсаларингни бошқатдан соғинтиради, ҳамма армонларингни тўплаб келиб, «ким бўлишинг мумкин эди-ю, ким бўлиб ўтирибсан», дея юракбағрингни тўкиб-тўкиб қўяди. Сен барибир бир зум, бир зум бўлса-да, у найга қулоқ тутасан, қирк, эллик, ҳатто олтмиш ёшингдан ҳам хижолат бўлмай, унинг оҳангларига осилиб оласан, қўшилишиб йиғлайсан, ўша бир пайтлардаги йигирма ёшингнинг ортидан эргашиб кетиб қолгинг келади.

Атрофинг эса неъматларга тўлиқ туради: бе-миннат ва бебаҳо умр йўлдошинг, сара гуллардан иборат болазоринг, ризқи бошқалардан кам бўлмаган қозонинг, бошингда ватанинг, дуолар олиб турган булбулзабонинг, худо насиб қилган, сенга ҳамиша мунтазир бўлган остоналарнинг кўплиги... буларнинг ҳаммаси унча-мунча бахт эмас ахир! Агар бир кишида шунча нарса жам бўладиган бўлса, бу осмоний толе аслида! Аммо кўксингдаги лаънати най йиғлайверади,

зохирингда эришганларингдан кўнглингни совитишга, ношукрлик қилишга ундайверади...

ҚИРҚ ТЎРТ ЙИЛГИ ҲАЙРАТ

Ушбу рисолада мен «умр» аталган дунёимнинг устунлари, мен учун ҳар бири бир фасл бўлган инсонларим, энг бебаҳо бисотим деб юрагимга жойлаб олганим – асил одамлар ҳақида ёзишга уриндим. Умримнинг талай бекатларига тўхталдим, аммо навбат умр йўлдошимга келганда, таъбир жоиз бўлса, ўчиб қолдим дейишим мумкин. Бу одам ҳақида аввалги китобларимда ҳам ёзганман. Аммо уларни бугун ўқиб кўнглим тўлмади. Менга шундай туюляптики, бундан кейин ҳам кўнглимдагидай ёзолмасам керак. Дунёда шундай туйғулар, шундай нарсалар бўлар эканки, уларнинг таъриф ва тавсифига бандаси ожизлик қилар экан, унинг учун фақат илоҳий сўзлар керак.

Инсондаги ИЛМ, ИРОДА, САБР, ҚИММАТ, МЕҲНАТКАШЛИК, ИХЛОС каби хислатларни улугъ фазилатлар деб баҳолаймиз. Бундай одамларни олқишлаймиз, атрофга ибрат қилиб кўрсатамиз. Аммо бу фазилатлар кимдадир ҳаддан ташқари кўп ва кучли бўлса-чи? Бу ҳолни ҳазм қилиш ҳам қийин бўлар экан, ибрат олишга ҳам кучингиз етмай қоларкан. Лол қолиш шу бўлса керак! «Ҳайратланарли» деб шуни айтсалар керак. Мен турмуш ўртоғимни қирқ тўрт йилдан бери ана шундай кайфиятда кузатиб келаман. Қирқ тўрт йилдан бери ҳайратланаман.

ЎЗИМДАН УЯЛАМАН

Гохида менга карсак чалсалар, меҳр билдириб мактуб ёзсалар ёки олис-яқинлардан йўқлаб келсалар, ё орқаворатдан мактовлар эшитиб қолсам, ич-ичимдан уялиб кетаман. Бундай олқишларнинг муносиби мана бу ёнимдаги одам каби бўлиши керак дейман. Одамлар ўқийдиган уч-тўртта китоб ёзиб қўйган бўлиб, жаранг-журунгимиздан гоҳо ўзимизнинг-да, қулоғимиз қоматга келади. Жами ҳужайраси илмдану меҳнатдан, инсофдану ҳимматдан иборат бўлган бу одам мунча сокин, жим бўлмаса!

Уй билан иш жойининг ораси етти-саккиз бекат чиқади. Аммо ҳар тонг бир хил манзара: хизмат машинаси келгунча Турдиали ака уйдан чиқиб кетган бўлади. Ҳайдовчи уни йўллардан топиб олиб кетади. Кечқурун ҳам кўпинча шундай: «Менинг кеч қайтишимга қараб, бола-чақали одам ўтиравермасин, жавоб бериб юбордим», деб қўяди. У мунча эгик ва хокисор бўлмаса! Дунёга қайта келиб ҳам, ўзимни қайта қуриб ҳам, бу одам даражасида эгилолмаслигим аниқ. Тўғрироғи, «мен»имни, кибримни, истакларимни бу одам каби синдира ва ўлдира олмаслигим турган гап!

АСЛИДА ТАХТИРАВОНДА ОЛИБ ЮРСАК АРЗИЙДИ

Бу одамнинг кўринишининг соддалиги, кийинишларининг одмилигини айтмайсизми! Шунча йилдан бери бирор марта ҳам у ёки бу кийимга



иштиёқ билдиргани, ўзи учун нимадир сотиб олганини билмаймиз. Янги нарсалар совға қилиб ҳам хурсанд қилолмайсиз. Дарҳол тундлашади, янги либос кийишдан шу қадар уяладики! Бирор юмуш билан кўчага чиқадиган бўлса, эски дўппи, эски оёқ кийимда кетиб қолмаслиги учун албатта дарвозахонада тўшпончангиз ўқлоғлик туриши керак.

Қирқ тўрт йилги ҳаётимиз давомида нимадир егиси келганини уч-тўрт борагина сезганман, холос. Ҳеч қачон овқат буюрмайди, таомингизнинг айбини айтмайди, ҳамиша миннатдор кайфиятда тамаддиланади. Тандирдан ҳозир узилган нонни олдиға қўйсангиз ҳам, секингина суви қочганроғига қўл узатади ва ҳоказо...

Аслида эса, у болалари тахтиравонда олиб юрса арзийдиган одам! Масалан, ўзим ҳам бу инсонга яна юз йил қулчилик қилсам-да, уни етарли қадрлай олдим, дея олмайман.

Сизга айтсам, умр йўлдошим ҳақидаги бу гапларни хуфиёна тарзда ёзипман. Ёзганда ҳам фақат кузатишларимни қоғозга туширяпман, холос. Ҳаргиз у кишини макташ, баҳо бериш ниятида эмасман. Эшитиб турибсиз, у бунга эҳтиёжманд ҳам эмас, аксинча, агар билиб қолса, қаттиқ ранжиши тайин. Мен шу ниятда ёздимки, фарзандлари кимнинг боласи эканликларини ҳар доим эслаб турсинлар. Токи оталари риоя қилган чегара чизиқларидан асло чиқмасинлар. Токи бизни ўқиган ёш-яланг китобхон ҳам ўзига ниманидир юқтирсин. Ўшандагина бизнинг му-родимиз ҳосил бўлади...

КУЗАТИШЛАРИМ

Юкорида айтганимдай, Андижонга қайтиб келиб ҳам, кунимиз ижарага қолди. Бир парча ер борликка бор, аммо унга иморат тиклашга имкон кани дейсиз! Отам етмишга бориб қолганлар, унча-мунча савдо ишига аралашган бўладилар, лекин ҳадеганда ишлари юришиб кетавермайди. Онам бозорга тўн тикадилар, топганлари қозондан ортмайди. Укаларим эндигина саккиз ўн ёшда. Бу орада мен университетни битириб қайтдим. Қиз бола омонат нарсаси экан, ҳали тўрт танга топиб улгурганим ҳам йўқ, совчилар кела бошлади. Менинг эса ҳаловатим йўқ: ота-онамнинг беватанлиги жисми жонимни кемириб туради. Ўйлаб ўйимга етолмайман, ўғил бола бўлиб туғилмаганимдан надомат чекаман.

Харидор бўлаётганларнинг бирини қурилиш соҳасида ишлашини эшитиб қолдим. Уни кўрмай туриб «кимлигини, қандайлигини билишим шарт эмас, қурилишда ишласа, демак, албатта ота-онамга фойдаси тегади, шунга ҳўп деганим бўлсин», деган қарорга келдим. Шундай қилиб, тўй бўлиб кетди.

* * *

Бу одам архитектор экан. Ва собиқ шаҳар ижроия қўмитасида архитектура бўлимини бошқарар экан. Ёш бўлишига қарамай, атрофдагиларнинг эътиборини қозонган, яхши мутахассис бўлиб танилиб улгурган экан. Хизмат машинаси ҳам бор экан. Аммо ўзи аллақайси ишчилар ётоқхонасида яшаб юраркан. Идора-



сининг раҳбарлари унга уй берадиган, тўйини ҳам ўзлари ўтказиб берадиган бўлишибди. У асли ангрелик, урушдан кейинги сарсонликларда яқинларини йўқотган, Андижон ва Асакка шахридаги болалар уйларида катта бўлган экан. У мактабни олтин медалга битирибди. Тошкент Политехника институтининг архитектура бўлимини тугатиб, яна Андижонга қайтиб, ишлаб турган жойи экан. Қарабсизки, биримиз тоғдан, биримиз боғдан келиб, Аллоҳнинг иродаси билан бир рўзгорнинг ҳалқасини тутдик...

* * *

Айтганимдай бўлди, бу одам тақдиримга умр йўлдош эмас, халоскор бўлиб кириб келди.

Унинг куёв бўлганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Унинг устига рўзгорни нолдан бошлаб тиккалаяпмиз. Аммо шу тарангликлар ичра ҳам имкон топишга уринамиз. Умр йўлдошим аллақачон ғишт, тош ташишни бошлаб юборган. Ҳар шанба, якшанбада ҳайдовчиси уни ота ҳовлимга ташлаб кетади, у коронғу тушгунча бетон куяди. Қизиққанлар бу одамнинг куёвлигидан беҳабар аста сўрашармиш:

Бу хонадоннинг куёви раҳбарлик лавозимида эмишми?

- Ҳар ҳолда шунақа.
- Сиз ўша одамнинг кўлида ишлайсизми?
- Ҳа.
- Доим бир ўзингиз ишлайсиз. Нега ёрдамчи мардикор олишмайди?
- Билмадим.

* * *

Қўша-қўша ўн йилликлар ўтди. Мана навбатдаги учинчи ҳовли тикланияпти. Бу одамнинг қўлида хануз кетмон, болта-теша. Унга эргашиб укаларим ҳам курувчи уста бўлиб кетишди. Ва хануз бизникидаги иморат ишларига четдан мардикор ёлланмайди.

* * *

Бу одам шаҳар ижроқўмида етмишинчи йилларда ишлаган. Аммо эл оғзида ҳалигача у ҳақдаги гаплар айланиб юради. У касбининг қоидаларига қаттиқ риоя қилар, пора бериш, пора олишларнинг яқинига ҳам келмас, ўзидан юқори лавозимдагиларга мулозаматни билмас экан. Андижон шаҳрининг ост, уст картасини ёд билар, ер таркибидан бошлаб, юз йиллардан кейин шаҳарнинг қаерида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигигача айтиб бера оларкан. Илтимосга ҳаргиз юрмас экан. Вилоятнинг ўша пайтдаги бош раҳбари бир ишни буюрса, кўнмабди. Иккинчи, учинчи марта айтса ҳам, «қоида бўйича бу мумкин эмас», дея туриб олибди. Ўшанда у одам мушти билан столни гурсиллатиб: «Бир тийинга қимматсан-у, аммо калланг бор-да сенинг, калланг бор!» деган экан зарда билан.

* * *

Ўйлаб қарасам, умр йўлдошим ўз касбини боласидай севди ва авайлаб ўтди. Боласини қай тарзда чанг юқтиришдан, ифлос жойга ўтқазишдан, уни харомдан ва ёлғондан асрашга

уринса, касбини ҳам шундай мукаддас билди. У бот-бот: «Ҳамма хато қилса ҳам, архитекторнинг хато қилишга ҳаққи йўқ, чунки унинг хатоси ўзига хайкал бўлиб қолади», деб қўяди.

* * *

Унинг феъллари кимларгадир халакит бергани аниқ. Ўшалардан биттаси унинг асабини жуда чарчатиб юборди ва у ариза бериб, бошқа ишга ўтиб кетди. Кўп ўтмай Андижонга ўша пайтдаги Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси мақомидаги раҳбар келадиган ва шаҳар муаммолари таҳлил қилинадиган бўлибди. Буни қарангки, шаҳарнинг қурилиши соҳасидаги савол-жавобларга дадил ярайдиган бирорта одам топилмай, яна умр йўлдошимга юкиниб келишди ва: «Бир соатгина яна шаҳар бош архитектори бўлиб беринг», деб туриб олишди. Эшитишимча, ўшанда Турдиали ака деворга Андижон шахрининг картасини илиб қўйиб, рус тилида, ҳеч қанақа қоғозга қарамай қирқ беш минут давомида шаҳарнинг бугуни ва келажаги, қурилишидаги муаммолари ҳақида таҳлилий нутқ сўзлабди. Катта раҳбар кетаётганда: «Бу болани эҳтиёт қилинглар», деб кетибди. Унинг аллақачон ишдан бўшатилганини у қаёқдан билсин...

* * *

Ўшанда мен бу одамнинг қирқ беш минут гапирганини эшитиб тонг қолганман. Чунки дунёдаги энг камгап инсон шу. Уйда унинг овозини фақат йўталиб, аксирсагина ва савол бер-



сангиз жавоб берсагина эшитасиз, холос. Умр йўлдошимнинг кулфи дилини очадиган нарса унинг касби экан. Ёки у Андижонни жуда севса керак, туну кун ва хаёлан меъмор сифатида уни турлича қайта қургиси, ҳар хил шаклу шамо-йилда кўргиси келиб, гаплари тахланиб турган бўлса керакки, булбулдай сайраб юборгандир дейман...

* * *

Андижонни қўя туринг. 1983 йили илмий изланиш орқасидан Москвадаги кутубхоналарда озгина мутолаа қилишимга тўғри келди. Турдиали ака мен билан бирга борди. Ленинградга ҳам ўтдик. Мен унинг бу шаҳарни жуда яхши кўришини билардим. Биз бу ерга ноябрь ойида келдик, қишмисан қиш экан! Қор ва қуюн кўз очирмайди. Шундай бўлса-да, Турдиали аканинг шаҳар айлангиси келаверади. Ҳали у ерига олиб бориб, худди бу биноларни ўзи қургандай зеру забарларини тушунтириб кетади, ҳали бу ерига олиб келиб, буни кимлар қургани, нимадан қургани, унинг остида нималар борлиги, бу ерларда қандай тарихий воқеалар содир бўлгани ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қиларди. Бу шаҳарнинг ҳар бир халта кўчасини ёд биларкан, қўйиб берсангиз, картасини ҳам чизиб бергудай. Мен уни бу ерда ойлаб турганми, деб ўйлаб қолдим ва ундан Ленинградга неча марта келганини сўрайман. У эса шу келиши биринчиси эканлигини, бу ахборотларни талабалигида китоблардан билиб олганини айтади!

* * *

Бир куни Андижон шахрининг асосий кўчаларидан бирида ер ости қувури ёрилиб, сув тоша бошлабди. У ерни ковлаб, бу ерни ковлаб ёрилган жойни тополмабдилар. Эртасига, индинига ҳам уринибдилар. Кўчанинг талай қисмини бесамар ўйиб, бузиб ташлабдилар. Шаҳарнинг ҳамма мутасаддилари йиғилиб олган, талай ишчилар ғимирлаб юрибди эмиш, аммо керакли нукта топилмасмиш. Шунда кимдир эс бўлиб: «Бун собиқ бош архитектор Турдиали акадан сўраш керак, ўша одам билади», дебди. Қидириб, топиб Турдиали акани олиб келишибди. У индамай қадами билан ўлчаб бориб, кўчанинг бир жойини чизиб, белги қўйибди-да, «мана шу ерни ковланглар» дебди. Излаган жойлари худди шу ердан чиқибди. Ҳамма қувониб, раҳмат айтгани Турдиали акани у ёқ-бу ёқдан қидирар эмиш. У эса аллақачоноқ, яъни ковлашни бошламасларидан аввал кетиб бўлган экан...

* * *

Турмуш қурган йилимиз туғилган кунимга умр йўлдошим иккита китоб ва бир варақ хужжат совға қилди. Бу Москвада чоп этилаётган икки юз жилдли «Жаҳон адабиёти дурдоналари» тўпламига обуна бўлганлик ҳақидаги қоғоз ва унинг дастлабки икки намунаси эди. Бу мен учун совға эмас, байрам бўлди. Ўн йил давомида у китоблар жамланди. Уларга берилган ишловларни, муаллифлар, асарлар рўйхатини кўрсангиз эди, бамисоли жаҳоннинг барча бойлиги бизникига йиғилиб қўя қолди...



Ўша китоблар дебоча бўлди-ю, бу одамнинг доимий ва энг яхши кўрадиган машғулоти уйга китоб ташиш бўлди. Ойлик олди дегунча, албатта, дўкон ёки эски китоблар сотиладиган бозорга бир бормасдан кўймасди. Баъзан рўзгорнинг ками учун чиқиб кетиб ҳам: «Аяси, уч-тўрт кун гўшт емасак емабмиз-да, мана бу ноёб нарса учраб қолди, қаранг», деб китоб кўтариб келаверарди. Ҳозиргача ҳам нафақа пулларидан тежаб-тергаб юриб китоб олгани-олган...

* * *

Инсон учун тирикчилик қилиш шарт, овқатланиш шарт бўлгани каби Турдиали ака учун ҳар куни китоб мутолаа қилиш мажбурий дастур эди. Ўқиётган китобини қоғоз ёки клеёнкага ўраб олар, ўқиб бўлгунча китоб варақларини ҳаргиз букмас, гард юқтирмас эди. Уйимиздаги ноёб китобларнинг деярли ҳаммасини ёнбошлари сарғаймаслиги ва чангимаслиги учун, картон қоғоздан фақат ёзув томони кўриниб, қолган уч томони берк турадиган жилдлар ясаб солиб қўйган.

Яна менинг ҳавасим келадиган бир жиҳати: унинг ўқиётган китобининг ёнида албатта қоғоз, ручка бўлар эди. Ўзи учун аҳамиятли жойларини хушхат ва тартиб билан қоғозчаларга кўчираб ва ўша китобнинг орасига солиб қўяр эди. Ногаҳонда улар қўлингизга тушиб ўқиб қолсангиз, маза қиласиз, гўё бу китобнинг дурларини битталаб йиғиб, ҳовучингизга солиб қўйгандай бўлади...

Бу одамдан қарзларим чексиз. Бу одамдан миннатдорчилигим беҳад. Хатоларим, камчиликларимни кўриб турса-да, унинг ҳурмат, эҳтиромини жойига қўя олмай, хижолатчилик билан ўтаётган бўлсам-да, менга бўлган ғамхўрлиги, фидойижонлиги, кўнглимни олиш учун уринишларига ҳар сафар лол ва яна лол қолавераман.

Дейлик, шунчаки суҳбат ичида қайсидир шоир ёки ёзувчи ҳақида, унинг янги чиққан китоби ҳақида иштиёқ билан гапириб қўйсам, икки кун ўтар-ўтмас ўша китобни топиб келиб, индамай мен кўрадиган жойга қўйиб қўяди. Қўлимга бермайди. Уни ногаҳонда топиб олиб қувонишимни ёқтирса керак. Қирқ йиллар бурунги ишни эслайман, бир куни гаплашиб ўтириб, Қуръонда нималар ёзилганини билишни жуда исташимни гапириб ўтдим. Турдиали ака бир пайтлар унинг русча таржимасини ўқиганини айтди. Ҳавасим келди. Кўп ўтмай, китоб жавонимизнинг тепасида алвон рангли каттиқ муқовада, бўйи бир қаричлар, эни икки бармоқча бор, беш жилдли китоб пайдо бўлиб қолибди. Қарасам, Қуръоннинг русча таржимаси! У Г.Саблуков деган одам томонидан таржима қилинган бўлиб, 1908 йили эски рус имлосида чоп этилган экан. Умр йўлдошим уни суриштириб топиб, омонат бўлгани учун, унинг ҳар бир варағидан фотогафга нусха олдирибди. Сўнгра уларни беш жилдга бирлаштириб, ўзи муқовалабди, кўрсангиз ҳавасингиз келади! Бу ишга бир ойлар уриниб юрди. У кишининг доим китоблар ичида ғимирлаб, картон қийиб, елим-

лаб юришини кўраверганим учун, бу сафарги ишига унча эътибор бермаган эканман. Шунча азият фақат мен учун бўлган экан...

* * *

Бир эски умумий дафтарим бўлар, мактаб пайтимдагидан бошлаб ёзган ҳамма қўлёзма шеърларим унда эди. Бир куни Турдиали ака ҳаворанг чарм муковали, қалингина умумий дафтарни кўрсатиб: «Ҳамма қўлёзмаларингизни беринг, бундан кейин шу дафтарга тўплаб борамиз. Китобларга кирмайдиган нарсалар ҳам бўлиши мумкин, улар йўқ бўлиб кетса яхши бўлмайди», деди. Қўлидаги дафтарни очиб кўриб кўзим яшнаб кетди. У ўша эски дафтардаги ҳамма шеърларни ва ўзи учратган ҳамма қўлёзмаларни шу дафтарга кўчириб чиқибди. Кўчирганда ҳам қора тушда ва шунақанги гўзал ҳуснихатда кўчирибдики, уларнинг ўлмасликка сайлангани шу, кўзларимдан ёш чиқиб кетди...

* * *

Тошкентда навбатдаги шеърий тўпламим чоп этиладиган бўлди-ю, қўлёзмаларни нашриётга Турдиали ака олиб боришига тўғри келди. Шу сафар «Лирика» туркумидаги китоб бўлаётгани учун ҳамма шеърларимни тўплаб беришимни сўрадилар. Тўплашга тўладим, аммо бир андиша мени қийнади. Турдиали аканинг юзи, ҳурмати — ўша кунгача муҳаббат мавзусидаги нарсаларни асло чоп эттирмагандим. Аммо қурғур авжи ширин шеърлар ўша мавзуда эди.



Таваккал қилиб, юборишга тайёрлаб қўйдим. Лекин виждоним яна қийнала бошлади. «Йўлда-чўлда кўзи тушиб қолса-чи, чоп этилса дили си-ниб қолса-чи», деган ўйда қолдим. Сўнг у нар-саларни секингина ажратиб олиб қўйдим. Бир маҳал кетар пайтида буюмларини жойлаётиб, қўлёзмани ушлаганича туриб қолди. «Аяси, мана бу қоғозлар камайиб қолибдими?» деди. «Ҳа, айримлари керакмасга ўхшовди, олиб қўйдим», дедим. «Танласа редакция танласин, сиз қўшиб қўяверинг», деди у. Ноилож қолгач: «Э анови муҳаббат мавзусидаги бир нималарни беришга кўнглим бўлмади, қолаверсин!», дедим. У инда-май қолди. Бироз вақт ўтгач, орқамдан ошхона-га кирди-да: «Қани ўша нарсалар, менга беринг, у – ижод», деди ва олиб кетди...

* * *

Китобларим чиқса, албатта яхши жойларини топиб, топганда ҳам юрагим яшнаб ёзган сатр-ларни нозиклик билан илғаб фикр билдиради. У гаплар ижодий камчиликлар ҳақида ҳам бўлиши мумкин, барибир ҳар сафар мен учун энг фой-дали ва кўнглим тўладиган фикрлар Турдиали акадан чиқади.

Насрдаги ёзганларимда-ку жуда эҳтиётини қиламан, лекин шеърят қурғур ёмон, астар-аврангни очиб ташлайди! Янги китобимни ўқиган куни эрталаб ранглари синикиб турса: «Ўх, нозик жойларини ўқибди-да!» деб қўяман. Аммо мана қирқ йилдирки, орамизда китобла-рим бўйича ҳеч қачон сўроқ-савол бўлган эмас.

Ранглари сарғайиб кетса ҳамки, бу мавзуда бир оғиз ҳам гап очган эмас... Шугинанинг ўзи учун бу одамнинг қошида умрбод таъзимдаман.

* * *

Бу одам бирор марта ҳам ёлғон гапирмаган...

* * *

Сўкинишни, бақиришни қўйинг, бировдан қаттиқ хафа бўлса, энг қаттиқ гапи — «аҳмоқ». Ўшанда ҳам бу сўзни унинг юзига эмас, ўзича айтиб қўяди...

* * *

У биров билан асло мунозарага киришмайди. Даҳанаки жангга-ку умуман, йўқ. Камгаплиги учун шундайдир балки. Балки айтишиб ўтиришни майдалик деб билар. Аммо уни журъатсиз деб бўлмайди. Шу ўринда бир воқеани мисол келтирай, буни менга ҳайдовчи йигит ҳикоя қилиб берганди: тўқсонинчи йилларнинг бошида шаҳарга янги ҳоким тайинланди. У Турдиали акани аввалдан яхши билгани учун, қўярдақўймай яна шаҳар бош архитектори лавозимига қайтишга кўндирди.

Собиқ бош архитектор йигит шу идоранинг бошқа бир бўлимида ишлаб турибди экан. У ёшлигига борибми, ўзини носозроқ тутибди. Ҳадеганда буларнинг бўлимига киравераркан. Ҳали у қоғозни, ҳали бу қоғозни суриштираверар, нима ишлар бўлаётгани билан қизиқаверар экан.



Турдиали акага ҳам қуюшқондан ташқари гаплар қила бошлабди. Аввалига дадамиз у гапларни ўтказиб юбораверибди. Бир куни кўпчилик ўтирадиган хонада гаплашиб туришган экан, у йигит яна пайдо бўлибди-да, ўтиргаиларнинг бирига амри фармон билан иш буюрибдими ёки танбеҳ берибдими, ҳар ҳолда ҳаддан ошиш юз берибди. Шунда атрофдагилар Турдиали аканинг қўл кўтарганини кўришибди-ю, у ёғини англолмай қолишибди! Бу ҳол яшин тезлигида юз берибди. Нимадир тарақлаб, нимадир «гурс» этибди. Қарашса, собиқ бошлиқ ҳўв наридаги стол тагида икки букланиб ётган эмиш. Сўнгра Турдиали ака унинг тепасига борибди-да: «Сизни анча кечирдим, энди сиз ҳам кечириб қўйинг», деганча хонадан чиқиб кетибди...

* * *

Умр йўлдошимнинг кўриши бирданига ёмонлашди ва икки йил давомида иккала кўзи операция бўлди. Катаракта дейишди. Операциялар муваффақиятли ўтди. Аммо Турдиали ака бир нотўғри иш қилиб қўйди. Докторлар ярим йилгача ортиқча эгилмаслик, оғир юмушлар қилмасликни жиддий тайинлаган бўлса ҳам, бир ой ўтар-ўтмас, «хай-хай»лашларимиз, чандон монелик қилишларимизга қарамай, бетон қуйишларни бошлаб юборди. Қарабсизки, кўзнинг қон томирлари ёрилиб, қон қотиб, янги гавҳарларни деярли тўсиб қўйди. Неча фоиз кўришини билмайман, аммо бир метр наридангина одамларни ажрата олади, холос. Кўзойнакнинг ҳеч қанақаси туш-



майди, мутлақо китоб ўқий олмай қолди. Унинг жону жаҳони бўлган чизмаларни-ку қўяверинг! Телевизор ҳам кўролмайди. Кейин болалар катта экранлисидан олиб келишганди, хайриятки яқин ўтириб олса хирароқ бўлса-да, кўряпти. Лекин назаримда, асосан, телевизорнинг овози билан овуняпти деб ўйлайман...

* * *

Бу оғир тафсилотларни нима учун айтяпман? Азбаройи қойил қолганим учун! Унинг элик фоиз вақтини мутолаа, чизма, ранда, теша эгаллар эди. У одамлар билан мулоқотга киришолмас, унинг отаси ҳам, онаси ҳам, ҳар доим тил топишадиган, дил тортар юпанчи ҳам китоблар, лойиҳалар, устачилик ишлари эди. Қаноти қиркилган қушдай бўлиб қолди. Бу Турдиали ака учун жуда оғир қисмат аслида. Аммо!

Бу ишга мана тўрт-беш йил бўлди. Агар мен унинг ўрнида бўлганимда сиқилишдан минг бир дардга йўлиққан бўлардим. Лекин унга қойиллар қоламан ва ана иродаю мана ирода дейман! Шу кунгача бирор марта уф тортгани ёки хомуш ўтирганини кўрмадим. Армонли гаплар айтганини, сиқилганини билмадим. Ҳаракатлари олдингидан ҳам фаоллашиб кетган. Гоҳида қўша-қўша лупалар билан лойиҳалар кўраётганини кўраман. Тез-тез набира қизларини ўтказволиб китоб ўқиттиради.

Хўжаликни саришта бошқариш учун нималар керак бўлмайди дейсиз, унинг устига бизникида йил-ўн икки ой қурилиш! Бу одам ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб бозорга бораверади, бо-

раверади. Ўсма-сурмамгача ўзи олиб келади. У ё, мана, кўзим ҳамма нарсани кўришга ярапти, деб ўзини юпатгани боради, ё эркакча ишларни қилиш унга жуда ёқади, ёки бу одам шу тарзда ўз иродасини тоблаб борса керак. Бозор деган жойни биласиз, тўс-тўполон ҳам, арава ҳам, машина ҳам ўша ерда! Ит эгасини, мушук бекасини танимайди! Устига-устак, қадамига чорраҳа. Кўз ҳалигидай бўлса! Унга қўйиб берсанг, бир кунда беш маҳал ҳам бозорга чопаверади, қайтиб дарвозадан кўрингунча бўлганимча бўламан! Охири кўниб ҳам қолдим, Аллоҳнинг ўзига топшириб қўйдим, Ўзи асрасин энди!...

Назаримда, умр йўлдошим бозорнинг ҳам, ҳовлимиз, томларимиз, дарахтларимизнинг ҳам ҳар бир қарич жойини, пасту баландини ёдлаб олган. Етмишдан ошганига карамай, ўша кўз билан томларнинг қирғоғида, девор устида, дарахтларнинг учларида юради. Ҳовлимиз катта, баҳорги ишларнинг барини ўзи қилади: ер ағдаради, уруғ экади. Кўзи яхши кўрмаса ҳам, помидор, қалампир кўчатларини «аяси, қараб қўйинг-чи, тахминан экиб чиқдим-да», деб қўяди... Қиши билан ёзнинг, кузнинг режаларини тузиб чиқади, унга керакли анжом, темир-терсакларни жамлайди, ҳатто ишларнинг тартибини, вақтларини рақамлаштириб қўяди. Ва у дастурни ҳеч ким ўзгартиролмайди. Гўё у давлат дастуридай, бамисоли ҳарбий топшириқдай ҳар бир иш белгиланган вақтда ва сифатли бажарилиши керак. Биз ҳам индамай шу тартибга тушамиз.

* * *

Аммо ҳамиша кўнглимиз тўқ туради: бизники-да ҳеч нарса йўқолмайди, ҳеч нарса музлаб ёки офтобда айниб қолмайди, чунки собит қўриқчиси бор! Қўшнидан қурилишга, хўжаликка кетадиган ҳеч қандай асбоб-ускуна сўралмайди. Қўша-қўша темир араваларни-ку қўяверинг, ўғлим билан ота-бола ўзлари темир нарвоннинг ҳам уч хилини ясаб қўйишган, у тинмай қўни-қўшниларга ҳам хизмат қилади. Ўтин-чўплар мўл-кўл, захираси билан тахланган бўлади. Хали йўқ бир қўра қўйга бир неча йилга етадиган ем-хашакни чордоқларга босиб қўйганини айтмайсизми!

* * *

Ростини айтсам, унинг бу даражадаги меҳнат-севарлиги мени қувонтирмайди. Ортиқча меҳнат ҳам инсон учун зулм! Ахир, бирор марта унинг болишга суяниб дам олиб ўтирганини, боғ-роғларни орзу қилганини, санаторий, курортларга хоҳиш билдирганини билмайман. Болалиги етимхоналарда ўтган, талабаликни ҳам етимхонанинг кийимлари билан ўтказган, ота-она ва жигарбандлар ардоғига орзуманд бўлиб умр кечирган, фақат меҳнат ва меҳнат билан ўтаётган бу одамнинг жонига раҳмим келади. Унинг ҳам инсоний ором олишини, роҳатлар ичида очилиб-сочилиб, хо-холаб кулиб юришларини, баланд овоз билан, амри-фармон билан нима еб, нима кийгиси келаётганини айтишларини истайман! Аммо минг афсус, қуш тинади, чумоли тинади, аммо бу одам тиним билмайди. Тонгги соат



бешдан ғимирлашни бошлайди, то қоронғу туш-
гунча! Овқатга чақирсангиз малол олади, ҳар
бир кун учун тузиб қўйган режаси бажарилма-
са, мотам! Сиздан ҳам, келган меҳмондан ҳам,
об-ҳаводан ҳам ранжийди. Қовоқларини очмай
ўтириб олади.

Бир ўзи дарахт кесишларини, шохларни хил-
хилига ажратиб боғлашларини, ярим машина-
ярим машина тупроқ чиқариб тўнка ковлашлари-
ни кўрсангиз. Ҳозирча бу киши ўзининг етмиш-
дан ошган ёши билан ҳам ҳисоблашгиси йўқ.

* * *

Унинг ишларини кўриб юрган қўшнилари
ҳам хайратда. Турдиали акани дил-дилларидан
хурмат қиладилар, атайин чиқиб, ишларини ку-
затадилар. Бир куни қариндош аёл меҳмон бўлиб
келди-да, ҳовлида юрган дадамизга қараб туриб:
«Опажон, Турдиали аканинг ҳамма меҳнатлари
ибодат, бундан ортиқ мўминлик бўлмайди»,
деди. Илоҳо, шундай бўлсин.

* * *

Сухбатнинг бошида инсоннинг ботиний ва
зоҳирий олами ҳақида гапиргим келганди. Агар
ичингдаги шайтоннинг бўйнини қайиришга, бо-
тинингни поклашга кучинг етса, зоҳирингнинг
мевалари тоза бўларкан. Яратган ҳар яхши
ишингни мукофотсиз қўймас экан. Мен буни
умр йўлдошим мисолида ҳам кўриб тураман.

Унинг ҳеч кимга малол келмай яшагани, кас-
бу корига муносабати, Яратганнинг ҳамма кунига

кўнгани ва унинг неъматларини азиз билгани ва эҳтимол, меҳнаткашлиги, меҳнатни доимий яшаш тарзи деб уққани учун Аллоҳ уни ярлақди:

✓ Кўзини ҳисобга олмаганда, унга мустаҳкам саломатлик берди.

✓ Кекса ёшида ҳам ҳожатбарор, керак қилиб сайлаб қўйди, зехн, куч ва ғайрат ато этди.

✓ Оиламизга хотиржамлик, тотувлик берди.

✓ Аллоҳим бу одамга ибрат бўлиш мақомини насиб этди.

✓ Фарзандларимизнинг тўрталаси ҳам хунарсанд, ҳалол инсонлар бўлишди ва ҳоказо... Буларнинг барини шу одамнинг шарофати, деб биламан.

* * *

Хўш, энди ботинингдаги тинмай йиғлаётган най нима бўлади, най? Сенга унинг аҳамияти бўлмаса, нега бот-бот унга кўшилишиб йиғлайверасан?! Сенга қай бири қимматлигини ажрата олдингми, ахир?!

— Ажратдим. Бу най менинг худо берган руҳий бойлигим, қалбим қуввати бўлиб келди. У менинг тарбиячим, у менинг покловчим. Аслида, ичимда най йўқ, ишқ деган неъматнинг хосиятидан найга айланиб қолган ўзимман! Аммо ишқ бошқа, умр йўлдошликнинг ўлчови эса бошқа! Умр йўлдошликнинг тарозуси йўқ! **Мингта ишқ бирлашиб, бир рўзгорнинг файзини бера олмагай!**

Умр йўлдошимга ёзган бир шеъримда айтибман:

*Хали ишқнинг баҳосини топмади дунё,
Сиз ишқдан-да баланд, ишқдан покиза
бир тахт!*

Шу гапим – гап!

* * *

Аллоҳ иккимизни бир-биримизга суяб қўйди.
Бу бирликни бардавом қилсин. Яна дуо қиламан:
иккаламизга узун умр берсин, аммо кетарда ун-
дан олдин кетиб олай!

* * *

Мен шу кунгача билолмайман, жуфтимга
кўнгил қўйдимми? Ё у менга содиқ дўст
тарзидами? Ишонган, суянган тоғимми? Унга
сингилдай суяниб яшайманми ё мени отадай
паноҳига олганми? Ким у мен учун?! Баъзида
унга интилмаётгандайман, баъзида эса у йўқ
жойга мен ҳам сиғмай қоламан. У менинг соямми
ё мен унинг сояси? Билмадим, билолмадим?

Аммо бир нарсани аниқ биламан: агар умр
йўлдошимни омбур билан ҳаётимдан шундоқ
суғуриб олсалар, менинг фақат пўчоғим қолади!



Жўраларим

МАТЛУБА АЗИМ

Кўнгил қўйганим

Ёзувчилик – инсоншунослик. Инсон эса Тангри яратган шох асардир. Кузатиб зерикмайсан, ўрганиб чарчамайсан. Қанча одам бўлса, бари бетакрор! Ҳар бир одамни бир сайёра дейиш мумкин: ўзининг тоғлари, уммонлари, ёзлари, кузлари, ошкор бойликлари, пинҳон хазиналари мавжуд. Инсон ўзида қандай куч яширинлигини, нималарга қодирлигини ўзи ҳам билмай, охишта яшаб боравераркан. У йўлиққан воқеалар – ғамли кунлари ҳам, бахтли кунлари ҳам ҳар сафар унинг янгидан-янги қирраларини кашф этиб, уни бирдай тараққий эттириб, бақувватлаштириб бораркан.

Аммо одамлар орасида жуда кам учрайди-ганлари ҳам борки, сиз уларни мўъжизани томоша қилгандай кузатасиз. Аллоҳ бундайларни бошданоқ андозасини бўлакча яратаркан. Ҳамма сикқан қолипга улар сиғмайдилар. Ўйлашлари, амаллари бошқача. Бахт ва қувонч ҳақидаги тушунчалари бошқача, улар ўз оламлари билан яшайдилар, бундай одамларга тақлид қилишнинг ҳам иложи йўқ, улар ўхшашсиз зотлардир...



Ана шундай бетакрор, бахоси йўқ инсонлардан бири, елкадошим, курсдошим, ёшдошим, қалбдан муҳаббат қўйганим – жўрам Матлубахондир. Унинг тўлиқ исми шарифи – Матлуба Азимова. Ўзбекча айтсак: Матлуба Азимзода! Агар унинг «мен»ини ҳисобга олиб «Матлуба Азим» десак, янада ярашиб тушади! Матлуба Азим! Таажжубки, Тангри унинг кимлигини исми шарифигаёқ муҳрлаб қўйган экан!

Мен бу дўстим ҳақидаги гапларимни отамнинг, онамнинг қаторига, таржимаи ҳолимнинг бир бандига меҳр ва ихлос билан битиб қўймоқдаман. Негаки ҳаётим давомида мен ундан кўп ибратлар олдим, унга қараб ўзимни созлаган ҳолатларим кўп бўлган. Бу жўрам ҳақида ёзгим келди, токи газетхон ва китобхонларим орасида унга ҳавас қиладиган, ўхшагиси келадиганлар кўпайсин! Токи болаларим ўқиб, оналари қандай одамлар билан дўстлашгани, умргузаронлик қилгани билан фахрланиб юрсинлар!

Мен унга «сиз ҳақингизда ёзмоқчиман» демасдим, дегим келмади. Бу унга кутилмаган совға бўлишини истадим. Биргина ўзим ундан талай таъсирланганман. Ҳали унинг мен билмаган ишлари қанча экан! Ўзидан сўрагим келди, аммо сўрамадим, яна бехосдан «ана бу, мана бу ишларни ҳам қилганман» деб юборса, бу мен ихлос қўйган Матлубахоннинг шаънига ярашмай қолиши мумкин. Мазкур ёзмишларим фақат ўзимнинг кузатишларим, холос.

Бўлмайдиганни бўлдирадиган

Мен унинг кириш имтиҳонлари пайтидаги кўринишини эслайман. Буғдой юзли, бўйи ўртадан баланд, учи кўнғирок, узун сочларини иккита ўриб ташлаб олган, ироқи дўпписи ўзига жуда ярашган, пиликдай кошлари остидан ўтли қаровчи кўзлари қоп-қора, қарашлари эсингизда қоладиган қиз эди. Текис, оппоқ тишлари кулишларини жуда чиройли қилиб турарди. Аммо у одамовирок, атроф билан савол-жавоб қилавермас, бир четдан келиб, бир четдан кетарди.

Матлубахон мактабни олтин медаль билан битирган экан. Худди бизникига ўхшаб, уларнинг авлодида ҳам қизлар ўқитилмас экан. Мактабни битирган захоти уни холасининг ўғлига турмушга беришади. Сўнгра куёв-қайлиқ тил бириктириб, чеварлик курсига топширяпман деб, яширинча университетга хужжат топширади ва биринчилар қаторида ўқишга қабул қилинади. Ярим йилдан сўнггина қайнона-қайнотасига олий ўқув юртига кирганини маълум қилишади.

У жуда тартибли талаба эди. Имтиҳону синовларга қунт билан тайёрланар, пешқадамликни ҳеч қўлдан бермасди. Уйида қайнона-келинчилик талаблари қаттиққина бўлса керак, бизнинг дарсдан кейинги ғала-ғовурли тадбирларимизга деярли қатнашмасди. Пахтага ҳам бормасди.

Матлубахоннинг эътиборимни тортган жиҳатлари: у асло майдалик қилмас, уйи, турмуш ўртоғи, қайнбўйин, қайнсингиллари хақида ҳеч



гапирмас, шахсий мулоҳазалари, муаммолари хусусида бировга ёрилмасди. (У ҳозиргача ҳам ўзини шундай тутади, ҳаммамизнинг таржимаи ҳолимиз ўртада дастурхон, бу ўртоғимизнинг бошига нима келиб, нима кетганини бирортамиз билмаймиз!) Нина устида юргандай келиб кетишларидан унинг учун кўчага чиқиш, ўқиш, оилани ҳам тортиш осон кечмаётгани билиниб турарди.

Унинг рўзғори бикр эканини билардик, турмуш ўртоғи, гуруҳимиздаги кўз очиб кўрган биринчи поччамиз Шавкат ака ўша пайтларда қайсидир ошхонада ишларди, мана етмишдан ошибдики, хануз ўша касбу корини давом эттириб келади. Шавкат ака бир даврлар бу касбнинг нуфузли мақомларига кўтарилганини ҳам фаҳм этиб турардик, аммо Матлубахон жуфти ҳақида, унинг ишлари тўғрисида бирор марта ҳам на мактаниб, на таърифлаб гапирмаган.

Шавкат ака табиатан босиқ, ниҳоятда кам гапирадиган одам. Мен бу одамнинг киши кўзига тик қарагани, иккита жумлани бир-бирига улаб, бирваракай айтиб юборганини кам эшитганман. Матлубахон турмуш ўртоғи қошида ўзини ўта эркин тутса ҳам, ҳатто унга қараганда уддабуронроқ кўринса ҳам, аммо жуфтига жуда суянишини, у билан ҳамиша ҳисоблашиб иш тутишини сезиб юрардим. Унинг шу феъллари ҳам бизга ибрат бўлган.

Ўртоғимнинг ирода қуввати туғма эканлиги рост. Ва унда шунақанги ички мустақиллик бор эдики, бирор масалада мунозарага киришса,



гапни қилич билан кесгандай кесар, ўзиникини маъқуллазмагунча бўш келмас эди. У иккиланувчилар, эринувчилар, атрофдан завқ-шавқ олишни билмайдиган, ўзининг тор доирасидан чиқолмайдиган одамларга асло чидолмасди. Ўткир нигоҳларини кўзингизга қадаб туриб: «Нега, нега, наҳот шу ишга ярамасангиз?! Эзма-чурукликни йиғиштиринг, қани ишга киришинг!» – дейишга ўтиб олса, тамом, ундан қутулиб бўлмасди. Халк «бўлмайдиганни бўлдирадиган» деб шундай инсонларни айтса керак.

Малҳами жон

Матлубахон яна бир жиҳати билан ҳеч кимга ўхшамай туради. У атрофдан, одамлардан чунон завқланади, чунон завқланади! Яхши қўшиқ айтганнинг қули бўлиб кетади, чиройли рақсни йиғлаб ўтириб кўриши мумкин. У бир неча йиллар давомида кези-кези билан раҳматли Ҳалима Носирова, Туроб Тўла каби машҳур ижодкорларни уйига тўплаб меҳмон қилар, орқаларидан йўқлаб юрар эди. Уйим-жойим деган аёлни ёки бола-чакасини миннатдор қилган таниш оила бошлиғини кўрса: «Сиз шунақа тилла аёлмисиз-а, сиз шунақа бебаҳо йигитмисиз-а, мен сизга ана бундоқ беш кетдим, мана бундоқ қойил қолдим, сизга тарбия берган отангизга қуллуқ, сизни туққан онангизга тасаддуқ бўлай», деб юракларини эритиб юборади. У бу кўнгил кўтаришларни тилининг учида эмас, юзларига офтоб қўйиб, кўзига ёш тўлиб, юрак-бағри билан айтади.



Гохида: «Турсуной, янги шеърингиздан айтинг, шеър бўлмаса янги гаплардан айтинг!» деб туриб оларди. Айтганингиз таъсирлироқ чикса, ўрнидан туриб, сизни бағрига босиб: «Бу гапларни қандоқ тўқидингиз-а, қалбингиз мунча чиройлиг-а», деб ҳаяжонланар, атрофдагиларни ҳам кўзгар: «Ҳой яхшилар, бу гапларни эшитяпсизларми, вой нега жим ўтирибсизлар, маза қилганингизни айтмайсизми?!» дея ҳоли жонларига қўймас эди. Матлубахон билан суҳбатда бўларканман, ҳар сафар кўтаринки руҳда, ўзимга ишонган ҳолда дадилланиб қайтардим. «Малҳами жон» деб шундайларни айтишса керак-да...

Чексиз оромижонлик

Ўртоғим аспирантураларда ўқиди, олима бўлди. Ўзбек драматургияси бўйича қатор илмий изланишлар олиб борди. Фулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов каби машҳур олимлар билан ёнма-ён ТошДУ талабаларига дарс берди, эътиборда бўлди. Бир муддат Олий таълим вазирлигида ҳам масъул вазифаларда хизмат қилди. Аммо мен ўртоғимнинг хизмат жараёнлари, ижодий ишлари хусусида эмас, шахсиятидаги доим мени ҳаяжонга солиб келган ноёб қирралар ҳақида гапиргим бор.

Вазирликда ишлаб юрган пайтида иш юзасидан бир гал Андижонга келди, мени йўқлаб уйимизга ҳам борди. Унинг ташрифидан бошим осмонга етди, аммо тунагани кўнмай, икки-уч



соатгина меҳмон бўлди, холос. Болаларимиз майда, рўзгоримиз ҳам ўртамиёна эди. Мен ҳам туғма руҳшуносман десам бўлаверади, сезиб турибман, ўртоғим мени янада яхшироқ шароитларда кўргиси келгани, ҳозирги ҳолатимдан ёзилмаётгани кўриниб турарди. Аммо у барибир кўнгил кўтаришнинг матлубчасига йўлини топди: «Ўртоқжон, ажойиб уй бекаси бўлибсиз, қаранг, ҳамма жойда ўзимизнинг Турсуноининг қўли кўриниб турибди. Яшанг, Тошкентга бориб ҳаммага Турсуной ажойиб рўзгор тутибди, деб мактанаман!» дея дилкашлик қила кетди...

Энди билсам, тўй-маърака, минбарларда камсукум бўлгани билан, Матлубахон аслида жуда сўзамол экан. У, айниқса, ўзининг уйида очилиб-сочилиб кетади. Борганки одамнинг кайфиятини лутфи, нутқи латифи билан олтин-кумушларга тўлдириб юборади. Ўйланиб қоламан, одамларга бундай чексиз оромижонлик қилавериш Матлубахоннинг ўзига нима берарди?

Ўртоғимнинг очил дастурхони

Шу десангиз, талабалик пайтимиздаёқ ҳали туғилган кун, ҳали фарзанд кўргани муносабати билан Матлубахон бизга дастурхон ёзгани-ёзган эди. Кейинчалик ҳам қайси ишда ишламасин, учта майда боланинг онаси сифатида қайси вазиятда бўлмасин меҳмон кутгани-кутган эди. Унинг уйидаги келди-кетдини орқаворатдан эшитиб туриб, бизнинг тинкамиз қуриб кетар, аммо Матлубахон феълидан қайтмасди.



Ўртоғимнинг Тошкент зилзиласидан кейин кўчиб чиккан уйи ҳали ханузга қадар ҳамма курсдошлар учун она остона каби кадрдон бўлиб қолган. Қирқ йилдирки, унинг очил дастурхони ханузгача йиғилмайди. Қачон борсанг, айтиб борасанми, тўсатдан босиб борасанми, ҳамиша қордай сочикчалар, энг ширин егуликлар, юмшоқ нонлар нақ сени кутиб тургандай муҳайё! Ўзининг феълу атвори ҳам хануз ўшандай, бординг дегунча сен билан ошхона оралиғига танда қўйиб югураверади, югураверади. Олдинга қўйилган таомларни ейишинг шарт! Ўз истагинг билан есанг единг, йўқса ўзингдан кўр — Матлубахон косани қўлингга тутқазиб, оғзи-бурнингдан қўйиб бўлса ҳам атаганини едиради.

Сирли тарбия

Ўртоғимнинг Раънохон, Барнохон ва Лайлохон исмли қизлари шундоққина кўз ўнгимизда катта бўлишди. Раънохон муаллима бўлди, набира ҳам кўриб, бувилиқ мақомига етди. Барнохон билан Лайлохон медицина соҳасида олималик даражотига кўтарилдилар ва тинмай илмий изланишдалар, уларнинг сараланган гулдай болаларини айтмайсизми! Уч оғайни ботирдай куёвларини ҳар таърифлаганда Матлубахоннинг сўзларидан бол томиб, кўзларида юлдуз чакнайди!

Мен эса гоҳида ўртоғимнинг болаларига ўзимникиларни солиштираман. Ва ичим қайнаб, бу жўрам бола тарбиясида қандай усулни қўллар экан-а, дейман. Осмондан меҳмон ёвиладиган бу



хонадонга неча марта борган бўлсак, ҳеч қачон четдан ёрдамчи кўрмаганмиз. Унга доим балогардон бўлгувчилар унинг қизлари эди. Тавба дейман, ахир булар ҳам болали бўлишди-ку! То турмушга чиққунларича онаси чизиб қўйган чизикдан ҳаргиз чиқишмади-я! На ишдан қочиш, на гап қайтариш, на ота-онага тик қараш, на овоз кўтариш, на ўзларича жуфт танлаш бўлмади-я! Ҳамиша жавдираб, онасининг кўзига термилиб туришади. Унинг битта ишорасидан ўн маънони тушунишади. Баъзан қизларидан секин сўрагим ҳам келарди: «Онанг нима деса «лаббай» деб туришларинг кўрққанингданми, ё яхши кўришингданми?» деб. Барибир, барибир, бола тарбияси борасида Матлубахоннинг биз билмаган бир сирли услуби бор!

Бу қизлар инжиқ, талабчан онанинг қўлида чандон тобланганлари аниқ ва уларнинг ўз оилаларида ҳам худди шундай жонсарақ ва куёвларига соме туришларига ишонаман. Бунинг исботини кўриб ҳам турибмиз: мана учаласи отилган тошдай тушган жойига жойлашиб, тиниб, тинчиб яшаяптилар, кўз тегмасин.

Бундай харидор қайда?

Гоҳо университетда, гоҳ Ёзувчилар уюшмасида тадбир баҳона учрашиб қолардик. Йиғиндан кейин дарҳол қошингизда Матлубахон пайдо бўлади. «Қани, ўртоқжон, кетдик бизникига», дейди. Бу такаллуф ёки юмшоқ таклиф бўлмайди, жиддий оҳангдаги буйруқ бўлади.



Ҳолатингга ҳам, ҳеч қандай баҳонангга ҳам кулоқ солинмайди. Машинасига ўтказиб (машинани ўзи ҳайдайди, ҳамиша ярқираб турадиган «Жигули»си бўлгувчи эди) уйига олиб келади. Ўзининг эрталабдан бери ишда бўлгани аниқ, сени тасодифан учратиб қолгани аниқ, ҳеч ким йўқ уйига сен билан кириб боряпти, аммо ёқа ушлайсиз: яна ўша тайёр дастурхон, ўн дақиқа ўтмай иссиқ сомса, кетидан жазиллаб турган кабоб, яна тўртта хотин зўрға тайёрлаб улгурадиган ноз-неъматлар бирин-кетин кириб келаверади!

Авваллари мени чақирishiдан мақсад маслаҳатли иши бўлса керак ёки бир нарсадан сиқилиб қолган бўлса юрагини ёзгиси бордир, деб ўйлаб юрдим. Мана, қирқ йилдан бери жумбоқнинг учини тополмайман, у фақат меҳмон қилиш учун чақиради, ҳанузгача холисанлилло меҳмон кутгани-кутган! Бир ўйлаб кўринг, ҳамёнинг тўла пул бўлса ҳам, меҳмоннинг бир киши бўлган тақдирда ҳам, кун тартибингда турган ишларни нарига суриш учун бошинг қанча ишлаши керак, оёқ-қўлинг, кайфиятинг қанча уриниши керак! Яна у пайтларда қўл телефонлари йўқ. Демак, у сизни эрталаб кўргандаёқ режа тузиб бўлади, у ёққа элчи жўнатиб, бу ёққа қўнғироқ қилиб, ишни пишитиб, сўнгра буюртмаларини йиғиштириб, машинасининг орқасига жойлаб бўлиб, сўнггина сизни олиб кетгани келар экан. Биттагина жонини ҳеч аямаган ўртоқжоним-а!

Гоҳида уни ҳавас қилиб, ўзимнинг ношудлигимдан куйиб, Матлубахоннинг уй тутиш,



ошхона бошқариш сирларини, жуфти билан муштарак маслахатда бўлиш илмини секингина, ўзига билдирмай ўргангим келади. Аммо ўйлаб кўрсам, унинг мен учун сирли сандиқ бўлиб қолгани маъқулроқ экан. У мен учун қўл етмас орзу бўлиб қолавергани ширинроқ. Матлубахон бўлиш қийин, унинг оғизларга тушишига сабаб бўлган нарса ундаги Аллоҳ берган қобилият! Бундай қобилиятни эса Худо ҳар кимга ҳам беравермайди.

Сарпохона

Ўртоғимнинг уч хоналиккина уйининг битта-си махсус тугунхона. Яъники, у ерда кимлиги ва қачон келиши номаълум бўлган меҳмонлар учун сарполар тахт туради. Одатда, янги туғиб келганга, янги келин-куёвларга, бу хонадонга биринчи келган жуда ҳурматли меҳмонларга ёки байрамлар муносабати билан сарпо қўйилади. Аммо Матлубахоннинг уйида ундай эмас, остонадан ҳатлаганки одам: тўйга таклиф қилиб келади-ми, ҳасратини тўккани келадими, бизга ўхшаган жўралари ҳар сафар борсак, ҳар сафар албатта ҳадя олишимиз мажбурий. Бу ҳам етмагандай, «дод-вой»ингизга қарамай, қўлингизга егулик тугун ҳам тутқазади. Агар ўзингиз нимадир олиб борган бўлсангиз, камтаргина совғангизни осмонларга кўтариб таърифлаб, кетарингизда уч ҳисса кўпайтириб қайтаради.

Сарполарни ҳам елкангизга жўнгина қўймайди: «Мана бу матонинг рангини, сизга мос келга-

нини қаранг, сиз эса мана буни тиктириб кий-сангиз андоқ очилиб кетасиз, мандоқ яшнаб кетасиз, мана буни эса неча йилдан бери фақат сизга атаб сақлаб келганман!» дея қулфи дилларни очиб юборади... Шундай пайтларда беихтиёр ўйлайсиз: мени шу даражада яна ким ҳам сева оларди деб. Кўзларимнинг нами, юракларимнинг қат-қати билан уни унсиз дуо қиламан: ўртоғимнинг одамларга килган самимий илтифотлари учун уни Аллоҳнинг ўзи қувонтирсин...

«Сиз Турсунойни танийсизми?»

Бир эмас, икки-уч марта шундай бўлган: мен танимаган андижонликлар Матлубахондан салом олиб келар ва ҳаяжонланиб, таассуротларини айта кетишар эди. Бу қандоқ бўларкан денг: дейлик, кўчада икки-уч киши ўзаро суҳбатлашиб туришибди. Ёнларидан Матлубахон ўтиб қолади, кулоғига андижонча шева чалингандай бўлади. Изига қайтиб: «Андижонликмисизлар, мабодо Турсуной Содиқовани танимайсизларми?» деб сўраркан. Улар албатта: «Э, у опа ўзимизнинг опамиз-ку», деб яйраб кетишади. Шунда у: «Мен Турсунойнинг ҳамюртларини шунчаки қўйиб юборолмайман, қани машинага ўтиринглар, сизлар билан уйда астойдил танишиб оламиз», деркан. Ва қўярда-қўймай машинасига ўтқазиб, уйига олиб келиб, астойдил меҳмон қилиб, устига-устак эсдалик совғалар бериб, яна машинасида танишган жойларига олиб бориб қўяркан...

«Ҳеч ким билмасин!»

Адашмасам, университетни битирганимизга 25 йил бўлганмиди, ҳар қалай, курсдошлар тўп-ланадиган бўлдик. Иккита ташкилотчининг бири мен бўлиб қолдим. Фалонча одам борамиз деб телефонда ваъда беришди. Собиқ «Комсомол кўли»даги бир ошхона билан келишиб, ўшанча одамга буюртма тайинладим. Учрашув бебаҳо бўлди, ўнга якин устозларимиз келишди, айниқса, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов ва беш йил бизга кураторлик қилган Ҳасанхўжа аканинг гапларидан тўлқинландик, бир-биримиз билан дийдорлашиб йиғладик, юпандик. Аммо кечанинг сўнгида мен хижолатли аҳволга тушдим. Ғўрлик қилибман, емаклар буюртмасини йиғилган одамлар сонига қараб айтишим керак экан. Мен эса телефондаги ваъдаларга қараб айтаверибман. Курсдошларнинг тенг ярми келмаса бўладими? Ошпаз буюртма бўйича ҳақ тўлайсизлар, деб туриб олди. Ноилож яна кўшимча маблағ йиғадиган бўлдик. Шунда Матлубахон менга астагина: «Ҳеч кимдан пул сўраманг, жуда яйраб ўтиришибди, кайфиятлари бузилмасин, етмаганини мен тўлайман, аммо буни ҳеч ким билмасин», деди ва шундай қилди.

Матлубахонга нега ўхшолмаймиз?

Беш йилдан кейин ўттиз йиллигимиз бўлди. Зилзила муносабати билан қўйилган ҳайкал



ёнида тўпланишдик. Ўттиздан ортиқ одаммиз. Қаерда ўтиришни маслаҳат қила бошладик. Бизни кузатиб турган Матлубахоннинг юзида тараддуд кўринди. «Сизда гапим бор», деб мени четга тортди. «Ҳақиқий ўртоғим бўлсангиз, бериш қиласиз. Буларни ҳайкалнинг олдида расмга тушириб, суҳбатлашиб, ярим соат чалғитасиз. Кейин бизникига олиб киришга кўндирасиз (ушу яқин атрофда яшарди), ўтиришни бизникида қиламиз», деди. «Жиннимисиз, шунча одамни-я», дейман. «Гапимни эшитдингизми, олиб кирасиз, тамом!» деди.

Ярим соат ўтгандан кейин жўраларга вазиятни тушунтирдим. Улар Матлубахоннинг феълини билишгани учун иккиланмай кўндилар. Тўдалашиб кириб боряпмиз. Ўртоғимнинг учинчи қаватда жойлашган хонадони торгина уйлاردан иборат эди. Ярим соатнинг ичида Матлуба деганлари ҳаммаёқни қайта куриб бўлибди: аллақачон остонага Шавкат акани ҳам келтириб улгурибди, у кишим ҳар доимгидай истарали кулимсирашлари билан қўлларини кўксиларига қўйиб турибдилар. Учала қизи раста бўлиб, хизмат белбоғларини боғлаб туришибди. Икки уйга жой қилинибди, чиройли дастурхон атрофига ҳаммамиз чиройли бўлиб жойлашдик. Агар энг яхши ресторанда ўтирсак ҳам бундай дидли таомлар бўлиши гумон эди. Ҳар сафаргидай бари сарф Матлубахондан бўлди. Ўша кунги дийдорлашув суҳбатидан ва хонадон эгаларининг бизга кўрсатган ҳурматларидан умри узаймаган одам қолмади, ҳамма қайта ёшарди, етмиш икки то-

миримиз яйради. Бу бахра олишларнинг жами савоби, иншооллоҳ, Матлубахон билан Шавкат акага тегди.

Мен шундай тўхтамга келдим: Матлубахоннинг ҳеч кимга ўхшамаслиги унинг ЖУРЪАТИ, ҳар бора тадбир қўлаганда ТАНГРИГА ТАВАККАЛ ҚИЛИШИ ва ўзи мўлжаллаган ИШНИ ИХЛОС БИЛАН АДО ЭТИШИДАдир. Бизнинг ҳаммамизга худди ўша фазллар етишмай туради. Ўртоғимнинг феълидаги бу қирралар Аллоҳ рози бўладиган амаллардир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай вазиятда Яратганнинг Ўзи уни суяб, йўлларини Ўзи очиб келаётган бўлса керак.

Бир умрли изтироб

1965 йили ёзги таътилда Ленинград музейларида сақланаётган миллий маданий меросимиз билан танишини мақсадида бир ойга практикага борадиган бўлдик. Деярли ҳамма борди, Матлубахон ҳам Шавкат ака билан бирга боришди. Нақд оқ тунларга тўғри келибмиз. Табиатнинг бу мўъжизаси, Қишки сарой, Рус музейи, Фин қўлтиғида жойлашган Петродворецдан олган таассуротларимиз, хаяжонларимиз чексиз бўлди. Инсониятнинг қўли билан яратилган бу маънавий дурдоналарни кўриб ўйларимиз ўсди, дунёларимиз чунон кенгайди! Аммо бу сайри саёҳатда Матлубахон ҳеч ёзилмай юрди. Кейинчалик ҳам ҳар бора ўша саёҳат ҳақида гап кетса, дарҳол хомушланар ва «ўша кунлар менга татимаган» деб қўярди. Ва ниҳоят бир куни ёрилди.



Москвага жўнашдан олдин оилали, аммо бечораҳолгина бир курсдош дугонамиз Матлубахондан сафар учун қарз сўрабди. У эса ўзининг ҳам харажати кўп эканлигини айтиб, унинг илтимосини қондиролмабди. Ўшанда йўлқираларни давлат қоплаганди, фақат кундалик сарфларга маблағи бўлмагани учун шу дугонамиз боролмаган экан. Бор гап шу. Аммо практика давомида талабаларнинг яйрагани ва бу имконият умримизда бир омадли юриш бўлганини туйган сари Матлуба қаттиқ изтиробга тушибди. «Ўшанда пулим бор эди, мен шайтоннинг гапига кирдим. Мен туфайли шу ўртоғимиз ғанимат сафардан бенасиб бўлди, бунинг учун ўзимни умрбод кечиролмайман, бу мен учун бир умрли изтироб», деди қаттиқ афсус билан. Битирганимиздан кейин ўн-ўн беш йил ўтгунча ҳам қачон кўришсак, ўша дугонамизнинг ҳол-аҳволини суриштираварар эди. Ва бир гал ўзининг Андижонга келишини ҳамда ўша курсдошимизни бирга йўқлаб қўйишимизни илтимос қилди. Маъқулладим. Келди. Кўтариниб олган, кайфиятлари ҳам баланд. Биргалашиб Хўжаободга бордик, дийдорлашдик. Дўстимизнинг кўнглини олгани нималар демади дейсиз! Бир дунё йўқловларини топширди, мезбонларнинг қалбини батамом эритганига ишонч ҳосил қилгачгина, тинчиб Тошкентга қайтган эди.

Жонингни улаб бўлса-да ...

1994 йилнинг 21 декабрида эллик ёшга тўлишим муносабати билан вилоят театрида ижодий кеча ташкил этилди. Турфа тарафдан дўсту ёронлар тўпланишди. Матлубахон билан Шавкат ака ҳам эрталабки самолётда етиб келишди. Икки отга юк бўладиган тугун қўлларида. Андак сухбатлашдик-да, уйдан биргалашиб театрга бордик. Улар залга жойлашдилар, мен сахна томон юрдим. Гумбур-гумбур томоша бошланиб кетди... Соат ўн бирда бошланган анжуман учгача чўзилди. Йиғиндан кейин эса мен Матлубахонларни тополмай қолдим. Кейин видеотасвиorda кўрсам, улар залда унча кўп ўтирмаптилар.

Бу ёғини сўрасангиз, Матлубахон Шавкат ака билан самолёт чипталари ёнларида, созланиб, нақ уйдан чиқаман деб турганларида опсининг ўғлидан «онамиз оғирлашиб қолди», деган хабар келибди. У карахт қотибди, аммо ўзини йиғиштира билиб, хабарчига «жонингни улаб бўлса-да, опамни омон ушлаб турасан, Андижонга бошимни бир суқиб келмасам бўлмайди, тушдан кейин етиб келаман», дебди ва йўлга тушишибди... Шунинг учун ҳам Андижонга бу ёқдан кириб, у ёқдан чиқиб кетишган экан. Келгунларича Тангри ёрдам қилиб, опаси омон турибди. Акси бўлганда-чи? Бундай таваккалчилик учун ҳам инсонга тобланган ирода керак.

Ўртоғимни йиғлатган гулчилар

Қачон ўша видеотасвирни кўрсам, юрагим жойидан жилади: залда ўтирган Матлубахон ҳайкалдай эди, опасининг ўю саноси билан сахнадаги гаплару ўйин-кулгиларни мутлақо эшитмаётгани, кўрмаётгани, кўрса ҳам укмаётгани шундоққина билиниб турарди. Гўё атрофда ҳеч ким йўқ, битта ўзи хаёллар қудуғига тушиб қолгандай қотиб ўтирарди ўртоқжоним.

Аммо ўша куни эрталаб бизникига кулиб киролди. Савол-жавобга ярай олди. Хатто бир воқеани жуда ҳаяжонланиб, йиғлаб ҳикоя қилиб берди. Улар самолётдан туша солиб, сўраб-суриштириб тўғри гул бозорига борибдилар, гул йўқ эмиш. Ким қаерда гул бор деса, ўша ерга бораверибдилар. Гул йўқ. Кезиб-кезиб эски шаҳаргача келибдилар. У ерда ҳам азонлабдан гул қолмабди эмиш. Бу ҳолатдан жаҳли чиқиб кетган Матлубахон: «Мен Андижонни бу даражада қолоқ шаҳар деб ўйламовдим, наҳотки, бир даста гул топилмаса-я», дебди бўғилиб. Шу пайт бир аёл: «Вой, опажон, эшитмадингизми, бугун Турсуной Содиқованинг юбилеи экан, ҳамма гул ўша ёққа кетди-да», дебди. «Гулчиларнинг бу гапидан қандай таъсирланганимни билсангиз эди, — дейди кўзлари ёшланиб, — мани ўртоқжоним худди шунга муносиб дедим, Андижоннинг ҳамма гули пойига поёндоз бўлган ўртоқжонимдан ўргилиб кетай, дедим! Бу гулчилар ўзлари билмаган ҳолда сизни мен ўтқизмоқчи бўлган баланд курсиларга



ўтқазиб қўйишди! Улар мени нақадар бахтиёр қилганларини ўзлари билмадилар».

Мана шундан бери йигирма йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам, тўрт киши йиғилди дегунча Матлубахон: «Турсунойнинг ижодий кечаси куни-чи, Андижонда гул қолмаган», деб бошлаб қолади...

Жонни ҳалак қилувчи жонсараклик

Жонсараклик нима ўзи? Менимча, битта жонини минг бўлакка бўлиб ташлаган одамни «жонсарақ» атасалар керак! Матлубахон нафақат фарзандларининг умри, бахти учун, балки уларнинг ўтаётган ҳар бир соати учун режа қилиб қўяди, ҳар бир ишнинг муқим, мукаммал бўлиши учун ижросини кўз узмай назорат қилади ва бошқа минг хил юмушларга ҳам улгуриб яшайди. Бугунлик кунда у бундай дастурни набиралари учун ҳам мажбурий қўллар экан... Мисол учун уч кун аввалги гапини келтирмоқчиман. У Тошкентга қачон келишимни сўраб, қўнғироқ қилибди. Ва зўр бериб унинг маслаҳатига қўнишимни, у ҳамма набиралари ва қизларини тўплаб беришини ва мен уларга маънавиятдан бир неча соатли маъруза ўқишимни илтимос қиларди, ҳамда иштиёқ билан ваъдамни олмоқчи бўларди. Вой юрагини темир деб билган ўртоқжоним-а! Умр бўйи безовта яшашни ўзи тилаб олган жони ҳалагим-а!

Аслида, бола-чақага ортиқча жонсарақ бўлиш фазл саналмайди. Тангри ҳар бир инсоннинг



жисмини алоҳида яратдими, унинг яшаш тарзи, иқлимини ҳам мустақил қилиб қўяди. Энди у Аллоҳ берган захира билан ўзини ўзи бошқариши керак. Мен унга отаман, онаман деб ҳадеганда ҳаётига аралашаверсак, бировнинг деворини бузиб кираверишдай гап бўлади. Қолаверса, болалар уларнинг ҳамма ишларига аралашимизга ўрганиб қолсалар, сустлашиб қоладилар ва биздан кейин қийналадилар. Яна қолаверса, болалардан уларнинг биз хоҳлагандай яшашини талаб қилолмаймиз, чунки уларни ўзининг муҳити ўраб турибди, улар ўша ҳолатдан келиб чиқиб йўл танлайдилар. Ўртоқжоним бунга қўниши лозим. Табиийки, четдан туриб берган таклифларимизнинг уларга бири сингиб, бири сингимаслиги мумкин. Сингимай қолса, сиқилиб, аро йўлда юрагимизнинг оғригани қолади. Баъзи-баъзида мен Матлубахонда ана ўшандай диққинафас ҳолатларни сезганман...

*Қарға булбул бўла билмас,
Гулнинг қадрини на билсин!*

Ўртоғим ўзининг эп-шудидан келиб чиқиб кучли режалар тузади, ишга ҳам арслондай ҳамла билан киришади. Унинг хатогинаси шундаки, у ҳаммани ўзига ўхшатади, яъники ҳамма унингдай иш тутишини хоҳлайди! Атрофдагилар у каби ҳаракат қилавермасалар, ўртаниб кетади. «Мана мен қиялпман-ку, бу қийин эмас-ку, нега, нега?!» деб бетокат бўлади. Аммо минг афсуслар бўлсинки, атрофимиздагиларнинг ҳаммаси одам қиёфасида бўлгани билан бири фил, бири



чумоли, бири тулки, бири бўри! Минг хипчин билан урсанг ҳам, бири тезлик нималигини билмайдиган тошбақа, бири булбул, бири эса гул нелигини билмайдиган қарға!

Матлубахонни танийдиганлар, у билан дўстлик, кариндошчилик, қудачилик риштаси билан боғланганлар уни баъзан тушуниб, баъзида тушунолмай гаранг бўлганлари аниқ! Пул учун, бир парча ер учун оға-инилар бир-биридан тониб кетаётган бир замонда, манфаат йўлида инсонлар буқаламунга айланаётган бир пайтда, қишда ҳовлисидан қор сўрасанг бергиси келмайдиганлар билан елкадош яшалган бир маконда Матлубахонни тушуниш амри маҳол!

Жўрам ҳақида айрим одамларнинг кўнглида нелар кечаётганини баъзида руҳим билан сезиб тураман: «Нега у керагидан ортиқ хотамтой? Яширин хазинаси бордир-да?» дейди биттаси. «Нега у меҳмоннавозлик қилаверади? Ўзини кўрсатиш учунми? Ёки аллакимларнинг оғизбурнини ёғлаб қўйиш учунми?» дейди яна бири. «Нега ҳар сафар униқидан сарпо-суруқ кийиб кетишимиз шарт, бу билан у ўзининг биздан бойлигини писанда қиляптими?» дея бировининг ичи куяди. «Нега олиб борган кичик тугунингга катта тугун қайтарди, тугун кўтариш қанақа бўлишини ўргатиб қўймоқчими?» дея яна бирининг боши қотади. «Нега қизининг ортидан шунча йўқлов юборди? Қудаларга ўзини кўрсатмоқчи бўлдимми? Ёки қайтими ҳам шундай бўлсин демоқчи бўлдимми?» дейди яна бир «билимдони»! Яна бунинг устига Матлубахон:



Сотса пулига камида иккита ҳовли келиши мумкин бўлган кутубхонасини ўқув юртларига бўлиб берди.

Учинчи қаватдаги катакдай уйига тикилиб яшаётган бўлса-да, баҳаво ҳовлисини бир маънавий-маърифий масканга ҳадя этиб юборди.

Атайлабдан Ҳазрати Навоийга хожибадал қилиш учун Ҳаж сафарига борди.

Хўш, бу инсон ким ўзи? У шу қадар шон-шуҳратни севувчими? Агар уни шундай деб ўйлаётганлар бўлса, ўзларини унинг ўрнига қўйиб кўрсинлар. Ва айтсинлар-чи, имконлари етганда ўртоғимдан кетган ўшанча сарфу харажатни Ҳақ йўлида ёки овоза бўлиш учун ўз чўнтакларидан чиқара олармидилар?

Дунё неъматларининг баҳосини билувчилар, унга интилувчилар, ўша бойликларга эга бўлиш учун илму хунар ўрганувчилар, машаққат чекувчилар ниҳоятда кўп. Эришган бойликларини асраб-авайлаб, тома-тома кўл бўлур қабилида йиғиб-терадиганлар қадамига учрайди. Буларнинг иши ҳам тўғри, Аллоҳ «неъматларимни исроф қилманг» дейди. Аммо ўзига ёққан нарсани бировларга ҳам илиниш, бировнинг қувончини ўзиникидай билиш, бировларни хурсанд қилишни бир умрли дастур қилиб олиш ва шу йўлда сарф қилаётган пулларига мутлақо ачинмаслик, аксинча, топган даромадини одамларга улашишни ўзи учун байрам деб билиш – бу кибрланиш, мақтаниш эмас, бу – **комиллик белгиси!** Бу туғилишданок Аллоҳ ўн бармоғини саховатга очиб қўйган банданинг кўриниши! Бу ишларни



ўртоғимнинг юрагига Аллохнинг ўзи солиб туради.

Китоб – бу ухлаб ётган илм. У ўқилгандагина, уқилгандагина яратувчи қувватга айланади. Матлубахон шунча бой кутубхонасини бирорта кизининг ёки қариндошининг уйига кўрк қилиб териб қўйса ҳам бўларди. Аммо у бойликнинг кўпроқ фойда келтиришини ўйлади ва ўқув юрталарига тортиқ қилди. Буни ҳам унинг кўнглига худо солган.

Бўш турган ховлисини бирор қариндоши, қадрдони ёки бирор ночор одамга берса бўларди. Аммо бир кишининг таъминланишидан кўра кўпчиликка хизмат қиладиган маънавий-маърифий масканга ҳадя қилингани ҳам Аллоҳ рози бўладиган ишдир.

Беш юз йилдан бери Ҳак азиз қилиб қўйган Навоий бир банданинг Ҳаж сафарига бориб, унга атаб ҳожибадал қилиб келишига зормиди? Аммо оддий бир суҳбатдошининг топиб айтган биргина сўзига тасаддуқ бўладиган Матлубахон учун Навоий ҳазратлари мўъжизалар уммони эди. Агар ўртоғим Навоийга замондош бўлганида уни рози қилишнинг, унга хизмат қилишнинг минг бир йўлини топган бўларди. Матлубахон Навоийни ўқиган сари, маза қилган сари ўзини қарздор санайверган. Миннатдорчилигини, хайратини қай йўсинда изҳор қилишни билмай, матлубачасига йўл кидирган. Дуо қиламизки, унинг буюк шоирга атаган бу амали Навоийни бергани учун жами навоийхонларнинг Аллоҳга шукронаси ўрнида қабул бўлсин!



Атрофингдаги тўртта одамнинг учтаси моддийга тиш-тирноғи билан тирмашиб, кўзига нафсдан бошқа нарса кўринмаётган бир пайтда орамизга Матлубахондай одамларни кўшиб кўйгани учун Тангрига ҳамду санолар бўлсин!

Матлубахон нега ўзини узлатга олди?

Қайси даврада бирга бўлмайлик, кимдир янги фикр, ёқимли гап айтса, кимнингдир яхши иши эсланса ёки кимдир чиройли ҳазил ё лутф қилса, ҳамма эшитибгина қўяверади, аммо Матлубахон ўша одамни алоҳида топиб, ўзининг маза қилганини, яхши ҳам бу даврага келгани, унинг гапидан роҳат олиб кетаётганини чиройли қилиб етказди ёки орқасидан уйига кўнғирок қилиб, «бугунги кунга сиз фэйз кўшдингиз» дея алқаб қўяди. У нега бу феълени ҳеч қанда қилмайди?! Чунки бировга ёкиш машаққатини, яъни доимий равишда ўз-ўзини, айтар сўзини рандалаб, текислаб, хушёрликни, фаросатни энг юқори мақомда ушлаб туриш ғоят қийин иш эканлигини у яхши билади! Бу ҳамиша унинг жонидан ўтиб, жонини чарчатиб турадиган жараён бўлгани учун ҳам, бу ишни уддалаган одамни табриклашга лойиқ деб баҳолайди.

Билингки, рўпарангиздаги одам сизга ҳурмат билан муомала қиляптими, демак, унинг ўзи жуда нозик ва, биринчи навбатда, сизни эмас, ўзини аяпти: жавобингиз уни синдириб қўймаслиги учун кайфиятингизни юмшатадиган муомала қидирыпти! Бировга рағбат бераётган одам бор-



ки, унинг ўзининг рағбатга қалбан эҳтиёжи бор. У – яхши ишлар қилиб баҳосини ололмай юрган одам. Инсоннинг иқлими шундай, у илм излаб, фазл излаб тараққий этар экан, бунинг атрофга сезилишини, энг муҳими, уни одамлар эътироф этишларини жуда-жуда хоҳлайди. Шунча юмушларга қодир бўлган одам ўрни келганда атрофдагиларнинг бир лукма ширин сўзига ичичидан ўзини зор сезади.

Ўртоғимнинг заиф жойи ҳам кўнглининг нозиклигида! Биз унинг ана ўша жойини обод қила олмадик. Биз уни жуда ҳурмат қилишимизни етказиб изҳор қилолмадик! Бунинг устига у мутолаага берилди, таҳлили янада чуқурлашди ва бундай қараса, атрофи ёлғон ва бераҳм муносабатларга тўлиб кетибди! Бу моддий дунё ичида одамлар бир-бирини хафа қилиш билан банд! Бирдан у буларнинг ҳаммасидан чарчай бошлаган, унга ҳаво етишмаётгандай бўлган, нарироқ кетгиси келган. Наридан кетган сари тинчи, оромини топган бўлса керакки, ҳеч кимни кўргиси келмай қолган...

Бу жисму жон бизга Аллоҳ томонидан берилган неъмат. У, аввало, ўзимиз учун берилган. Матлубахон буни унутди: ўзгаларнинг кўнглини олишни ўйлайверди (бола-чақасига-ку жонини нисор қилиб юборади!), аммо ўзини унутди! Инсон ҳам кон эмас, булоқ эмас, бу жон бир кишигагина етгулик, холос! Охири, етакасига етиб қолгандан кейингина кўзлари чарақ этиб очилди! Ўзига қулоқ солди: тинкалари қуриб битибди! Бағрига мўралади: юраклари тўкилиб кетибди!..



Шундан кейин борди-келдилар кўнглига сифмай қолди, меҳмон кутишларни батамом йиғиштирди. Тўй-томоша, йўқлов маросимларига ҳам қатнашмай қўйди. Ҳатто телефон гўшагини кўтармайдиган, ҳар кимга ҳам эшик очмайдиган ҳолатга етди. Бу жараён бир ой, бир йил эмас, ўн йилга чўзилди! Ҳаммамиз хавотирга тушдик, суриштирсак соғ экан. Оиласи, болалари ҳам тинч экан. Бир дўстимиз Шавкат акани кўчада учратиб, ҳол-аҳвол сўраса: «Ўзим ҳам ҳайронман, соғлиғи яхши, ҳеч кимингиздан хафа эмас, фақат одамлардан ўзини жуда тортиб қолган, китоб ўқигани-ўқиган», дебдилар.

Мақтов нега керак?

Матлубахоннинг энг кўп муҳаббатига сазовор бўлганлардан бири мен эдим. Унинг бу ҳолатидан каттиқ изтиробга тушдим. Кўп ўйландим. Таҳлил қилдим. Ва ўртоғимни тушуниб етгандай бўлдим. Шу ўринда рағбат хусусида гапирмоқчиман. Аллоҳга тинмай ҳамду санолар ёғдирамиз, чунки унга мақтов ёқади деймиз. Яратганки мақтовни яхши кўрса, бандасига мақтов ёкмайди дейсизми? Мақтов нима ўзи? Ҳадиси шарифда «бир-бирингиздаги фазилатларни сезганингизни сездирингиз» дейилади. Мақтов рўпарангиздаги одамнинг фазилатларини тан олиб, унинг ўзига изҳор қилишдир. Хўш, фазилат нима? У – инсоннинг ибратли шахсияти ва ўзгалар учун содир этадиган ёқимли ва фойдали хатти-ҳаракатлари. Киши қачон фазилатга



етишади? Илм олиб, меҳнат қилиб, сабр қилиб, ўз фароғатидан кечибгина! Қаранг, кимдир шунча азият чекиб сизга ёқаман деб уринса-ю, бир оғиз бу ёқимлиликини сезганингизни сездириб қўймасангиз, инсофдан бўладими? Балки бундай одамлар баъзан «Анови, манови ишларни қилдим, дуруст бўлибдими?» деб сўрар ҳам. Аммо буни ҳам ҳаргиз мактанчоқликка йўймаслик керак. Сабаби, инсон ички бир муҳаббат билан, ғайрат ва меҳнат билан бир ишни уддалашга уринади ва бу жараёнда у шу ишни эплайпманми, йўқми деган хавотирда ҳам туради. Айни мана шу пайтда четдан айтиладиган бир оғиз рағбат сўзи унинг учун жуда муҳим. «Яшанг, шуни бошлабсиз-да», деган лутф уни муродига етказди. Бу унинг учун гўё ҳосил кўтариш бўлади. У молу жонини сарфлаб, яхшилик ясаганига ишонч ҳосил қилади. Шу биргина эътироф учун йўқотган ҳамма нарсасига рози бўлиб кетади.

* * *

Хўш, азиз ўқувчим, биз атрофимиздаги яхши одамлардан тинмай ёғилаётган яхшиликларга ҳар доим ҳам чиройли муносабат билдираяпмизми? Масалан, ўртоғим ҳаммага ёқишга уринди. Биз-чи, уни хурсанд қилиш учун қай даражада ҳаракат қилдик? Унинг ишларини ўзимиз қилмаганимизга, қилолмаганимизга яраша унга ҳавасимиз келганини айтиб, ҳеч бўлмаса ўзига эшиттириб, ҳақиқа дуолар қилиб қўйдикми? Биз нақадар гафлатиймиз, биродар!



Матлубахон одамлар билан астойдил муносабатда бўлди. Бировни яхши кўрса астойдил яхши кўрди, кадрлаган кишисининг бошидан меҳру муҳаббатини ёмғирдай эмас, селдай ёғдирди. Ва жавобига у фақат бир нарсани, яъни атрофдагиларнинг севиниб кетишларини кутди, холос. Уларнинг миннатдор нигоҳларини кўришни хоҳлади. У одамлардан пул, мол эмас, бир яйраб қўйишларини истади холос! Унга «сизнинг борлигингиз қандай яхши», «дуо қилинг, сизга ўхшайлик», «сизни туққан онангиздан айланай» ... деб қўйилса бўлди, унинг осмон қадар кўтарилиши аниқ. Аслида-ку, ўртоғимнинг меҳнатлари зое кетмади: кимдир унинг меҳр нуридан гулдай очилиб кетди, кимдир ундан қанот олди, кимдир қалбан ўсди! Аммо буни биров сездирди, бирови эса шугинанинг ҳам уддасидан ўтмади. Матлубахон бир умр ҳеч нарсадан камлик кўрмади, аммо у топиб айтилган биргина сўзни энг қиммат бойлик деб баҳолаб келди.

Марди майдоним

Икки ойлар чамаси аввал телефон жиринглади. Гўшакда мени ўн йиллар соғинтирган овоз янграрди: «Турсунойжон, бу мен — Азимоваман! Ўртоқжоним, бормисиз, овозларингиздан айланай! Чиққанки китобингизни ўқияпман, ўқияпман эмас, ёдлаяпман! Хошияларини ёзувларга тўлдириб юбордим. Ўртоқжон, сизни қачон кўраман, сизни кўрмасам ҳеч бўлмайди!» Бу бетоқат изҳорлардан юракларим эриди, у йиғлади, мен йиғладим. Зудлик билан Тошкент-



га жўнадим, Матлубахоннинг ҳузурига ошиқдим. Яна ўша дастурхон, яна ўша самимий мулозаматлар. Боришимни билиб яна иккита қизи ёнида раста бўлиб туришибди. Шавкат ака олдингидан ҳам истарали бўлибдилар, тўлишини жуда ярашибди. Орадаги ўн йил ўртоғимга тегинмай ўтибди, юзлари таранг, кўзлари ҳали ҳам ўткир қарайди. Саломатлигидан хавотирим бор эди, кўнглим тўқ бўлди.

У китобхонликка шу қадар берилибдики, дунёқарашларида чаманлар очилиб кетибди. Ундаги ботинан нурланиш, зоҳиран гўзал, етук амалларни кўриб роҳатландим. Ширин суҳбатлашдик. Гап орасида яқинда телефонда бўлган бир суҳбатни эсга олиб ўтдим. Бу мутлақо нотаниш бўлган, ўзини шарқшунос деб таништирган одам, узоқ йиллардан бери ёзган нарсаларимни кузатиб келар экан. Ва ихлосининг исботи ўлароқ у Қуръони каримни хатм қилиб, онамга бағишлашни ният қилибди ва шунинг учун онамнинг исмларини сўраб қўнғироқ қилибди. Бу одамнинг кимлигини аниқ билмоқчи бўлганим, аммо у «риё бўлади» дея ўз исмини айтмаганини таъсирланиб сўзладим. Матлубахон ўйга толибгина эшитди...

Ўша куни қайтар чоғимда Матлубахондаги ажабтовур кўтаринкилик эътиборимни тортди. У менга катта бир янгилик айтмоқчидай тарадудда эди. «Ўртоқжон, кетишингиздан олдин сизга бир гап айтай, — деди у, — ўша сизга қўнғироқ қилган одам менинг пешонамга бир чертгандай бўлди! Ахир, у онангизни ҳеч



кўрмаган-ку! Мен эса кўлларида чой ичганман, овозларини ўз қулоғим билан эшитганман, дийдорлашганман, ахир сизнинг ота-онангиз сиздай ўртоғимнинг муаллифлари-ку», дея уларга атаб бугуноқ Қуръон мутолаасини бошлаяжагини айтди. Кечкурун кўнғирок қилиб, мутолаани бошлаганини ҳаяжон билан яна изҳор қилди...

* * *

Бу орада мен Андижонга қайтдим. Бир куни телефон жиринглаб, гўшакда Матлубахоннинг овози янграпти: «Ўртоқжон, сиз сув ичган булоқларнинг тозалигига амин бўлдим, мен мутолаани шунақанги енгиллик билан якунладимки, ўзим ҳам ҳайрон қолдим, бор-йўғи тўққиз кун кетди, холос! Ота-онангизга ихлосим янада ортди, ўртоқжон!» дерди овозлари тўлқинланиб.

* * *

Эртаси куни Матлубахон яна кўнғирок қияпти: «Турсуной, биласизми, киши оламдан ўтса, ортидан ўғил-қизи хатми Қуръон қилиб бағишласа, ўша ота ёки онанинг бошига жаннатда тож кийдирилар экан, келинг, иккаламиз дуо қилайлик, Аллоҳ менинг мутолаамни сизнинг номингиздан қабул қилсин, мен бу бағишловни сизнинг номингиздан бўлишини тилаб ўқидим, ота-онангизни сиз туфайли ўша мақомларга эришишини Яратгандан ўтиниб илтижо қиламан», дерди бағирлари кабоб бўлиб!

Бошимдан ёғдирган шунча муҳаббати етмаганидай, менинг фарзандлик бурчларимни ҳам зиммасига олгиси келиб турган марди майдоним-а!

Хотима

«Матлуб» сўзи исталган, орзу этилган деган маънони билдиради. Қисмат менга ана ўшандай матлуб инсонлар билан яшашни насиб этди. Бундай одамлар бамисоли маёқдирлар. Уларнинг қаторидамисан, майдалашишга ҳаққинг йўқ! Умидсизланишга, орқага чекинишга йўл йўқ! Улар сенда сени тинмай уйғотиб, қўзғатиб турадилар. Минг шукр, бундай инсонларнинг борлиги, яратилганлиги учун!

Матлубажон, мен умр бўйи ўз ёкамдан ўзим тортқилаб, ўз қулоғимдан ўзим чўзғилаб, чўкмай туриш, бўйимни бўйинга тенглаб яшаш учун уриниб ўтдим. Рағбатинг, ибратинг учун раҳмат! Жонингни пиликдай ёқиб, атрофингни ёритиб яшаётганинг учун икки дунё саодати сеники бўлсин!

Сенинг адл ниятларингни тўсмаган, қолига сифмас саховатларингни кесмаган, эркин қанотинг, авж пардали баётингни қайирмаган, сени ўстириб, ундирган жуфти ҳалолингни Яратган азиз қилсин! Қўша улғайиб, қўш лочиндай бир-бирингизни суяб юринглар!

Матлубахоннинг қизлари! Ҳаргиз ҳамманинг онаси бизникидай деб ўйлама! Сенинг битта онангда мингта жоннинг кучи, иродаси мужассам. Ва эсингда турсин, ҳар биттангнинг елкангда мингта фарзанднинг қарзи турибди. Узмоққа шошил! Уни дунёга келганига рози бўлишига эриштир! Ҳар кунинг, ҳар бир ишингда унга ўхшаб яшашга ҳаракат қил! Болаларингга, на-



бираларингга онангни ИЛМ қилиб ўргат. Токи ўртоғимдан унга ярашиб турадиган насллар тарқасин!

Матлубахоннинг жигарлари! Зотингиз учун, кўтариб келаётган «Азим» отингиз учун раҳмат! Олманинг тагига олма тушади: сиздаги ва ўртоғимдаги жами фазилатлар учун ота-онангиз ва авлоду аждодингизни Аллоҳ паноҳига олсин!

Матлубахоннинг куёв ўғиллари, умид қиламанки, сиз ўртоғимнинг ўғилсираган чанқоқларини кондирувчи бўласиз, дам ғанимат, ризолигини олишга шошиласиз! Ва юзта йигитдан ҳам бутунроқ, журъатлироқ ва ОРИЯТ бобида тенги йўқ қайнонангиз борлигидан ичингизда фахр этиб кўйинг. Ўзингиздан кўпайинг. Ва палагингиздан Матлубахондай минглаб матлуб инсонлар унсинлар, ўссинлар...

РАЪНОЛАР АЪЛОСИ

Ким сўзлашса, севиб қолади

Раънохон кадрдоним бўлади. Унинг беморлигини эшитиб, ҳузурига талпиндим. У иссиқ ўранганича, юмшоқ курсига ҳорғингина суяниб ўтирарди. Кутилмаганда борганим учун жуда ҳаяжонланиб кетди. «Ҳой номард, — дейман мен, — бутун Ўрикзорни бошига кўтарган феълу атворингизни қандай қилиб бир курсига сиғдириб ўтирибсиз, чиранишингиз филча эдику?!» У эса ҳар доимгидай чиройли кулади... Раънохон билан 1996 йили касбдошим Адолат



Носирова орқали танишганман. Унда Адолатхон ҳозирги Учтепа тумани аёллар қўмитасининг раиси эди, Раънохон эса туман «Соғлом авлод» жамғармасини бошқарарди. Кейин Ўрикзор маҳалласи аёллар қўмитасининг раҳбари бўлди, охирги беш йилда маҳалла фуқаролар йиғинига етакчилик қилди.

Туманда маънавий-маърифий тадбирлар жуда кўп бўлар, ҳоким муовини Адолатхон эса мени бу йиғинларга тортқилагани-тортқилаган эди. Энг кўп суҳбат Раънохон яшайдиган маҳаллада ўтказиларди. Бу аёлга кўнгил қўйишим ва дўстлашишим ана ўша учрашувларда бошланган. У билан ёшимиз теппа-тенг. Бодомқовоққина, ўсма-сурмани билмайдигангина, ясан-тусанга ружу қўймаган бу ойимни бирпас ҳамсуҳбат бўлганки одам ёқтириб қолаверарди. Қош-кўзлари мавж урмаган бўлса-да, Аллоҳ унинг истарасини оловдай яратиб қўйган. Бичимлари келишган, нима кийса ковушиб, ярашиб туради. Онамнинг таърифи билан айтганда, «ангиш-вонадеккина оғиз»лари билан табассум қилса, олам ёришиб кетади. Раънохоннинг бошқачалиги шундаки, Яратган унга бир баҳорий феъл бериб қўйган: кириб келса, у билан бирга тоза ҳаво, дилбар гаплар, кайфиятингни осмонларга олиб чиқадиган енгиллик кириб келади. Раънохон энг жиддий вазиятга ҳам ҳазил сиғдира олади, энг қовоғи солиқ одамни ҳам эрита олади. Хулласи, мен бу ўртоғимнинг ҳар бир тутумида бизга буюк Шарқдан мерос қолган муомала маданиятини кўраман. Унинг тилида сўзнинг дорига,

дармонга, сеҳрга айланишини ҳузур қилиб томоша қиламан.

**«Иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ»
дейди ўртоғим**

Адолатхон бир тўп фаоллари билан чандон уринса ҳам бир жанжалли оилани эпақага келтиролмабди. Қайсар қайнона келини билан ярашишни ҳаргиз хоҳламасмиш! Хуллас, иш бир йиллик меҳнат зое кетадиган, ноилож ажрим бўладиган ҳолатга келибди. Бу гап Раънохоннинг қулоғига ҳам тушган экан, унинг вазифаси бошқа бўлса-да, келиннинг кўч-кўронини олиб кетиладиган кун фаоллар билан у ҳам бирга борибди. Ва эшикдан кира солиб, қайнона бўлгич билан астойдил сўраша кетибди: «Ўргилай сиздан, асалим, шакарим, бирга келган шерикларим билан ишим йўқ, нима қилишса қилишаверсин, мен сиздан ҳол сўрагани келдим. Эшитиб турибман, бу савдо фалон вақтдан бери судралиб келяпти. Уйимда ўтириб ўйладим: бу онаизорнинг жонида жон қолмади-ку дедим! Ўғил боқмоқ, шу даражага келтирмоқнинг ўзи бўладими?! Роҳатига суяниб, иззат-икромлардан қувонадиган пайтда қозихоналарда юриш осон бўлибдими?» Ҳамманинг кўзига олабўжи бўлиб кўриниб турган қайнонага бу сўзлар билан Раънохон эмас, унинг онаси кириб келгандай бўлган чоғи, бирдан йиғлаб юборибди. Раънохон уни юпатган бўлиб, бу савдо ҳамманикида борлиги, аммо ҳамманинг тутуми бу аёлга ярашмаслиги, ёши-



миз бир жойга бориб қолганда имкон қадар савобли йўлни қидиришимиз кераклиги ҳақида ҳижжалаб тушунтира кетибди. Қайнона сифатида унинг ҳамма гаплари, талаблари тўғрилигини маъқуллабди. Бу зумраша келин кун келиб унинг қадрига чандон етишларини таъкидлабди... Бироздан сўнг ҳокимиятдан келганлар бундок қарашса, қайнона хоним йиғлаб-сиқтаб, келинининг ўғли билан қўша қариши учун дуо беряпти эмиш! Раънохон эса зўр бериб бу «бебаҳо» қайнонанинг ҳақиға дуо қилаётганмиш!

Қўлбола тўй

Маҳаллада бир эру аёл автомобиль ҳалокатига учраб, уч бола кекса онаға қолибди. Кампирни болаларнинг хизмати қийнаб қўйибди. Бу ҳолни кўрган Раънохон унинг бош набирасини уйлаш ҳаракатига тушибди. Кампирнинг эса уч етимдан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Ўртоғим таваккалиға тўй ҳаракатини бошлабди. Келинни ҳам топибди. У ёққа югуриб, бу ёққа югуриб келин тушадиган ҳовлини чиройли қилиб, тўй харажатларини ҳам расталаб, келиннинг сеп-сидирғасини ота-онаси борларниқидан аълороқ қилиб гайёрлабди. Мебель масаласига келганда боши қотибди. Аммо маҳаллада бойроқ бир оила бор экан, уларнинг бир неча йил бурун захираға мебель олиб қўйишганини ўртоғим биларкан, фақат улардан ҳомий сифатида кўп фойдалангани учун мебель ҳақида оғиз очгани андиша қилибди. Аммо уларникига тез-тез кирар, ҳар кирганда кампирнинг



невара тўйи ҳақида гапираверар, «орамиздаги яхши одамларнинг ёрдамида уни бундоқ қилдик, ана бу камини мана бунақасига битирдик» дер ва ҳар гал гапни «энди фақат мебелли қолди» дейиш билан тугатар экан. Охири улардан «ўша мебель биздан бўлсин» деган ҳимматни эшитиб, муроди ҳосил бўлибди... Шу десангиз, энг зўр таомлар, энг машҳур санъаткорлар шу етимгинанинг тўйида бўлибди. Раъно жонсарақнинг ўша қўлбола тўйи ҳақида ҳозиргача гапириб юришаркан...

Ер ости йўли

Фалақнинг гардиши билан битта Ўрикзор маҳалла учта маҳаллага айланиб кетди. Аҳоли кўпайгандан-кўпайиб боряпти. Унинг рўпарасида эса, ўзингизга маълум, жуда катта бозор жойлашган. Катнов ўта зич. Шу сабаб кейинги пайтда кўнгилсиз воқеалар рўй бера бошлади. Раънохон энди кўчанинг бу бетидан бозорга ўтиладиган ер ости йўлини қурдириш ҳаракатига тушиб қолди. Болалари «ўзингизни асранг» деди, дўстлари: «Жиннимисан, хотин бошинг билан эркак қилолмайдиган ишга уринасанми?» деди. Катта идораларга борса, «иложи йўқ» деган жавоб олди. У турфа эшикларни тақиллатаверди, қайтаверди. Саломатлиги ёмонлаша борди, барибир остона санашда давом этди. Ўзи танийдиган булбулга бориб, «Асал болам, менинг ишим тушиб турган кабутар сизга қадрдон экан, балки ниятим сиз орқали рўёбга чиқар» деб, қадрдон



юлдузга бориб, «Жон болам, сен Ой билан дўст экансан, шу йўл ишга тушса жами савоб иккин-гизга бўлади, элнинг дуосини олиб қолинглар», деб юкиनावерди, юкиनावерди... Ва ниҳоят Раънохоннинг нияти амалга ошди, ер ости йўли курилиб, аҳоли яйраб қолди.

Аммо бу йўлдан ўтиб-кедиб турганлар бу фоя катта мутахассис ёки катта бир идоранинг бошлиғидан эмас ёки бир довюрак эркакдан эмас, арзон шиппак, чит кўйлақлар кийиб, хокисорлик билан Ўрикзор маҳалласининг энг чарчоқли ишларига умрини бағишлаган Раъно исмли аёлгинадан чиққанини ва амалга ошганини қаёқдан ҳам билсинлар! Лекин Аллоҳ шохид, бунинг савоби албатта ўртоғимга ва унинг фарзандларига тегиши аниқ.

Мардона таъзим

Раънохоннинг нафақат сўзи, ўзи кизиқ, балки унинг ҳаёт йўли ҳам ҳайратомуз воқеаларга тўла. Энг аввалидан тушадиган бўлсак, Раънохоннинг йигирмага етган-етмаган пайти. Совчиларнинг кети узилмайди. Шу орада сўраб келганларнинг биттаси маъқул бўлиб, ўртоғимнинг ота-онаси йигит билан қизни кўриштирадиган бўлишибди. Икки тарафдан бирга чиққан янгалар ёшларни рўбарў қилибдилар. Раънохон мундоқ қараса, рўпарасида ўн йил бирга ўқиган синфдоши Ўткир турибди эмиш! (Мен ҳам бу болани танир эдим. У билан Чорсуда, ёнма-ён маҳаллаларда яшар эдик, истараликкина, эски шаҳарнинг ча-



пани болаларидан эди.) Улар жўнгина синфдош бўлсалар ҳам майли-я, мактаб давомида бир-бирлари билан тинмай қирилишгани-қирилишган экан. Раънохонни кўриб Ўткиржон ҳайратдан қотибди: «Раъно, сен бу ерда нима қилиб юрибсан?» дермиш. «Одам қуригандай келиб-келиб сенга тегаманми?» деб жавоб қайтарармиш Раънохон. «Менинг ҳам сенга кўзим учиб тургани йўқ!» дея зарда қилармиш йигит. Аммо тақдир экан, ота-оналарнинг қистови билан тўй бўлиб кетибди... Худо раҳмат қилгур Ўткиржон ўртоғим билан тўкис рўзгор қурдилар. У топармон-тутармон, Тошкентнинг ўзига ишонган санокли эр-какларидан бўлди. Улар икки қиз, икки ўғил кўрдилар. Фарзандлари салоҳиятли, солиҳ болалар бўлишди. Ҳозир ҳаммалари ўзларидан тиниб-тинчиганлар. Раънохон ўз тақдиридан, рўзгоридан миннатдор юради. Аммо Ўткиржон ҳаётдан эртароқ кетди, изида эса минг бир эртаклар қолди... Тунов куни ўртоғимни зиёрат қилгани борганимда ҳам ўша воқеаларни ўта таъсирланиб эслашдик.

Ўткиржоннинг пули чандон кўпайган пайтлар. Маълумки, бундай одамни дарҳол шайтон ўраб олади. У бир овчи аёлнинг тўрига илинади. Маълум бир муддат оиласидан ҳам четлашади. Мен нима учун бу нохуш нарсани қаламга оляпман? Сабаби, мени ҳайратлантирган нарсани сизга ҳам илиндим. Бундоқ ишлар бўлиши мумкинлигини сиз ҳам кўриб қўйинг дедим! Эри хиёнат қилган оилаларнинг кўпини кўрганмиз: ҳамма жангу жадал ўша ерда! Ўртоғим эса ин-

дамайгина, бир ўзигина, бировга айтмайгина, ичичидан куйибгина қўя қолибди! «Раъно, мен ўша аёлнинг ёнига кетаман», дебди эри. «Нима ҳам дердим, дадаси, майли, бора қолинг», дебди Раънохон. Ва тўртала боласини ёниб турган юрагига босиб ўтираверибди. Қизиги шуки, ора-орада эри ўртоғимга қўнғироқ қилиб: «Раъно, фалон ишни мана бундай қилдим, тўғри бўлибдими?» ёки бўлмаса, «Фалон жойим оғрияпти, нохуш бўляпман», дер экан. Раънохон яхши ишини маъқуллаб, хомига маслаҳат бераркан. Бу ҳам етмагандай, кундошига қўнғироқ қилиб: «Тамара, эрингнинг мижози фалон нарсани кўтаролмайди. Фалон нарсадан чой қилиб бер, фалон овқатни пишириб едир, фалон нарсадан пархез қилдир», деб тайинлар экан... Йиллар ўтиб, йўлда илашганлар йўлда қолиб, отлар яна қозигини топибди. Ўтқиржон, яна уйга қайтиб, рўзгорини келган жойидан давом эттирибди. Ўғлини орзу-хаваслар билан уйлантириш тараддудига тушибди. Тўйга Тошкентнинг жами чўнгларини таклиф қилибди, тому деворларга одам сиғмай кетибди. Тўй авж палласига чиққанда Ўтқиржон микрофонни қўлига олиб, меҳмонларнинг эътиборини ўзига қаратибди. Ва: «Менинг остонамга ташриф буюрган энг азиз инсонларим, сизнинг хузурингизда айтишим керак бўлган, лекин айтиш мен учун ғоят оғир бўлган икки оғиз гапим бор, мен бунга йиллаб тайёрландим, аммо бу гапни айтаётганимда ёнимда Раъно туриши керак», деди ва микрофон орқали Раънохонни чорлай бошлади. Ҳамма ҳайрон ва жим, ўртоғим



ҳам ранглари оқариб, нима бўлаётганини укмай, жуфтига яқинлашибди. «Мен мураккаб инсон бўлдим, – дея бошлабди у, – қолипларга гоҳо сиғдим, кўпроқ сиғмадим. Катта режалар қилдим, катта гапирдим, катта хатолар ҳам қилдим. Худо менга эгилмайдиган бўйин берди: Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга сиғинмадим, бош эгмадим, майдаланиш мен учун орият бўлди. Ҳаётимда не-не инсонларни кўрдим, кузатдим. Аммо ёнимда турган аёлчалик катта шахсни бошқа учратмадим, чексиз ҳайратим фақат шу инсонга бўлди, ич-ичимга сиғмаган ҳамма тасанноларимни шу аёлга атадим. Ва бугун сизнинг гувоҳлигингизда мен бу эгилмаган бошимни унга эгаман ва унга таъзим қиламан», деди ва аёлининг оёқларига эгилди. Тўйхона гуриллаб кетди, кўриб турганларнинг юраклари жойидан кўчди. Раънохон бу воқеаларни менга сўзлар экан, бу иш ҳозир бўлиб ўтганидай қизариб, ҳаяжонланиб: «Адаси бу гапларни айтяптилар-у, мен кичрайиб кетяпман, нега бу эркак эр бошини хотин кишининг олдида эгяпти, бу уятдан энди уни қандай қутқараман, дейман нуқул!» дерди хижолатлик билан...

Ўртоғимнинг Раъноларнинг аълоси эканлиги рост. Аммо у қаерда ва қай тарзда аълоланди?! Бунга жавоб шундай: биринчидан, у тоза боғларнинг меваси! Унинг зоти асил. Ёйиброқ айтай: ўртоғим у пайтда маҳалла аёллар қўмитасини бошқарар экан. Бир умр муаллимлик қилган, тўксондан ошган дадаси эса ҳар гал газета, китоб, журналлардан аёллар учун

фойдали гап-хабарларни тўплаб, Раънохонга бериб тураркан ва бу ҳам етмагандай, олтмишга бориб қолган қизига тезда-тезда танбеҳ бериб: «Қўл учида ишлама, астойдил меҳнат қил, билиб қўй, қандай ишлаётганингни суриштиргани каттагининг олдига бориб қолишим мумкин», деб пўписа ҳам қилиб қўяркан. Бу имон дарси эмасми, ахир? Бундай отанинг ёнида қандай аълоланмаслик мумкин!

Қолаверса, Раънохон ота-она розилигини чандон-чандон олган фарзанд! У ўнлаб йиллар давомида дадасига чақалоққа қарагандай қаради, ҳар бир истагини ижро қилди, ҳар бир сўзини қўлини кўксига қўйиб эшитди. Ва кам бўлмади. Ортида солиҳ фарзанд қолдирганларнинг номаи аъмоли ҳеч қачон ёпилмайди, дейилади Ҳадиси шарифда. Илоҳо, Раънохоннинг ота-оналари ўша мақомга етган бўлсинлар.

Азиз ўқувчим, мен бу гал сизга яна бир азиз жўрам – моҳир руҳшунос муаллима, Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ўрикзор маҳалла фуқаролар йиғинининг собиқ раиси, бийрон ва доно ташкилотчи Раънохон Турсунхўжаева ҳақида ҳикоя қилдим. Дуо қилинг, Аллоҳнинг паноҳида бўлсин!

АДАШИМ

Рауф бир курс юқорида, Зоҳир Аълам, Ойдин Ҳожиева, Абдухалил Қорабоев, Умрзоқ Ўлжабоевлар билан ўқирди. Аммо у ажабтовур бизнинг болалар билан яқинроқ эди. Рауф та-



биатан оғир-босиқ бўлиб, олағовур суҳбатларга кўшилавермасди. Лекин унинг бир четгинада туриб, кутилмаганда айтадиган, жуда жойига тушадиган, қисқа, лўнда шоирона луқмалари, қочиримлари бўларди. Ўзи бешарпагина бўлса ҳам, суҳбатларга рух бағишлай оларди. У доим юмшоқ кулиб турар, кулганда кўзларини тополмай қолардингиз. Ҳеч кимга малол келмайдиган, беозор инсон эди.

Бундай ўйлаб карасам, у билан жуда кўп кўришганмиз, аммо жуда кам гаплашган эканмиз. Тўғриси айтсам, мен табиатан кизлардан кўра ўғил болалар билан осонроқ чиқишардим. Лекин аёл зотидан эканлигим жуда халақит берарди. Бу ҳозиргача алам қилади. Чунки дўстларим билан чойхоналарда гурунглашишнинг, бирга-бирга дала-тузларда сайр қилишнинг, тадбирма-тадбир етаклашиб юришнинг иложи йўқ эди-да! Шу боис, талай йигит жўраларим билан тўйиб суҳбатлашолмай қолдим. Шулардан биттаси Рауф!

У хужжатда Рауф, аммо унинг исми аслида Турсун экан. Шунинг учун у мени «Адаш!» деб чақирарди. Университетни тамомлаганимиздан кейин ўн беш нафарча курсдошлар йигирма йиллар давомида «гап» тарзида кўришиб юрдик. Бу даврада Рауф ҳам бор эди, кизлардан эса битта ўзим эдим. Йигинларга ҳамма умр йўлдоши билан келар, мен эса ёлғиз борардим. «Мен ёнингизда бўлсам, жўраларингиз билан ёзилиб гаплашолмайсиз», деб турмуш ўртоғим бир ўзимни жўнатар эдилар. Дастурхон эса эр-



какларга алоҳида, аёлларга алоҳида уйга тузалар эди, шу десангиз, қайси уйда ўтиришни билмай, кийналиб ўлар эдим.

Хеч эсимдан чиқмайди: бир гал гап навба-ти менга келди. У пайтлар кўп қаватли уйда турамиз. Меҳмонларнинг кўзига ботмасин деб, дастёрларни йиғиб, уй атрофини йиғиштиришга тушдик. Худо раҳмат қилгур, Фароғат опа деган кўшнимиз бўларди. Ўткиргина, ҳаммадан қийиқ-камчилик топадиган, ҳаммага танбеҳ беришни яхши кўрадиган аёл эди. Мендан ҳол-аҳвол сўраган бўлди, Тошкентдан бир талай ўртоғим бола-чақаси билан келаётганини айтдим. «Вой барака топкурлар, эринмай эрларини ҳам олиб келишяптими?» деди. Мен: «Йўқ, ўртоқларим хотинлари билан келяпти» дедим. У кўзию оғзини катта очиб: «Ё тавба!! У нима деганинг?!» деди. «Опажон, мен хотинлар билан улфатчилик қилиб майдалашиб юрмайман, жўраларим уларнинг эрлари!» дедим. Унга нақд ғийбатбоп гапни айтганим учунми ё дангал ҳазилимгами, у бирдан эриб кетди ва ўттиз нафардан зиёд меҳмонларим икки кун меҳмон бўлиб кетгунча кўшнилари ҳам тикка қилиб, ёнимда мадад бўлиб турди. Рауфнинг ўшандаги мулойим бўлиб, «Яшанг, Адаш, яшанг» деб туришлари кечагидай кўз олдимда турибди.

Рауф кўнгилпарвар инсон эди. Матбуотда кўринамизми, китобимиз чоп этиладими, кўришганимизда албатта ўқиганини билдирар, мақтаб қўйгани бир дастак топар, озгина бўлса ҳам рағбатлантириб қўйишни унутмас эди.



Ундан муҳаббат савдосига йўлиққанлар ҳам унумли фойдаланишар эди. Рауфнинг бир курсдоши бўлгич эди. Бир қур бизнинг ётоғимиз атрофида айланишадиган, мен қаерда бўлсам, ўша ерда пайдо бўладиган бўлиб қолди. Почта қутисидаги пешма-пеш хатларни айтмай-сизми! Уларда ажабтовур шеърлар битилган бўлади. Шеърларни эса нақ Рауф ёзгандай! «Адаш, – дейман Рауфга, – анови сўппайган курсдошингиз ўлдим-куйдим шеърларни сиздан кўчириб келяптими дейман?» Рауф майингина кулимсираб: «Уни рад қилганингизга яраша, келинг, Адаш, бечоранинг ишқ дастидан шоир бўлиб кетганига иккаламиз ҳам ишониб қўя қолайлик», деган эди.

ШОИРЛАР НЕГА ДАРВЕШ БЎЛАДИЛАР?

(Рауфни ўқиб...)

Шоирлар нега дарвешроқ бўладилар? Чунки Аллоҳ уларга илоҳий инъом – истеъдод берган! Истеъдод чумолидай у ёқдан-бу ёққа ғимирлаб, ер юзини тўлдириб юрган, ўзи билан ўзи овора, олағовур одамиятдан шоирларни ажратиб олиб, осмонларга кўтаради. Шоирлар ёнимизда юрсалар ҳам, ўзлари кўкларда чарх урадилар, Лайлининг ишқида лахча чўғ бўлиб турганда рўбарўсига Лайли келиб турса ҳам кўрмай, ўзи билан ўзи гаплашаверган Мажнун каби шоирлар руҳият билан озуқаланиб, руҳият билан гаплашиб, руҳият ичида бамисоли ғаввосдай сузиб юрадилар. Улар



дунёнинг майда гаплари, майда ишларини эшитмай, кўрмай қўядилар. Ҳаммани эргаштирган моддиюн нафси, моддиюн иштиёқи улардан чекинади. Шунинг учун шоирларнинг таржимаи ҳоллари бошқаларникига ўхшайвермайди. Улар ҳамма қилган ишни қилавермайдилар. Заминий анъаналарга кўпда бўйсунмайдилар. Бандаларнинг кўзларини шайтон гоҳида хиралаштириб туради. Истеъдодлилар эса Аллоҳнинг имтиёзи билан бошқаларга кўринмаётган мўъжизалар, сиру асрорларни ҳам сезиб, кўриб турадилар. Устига-устак, Яратган уларга ўз неъматларини асил нусхада, кирланмаган, илоҳий покликда кўрсатади. Улар борлиқни ўша кўрганлари бўйича таъриф ва таҳлил қиладилар. Китобхонни ҳайратга ва ҳаяжонга соладиган битиклар шу тарзда дунёга келади.

Шоирларни ўқир экансиз, уларнинг шарофати билан дунёнинг яшаш тарзи сирларга тўлалиги, одам дегани буюк хилқат эканлиги, феълларида минг бир хазиналари борлиги, уларни таниганинг сари ўзинг ҳам қайта қурилаётганингни сезиб борасан. Ҳақиқий шоирлар китобхонни ўзлари билан эргаштириб, ўзлари ҳам шу тарзда юксалиб, яхлитлашиб борадилар.

Осмонларда қулоч ёйиб, Қуёшга суяниб олиб, кўкдан туриб Заминнинг сувратини томоша қилаётган, Ойнинг айвонида юлдузлар билан суҳбат қураётган шоирнинг мана бу туйғуларига бир эътибор беринг:

*Бўғизланган гулдаста каби
Сенинг оёгингга йиқилдим.*



Ҳазрати Навоийда «Ғунчадек бўл қон ютиб кулмакка монанд, эй кўнгил», деган мисра бор эди. Ҳаётнинг зил-замбил юклари, яшамокнинг азиятлари дастидан қат-қатигача қонга айланган юракни яна тирилишга, яшашга чорлаш учун шоир қизил гул ғунчасини мисол келтириб турибди. «Қара, бағри қон бўлса ҳам, куляпти-ку (яъни очилляпти-ку!), ғунча топган иродани инсон бўла туриб сен тополмайсанми?» дейди у. Рауфнинг сатрларида ҳам худди шундай туйғулар чексизлиги, хаёлларнинг чўққиси кўринмайдиган юксакликларини туясиз.

Махбуба нимага ўхшайди ўзи? – Гулга! Махбубага нима ярашади? – Энг ярашиғи – гул! «Эй дилбар, менга бир эътибор бер, – демоқда шоир, – қара, мен ҳам авжи гул фаслимдаман, навқиронман. Шу туришимда ўн ғунчасидан бири ҳам очилмаган, аммо сенинг ишқингда бағри лиммо-лим қонга тўлган бир даста гулман десам, ишон! Мен йигитман, мени очлик йиқитолмади, дард йиқитолмади, рақиб уриб йиқитолмади! Аммо бу метин иродамни ишқ йиқитди, ҳеч кимга бош эгмаган ориятим сенинг пойингга тиз чўкишни уят билмади. Сенинг раддиянг, сенинг хижрониинг, бу машъум айрилиқ ҳаётимни, йўқ, йўқ, жонимни бўғизлади. Йўлимни йўлингга улолмадим, қўлимни қўлингга қўя олмадим. Аммо мен худодан тиландим, қирқилсам, гулдай қирқилай дедим ва худо мени сенга етиштирди: мана тирқираган қонимга беланиб, даста гул бўлиб оёғингни ўпиб турибман! Бу нақадар гўзал висол! Бу нақадар гўзал якун! Юрагимнинг гул-

га айланган япроқлари сенинг оёқларингга мунча ҳам ярашиб тушмаса!» Шоирнинг бу байрамона фарёди сизни ҳам заминдан кўкка учиргандай бўлади!

Ўзингни ўзингга танитади шеър ...

Шоирлар нега дарвеш бўладилар? Чунки Аллоҳ уларнинг қалб кўзини очиб, бу ёруғ дунёнинг тилини тушунадиган қилиб қўяди. Шоир чор-атрофнинг ичу ташини ука бошлайди. Бу уққан-билгаилари унга оғир келади, жуда оғир келади! Ақли бу юкни кўтаролмай, юраги эса сиғдиролмай ўзига-ўзи тор келиб қолади. Инсон баъзан бир кишилик ғамга чидаш беролмайди-ю, дунёнинг оҳини кўтармоқчи бўлган шоир дарвеш бўлмай ким дарвеш бўлсин! Мана бу мисраларга эътибор беринг:

*Куйган дарахт бўйнига осилар,
Оқ булут, оппоқ булут,
Йиғлагани кетар кейин...*

Куйган дарахт ҳасратлари шоир юрагига оқа бошлайди. Бу ҳасратлар унинг ҳам қалб яраларини кўзғатади. У дарахтга, дарахт эса унга йиғлайди. Адл қомати кўмирга айланган, қўллари илтижо билан кўкка кўтарилганча қотган дарахтга осмоннинг раҳми келади. Ва ҳаётбахш нафаси билан унга дам солмоқчи бўлади. «Мен куйиб бўлдим, қайта тирилолмайман», дея пичирлайди дарахт. Ипакдай оқ булутлар, момикдай оқ булутлар унинг шохла-



рига ўралиб, кўнглини олмоқчи бўлади, «мен сўниб бўлдим, қайта уйғонолмайман» дейди дарахт. Шоир булутларнинг аламдан юлकिनганини ва араз-ла бош олиб йиғлагани кетганини кўриб туради. Сизнинг кўзингизга эса куйган дарахтга суянганича юрагини юпатиб ўтирган шоир кўрингандай бўлади...

*Уйғонмади тоғлар, дарёлар,
Уйғонмади бу қора дунё,
Уйғонмадим сенинг кўксингда...*

Бу сатрларнинг ичига кириб кўринг. «Юрагимда булбулзорим бўлса ҳам, бир муҳаббат дардида гунг бўлиб ўтаётган мендирман! Сабр тошларини йиғавериб, уларни юрагимга тахлайвериб, бу зилдай юк остида эзилиб мажрух бўлган бағир мана мен! Индамас ғамлару тили йўқ нолонларни дарёларга қандай дўнишини мендан сўрангиз», дейди шоир. Тоғлар бу қора дунёнинг талай ғамларини димлаб ётганини, дарёлар унинг ўркач-ўркач андуҳларини сирли сандиқларида саклаб оқаётганини кўриб туради шоир. Унинг наздида дарёлар ухлаб оқадилар. У дарёларнинг уйқудан сесканиб туриб, чуқур-чуқур чўккан ғамларини кирғоқларга чиқариб ташлашларини истайди. Тоғларнинг уйғониб, дард айтиб, бағир бўшатишларини хоҳлайди. Ўшанда бу қора дунёнинг ранги очилармиди, хаёт ўшандагина камалак рангида сайраб юборармиди, кўнгиллари бўшалгач, еру осмон топишиб кетармиди, деб дарвешона ўйлар қилади у! «Кунлардан бир кун менинг исмим сенинг

кўксингда жаранглаб уйғонса эди, юрагингда мени иташ истаги ҳам уйғонса эди, умргинам сенинг умринг ичида уйқудан кўз очса эди!» дея осмоний хаёлларга ўранади шоир! Бу қанотли хаёллар китобхонга ҳам ўтиб боради, ўқиганки одам бир зум бўлса-да, ўзи истаган бахт бекатларида, орзулари тахтларида уйғонишни хаёл қилиб қолади. Хаёлнинг, руҳиятнинг борлиги қандай яхши! Шу имтиёз учун ҳам Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Шоирлар ўзингни ўзингга танитадилар. Бирдан кимлигингни билиб қоласан: уялиб кетасан, баъзан кўрқувга тушасан, ич-ичингдан пушаймонлар қиласан! Мана бу мисраларни қаранг:

*Алдадилар мени беомон,
Севиб алдадилар севганларим,
Ўлдирдилар севиб-севиб...*

Бир умр илм олиб, меҳнат қилиб мақсадларингга етишиш, камолотга эришиш учун ҳаракат қилдинг. Кўзлаган даражотга етдинг ҳам! Аммо ҳайратланарлиси шуки, шунча саъй-ҳаракатга яраган инсон баъзида ўзи-ўзини қурбонликка етаклаб боради. Унинг камоли, улғайиши унинг жувонмарг бўлишига хизмат қилишини қайси мантиққа сиғдириш мумкин?! Мен ишқ савдосини назарда тутяпман. Ишқнинг ўликларга кераги йўқ! У яшашнинг, тирикликнинг беағи, ҳатто, мағзидир. Аммо нақ етилганингда сени ўлдириб қўядиган ишқнинг нима кераги бор?! Сен қурбон бўлиш учун камолотга кўтарилдингми? «Бир нарсага ортиқча меҳр



қўйманг, у сизни кўру кар қилади», деган хадис бор. Билсанг, бу огоҳлантирувчи чақирикдир, бу илоҳий эслатмадир. Пулга ружу қўйсанг, бир куни сени пул ўлдиради. Мансабга ружу қўйсанг, ўша мақомнинг энг баланд поғонасига олиб чиқиб, сени ўша ердан пастга ташлайдилар! Ишққа ружу қўйишни кўриб турибсан, у Худо берган жами неъматларни кўзингга кўрсатмай қўйди, дунё овозларини эшитмай қўйдинг: кўзинг, ақлинг ухлаб қолди! Мана етиб келган марранг: «Ўлдирдилар севиб-севиб», деб турибсан...

Яратганнинг сенга берган бошқа неъматларини кўрмаслик – гуноҳ, улардан роҳатланмаслик, шукрини айтмаслик – гуноҳ, сенга берилган моддий, маънавий, жисмоний имкониятлар олдида ўзингни қарздор сезмаслик – гуноҳ! Бу қарзларни узиш учун эса ўлиш эмас, яшаш ва яшаш керак, азизим! Буларнинг барини ҳисобга ол ва ишқни ҳам шу неъматларнинг бири деб бил ва юрагингнинг бир четига уни ҳам эк ва асра! Ўйла, аммо эви билан! Куй, аммо тарки дунё қилиш даражасида эмас!...

Шу уч қаторгина шеърдан шунча фалсафа калқиб чиқади. Бу биргина китобхоннинг биргина хулосаси, уни яна қанча одам ўқиса, ўшанча тўхтам дунёга келади... **Раҳмат, шеърийат! Раҳмат, Рауфжон! Бугун сизни соғиниб эсладим, сизлаб эсладим, юракларим оқиб, хаёлларимни варақлаб излаб эсладим. Бош қўйган жойларингиз нурларга тўлсин, дўстим.**

ҲИКОЯТ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Инсончилик – ғаройиб қисмат! Ҳар бири-миз бир мўъжизамиз. Дейлик, қўшнинг фарзанд кўрганда сен ўн ёшда эдинг. Бугун олтмишдасан ва эллик йилдан бери қўшнининг ўша боласини муттасил кузатасан. Унинг гўдак кўринишидан бошлаб шу кунгача бўлган жами фасллари ёдингда, кийимларининг ранги, феълу атворидаги ўзгаришлар, бошидан кечирган яхши-ёмон кунларига кўзинг гувоҳ, ўзинг гувоҳ. Унинг қандай эканлигини энг тиниқ айта оладиган энг аниқ ҳужжат сен! Бу масаланинг бир томони. Иккинчи – энг муҳим жиҳати шуки, ярим аср давомида у билан неча минг марта муомалада бўлдинг: касал бўлса ҳол сўрадинг, хавотирини эдинг. Иши тушса, елка тутдинг, тўй-азада корига ярадинг. Адашса, танбеҳ бердинг, йўл кўрсатдинг. Мушкулларига дуо қилиб, Аллоҳдан нажот сўрадинг. Бу гўзал мулоқотнинг шарофатини кўрдингми, биродар, ўзинг билмаган ҳолда, унинг камол тоишида кўмакчи бўлдинг. У сендан ҳаво олди, ранг олди! Ахир, оила аъзоларингга ҳам яхшилик қилсанг, шунчалик қиласан-да! Қўшнингга ҳам жигарбандлари термулган бўлса, сенчалик термулгандир?! Ўзингнинг унга қараб ростланганигни айтмайсанми! Ўзи билмаган ҳолда у ҳам сенга умр бўйи кўргазмали қурол вазифасини ўтаб келди. Маҳалладошлик, ҳамқишлоқлик, синфдош, мактабдошлик, сафдошлик иклими худди шундай муборақ қисматдошлиқдир. Кишилар ватандан айро тушганда «ватанни кўмсадим»



дея афғон чекадилар. Аслида, «Ватан» тушун-
часи сени тукқан ва тарбиялаган «халқ» тушун-
часидир. Киши, аввало, ватандошлари дийдо-
рига ташна бўлади! Уларни эслатгани учунгина
қадрдон кўчаю уй, дарёю дала-даштни кўзларига
суртади...

Мен Ҳикоятни эллик бир йил аввал, у
ҳам ўн етти, мен ҳам ўн етти ёшимда топган-
ман. Бичими келишимли, тундай қора сочла-
ри қалин ва узун, бўйдоргина ва хушрўй қиз
эди. Тошкент Давлат университетининг фило-
логия факультетида бирга таҳсил олдик. Ёнма-
ён улғайишдик. Аслида унинг отини Саховат,
Шафқат, Ҳиммат атаса ҳам бўлади. Ҳикоятни
шу тарзда таниганмиз ва ҳанузгача шу иқлими
билан ҳаммамизга керак ва тиргак бўлиб кела-
ётганидан чандон миннатдормиз... У Тошкент
шаҳридан. Аллоҳ раҳмат қилгур ота-онасининг
ҳам юзларида офтоби бор эди. Ҳадеганда шу хо-
надонда тўпланаверар эдик. Ҳеч кимга айтмаган,
ўзимизга ҳам сиғмаган ташвишларимиз, сирла-
римизни Ҳикоятга айтамыз, чунки унга сиғиб
кетади, у – қудук, ютиб кетади! Унга солинган
маслаҳатки бор, битиб кетади. Йўқ бўлиб кет-
сак, йўқлагувчимиз, шаҳарма-шаҳар хабар бериб,
бир-биримиз билан боғлагувчимиз ҳам у! Эрин-
май кўнғироқ қилади-да, ҳалим овози билан:
«Касалинг тузалдими, сенга яна янги дорилар
даракладим, ёзиб ол», «Фалончи касалхонага
тушиб қолибди, вақтинг бўлса ўтарсан», «Фа-
лончининг янги китоби чикди, қутлаб кўярсан»
... дея бизни беминнат уйғотиб туради.



Гурухдошлардан деярли тўқсон фоизимиз иш давомида камида уч-тўрт бора шохдан-шохга сакрашдик. Аммо Ҳикоят кирқ беш йилдан бери бир жойда – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида (талабалик амалиётини ҳам шу ерда ўтаган) меҳнат килиб келмоқда. У зукко муҳаррирлардан. Шоир, ёзувчи борки, у ҳақда фақат иссиқ гаплар айтадилар. «Чумолидай меҳнаткаш, сабрли ва камтар» дейдилар.

Шунча йил давомида Ҳикоятнинг бирор марта ишидан нолиганини, сафдошларидан оғринганини ёки улар ҳақида мундоғроқ гап айтганини эслолмадим. Нечта раҳбар алмашди, бу улкан ва нуфузли даргоҳга кимлар келиб кетмади дейсиз. Аммо уларнинг ҳаммасидан Ҳикоят рози! Минг бир феълли одамлар билан МУРОСА ҚИЛИШ илмини шу ўртоғимдан ўрганиш керак деб қўяман ўзимга.

У муҳаррирлик ва таржима илмида Миркарим Осим, Жўраҳон Насриддинова, Аъзам Мираҳмедов, Рустам Комилов, Мавлон Икром, Ҳасан Тўрабеков, Мирзиёд Мирзоидовларни ўзига устоз деб билади. «Адабий таҳрир сирларини, услуб, тасвирлашларга эътибор беришни, энг муҳими, муаллифлар билан ишлашни шулардан ўргандим», дейди Ҳикоят.

Ҳикоятнинг муҳаррирлик қилган китоблари сонини санасангиз, ўзи бир китоб бўлади. Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойдин, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Саида Зуннунова, Турғун Пўлат, Ўлмас Умарбеков, Жонрид Абдулла-

хонов, Ўткир Хошимов, Хайриддин Султонов, Тоҳир Малик, Муҳаммад Али, Эркин Аъзам ... ва яна кўплаб ёзувчиларнинг асарлари Ҳикоят Маҳмудова таҳририда chop этилган.

Унинг кадрли бўлган яна бир жиҳати – миллий таржимачилик ҳазинасига қўшган ҳиссасидир. Таржимон сифатида ҳам у завқ ва ихлос билан ижод қилди. Араб адиблари Абдурахмон ал-Хомисий, Марун Аббуднинг ҳикоялари, буюк япон адиби Такэо Арисиманинг «Аёл» романи, молдаван адиби Аурелиу Бусуйокнинг «Парижлик тоғам», Иван Буниннинг «Санфранцисколик жаноб» ҳикоялар тўплами, уйғур адиблари Яхё Тоировнинг «Ёқут кўзли балдоқ» киссалар китоби, Тўхта Айюбовнинг «Қум босган денгиз» романи, яна талай ҳикоялар тўпламлари шулар жумласидандир.

Қалам ушлаганнинг қадрини қаламқаш, харф санаганнинг қадрини сўз ичинда сўзон бўлганлар билади. Ўзимиз ёзган нарсалар ичра ўзимиз адойи тамом бўламиз, ўзганинг ёзган омонатини оҳорини тўкмай элга етказганлар эса фақат тасаннога муносибдурлар. Мен жамбалак ўртоғим, ўсмадош-сурмадошим, ота-онамни кўрган хотирадош, елкадошим, адиба ва моҳир журналист Ҳикоятхон билан фахрланаман.

Аллоҳ бу дўстимни тоза зотларга фарзанд сайлади, оқибатли, бебаҳо оға-иниларни атрофига қўрғон қилди, қўлига қалам ва вафодор жўраларга тўла рангин олам берди. Ижодкор жуфт ва осуда, тамизли рўзғор билан мукофотлади. Бу дунёси бир кам, аммо фарзанд боби-



да у ҳаммамиздан бойвачча чикди: унинг бир неча ўнлаб болалари китоб жилдларига айланиб, Хикоятнинг исми-шарифини кўксига таққанча, минглаб оилаларни обод қилиб, минглаб юракларни уйғотиб, эл хизматида юрибди. Мазкур мартабалар бу ўзбек ойимга муборак бўлсин. Яна узоқ йиллар қалами қўлидан тушмасин.

НУР ОЙИМ

Неъматларнинг энг буюғи УМР экан. Яшаш қандай яхши! Сен унинг бекатларида не томошаларни кўрдинг, бошинг не қисматларга урилди. Қанча нашъу намо, қанча хаяжонларни кечирдинг. Яратганнинг санъати шуки, сенга завқланиш, ҳайратланиш, яйраш туйғуларини бериб қўйибди! Ўша саодатли кунларни кўриб, қўлидан тутиб турган пайтлардаги бахтингнинг баҳоси йўқ! Аммо инсонларга яна бир тенгсиз ганж ато этган экан! Унинг оти Хотирадир!

Ёшинг улғайиб, кучинг, чиройинг ва не давра давронларинг қўлингдан кетса, қандай чидаб бўларкин, ахир бу улкан йўқотиш-ку, дердим. Бу йўқотишлардан атрофинг хувиллаб, юрагинг мунғайиб қолса керак, дея хомуш тортардим. Аммо ундай эмас экан, Яратганнинг инсонларга яна бир сийловини қаранг, кунботаримизда ҳам бизни қандай овунтириб қўйишини кўринг, яъники босиб ўтган йўлингда яхшиликлар қанча кўп бўлса, одамларни рози қилиб, ўзинг ҳам ёзилиб меҳнат қилган бўлсанг, юксак инсонларга қанча кўп яқин юрган бўлсанг, биродар, булар



ўшанча бойлигинг, хазинангга йиққан ўшанча тиллоларинг экан! Ҳар эслаганда бир бойвачча бўласан, бировга сўзласанг юрагинг яшнаб кетади! Бўлсин-бўлсин, эсласанг, етмиш икки томиринг яйрайдиган хотираларинг бўлсин экан!

1966 йили дорилфунунни тамомладик, бирга ўқиган яқин икки дугонам — Ҳикоят ва Холидаҳонлар Навоий кўчаси, 30-уй деб рақамланган ғоят салобатли ва маҳобатли бинода иш бошладилар. Бу Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётидир. Кўпинча дийдор илинжида ва баъзан ижод юмушлари билан, мана ярим асрки, шу бинога қатнаганим-қатнаган. Қирқ йилдан ошиқ муддатда Ҳикоятхон, Холидаҳон, Назираҳон, Назмихон, Шафоатхон, Маъсудаҳон ва Мавжудаҳонлар бир хонада бирга-бирга ишлаб келишди. Ва бу ойимлар менга шу қадар қадрли бўлиб кетишганки, узатилган қиз она уйига бориб қандай яйраса, мен ҳам улар билан ҳар кўришганда шундай маза қиламан. Уларнинг иноқлиги, ўзаро самимийлиги, ўз касбларига сидқу садоқатлари, айниқса, хулқу одобларидан ҳар сафар баҳра ва ибрат оламан... Улар қанчадан-қанча улўф асарларнинг парвозига фатво берган, не-не алломалар билан юзма-юз суҳбат қурган, уларнинг дуоларини олган кони савоблар ичра яшаётган бахтли ойимлардир.

Тунов куни қулоғимга «Назираҳон бу йил олтмишга кирар экан» деган гап чалинди. Бир тўхталиб олдим. «Нега энди, нега? Ахир, куни кеча келинчак эди-ю!» деган хитоб урди миямга. Умрининг, вақтнинг учқурлигини қаранг-а! Мен



уни қирқ йилдан бери кўриб юрибман экан, демак, бу йиллар унинг ёшига кўшилади-да, дейман ўзимни кўндириб! Йўқ, дейман яна, Назиранинг ҳеч кимга сездирмай олтмишга кирволишига харгиз кўнолмайман, дейман. Мен ундан икки ёшгина катта эканман, ўзимга ва атрофдаги тенгдошларимга назар солиб, бу ёш бизга ярашади дейман, чунки ойнак ростгўй – ҳамма йўқотишларингни айтиб туради. Аммо Назира! Хув ўша пайтлар қоп-қора сочлари жингалак ва қалин, қора қош, чиройли кўзлари чакнаб турадиган келинчак эди. Танибманки, хушёр, ҳамманинг ўзига лойиқ лутф топа оладиган, айтмасанг ҳам дардингни уқадиган, дарҳол жонингга ора кирадиган безовта жон эди у! Бугун ҳам худди ўшандай ҳалим ва куюнчак, қадди-басти, юзларининг нимпушти рангда ёришиб туришлари ўша-ўша! Манглайда биронта ажин йўқ. Шашт ўша, жаҳд ўша, шитоб юришлар ўша. Фақат хандон кулишларининг камайгани ва файласуфона қарашларидангина унинг улғайгани билинади, холос.

Назираҳон 1964 йилдан буён бир жойда меҳнат қилади. Шу ерда ўқишга кирди, шу ерда мутахассис бўлди: мусахҳихликдан то раҳбар ўринбосарлиги вазифаларигача адо этиб келди. Бир этак қиз ўстирди, куда-андали бўлди. У ихлос билан қалам ушлаган журналист ва ўнлаб китобларни таржима қилган адибамиздир.

Назира Жўраева кейинги ўн йилликда республикага жонкуяр маърифатчи, китоб тарғиботчиси сифатида танилди. Ҳали радио, ҳали телевидение,



ҳали газета-журналларда адабиётимиз ва фанда-
ги янги асарлар хусусида кўплаб чиқишлари
ҳамда илму маърифатга чорловчи даъватларини
учратиб турасиз.

Бир куни Назираҳон ҳақидаги телеочеркни
кўриб қолдим. Унинг турмуш ўртоғидан интер-
вью олмоқда эдилар. «Бу аёлни севмаслик мум-
кин эмас, у катта муҳаббатга муносиб», дер
эди у. Умр йўлдошики Ўзбекистоннинг томига
чиқволиб, изҳори муҳаббат қиялпими, билиб
қўяверинг! Бошқаларнинг ризолиги учун ўзини
муттасил ўтдан чўққа уриб яшаган инсонгина
бундай мартабага эриша олади. Демак, Назира-
хон кўчадаю уйда бирдай бахтли аёл! Бу бахтни
у ўз куч-қуввати ва ақлу тамизи билан яратиб
яшамоқда.

Агар улуг ёш сени хароб кўрсатса, юрак
шувилласа майли. Назираҳон эса бугун гулдай
жувон бўлибди! Демак, айрим тановари тоза
одамлардан йилнинг саноғи ҳам айланиб ўтар
экан! Унинг бу гуркираган боғлари яна ларзон
мевалар бераверсин. Уни ҳали қанчадан-қанча
шоир, ёзувчиларнинг ва китобхонларнинг дуола-
ри қўллаяжакдир!

Олтимишида ҳам гуллаган бодомдай турган
гул ойим, китобатчилиги билан умр бўйи инсон-
ларнинг юрагини ёритиб яшаётган нур ойим, мен
ҳам Сизни жуда яхши кўраман. Мухлисларин-
гизнинг кўзини қувонтириб, бор бўлиб юринг,
розиликлар олиб бой бўлиб юринг, илоҳим!

2006 йил



Насиба опа Холиқ қизи

УНИ ҚАНДАЙ ЯХШИ КЎРА БОШЛАДИМ?

Биз раҳматли бу опа билан йигирма беш йиллар давомида кўп қаватли уйларнинг бирида қўшни бўлганмиз. Тўғриси, бошида бу аёлни унча яхши кўрмасдим. У Тошкентнинг Самарқанд дарвозасидан эди. Ота-онасига биттагина фарзанд бўла туриб, уларни ёлғиз қолдириб, андижонлик курсдошига турмушга чиққани учун ҳам ундан норози бўлган эдим. Аммо бу эру аёл ўз даврининг обрўли одамлари эди. Иккалалари ҳам шаҳарнинг иккита нуфузли касалхонасига узоқ йиллар раҳбарлик қилдилар ва шифокор сифатида кадр топган кишилар эди.

Нозимжон ака ҳам, Насиба опа ҳам ўрта бўйли, миқтигина қоматли эдилар. Опа ҳам истарали, аммо Нозимжон ака анчайин келишимли одам эди. У ҳақиқий андижонча феълли, одамохун, ҳожатбарор, ҳазил-мutoйибани жуда жойига қўядиган, яхшигина ҳофиз ҳам эди, илоҳо у дунёлиги обод бўлсин!

Улар фақат уйни ва ишни билишар, қўни-қўшни, қариндош-уруғга кўп ҳам аралашмас эдилар. Бу оила ўз даврининг «замонавий» аталувчиларидан бўлиб, европача тутумни афзал кўрардилар. (Менимча, бу Насиба опанинг

хоҳиши бўлса керак.) Бир ўғил, икки қизлари бор эди, бирини скрипка, бирини фортепьяно, бирини рубобга ўргатиш учун мусиқа мактабига беришган эди, уйларида ҳам пианинолари бор эди. Болалар, асосан, ўрисча гапиришар, тиллари ўзбекчага зўрға келарди. Улар бамисоли иссиқхонада ўсаётган гулга ўхшардилар. Уй ва мактабдан бошқа ерни билишмас, ортларидан бирорта ўртоқлари келмас, ҳеч ким билан гаплашмас эдилар. Бунинг устига, бу хонадонда тез-тез шовкин-сурон ҳам бўлиб турарди. Насиба опа Нозимжон акани қаттиқ рашк қиларкан, аёлининг тинимсиз изқуварлигига чидай олмай, эри ҳам ҳадеганда ичиб келар, бу жанжал баъзан кўчагача чиқиб кетар эди. Бу уятли ҳолни уларнинг баланд обрўлари билан қовуштиролмай, менинг бошим қотгандан қотарди.

Қаламкашлик ўлсин, ҳеч кимга қизиги йўк нарсa сенинг диққатингни тортаверади, оғримаган бошингни ўзинг мажбуран оғритаверасан. Ё мен туғма рухшунос бўлсам керак, рўпарамда бемор турса, ўзимни бефарқ тутолмадим. Ё Аллоҳ дилимга солиб, мени шу оилага яқинлаштирди.

Насиба опа билан бўлган мулоқотларим, мен учун бир тажриба майдони бўлди. Шу опани кузатиш ва унга таъсир қилиш жараёнида «инсон» деган мавжудликнинг иқлимига — унинг Худо берган ички имкониятлари, ўзгарувчанлиги, яратувчанлигига тан бердим. Аллоҳ ўзи яратган неъматларининг ҳаммасига собит ирсият бериб қўйгани, еру осмоннинг ўрни алмашса ҳам, ирсият деган нарсa йўқолмаслигига амин



бўлдим! Ва хулоса қилдимки, ҳеч қачон бировни мутлақо ёмон кўрмаслик керак экан. Айни пайтдаги қилмиши учун дилингиз оғриси майли. Аммо унинг томирининг тубида зарра тозалик бўлса, унинг тараққий этишига, ўзгаришига умид билдирмоқ ва унга ёрдам кўрсатмоқ керак экан.

Аввалига опани ансам қотибгина кузатиб юрдим. Ва ўзим билмаган ҳолда унинг айрим ишларини берилиброқ томоша қиладиган бўлдим. Мен охирги йўлакнинг иккинчи қаватида, Насиба опа нариги йўлакнинг биринчи қаватида яшайди. Ташқарида мўъжазгина гулзори ҳам бор. Опа тинмай ўша гулзорда куймалангани куймаланган. Мен эса балкониимиздан унинг ҳаракатларини зимдан кузатаман. У «мен аёлман-ку, бош врачман-ку, эрим, ўғлим бор-ку» демай, кичкинагина бўлиб олиб ҳали ер чопаетган, ҳали суғораётган, ҳали бир нималар олиб келиб экаётган ё ўт юлаётган бўлади. Бу юмушни шундай берилиб қиладики, худди мардикорликка ёллангандай! Опанинг ўнг ва сўл томонидаги бошқа қўшниларга тегишли жойлар тикон босиб ётади, Насиба опанинг гулзори эса кўзингизни яшна-тади. Унга меҳр қўйишим шундан бошланди. Тепадан туриб гап ташлайман:

- Амалдорлар ҳам ер чопадими, опажон?
- Яна гуллар билан ачомлашяпсизми, опа?
- Қоронғу азондан шу ердасиз, гулларингиз билан бирга ухладингизми дейман?
- Фалон гулингизнинг ҳиди мана шу ергача келяпти-я!

— Укропларингиз мунча гуркирапти, сотмай-мизми, опа!

— Гулни шоирларгина шундай яхши кўриши мумкин, сиз дўхтирмас, шоирсиз, опажон!

Ҳоказо ва ҳоказо! Менга гап қаҳатмиди! Гапирган сарим у эригандан-эриб кетарди. Мен энди уққан «бир-бирингиздаги фазилатларни сезганингизни сездирингиз» деган ҳадиснинг шарофатини ўша пайтда кўрганман. Инсонга хиёл эътибор бериб қўйсангиз, у осмонча ўсиши мумкин экан. Қарабсизки, шу гулзор баҳона тез-тез гаплашадиган бўлдик. Насиба опага эшиттириб, унинг ишларини кўни-қўшниларга ҳам ибрат қилиб айта бошладим. Опа биздан ўн ёшлар катта эди, «мана озгина катталигига бориб опа бизга гўзалликдан дарс беряпти, ўргилайлар» қабилидаги гапларни ўрнини топиб айтавердим. Натижада эр-хотиннинг кўчага чиқадиган жанжаллари йўқолди. Нима бўлса ичкарида бўладиган, биров эшитмайдиган бўлди.

Биласизми, инсоннинг ичида ўзи ҳам билмаган гўзаллик, яхшиликлар тўлиб турар экан, кишининг бу хазинаси атрофидагилар унинг кайфиятини кўтарсагина ташқарига чиқиши ва бошқаларни баҳраманд қилиши мумкин экан. Насиба опанинг хуш кўрмаган одамига арзимаган нарсани ҳам илинмайдиган, осонгина тилини аччиқ қиладиган ёки бировларга беписандроқ қараб қўядиган одатлари бор эди. Шунинг учун бу опадан тисралиб турадиганлар ҳам анча-мунча эди. «Одамларга гўзаллик илиниш ҳам ибодат», «Насиба опанинг укроплари туфайли



ширинмас овқатимиз ҳам ширин бўлиб кетди», «Бошим оғриси, сизнинг гулзорингизга қарайдиган бўлдим», «Сиз билан бир уйда яшаётганимизга хурсанд бўлиб кетяпман» деган лутфларни эшитган сари опанинг чехраси очилиб ҳалимлашар, қўшниларга яқинлашар, ҳол сўрашлари қуюқлашар эди. У энди гунафшлари очилса, боғлам-боғлам қилиб қўшниларга ёппа тарқатадиган бўлди. Бировлар ҳақидаги танкидий фикрларни ҳам айтмай қўйди...

СУЛТОН СУЯГИДАН ТОНМАС ЭКАН...

Насиба опага тобора яқинлашиб борардим. Ундан кўп нарсани ўрганса бўларди. Кейинчалик опанинг ота-онаси билан ҳам бир неча бор кўришдим, Самарқанд дарвозадаги ховлиларида ҳам бўлдим. Уларнинг нақ ўзбаки ўтириб туришлари, феълларидаги имон мустаҳкамлигини ҳавас қилдим. Ва англадимки, опа тоза наслнинг меваси экан! Насиба опа қаерда юрса ҳам, илдизи шу ерда-да, барибир! Минг европалашгани билан, юриш-туриши «культуралний» кўрингани, гоҳо айрим ўзбекча тутумларимиз устидан кулгани билан, опанинг қону устухонида шарқона тарбия барқарорлиги кўриниб турарди. Балки опа бу феълларининг шарқона эканлигини ўзи ҳам билмасди. Билиб қўйдим: бизнинг жон томирларимизни ирсият суғорар экан. У ич-ичимизга кириб олиб, ўзимизга сездирмай асосий фаолиятимизни бошқариб бораркан. Ва кишининг ёшига ёш қўшилгани сари наслга тортиш куча-



йиб бораркан. Халк шунинг учун ҳам «қазисан, картасан асл зотингга тортасан», дер экан.

Эркакни ҳурматлаш ота-бувамиздан қолган мерос-удум. Ҳар доим эътибор берардим, турмуш ўртоғи билан носозликлар бўлиб турса-да, опа суҳбатларимизда ёмонлаш у ёқда турсин, жуфтининг фақат фазилатларини санарди. «Нозим Валиевич у овқатни суядилар», «Нозим Валиевич бу тартибни яхши кўрадилар» дея, қўли доим капгирдаю дазмолда бўларди. Жуфтининг кийимларини фақат ўзи тайёрларди. Гарчи, ўзи ҳам ишлаб келса-да, то ётар пайтгача қўлида илгичга кийдирилган кийимларни кўтарволиб, костюм тозалаб, кўйлак ростлаб, рўмолчаю пайпоқларни шахсан ўзи текшириб тахт қиларди. Нозимжон ака ҳеч қачон эгилиб туфлисининг ипини ўзи боғламас, албатта қизлари боғлаб, қизлари ечиб кўяр, агар улар йўқ бўлса, эрининг оёғи тагида пилдираб юриб, бу ишни Насиба опанинг ўзи қиларди. У эридан қўрққанидан қилмасди бу ишларни, Нозимжон ака ҳалим инсон эди. Бу Насиба опага онасининг қонидан ўтган миллий тарбия, тўғрироғи, ирсий тарбия эди!

Ота билан қизларнинг муомаласини кўрсангиз, ҳам ҳайратланиб, ҳам маза қилардингиз: ота ишдан келиб уйқуга ётгунча иккала қиз деярли тик оёқда турадилар, отанинг ҳар бир шарпасига югуриб келадилар. Оғзиларидан чиққан гап фақат «Лаббай, адажон!» «Хўп бўлади, адажон!» Агар шундай бўлмасин-чи, Насиба опанинг нигоҳлари нақ қиличга айланаиб кетарди! «Ота ҳурматини сақлаш» деган

кадриятимизнинг энг гўзал ижросини шу хонадонда кўрганман.

Нозимжон ака ҳам, ўз навбатида, қизларини фақат сизлаб гапирар, исмларига «хон» қўшмай қақирмас, уларга мурожаати албатта «асал қизим» билан бошланиб, «шакар қизим» билан якунланар эди. Бу ҳам бизнинг водий эркакларининг анъанавий феъли намунаси.

Бу хонадонда ота-она иш буюрса, юриб эмас югуриб юриб бажарардилар. Саидахон, Шоҳидахонларнинг ҳеч қачон бемалол овқатланганлари, ястаниб ётганлари ёки шунчаки ўтирганларини кўрмаганман. Доим бўзчининг мокисидай иш билан банд бўлардилар. Қаттиққўл оналаридан гап эшитиб қолмаслик учун кўзлари ҳамиша хавотирда турарди. Биргина ўғил Фозилжон ҳам ўта тавозели, ройиш йигит бўлди.

Насиба опанинг болаларида кўзингизга тик қараш, овоз кўтариб кулиш, гап қайтариш деган нарсаси асло йўқ эди. Одамлар билан ҳамиша қўллари кўксида, қуёшли чехрада гаплашардилар. Бу ҳам бизнинг миллий одобимиз кўриниши, аслида. Мана ҳозир ҳам қизлар оналарининг хоҳишини адо этиб яшамокдалар. Саидахон ҳам, Шоҳидахон ҳам болаларга мусикадан дарс берадилар. Фозилжон эса олийгоҳни битира солиб ишга кирган жойида ўттиз йил муҳандислик қилди. Учовлари ҳам чунон тўғри, чунон ҳалол инсонлар бўлишди. Иншооллоҳ, ҳали бу болаларнинг икки дунёлари саодатманд бўлади. Чунки улар фақат ота-она розилиги деб яшадилар.



Уларни жуда кўп учратганимиз – бой хонадонларнинг эрка, тантиқ фарзандларига солиштирсак, Насиба опанинг болалари, дейиш мумкин-ки, дурдона фарзандлар бўлишди!

Нозимжон ака шол касалига учраб, эллик икки ёшида ҳаётдан кетди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни кирсам, Саидахон отасини даст кўтариб, ваннахонага олиб киряпти, Шохидахон ёрдамлашяпти, тилсиз бўлиб қолган ночор Нозимжон ака эса, бу ҳолдан таъсирланиб, юм-юм йиғлар эди. Болалари шу тарзда оталарини ёш боладай ардоқлаб, бот-бот чўмилтириб туришаркан. Улар анчагина муддат тилсиз, қўлсиз, оёқсиз қолган оталарини меҳрларида йўргаклаб, чақалоқдай авайлаб қарадилар. Кейинчалик оналарига ҳам фидо бўлиб хизмат қилдилар.

Бу дунёнинг озига кўниб, қаттиғига чидаб, атрофга гап-сўзлари чиқмай, Аллоҳ рози бўладиган йўллар билан яшаб келаётганлари учун мен уларга ҳамиша дуодаман. Тўғри юриб, тўғри туриб, ота-оналарининг яхши инсонлар бўлганини исботлаганлари, фарзандлик бурчларини ҳалоллаганлари учун минг раҳмат уларга! Ҳамманинг боласи шундай бўлса қани эди!

НАСИБА ОПАНИНГ ТУТУМЛАРИ

Бу хонадоннинг тозалигига гап йўқ эди. Тўғри, ҳаракат қилганки аёлнинг қўлидан бу иш келиши мумкин. Аммо Тангри бу аёлга ноёб бир фазилат юқтирган эди: у аёллик, бекалик ишларига жуда катта ихлос ва муҳаббат билан



ёндашарди. У биринчидан, жуда тежамкор эди, исрофга мутлақо йўл қўймас, доим ниманинг ўрнига нимани ишлатса бўлади, оз масалликдан қандай ширин овқат тайёрлаш мумкин, бир хил сабзавотдан неча хил таом қилса бўлади ва хоказолар ҳақида бош қотиргани қотирган эди.

Бир куни балкондан Насиба опа «Турсуной» лаб чақири бошлади. Қарасам, қўлида бир даста редисканинг барги. Юзлари яшнаб кетибди: «Сизга доим айтардим-ку, тўрттагина редискасини еб, шунча барра барглари ташлаб юборишга ичим ачишади деб! Бугун билиб келдим, ундан зўр таом тайёрласа бўлар экан» деди-да, йўл-йўриғини тушунтира кетди...

Агар уйларига кириб қолсангиз, сизни ҳаяжонланиб кутишлари, дастурхон тузашдаги маҳоратларидан яйраб кетардингиз. Қизлари онасининг юз, кўз ҳаракатларини шунақанги ёдлаб олишганки, бир қарайдилару худди фолбиндай онаси хоҳлаган нарсани келтираверадилар. Қачон кирсангиз, ўн минут ўтар-ўтмас иссиқ ва тансиқ овқат олдингизга келади. Қозон-ўчоқни бу аёлдай яхши кўрган одамни бошқа учратмадим. Ҳамиша газ плитани қучоқлаб олган, ҳамиша тахта-ўқлов билан нимадир қилаётган бўлади. Насиба опанинг норинлари, угралари, алламбало сомсаларини айтмайсизми! Ўшандай пайтларда ичимдан зил кетиб, ўзимни-ўзим суд қилар эдим: гўёки, ишли, дипломли одам бўлган бўлиб, чарчаб келишларимизга минг важ келтириб, ҳамир овқатларни болаларимизга соғинтириб-соғинтириб қилиб берардик. Опа эса катта бир касалхонанинг бош шифокори, минг бир қоғоз, минг



бир мажлисларга гирифтор бўлса ҳам, ошхона учун ҳар куни вақт топар эди. Қизларнинг ҳам ҳамиша енги шимарилган бўларди, аммо асосий режиссёр Насиба опа эди. Назаримда, у таом тайёрлаётган пайтда дам оларди, роҳат қиларди. Бу дунёда беҳасрат одам борми, менингча, опа жами аламларини уй ишларидан олар эди!

«Насиба опа, ўлиб қолсам ҳам сиздака аёл бўлолмайман», дея нолийман мен. «Нега энди? – дея тушунтира кетади у, – вақтингиз борида чучваралар тугиб, музлаткичнинг музхонасига солиб қўясиз, у ярим ой, бир ой ҳам тураверади. Захирангизда икки-уч кишили қайла ҳам турсин, кайлани ҳар суюқ овқат қилганингизда янгилаб турасиз. Бизнинг узоқ-яқиндан ва бемаҳал келадиган меҳмонимиз кўп, музхонадаги чучварани шундоққина оламану қайнаб турган қайлага шундоққина соламан, қарабсизки, меҳмон сахар келадими, ярим кечада келадими, ўн минут ичида тансиқ таом тайёр! Сизга маслаҳатим, ҳеч қачон янгиси келмагунча охирги бир парча гўшт, охирги бир тутам кўкат ва охирги ярим пиёла қатикни ишлатиб юборманг, улар жойида жонингизга ора киради»... Опа билан шу тарздаги ҳар бир суҳбат мен учун илм эди.

Бир куни опанинг кичик қизи Шоҳидахон бизникига ёрдамга чиқди. Пиёз арта туриб, пўчоққа ташлаган пиёзнинг думини яна қўлига олди-да: «Агар шуни ташлаб юборганимни опам кўрсалар (улар оналарини шундай чақиришарди) мени ўлдирадилар», деди кулиб. Пиёз тўғраётганимизда одатда сарик жойига келганда тўхтаймиз. Насиба опа эса пичоққа уринган сарик қисмнинг бир



каватини сидириб ташлаб, яна бир паррак оқини оларкан, яна бир қават саригини шилиб юборилса, яна бир қават оқини олиш мумкин экан... Бу – кони савоб! Савобнинг катта-кичиги йўқ. «Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар» дейилади Ҳадиси шарифда.

Хар сафар уларнинг оҳори ўлмай турадиган дастурхонларига эътибор берардим. «Опажон, хар сафар янги дастурхон соласизми?» дейман ҳавас билан. «Агар мени уят қилмасангиз, бир сиримни айтаман, сингилжоним, – дейди у, – мана шу қаршингиздаги дастурхонга ўттиз йил бўлди, мана бу жойларини қаранг, – дея машинада оқ ип билан гул бостирилган жойларини кўрсатди, – тешилган жойларига гул босиб ямаб қўйганман, мана бу сочиқчалар ҳам унинг болалари, яхши кўрганим учун ташлаб юборолмайман». Яна уним ичимга тушади: дастурхоннинг қордай оппоқлигини, крахмалининг қотиб туришини қаранг, ўттиз йилдан бери унга доғ туширмай қандай асради экан?!

Опанинг жавонларида аввал кийилган, аммо русумдан қолган жемпер, кўйлақлар, оёқ кийимлар тозаланган, дазмолланган, ялтиратиб сув қоғоз ва қутиларга солинган ҳолатда сақланарди. «Бир жойда ўқигандим, – дейди опа яна чиройли кулиб, – моданинг ортидан қувманг, унинг ўзи қайтиб келади деб. Булар бир куни яна асқотади»...

Насиба опа бир куни ўтирволиб қизларининг ва ўзининг яроқсиз капрон пайпоқларидан поллатта тикибди. «Бунақа тоза артадиган ва тез



қурийдиган пол латта дунёда йўк», дейди ёзилиб. Ўз ишидан ўзи яйрашдай роҳат борми оламда! Шундай, бу уйда ҳеч нарса кераксиз бўлиб қолмасди, бир нарсадан иккинчи нарсага айланарди, худди бозордан янги олингандай! Бу нарасапарастлик, хасислик эмас, бу Аллоҳнинг неъматларини қадрлаш, сенга хизмат қилган, сен билан бирга-бирга яшаб келган буюмларингга хурматдир!

АРМОН БЎЛГАН ОПАМ!

Мен Насиба опадан кўп кўнгилпарварликлар кўрдим. Ҳар эслаганимда елкам тўла қарз эканлигини ҳис этаман. Аллоҳ охиратини обод қилсин...

Кунора эшик тақиллар, оғизга татиғулик нима топса менга илинаверар эди. Сафарга кетгудай бўлсам-ку, қўяверасиз, болаларим мен борлигимдан ҳам кўра яхшироқ тамаддиланишар эди. Гўдакларим тўрталаси майда, каттаси ўн, кичиги уч ёш пайтлари. Вазият талаб қилиб, уларни бир неча соатга ташлаб кетгудай бўлсам, Насиба опанинг қизлари нафақат кўзқулоқ бўлишарди, балки уларни чўмилтириб, кийимларини ювиб, қуритиб, дазмоллаб, ухлатиб, дам олдириб ўтиришарди. Болаларимнинг ҳам уларникига чиқишга ҳар доим учиб-қўниб туришларини айтмайсизми!

1974 йилнинг 24 ноябрида Ўзбекистон ўқитувчиларининг навбатдаги съезди чақириладиган бўлди. Мен шу анжуманга делегат эканман. Бо-



ришининг эса ҳеч иложи йўқ. Сабаби, учинчи фарзандимга юкли эдим. Докторлар айтган муддат айни шу ойнинг охири эди. Аммо шаҳар маорифи мудирининг интизом қаттиқлигини пеш келтириб, боришимни турмуш ўртоғимдан қаттиқ илтимос қилибди. Мени авайлаб олиб бориб келадиган ҳамроҳлар бўлишини айтиб, кўнглини тўклабди. Бунинг устига у одамни дадамиз жуда ҳурмат қилар эди. Хулласи, борадиган бўлдим, фигура эса ҳалигидай! На жемпер тўғри келарди, на плаш! Нима қилишимни билмай, Насиба опага маслаҳат солдим. Бир маҳал, тунги соат ўнларда эшик тақиллади. Қарасак, Насиба опа, Саидахон, Шоҳидахон учовлари биттадан қоп орқалаб кириб келишяпти! «Опажон, булар нима?» дейман. «Сизга кийим» дейди у. Ва тугунларини оёғимнинг тагига ёйиб ташлашди: бир қопи оёқ кийим, бир қопи кофтаю жемперлар, биттасида пальтолар экан. Улар жами чеварлик анжомларини ҳам ўзлари билан олиб чиқишибди. Ярим кечагача у кийимни қайта тикиб кенгайтириб, бу кийимни амаллаб узайтириб, оёқ кийимларни бир-бир кийдириб, мослаб, ростлаб, мени сафарга тайёр қилишди... Бировга бундай самимий мурувват қилиш учун киши ўша инсонни катта муҳаббат билан севиши керак. Бундай муҳаббатга сазовор бўлган одам эса дунёдаги энг бахтиёр инсондир. Ўша куни мен шундай бахтиёр эдим!

Мен учун энг оғир йиллар 1970 йил билан 80-йилнинг оралиғи бўлган: болаларим майда, ўрта мактабда ишлайман, ишим билан уйимнинг



ораси узоқ, чунон берилиб, ўзим ўзимга иш ортириб, қийналиб ишлайманки, бошим оғримаган кун йўқ. Унинг устига, Ота-онамнинг авжи кексайган пайти, бир оёғим ўша ёқда! Устига устак, ўзимиз қўл учида яшаймиз, аммо шунақанги меҳмонимиз кўпки, бирор кун биров келмаса, худди бегонаникида ўтиргандай қовушмай, ҳувиллаб қоламиз. Хулласи, узилай-узилай деб юрган пайтларим. Ишдан келиб, сумкамни энди қўйишимга эшик тақиллади, қарасам, иккита эркак меҳмон. Уларни ўтқазиб, юзимизга фотиҳа тортишимиз билан, эшик яна тақиллади. Очсам, усти ёпиқ патнис кўтариб Насиба опанинг қизи турибди. Опа деразадан менинг ишдан қайтганимни кўрган экан, изимдан ўтган меҳмонларни ҳам кўрибди. «Болам, Турсуной опанг чарчаган ҳолда ўтган эди. Ана бу одамлар худди уларникига келишди-ёв, уйида нимаси бор, нимаси йўқ, мановиларни дарров олиб чиқ» дебди. Патнисда тутилмаган чиройли чойнакда янги дамланган чой, иккита юмшоқ нон, тўртта ликопда конфет ва пишириклар. Ярим соатдан кейин эса икки косада қайноқ суюқ овқат ҳам чиқди! Бу зийраклик, бу тезкорликни қаранг! Ҳозир уялиб таҳлил қиламан: мен умримда неча марта, неча кишига бундай оромижонлик қилолдим?!

Жойини топиб, онамдай дармон бўлган опам! Бугун эса бундай харидорни бошқа тополмаган мен учун армон ва яна армон бўлган опам!

БАХТ ШУ-ДА, АХИР!

Курсдошларим орасидаги гап навбати менга келиб, Тошкентдан ўттиз чоғли меҳмон келадиган бўлди. Улар бир-икки кеча ётишлари ҳам керак. Жон-жаҳдимиз билан тайёргарликни бошлаганмиз. Насиба опа – асосий маслаҳатчи ва энг асосий иш – пишириладиган таомларга у масъул бўлди. Бир пайт опа бозорга кетаётган турмуш ўртоғимнинг ёнига «аёлнинг кўзи бошқа, айрим нарсаларни танлашда сизнинг ёрдамингиз тегаси» деб, кўярда-қўймай мени ҳам қўшиб, жўнатиб юборди. Бу ишни у атайлабдан қилган экан. Бозордан қайтиб, ҳушим бошимдан учди! Уй бизники эмас эди! Тилимизга калима келмай қолди! Остонадан тортиб, уч уй, ошхона ва балконгача янги гиламлар тўшалибди, ранглари кўзингизни олади. Саидахоннинг сепига олинган пардалар эшик ва деразаларда! Шоҳидахоннинг сандиғидаги алламбало ёпқичлар диван, креслоларга тўшалган. Иккита уйга қўйилган хонтахта ва столга тахи бузилмаган, шифиллаган дастурхонлар солинибди. Буниси ҳам майли, Насиба опа уйида йиққан нечта биллур вазаси бўлса ҳаммасини олиб чиқибди, катта-кичик биллур қадахларнинг туришидан кўзингиз жимирлайди. Ўшанча одамга етгулик, ҳали бирон марта ишлатилмаган кумуш қошиқ, кумуш санчқилар қутилари билан тахлаб қўйилибди. Мен умримда кўрмаган катта-кичик, қиммат ликопларни айтмайсизми! Насиба опанинг эса кўзида қуёш порларди! «Қалай, укажон, сизга ёқдими, келадиган



меҳмонларингизга ярашадиган иш қилибмизми?» дерди яйраб кетишимни кутиб. Мен, аввало, ич-ичимдан бу аёлнинг химмат-ҳамиятига қойил бўлдим. Бу ёғини сўрасангиз, кичкинагина шахсимга тенг кўрилаётган бу улкан мурувватдан уялиб, ўнғайсизланиб ҳам кетдим. Аммо миямга урилган бир андишадан кўнглим ғашланди.

– Сизга қойилман, опагон. Аммо бу нарсаларни ҳозироқ йиғиштирамиз, – дейман мен.

– Нега?! – дейди Насиба опа.

– Ахир, меҳмонларнинг айримлари водийга келиб-кетиб туради. Эрта-индин у ёқ-бу ёққа ўтганда кирса, яна ўша эски тос, эски чоригим билан ўтирган бўлсам, нима деган одам бўламан?

– Э, қизифакансиз-ку, улар сизнинг нарсаларингизни рўйхат қилиб ёдлаб юрибдими! Кўзининг бир қувонгани қолади. Қолаверса, кандай улғу одамлар келишяпти, баҳонада қизларнинг нарсалари табаррук бўлиб қолади, укагон! – деб айтганидан қолмади. Аммо ялиниб-ёлвориб юриб, синиб қолиши мумкин бўлган нозик қадахларини қайтариб чиқариб юбордим.

Меҳмонлар келиб-кетгунча мени югур-етим ишлардан бутунлай халос этишди. Жами юмушларни опанинг қизлари расталаб қўйдилар. Бу ўшанда мен учун худонинг халоскорлиги бўлди. У яйрашларим, у гўзал таассуротларни умр бўйи унутолмайман...

«Насиба опа ҳақида ёзипсизми?» – деди ишлаётган жойимга кириб келган қизим Иқболхон. «Ҳеч эсимдан чиқмайди», – деб эслаб қолди у



хам, — болалигимизда уларникида ётиб колсак, жавонларида чиройли тахланган чойшаблардан олиб солардилар. Чойшабларининг ҳиди жуда ёқимли бўларди».

Мен бу инсон ҳақида ёзяман-у, аммо ўзим ёзилмаяпман. Демак, портретини тўлақонли чи-
золмадим, демак, бу мавзуга яна қайтсам ке-
рак. Худо умр бериб турса, иншооллоҳ, яна қайтаман.

Насиба опанинг онасига, отасига, наслу на-
сабига раҳмат! У бу ёруғ дунёга келиб қўнди.
Унинг бир четида яшаб, ўзига тушган кўзларни
қувонтириб, бир нафасгина умргузаронлик қилди-
да, яна борса келмас томонларга учиб кетди!
Ундан чаман-чаман таассуротлар қолди. Ортидан
айтилган тасаннолар, розиликлар қолди. У ул-
кан Заминнинг бир четида, чумолидай ғимирлаб,
ўзини намойиш қилмай, бўйи бировга кўринмай,
хокисоргина яшади. Аммо яшаганга яраша бу
ҳаётнинг ҳар бир неъматига қовушиб, ёпишиб
яшади. Берилиб ишлади, берилиб қапгир уш-
лади, берилиб бола тарбиялади, эрни берилиб
«эрим» деди, аёллик қобилиятини роялдай ча-
либ ишлатди. Ўзининг аёллигидан маза қилиб,
дунёга аёл бўлиб келиб, аёл бўлиб яшаб ўтиб
кетди. Бахт шу-да, ахир!...

Насиба опанинг афандинамо ишлари ҳам
кўп эди. Бир куни уларникига чиқсам, уйнинг
ўртасига оёқларини чўзиб, ўтириб олибди. Атро-
фида ўттизтача тугун, ҳаммаси очилган, сочил-
ган. Сочлари ҳам тўзғиб кетибди, қошлари чими-
рилган! «Укажон, ишонаверинг, мен аллақачон



жинниман!» дейди у. «Хўш, нима бўлди?» дейман. «Олтинчи тугунни очгунимча ҳам нима ни қидираётганим эсимда эди, у ёғига эсимдан чиқиб қолди. Эсимга тушармикин деб, ҳаммасини очиб чикдим, аммо барибир эслолмадим, жинни бўлганим шу-да», деди куйиниб...

Яна бир кўришганимизда: «Бугун бир қизиқ иш бўлди, — дейди у, — бир зарур иш билан Нозим Валиевичнинг (яъни турмуш ўртоғи) ишхонасига бордим. Мен мақсадимни берилиб тушунтиряпман, аммо қарасам, у сўзимни эшитмаяпти. Бошини ҳали у томонга, ҳали бу томонга қийшайтириб, юзимга ғалати тикилаверяпти. Мен гапдан тўхтаб: «Ҳа, Нозим Валиевич?!» дедим. У овозини пасайтирволиб: «Насиба, битта қошинг қани?» дейди! «Вой! — дедим. Мен қурғур битта қошимни чизиб (Насиба опа истарали аёл бўлса ҳам, қоши йўққина эди) биттаси қолганда чалғиб қолиб, чиқиб кетаверибман. Кечгача ўшандай юрганимни айтмайсизми! Эримнинг ишхонасига томоша бўлганим-чи! Нозим Валиевич эса: «Ахир қош деганни жойига қўйиб қўйиш керак-да», деб қотиб-қотиб кулади!»...

Хурматли ўқувчим, сизнинг ҳам Насиба опажоним билан мана шундай юмшоқ табассум билан хайрлашишингизни хоҳладим... Дуо қилинг, у дунёси обод бўлсин.

Тўлқин Йўлдош

ЖЎРАЛАРИМНИНГ ЭНГ ЯҚИНИ

Хотирамни варақлайман. Тошкент–Москва поезда. 1965 йилнинг ёзи. Эллик чоғли курсимиз талабалари бир ой муддатга амалиёт ўтагани Москва, Ленинградга қараб йўлга чиққанмиз. Деярли битта вагонни эгаллаганмиз. Унинг устига, умумий вагон. Асосан ўтириб кетяпмиз, ёнбошлашнинг иложи йўқ, юқори қаватдаги ўриндиқларга навбат қилиб қўйилган. Навбатимиз келгунча ўз-ўзимизни чалғитишдан бошқа иш йўқ. Ҳамма онасининг ховлисида ўтиргандай яйраб ҳаракат қилади. Вагоннинг у бошидан-бу бошига отилаётган ҳазил гаплар-у, хахолаб кулишлар, аллақайси купеда янграётган Акрам Каттабековнинг рубоби, кимнидир қарғаётган Марямнинг овози, унинг ҳаммага ёқадиган бу-хороча сўкишлари юрагимнинг нақ ўртасидан ўта бошлайди. Гоҳо шунақа пайтларда: «Йўқ, бу қадар ширин ҳаёт бўлиши мумкин эмас, бу эртақ, уни тўқияпман шекилли», деб қоламан...

Ана, курсимиздан чиққан полвон Абдуллажон катта тоғорада тайёрланган аччиқ-чучукни купема-купе юриб тарката бошлади. «Оз солдинг, кўп солдинг», деган қий-чувлар бошланди. Нафслар ором олиб, шовқин бироз селгигач, рўпарамдаги тепа ўриндиқдан паст, аммо ширали овозда қўшиқ тарала бошлади:

*Эй нозанин жамолингга бўлдим хуморман,
Нозингни қўй, висолингга кўп интизорман.*

Бу ўша пайтда номи янги танилган Сойибжон Неъматовнинг бизга урф бўлган қўшиғи эди. Ён-бошлаб олганча кўзларини бепоён кенгликлардан узмай хиргойи қилиб бораётган менинг дўсти азизим, бугунги маколам қахрамони – Тўлқинбой. У ҳақида ёзмоқчи бўляпману ўша воқеалар кўз ўнгимга кечагидай келиб беряпти.

У деярли андижонлик. «Деярли» дейишимнинг боиси шуки, Андижоннинг Асакасидан ҳам у яшайдиган Наманганнинг Ҳаққулободи бизга яқинроқ жойлашган. Унинг устига у умр бўйи Андижонда хизмат қилди, демакки, биз у билан 1961 йилдан бери бир-бирини етаклаган болалар каби ёнма-ён, елкама-елка яшаб келяпмиз...

Курсимиз оғизга тушган курс эди. Домлалар ҳам бизнинг болаларга ихлос билан қарар эдилар. Айтиш мумкинки, талабаларнинг кўпчилиги юрагида дарди бор, сўз санъатига болаликдан ошиқ бўлган, иқтидорли инсонлар эди. Бизникилардан ўнлаб адабиётшунос, тилшунос олимлар етишиб чикди. Қаторга кирган шоирларимиз санокли бўлса-да, ишонаверинг, талабалигида дафтар-дафтар шеър тўқиб юрадиганлар йигирматадан кам эмасди! Ўшаларнинг биттаси Тўлқин эди, мен уни номи ниҳон ўтиб бораётган ёзувчи деб биламан. Устозимиз Озод Шарафиддиновни ҳам ошкор бўлмаган шоир, деб билардим. Чунки қонида шоирчилиги бўлмаган одам шеърнинг жон-жонига кира олмайди, тўқис таҳлил қилолмайди...



Сўзни севган одам, одатда, унинг устаси бўлади. Агар бизнинг болалар билан ўтириб қолсангиз, бир тўп Насриддин афандилар даврасига тушиб колдим дердингиз. Улар кимлар денг? Акрам Каттабеков, Бахтиёр Назаров, Рауф Парфи, Зоҳир Аълам, Ортиқбой Абдуллаев, Пўлат Тўраев, Сафар Барно, Нўъмон Раҳимжонов, Тўлқин Йўлдошев, Муҳаммаджон Жуманов! (Бу шўх-шан, бир-бирига гап бермайдиган болалар, кейинчалик, Ўзбекистоннинг машҳур олимлари, ёзувчи ва шоирлари бўлиб етишдилар.) Сизнинг бу даврада чарчоғингиз уйқусизликдан ёки тинмай гапиришдан бўлмасди, балки сиз тинмай кулиб чарчардингиз, айтилган сўзларнинг гаройиблигидан ҳайратланиб чарчардингиз! Сиз бу ерда сўзнинг ҳамма рангини кўрасиз, унинг турлича қойилмақом ижроларини эшитасиз! Бари чангингиз тўкилади, бор гамингиз тарқайди, руҳий қаноат оласиз, кейин эса кейинги учрашувгача бетоқат соғинчга айланиб яшайсиз! Тўлқин ана ўша давранинг дарвозага энг кўп тўп урадиган, гап тўппончаси ҳамиша ўқлоғлиқ турадиган фаолларидан ҳисобланарди. Унинг ашаддий китобхонлигини айтмайсизми! У билан бўладиган суҳбатларимиз китоб билан бошланиб, китоб билан тугайди. Унинг мутолаа қувватига бир умр ҳавас қилиб келганман.

Бодомқовок, доим кулиб турадиган, истараликкина Тўлқинбой ғирт водийча феълликдир! Дўстларнинг ҳар қанақа чақирғига, илтимосига биринчи бўлиб қўл кўтариб, биринчи бўлиб ўртага тушадиган инсон. У ёлғонни, сусткашлик-



ни, минғирлашни ёктирмайди. Жаҳли кам чиқади, аммо аччиқланса, оловланиб аччиқланади. Ўзи нозиктаъб бўлгани учун бўлса керак, ўзгаларни ҳам ғоят авайлаб, юксак маданият билан муомала қилади.

Бу дўстим бировга мухтож бўлмай яшаб ўтяди, аммо бойиб кетгани ҳам йўқ. У фазилатли инсонларга ихлос қўйди, фазл йиғишга умр бўйи уриниб ўтди, аммо бойлик орттиришга асло қизиқмади. Тақдир унга бериб қўйган ҳаёт йўлининг ўзи уни бой бўлгани қўймади. У тўққизта укага ака эди, ота-онаси ҳалол, хокисор одамлар эди. Ўртоғим аспирантураларни муваффақиятли битиргани, марказда қолиш учун таклифлар бўлганини баҳона қилиб ҳам, Тошкентда ишлаб қолиши мумкин эди. Аммо укаларини ўйлади. Укалари мана энди чиройли тикланиб, жойланиб, ўз йўлларининг мустақил эгалари бўлиб олдилар. Бу йўлда Тўлқин уларга таянч нуқта бўлди. Ўзининг энг қарсиллаган даврларини шу тўққиз тақдир учун керак бўлишга, тиргак бўлишга сарфлаб ўтди. Қолаверса, унинг олим бўлиб кетишига ҳам шу укалари сабаб бўлди...

Университетни энди битирган пайтлари. Тўлқиннинг устозимиз Озод Шарафиддиновга: «Агар водийга бориб қолсангиз, биз томонга ҳам ўтинг», деган жойи бор экан. Водийга йўли тушган Озод домла қадр қилиб, ҳамроҳлари билан унинг қишлоғига излаб келибди. Улар тўсатдан келганлари учун, борини бозор қилиб кутиб олишибди. Бир уй бир даҳлизгина ёпиқлари бор экан.



Меҳмондорчиликдан сўнг, меҳмонларга ичкарига жой солинибди. Оила аъзолари эса (яъни тўққиз бола) дахлизда тунабдилар. Озод домла эрталаб чиқиб мундоқ қарасалар, дахлиз тўла гиж-гиж бола эмиш! «Шулар ҳаммаси ўзингизникими?» дермишлар хайрат билан Тўлқиннинг дадасига. Назаримда, ҳолатни кўрган домла ўша аснода шунча уканинг келажаги учун Тўлқин тезроқ бир йўлга тушиб олиши керак, деган фикрга келганлар. Ва келишларини ҳам шунга йўйиб кўя қолибдилар-да: «Келишимиз бежиз эмас, Тўлқинбойни аспирантурада олиб қолмоқчимиз, шунга нима дейсиз?» деган гапни айтибдилар. Шундай қилиб, укалари ва Озод домла сабаб бўлиб ўртоғим олим бўлиб кетди...

КЎНГИЛПАРВАР ДЎСТИМ

Тўлқинбой Озод Шарафиддинов раҳбарлигида Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. Урғу билан айтиш керакки, муваффақиятли ёқлади. Мен шунинг гувоҳи бўлганманки, Озод домла Тўлқинга шогирд деб эмас, маслакдош дўстдай қарар эдилар. Жуда кўп сафарларга бирга боришарди. Орамизда домланинг суҳбатларидан энг кўп баҳраманд бўлган, устознинг охирги муддатларигача у кишига ҳаммамиздан бетоқатроқ талпинган, устознинг розиликларига энг кўп сазовор бўлган ҳам Тўлқин бўлса керак. Домла уни бошқача кўрардилар. Тўлқин эса, ўз навбатида, Озод домлани биз шогирдларга берилган Аллоҳнинг

имтиёзи, мукофоти деб билар, устознинг ҳар бир гапини ҳикмат қилиб айтиб юарди...

У яқинда устознинг охирги йўлга кузатилган кунни эслаб туриб, бир жўрамиздан қаттиқ ранжиб, гапириб қолди: «Мен Фалончини жуда ҳурмат қилар эдим. Ёзган нарсаларини ҳам кадрлардим. Аммо ўша таъзия куни ундан шунақанги кўнглим қолдики, юрагимнинг қадоғи ханузгача кетмаяпти. Домлани жойларига қўйиб қайтаётиб, ўша дўстимиз бир маҳал: «Ошналар, энди бир жойга бориб ош қилмайликми» дейди! Бу гапни у европаликлардай, марҳумнинг хотираси учун бир ичишайлик, деган маънода айтгани йўқ, албатта. Бугунги йўқотишдан ҳаммамиз эзилиб кетдик, бир ёзилайлик деган мақсадда демокда эди. Ахир, Озод Шарафидиновдай одам кетди-я! Ўзбек адабиётшунослигининг бир йўлбарси бугун йўқликка кетди, ҳаммамизга тоғдай ҳимоя бўлган одамдан айрилиб турибмиз, кўнгилга ош сиғадими?! Бир эмас, минг марта ош қилганимизда ҳам энди юиана оламизми?! Уй-уйимизга бориб, деворларга бош уриб бўзлайдиган бу кунда унинг кайфиятига арақ сиғаяптими?! Ундан қаттиқ ранжидим». Тўлқиннинг юзларида изтироб бор эди...

Дўстим табиатан жуда одампараст. Инсонларнинг кўнгли учун фидо бўлгиси келиб туради. Яқинда у кўнғироқ қилиб: «Турсуной, бирор-та китобингнинг устига: «Шу рисоламни менинг заҳматкаш муҳарририм Ҳикоят Маҳмудовага бағишладим», деб ёзиб қўйгин. Чунки у бир неча китобингга муҳаррирлик қилибди, айниқса,



«Дилдаги дур»инг вазмин китоб бўлибди. У ердаги ҳамма гапнинг юкини кўтариб, сўзма-сўз ўкиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Шундай деб ёзиб қўй, кўнгли кўтарилсин, хўпми?» дерди ўтиниб. Тўлқинбой Намангандан туриб Тошкентдаги дўстимизнинг гамини еб, кўнглини овламоқда эди. Ҳикоятхон жамбалак ўртоғим, курсдошим ва зукко муҳаррир. У эллик йилдан бери Фафур Фулом номидаги отахон нашриётда хизмат қилади. Энг нозик деб ҳисоблаган китобларимни унга топшираман. Чунки у сиёсатни ҳам, бадиятни ҳам яхши билади ва тарозуни одил қўяди. Керак жойда муаллиф билан мунозарага киришиб бўлса-да, китобнинг сифатли чиқишига ҳаракат қилади. Тўлқин менга жуда ўринли гапни эслатди ва келажак учун Ҳикоят масаласида яхши ният қилиб қўйдим.

Ўйлаб қарасам, менинг қаламимнинг ҳаракатларини энг синчков кузатиб келадиган ҳам шу дўстим экан. Янги нарсам чоп этилди дегунча қайси шаҳардан бўлса ҳам албатта кўнғироқ қиларди. Кўнғлим учун «фалон шеърингни ўқидим, фалон жойини зўр ёзиб қўйибсанми, «мен сиздан нур олиб ойланар эдим» дейишинг яп-янги гап бўлибди-да!» қабилида гаплар қилар, ёзганларининг энг нозик нуқтасини пайқар ва рағбат бера оларди.

Дўсту ёронларим ичида мени энг кўп йўқлайдиганим, қишин-ёзин ҳолимдан хабардорим, кўнғироқлар қилиб ҳаётим билан жигаримдай қизиқадиганим шу Тўлқинбой. Худо хайрини берсин, Аллоҳнинг паноҳида бўлсин! «Тўлқин



тоға» деган сўз болаларимга ҳам гўдаклигидан ёд бўлиб кетган. Қораси кўринди дегунча «тоға»лаб қошига югуришади. У келгудай бўлса турмуш ўртоғимнинг ҳам кайфияти кўтарилиб кетади. Ва уни ҳар сафар «келганингиз яхши бўлди, мана энди ўртоғингизнинг ҳамма касали тузалиб кетади» деб қарши олади. Кўни-қўшнилариимизни айтмайсизми, улар Тўлқинбойни аллақачон таниб олишган ва ҳар сафар: «Жонажон ўғил бола ўртоғингиз келибдилар-да», деб хавас билан алқаб қўйишади.

САМИМИЯТ

Тўлқин ёши улуғлик таътилига чиққунча Андижон олийгоҳларида дарс берди. Хурмат ва обрў топди. Хозир ҳам у ўзининг Ҳаққулободида ёшларга сабоқ бермоқда. У курсдошимиз, битта майизни бўлиб ейишадиган дўсти Акрам Каттабековнинг синглиси Ҳалимахонга уйланган. Бири биридан чиройли тўрт қиз кўришди. Уларга худойим чиройли тақдирлар берди. Тўрталаси тўрт маконни гулзору болазорга айлантириб, ўзларидан тиниб ўтирибдилар.

Ҳалимахон энг тамизли келинлардан бўлди. Неча йилдан бери уни кузатаётган бўлсам, жуфтига бўлган сомелиги, уни тушунишлари, қўллаб-қувватлашларидан ва уларнинг иноклигидан завқ оламан. Уйим, жойим деган аёл. Тўлқинни бахтиёр қилган жихатларидан бири, Ҳалимахоннинг адабиётни ўта нозик тушуниши бўлса керак. Менимча, уларнинг тақдирларини бирлаштир-

ган ҳам адабиётга бўлган муносабатлари бўлган бўлса ажаб эмас.

Ким китобхондир, билингки, унинг дунёси кенгдир. Аммо китоб тоза инсонларгагина файз юктиради, уни бойитади, ўстиради. Илмли деб шундай одамларга айтилади. Ҳалимаҳон ана шундай тоза аёл, ўзи тоза бўлгани учун ҳам, атрофдагилардан фақат покизалик кидиради. Университетни битирганимизга қирқ беш йил бўлган бўлса, ўшанча йилдан бери Тўлқин билан қўл ушлашиб, курсдошларимизнинг орқасидан ҳали у шаҳарга кетамиз, ҳали бу шаҳарга! Неча-неча марталаб Турдиали ака (менинг турмуш ўртоғим) билан Ҳалимаҳоннинг бизни вокзалга кузатиб чиқишлари, Тўлқин билан поездларда жўнаб кетишларимиз, жуфтларимизнинг эса оптимиздан рўмолча силкитиб қолишларини эслайман. Жўрам билан иккимизнинг энг катта бахтимиз Аллоҳ бизга самимий умр йўлдошлар ато этганидадир.

Самимиятнинг даражотини қарангки, кези-кези билан Тўлқинбой Намангандан бизни йўқлаб келарди. Биз уни ўша куни қайтгани қўймасдик, ётиб қоларди. Соатлаб суҳбатлашардик. Кеч кириб, ётар пайти бўларди. Оила аъзоларим уйма-уй тарқаб, дам олгани кириб кетадилар. Тўлқинга ойнаванд айвонимизга жой солиб бераман. У солинган ўринга чўққайиб ўтирганича, мен эса унинг рўпарасига омонат чўкканимча суҳбатни давом эттирамиз. Соат тунги бир бўларди, икки бўларди, биз ҳануз лақиллашаётган бўлардик. Орада умр йўлдошим ҳовлига бир чиқиб киради,



«Ие, хали ҳам ўтирибсизларми?» деб қўяди. Биз эса «минг айтилган дарддан сўйлади» деганларидай, минг бор титкиланган мавзуларни титкилаб чарчамасдик! То дастлабки хўрозлар чакиргунича гапни гапга улаб ўтираверардик... Бу, менимча, курсдошликдан кўтарилиб, рухдошлик, жигарбандлик мақомига етган муносабатлардир. Шу аснода сурхондарёлик дўстим, курсдошим Сатторни эслаб кетдим. Тўлқин билан, асосан, битирганимиздан кейин кадрдонлашдик. Талабалик йилларимда эса энг яқин ошналарим Акрам билан Саттор эди. Шу жон дўстим боғлари шиғил мевага тўлганда, билимлари камолига етганда, докторлик диссертациясини эндигина ёқлаганда қазо қилди! Куйиб-куйиб кетдим. Фотиҳага Термизга бордим. Полвон-полвон тўрт ўғлони кўчага отилиб чиқдилар ва бариси менга чирмашиб олиб, «аммажон, дадамни бериб қўйдик» дея фарёд урардилар! Мен ҳам «жигарим»лаб гирён йиғладим! Дўстимнинг болалари «амма, аммажон» дея чақиришлари, бўзлашлари юрагимнинг қатларида ҳануз янграб туради. Хайитарафаларда қўнғироқ қилиб, ширин лутфлар қилишади. Мен йиғлайман, улар йиғлайдилар. Шу-да жигарбандлик! Менинг рухий, бағир бойлигим шу-да! Аллоҳ менга самимиятлар оламида умргузаронлик қилишни насиб этганига шукр.

РАҒБАТ ХАЛОСКОРДИР

Тўлқин уч-тўрт йилнинг нарёғида қаттиқ бемор бўлди. Ҳалимахон хавотирланиб, бир неча бор қўнғироқ қилди. Қизлари безовта бўла бошлади. Бизникига ҳам ёнида кузатувчиси билан келадиган бўлди. Бир сафар қизи ва Ҳалимахон бирга-бирга келишди. Жўрамнинг руҳи пастроқ эди. Кетиш олдидан ундан-да забун гапни айтди: «Турсуной, сенинг қошингда жуда уятлиман. Бирга ўсдик, бирга кексайяпмиз. Сен шоир, мен адабиётшунос бўлсам, ижодинг билан менчалик таниш одам йўқ. Аммо сен ҳақингда дурустроқ нарса ёзолмадим. Буни умр бўйи ният қилдим, лекин шу нарса менга армон бўлиб қолади шекли»... Юрагим орқага тортди. Англадимки, нима қилиб бўлса ҳам унинг руҳини кўтариш керак.

Ўрни келганда ички бир ҳақиқатимни айтмай, мен ёзганларим ҳақида матбуотда бир нарсани дейишларига ҳеч қачон илҳақ бўлган эмасман. Чунки «Куй» номли биринчи китобчам чоп этилганида бирданига тўрт-беш мақола эълон қилинган эди. Бундай мақолаларда китобингдан, асосан, фазилат қидирилар экан. Ўшанда менга жуда ўнғайсиз бўлган эди. Назаримда, китобни аввал халқнинг қўлига топшириб кўриш керак, қани, ёзганларинг китобхоннинг назарига тушди-ми, йўқми! Сени ўқишяптим, ўқишмаяптим?! Мақтов эшитиш албатта ёқимли, аммо бир-икки одамнинг мақтови билан сен зўр шоир бўлиб қолмайсан, рағбат олишинг мумкин, холос. Асо-



сий гапни халқ айтади. Оғриқли бўлса ҳам халқнинг фикрини эшитиш керак. Чунки биз ўшалар учун ёзамиз. Улар харидор бўлсагина, қўлимиздан бир нарса келишига ишонч ҳосил қиламиз. Ўшандан кейингина китобни адабиёт-шуносларнинг таҳлилига ҳавола қилиш керак, деб ўйлайман. Шу кунгача озми, кўпми китобларим чиққан бўлса, бирор нарса дейишимизга умидвормикин демасин деб ҳам, айнан устозларимиз ва адабиётга тааллуқли дўстларимизга китоб беришга тортиниб келдим.

Аммо Тўлқиннинг ўша кунги ҳолатидан келиб чиқиб, ўзимга қарши роль ўйнашга тутиндим. Ёлғон араз, ёлғон дўқ оҳангида: «Сен менга нега видо оҳангида гапиряпсан? Тўғри ўйлабсан, шу кунгача мен ҳақимда ҳеч нарса демаганинг уят! Қани, бир нарса ёзмай туриб ўлиб кўр-чи, мендан кўрадиганингни кўрасан! Эркак одам, дорини ичиб, ағанаб ётаверасанми, тездан битта мақола тайёрла, ўзим газетага чиқариб бераман», дедим сиёсат билан. Аввалига у хахолаб кулди, кейин кўзларида нур порлади-да, «Ростдан ёзсаммикин, а?» деб қўйди ва кўтаринки рух билан хайрлашиб кетди. Уч кундан кейин Ҳалимахон кўнғироқ қияпти: «Турсуной опагон, раҳмат сизга, бизда яхши янгиликлар – Тўлқин ака ишга киришиб кетдилар. Столга эгилволиб, тинмай ёзиб, чизиб ўтирибдилар», деди. Мен газета мутасаддиларига: «Бир беморнинг руҳини кўтариш учун шундай йўл тутдик, қандай нарса олиб борса ҳам чоп этинглар», деб илтимос қилдим.



Бир ҳафта деганда мақолани газетага топширибди. Улар хурсанд ҳолда менга қўнғироқ қилишяпти: «Мақола жуда ширин чиқибди, каттароқ экан, икки сонда бўлиб бермоқчимиз». «Атиргулга айланган умр» номи билан мақола чиқди, у ҳақиқатан шоирона тил ва шоирона дил билан ёзилган эди. Тўлқиннинг ўзига, менга у ёқ-бу ёқлардан ёқимли қўнғироқлар бўлди. Мен-ку ўзимнинг ақидамга риоя қилиб эримай турибман. Аммо жўрам чунон қувонибдики, мақолани кучоқлаб, таксига ўтирибдию бизникига чопқиллабди. Рухий озуқа минг доридан афзал эканлигини ўшанда билганман. Ишонинг, ишонманг, шугина ишдан кейин Тўлқин тети-кланишга тушди.

Сухбатларимизнинг бирида: «Сен ҳақингда айтадиганларим кўп экан, у мақолага қанча гапларим сиғмай қолиб кетди», деди. Мен Аллоҳга таваккал қилиб: «Ўша ўйларингни китоб қила оласанми, уриниб кўр, чоп эттиришга ҳаракат қилиб кўрамиз!» деб юбордим. «Эплармикинман», деганди: «Бўлмасам-чи, албатта эпласан», деб далда бердим. Ўзим эса бир неча йилдан бери мен билан ҳамкорлик қилиб келаётган нашриётга: «Бу дўстим битта мақолага шунча соғайди, агар китоби чиққудай бўлса, ажаб эмас, бутунлай яхши бўлиб кетса!» дея маслаҳат солдим. «Ёзаверсинлар», дейишди. Тўлқиннинг жуда кўп мақолалари чиққан, аммо китоб чоп эттирмаган эди. Китоб бир зарб билан ёзилди, «Атиргулга айланган умр» дея ном қўйилди. У нашриётга ҳам маъқул бўлди. Китобни те-

кинга чоп этдилар. Унинг устига, гонорар ҳам бердилар. Аввалига бир-икки минг нусхада чиқардилар. Китоблар бир зумда тарқагач, яна беш минг нусхада чоп этдилар. Устоз Абдуғафур Расуловнинг: «Тўлқин Йўлдошев бу китоби билан ўзини кашф этибди», деганини ўз қулоғим билан эшитдим.

Нафсиламрини айтганда, мен ҳам шу китоб оркали Тўлқинни ўзим учун кашф қилдим. Китоб бошдан-оёқ лирик таҳлилдан иборат. Унинг мен ҳақимда эканлиги, шунинг учун ҳам жуда хижолат бўлаётганим бутунлай эсимдан чиқиб кетиб, бир китобхон сифатида маза қилдим. У нарсаларимни шундай таҳлил қилганки, бамисоли туйғуларимнинг қатига кириб олгандай! Мисраларга чиқармай, шеърнинг туб-тубига яшириб қўйганларимни ҳам топиб олаверган, ёзганларимдан ўзимникидан ҳам қизиқроқ маънилар чиқарган. Насрий ёзмишларимга ҳам шоирона ёндашган. Адабий асарларнинг таҳлили мана шундай, яъни ўқишли бўлиши керак экан. Яна ҳам бошқача айтганда, таҳлилнинг ўзи бадийликка йўғрилган бўлиши керак экан...

Тўлқинбой деярли соғайиб кетди. Уни рағбат, ижод қилиш ишқи соғайтириб юборди! Инсоннинг инсонга руҳий мадади халоскор эканлигини кўзим билан кўрдим. Жўрам пешма-пеш Озод Шарафиддинов ҳақида яна бир рисола ёзди. Унга ҳам ўша нашриёт харидор бўлди. «Озод домла» номи билан чоп этилди. Тўлқин ҳозир иккаламизнинг ҳам жонажон дўстимиз, таниқли адабиётшунос, мохир педагог, филология фанла-

ри доктори, мархум Акрам Каттабеков ҳақидаги
рисолани якунлаш арафасида турибди...

Биз дўстим билан эллик йилдан бери ёнма-ён
келяпмиз экан, бир хил касб эгалладик, ёнма-
ён вилоят, ёнма-ён маҳаллаларда яшадик, битта
домлага шогирд бўлдик, бирор марта аразлашма-
дик, бир-биримиздан бирор марта гина қилмадик,
лекин, энг асосийси, узокда бўлсак ҳам, яқинда
бўлсак ҳам, бир-биримизни тўлдириб яшадик!

Жўрамнинг умрига зиёдалик ва аҳли аёлига
саодатмандлик тилаб қоламан.

ИЖОД ЧАМАНИ

Замира Рўзиева ҳақида

*(Гўшакда андижонча лаҳжа янграрди:
«Янги китоб тайёрладим, она, бир ўқиб
чиқишингизни хоҳлардим-да!»...)*

Рисолангни ўқияпман қайта-қайта,
Нигоҳларим чанқаб тўхтар ҳар бир байтда.

Машрабона хонишингдан айланайин,
Минг пардали торларингга бойланайин.

Эшитяпман юрагингнинг дупурларин,
Юрагингмас, депсиняпти дулдуллариңг!


Она сойим, она лойим таъми сенда,
Нени кўргим келган бўлса, жами сенда.

Замира Ой, сен бошқача, сен бўлаксан,
Миллион дилга куя билган бир юраксан!

Файратингдан ҳайратдаман, сингилжоним,
Бори-йўғи битта жонсан, тингин жоним!

Бекор айтдим, бекор айтдим, тинмагайсан,
Чунки, ойим, сен заминдан унмагансан.

Дебсан «учиб келдим арши аълолардан»,
Демак, кучу сўз олурсан самолардан.



Тонглар Бобур келар миниб тулпорини,
Дарвозангга илиб кетар туморини.

Иншооллох, улар рози байтларингдан,
Шеърга солиб табораклар айтганингдан!

Муҳаббатни куйлаганда девонасан,
Битта ўзинг мингта Зеби, Зебонасан!

«Хижрон жар»дан бутун чиққан
малак ўзинг,
«Хижронзада» умр ичра халак ўзинг!

Ошиқона куйлашларинг бахшиёна,
Орифона ўйлашларинг бахшиёна!

«Бахшиёна» исмин қўйгил китобингга,
Бахшида жон сачрамоқда рубобингдан.

Синглим, сенга Аллоҳ баланд ақл берди,
Бўйингни ҳам расо берди, адл берди.

Этагингни ўфил-қизга тўлдирди у,
Бой ойимлар қаторига қўндирди у!

Эгам берди гулзору болазорни,
Юрагингга қамаб қўйди булбулзорни.

Булбулларга дўниб юргин, Замиражон,
Кўнгилларга кўниб юргин, Замиражон.

Сендай замондошларим бор, билки, бойман,
Андижонлик опагинанг Турсун Ойман.

2007 йил, март





Саида Зуннуновага

Хамшаҳарим, андижонлигим,
Зуннунзода Саидахоним,
Кўзи чарос, қоши пилигим,
Оппоқ ойим, ғунча даҳоним.

Бир-бир айтай сифатингизни,
Тўймай қолган хуморим билан.
Ёдлайдирман, оҳ, отингизни,
Қўлимдаги туморим билан.

Улгурмадик туморлар тақиб,
Асролмадик ёмон кўзлардан.
Бугун келдик бағримиз оқиб,
Сиздай опам юрган излардан.

Аллоҳ сизни нозик қаламда,
Ўта нозик гулдай яратди.
Қаноатни филдай берди-ю,
Кўнглингизни қилдай яратди.

Пиёласи тўлмайин туриб,
Паймонаси тўлган опам-а,
Ёлғиз боғи ғунчалар тугиб,
Гуллаганда сўлган опам-а.

Зуннунзода Саидахоним,
Оппоқ ойим, ғунча даҳоним,
Хуморларим дилимда қолди,
Туморларим қўлимда қолди.

*5 май 1996 йил Тошкент—Андижон
тоғ йўлларида сафар чоғи
ёзилди*

МУАТТАР ШЕЪРИЯТ

Саида опанинг шеърларини бир-бир varaқлаб кўринг — бағрингиз гулга тўлиб кетади. Девон бошидан сўнгигача чаманлар ифорини беради. Табиатга бу қадар ошна, ойли, юлдузли тунларга, камалак рангли кундузларга бу қадар ташна шоирни жуда кам учратдим.

Опа кўринишдан сокин, камсукум эдилар. Аммо шеърлари билан гаплашсангиз, кўзлари катта очилган ҳайратни, юракка зўрға сиғиб турган эҳтиросни, шоиранинг ўзи билан ўзининг ҳаяжон-ла сўзлашуви, безовта савол-жавобларини кўрамыз.

Уни ўқирканмиз, «лолалар гулхани» борлигига ишонамиз. «Беҳи гулларининг биллур косалари»га суқланиб боқамиз. Бир шоир сифатида шунисига қойилманки, биргина гул тушунчаси юз жойда юз хил тараннум этилади, юз хил кайфийат суратини чизади. «Ариқ бўйидаги камтар гулсафсар»га шоира билан бирга ихлос изҳор этсангиз, «атиргулларнинг юзидаги кулдиргич»ни кўриб, танангиз яйрайди. «Райҳонга рашк қилган гулни» фақат шу шеърларда учратасиз. «Сахро чечагининг аянч кулгиси» дейди шоира бир шеърида. Қисматига тезда қуриш битилган бул гулнинг аянч билан мўлтирашини фақат шоира кўра билади. Тупроқ ҳидини нақ димоқларингизга олиб кела олган, калдирғочларни сув бағрига тўш уришларинида сувратини чизиб қолган шу — нафис калам шоирадир.

Жийда гулларининг хиди ҳовлима-ҳовли ошиб,
нари-нарига таралгани каби... (қўлёманинг да-
воми йўқолган)

ЎЗЛИК САДОСИ

*Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг
«Бизким, ўзбеклар...» асарини ўқиб*

Ҳа, бу асар том маънода ўзлигини тани-
ган ўзбекнинг овозидир. Ўзбекистоннинг жами
бугунги минбарлари миллатни ўзини ўзига та-
нитиш юмушини зиммасига олган. Адабиёт эса
юксак минбардир. Мазкур китобни ўқир экан-
ман, кўнглим тўлиб, бўйим ўсиб бораётганини,
миллатнинг имкон захирасидаги жами неъматлар
қаршимга келиб, «кимнинг боласи эканлигинг-
ни унутма, зотингдан мерос ғайратларингни, ору
ҳамиятингни уйғот, товонингнинг остидаги ер
сени беҳисоб қарзларинг билан-да, бошига қўйиб
турган Ватандир ва у биттадир, тирик экансан,
унга аскотиб қол!» дея хитоб қилаётганини эши-
таман.

«Ким ўзини таниса, ўша парвардигорини та-
нир» дейилади Ҳадиси шарифда. Агар Аллоҳ
улкан муҳаббат юқтирмаганда эди, муаллиф
бу заҳматли ишга бу қадар ихлос ва муҳим
ғайрат билан киришмас эди. Созанда умр бўйи
кўнглидагини батамом ифодаладиган бир куй
яратиш дардида юргани каби, бу китобга муал-
лифнинг бутун вужуди сочилгандай! Унинг ҳар
бир варағидан ватанпараст фарзанднинг юрак



уриши эшитилиб туради. Миллий тарихимизнинг ҳар бобини бағир бериб, бамисоли қумни санаган каби, ҳеч бир неъматини қолдирмай, кўзларига суртиб юриб зикр қилиши, мени хайратда қолдирди. Мен бу ижодкорнинг ихлосини ҳавас қилдим. Назаримда, Абдуқаҳҳор Иброҳимов ижодини яхлит бир куй деб билсак, унинг энг авж пардаси «Бизким, ўзбеклар...» дир. Миллатнинг дуолари ижобат бўлгани – боласидан буюргани шу! Мен Абдуқаҳҳор Иброҳимов билан сафдош, жамоадош бўлганим билан фахр этдим. Бу китоб ҳар бир маънавият тарғиботчисининг иш столида туриши керак, у дўсти малҳам бўла олади. Шундай истак билдирардикки, мазкур китоб шу туришида маънавият дарслари учун миллий давлатчилигимиз ҳақида мухтасар қўлланмадир, лекин кенг халқ оммасига етиши учун, китобхонларнинг чанқоғини тезроқ қондириш учун ҳар бобини алоҳида-алоҳида чўнтак китобчалари тарзида қайта чоп этилса, самараси мўл бўлур эди.

«Бизким, ўзбеклар...» муаллифнинг мустақилликнинг нашъу намоси, шарофатини ҳам илмий, ҳам шоирона, ҳам рангдор ўзбаки тилда тараннум этган дил изҳоридир.

2000 йил

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Турғун Алиматовни ёд этиб	5
Устоз Саид Аҳмад ака.....	12
Устоз Файбулло ас-Салом.....	31
Эркин Воҳидовни ўқиб	37
Муҳаммад Юсуф	68
Муҳаммад Юсуф билан икки суҳбат.....	77
Сафар Барно.....	97
Солижон Меҳмонов.....	107
Мен кимни севдим.....	198
Жаннатим онам	220
Умр йўлдошим	270
Жўраларим	
Матлуба Азим	294
Раънолар аълоси.....	325
Адашим	234
Шоирлар нега дарвеш бўладилар?.....	337
Ҳикоят ҳақида ҳикоя.....	344
Нур ойим.....	348
Насиба опа Холиқ қизи.....	352
Тўлқин Йўлдош.....	370
Ижод чамани.....	385
Муаттар шеърят.....	388
Ўзлик садоси.....	389

Адабий-бадиий нашр

ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА

5-жилд

УМРИМ МАЁҚЛАРИ

эсселар

Иккинчи нашр

Мухаррир *Л. Игамова*

Рассом *Б. Зуфаров*

Бадиий муҳаррир *К. Зокирова*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусахҳих *М. Ишонхонова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.2009.

Босишга 2016 йил 26 январда рухсат этилди.

Бичими 80x100¹/₃₂. Оффсет қоғози.

«Virtec Peterburg» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 18,13.

Нашр табағи 15,37. Адади 3000 нусха.

Буюртма №16-28.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Ким ўзи *аси*? Келсингда осмонни, чексингда
дегизми?... Онамнинг исми Эргашхон бўлса ҳам,
хўжжаларда Хосиятхон бўларди. Шу тарзда
сталин йил яшадилар. Дадам ўтганларидан кетди
бир ҳақиқатни билиб қолдим ва юралим ҳайрат-
дан увиниб кетди. Хосиятхон — онамнинг
кундоинининг исми экан. У киши фарзанд кўришда
қазо қилган, иккинчи турмуш бўлган онам ўша
асининг паспортни билан юраверибди.

«Ойижон, исми ундай қилдингиз? Бир улар овра-
нинг исми билан ўтибсиз-а?» дедим, «Ҳай ҳай,
ундай дедим! Ўзи ўшю кетибди, номни ҳам ўшю
кетсинми?» — деб ўзи тин олди-да, еттин кўниб
қўйди: «Дадамнинг кўниси учун шундай қилдим,
шима бўлганда ҳам, кўз ошю кўргани-да!»



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-20-022-0



9 789943 200220